

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ
ДАВЛАТ МУЗЕЙИ
“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ

МУНАВВАР ҚОРИ
АБДУРАШИДХОНОВ ТУРКИСТОН
ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАРИНИНГ
САРДОРИ

*“Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг илмий-педагогик мероси ҳамда Ўзбекистонда таълим тизимини янгилаш ва ривожлантириш муаммолари” мавзuidaги Республика илмий-амалий анжумани материаллари,
2018 йил 26 апрель*

Тошкент
“MUMTOZ SO‘Z”
2018

УЎК: 821.512.133
КБК 82.3(5У)

Туркистон ўлкаси XIX аср охири – XX аср бошларида мустамлакачилик сиёсати оқибатида сиёсий, маданий, иқтисодий таназзулга юз тутди. Ана шундай шароитда вужудга келган жаҳидчилик ҳаракатининг етакчиларидан бўлган Мунаввар қори Абдурашидхонов ўз вақтида нафақат Тошкентда, балки бутун Туркистонда халқ маорифини тараққий эттиришда катта ютуқларни қўлга киритди. Мунаввар қори томонидан илгари сурилган илгор гоёлар, илмий-педагогик қарашлар минг йиллик ўзбек таълим-тарбия услубияти анъаналарини тиклашга хизмат қилди ва бу ютуқларни чуқур илмий ўрганиш, шубҳасиз, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим тизимидаги ислоҳотларда муҳим аҳамиятга молик ҳисобланади.

Мазкур тўпلامга киритилган мақолаларда XX аср бошларида яратилган янги усул мактаблари, дарсликлари ва ўқув қўлланмаларининг янги ўзбек зиёлилари авлодининг шаклланишида М.Абдурашидхоновнинг роли, унинг Туркистонда миллий олий таълим тизимини барпо этиш, туркистонлик ёшларни олий таълим олиш учун Марказий Россия ва Европа мамлакатларига юбориш орқали олий маълумотли миллий кадрлар авлодини яратишдаги хизматлари, шунингдек, унинг “Турон” театри ва “Наири маориф” жамиятидаги маърифатпарварлик фаолияти ҳамда адабий-публицистик асарларидagi меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, фидойилик гоёларининг ҳозирги вақтдаги аҳамиятини ўрганиш назарда тутилган.

Китоб Ўзбекистон тарихининг ўта мураккаб ва зиддиятли даврини тарихчи, сиёсатшунос, адабиётшунос, файласуф ва бошқа соҳа мутахассислари томонидан олиб борилаётган тадқиқотларни тўлдиради ва та-рихан тўғри хулосаларга келишга кўмак беради.

Тахрир хайъати:

Наим КАРИМОВ, Рустам ШАМСУТДИНОВ,
Мурад ЗИКРУЛЛАЕВ, Баҳром ИРЗАЕВ, Абдували ЙЎЛДАШЕВ

Масъул муҳаррир:

Бахтиёр ҲАСАНОВ,
тарих фанлари доктори

Тақризчи:

Саидакбар АГЗАМХОДЖАЕВ

ISBN 978-9943-4718-9-2

© “MUMTOZ SO‘Z”, 2018

**МУНАВВАР ҚОРИ АБДУРАШИДХОНОВ
МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК УЧУН КУРАШ
ЙЎЛБОШЧИСИ СИФАТИДА**

1919 йилдаги январь воқеаси даврида Эски Жўвадаги босма-хонанинг иккинчи қаватида ёшларнинг бирлашган йиғилиши бўлди.

Бу йиғилишда Саъдулла¹ Мунаввар қори билан ўтишиб сўрашади-да: “Мен эсерман, Ватан учун хизматга доимо тайёрман”, – деб айтади. Бу ерда Акмал Икромов раҳбарлигидаги “Изчилар” музика оркестри ҳам бор эди. Музикачилар унинг бошқарувида “Яшасин Мунаввар қори! Яшасин миллат!!” деб ашула айтади.

Тошкентда уни билмайдиган одам йўқ. У жаҳидларнинг буюк кишиларидан бири, “Шўрои Исломия”нинг асосий ташкилотчиси бўлган”.

Тангриқули Мақсудов. Тергов пайтида берган кўрсатмасидан.

Узоқ асрлар мобайнида миллий озодлик учун курашган қайси бир халқ тарихини варақламанг, унинг зобит давлатга қарши исён, ғалаён, кўзғолон ёрдамида курашиб келганлигини кўрамиз. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон аҳолиси ҳам мустақиллик учун курашнинг шундай усулидан фойдаланиши мумкин эди. Аммо тарих бу усулнинг самара бермаслигини, аксинча, исён ёки кўзғолон кўтарган омманинг зобит давлат томонидан қаттиқ жазоланиши муқаррарлигини кўрсатди. Шу даврда Туркистонда вужудга келган жаҳидчилик ҳаракати раҳбарлари бу аччиқ ҳақиқатни яхши билганлар. Шунинг учун улар ҳали ижтимоий онги мудраб ётган, қадди мустамлакачилик зулми остида эзилган ва пароканда ҳолда яшаб келаётган аҳолини, аввало, маърифат булоқларидан баҳраманд этиб, миллатини муайян уруғ, ватанини муайян қишлоқ ёки шаҳардан иборат деб келаётган аҳолини бирлаштириб, уни Ватан, эрк ва хуррият сингари қадриятларни эъзозловчи халқ

¹ Саъдулла – Саъдулла Турсунхўжаев (1891-1937) XX асрнинг биринчи чорагидаги таниқли давлат ва жамоат арбоби.

даражасига кўтариш лозимлигини яхши билганлар. Шу нарса уларни янги тарихий давр бошларида мактаб ва маориф тизimini ислоҳ қилиб, янги усул мактабларини очишга, миллий матбуот, адабиёт ва театрни яратишга даъват этди. Улар шу йўл билан Туркистон аҳолисини маърифатлаштириб, жаҳондаги илғор халқлар даражасига олиб чиқишни ўз олдиларига асосий мақсад қилиб кўйдилар.

Шу тарихий миссиянинг бошида Тошкент жадидлари раҳбари Мунаввар қори Абдурашидхонов турди. У Тошкентда дастлабки жадид мактаби ва жадид газетасини ташкил этибгина, жадид театри пардасини илк бор очибгина қолмай, 1913 йилда Туркистондаги дастлабки маърифий ташкилотлардан бири “Турон” жамиятига, 1917 йилда эса “Турон” заминида “Шўрои Исломия” жамиятига тамал тошини қўйди. Кўп ўтмай, тарихий давр тақозоси билан унинг бевосита иштирокида “Турк адам марказият” партияси ҳамда “Иттиҳод ва тараққий” ташкилоти тузилди. Мунаввар қори Абдурашидхонов берган маълумотга қараганда, 1919 йили Тошкентнинг Қашқар маҳалласига яқин боғларнинг бирида “Иттиҳод ва тараққий”нинг Умумтуркистон курултойи ўтказилиб, унда “Миллий иттиҳод” ташкилотига пойдевор қўйилди.

Мустамлакачилик сиёсати гуллари чаман бўлиб очилган Туркистонда миллий ташкилотларни тузиш осон кечмаган. 1917 йил февралдан кейин ҳокимият тепасига келган большевиклар чор оҳранкасининг кузатувчилик, тазйқчилик ва таҳдидчилик ишларини давом эттириб, шу ташкилот аъзоларининг ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатибгина қолмай, Мунаввар қори ва у раҳбарлик қилган миллий ташкилотларга қарши маълумот тўплаш ва курашишда улардан усталик билан фойдаландилар. Ўзлари ва оила аъзолари ҳаёти хавф остида қолган миллий иттиҳодчилар ГПУ-ОГПУ органлари билан муросада яшашга мажбур бўлдилар. Мунаввар қори айрим миллий иттиҳодчиларнинг ГПУ-ОГПУ органлари томонидан ёлланганини уларнинг ўзларидан эшитгани учун маълум вақт уларни дезиформация - нотўғри маълумотлар билан таъминлаб турди. Аммо Февраль инқилобидан кейин ҳокимиятни қўлга олиш мақсадида тузилган “Шўрои Исломия”дан “Шўрои Уламо” жамияти ажралиб чиққач, “Уламо” хурриятга эришиш йўлида ҳаракат қилишдан кўра Мунаввар қори ва унинг маслақдошларига қарши курашга зўр берди. Идораси Эски шаҳар-

да жойлашган “Шўрои Исломия” ҳатто “Уламо” тазйикидан қочиб, Янги шаҳардаги Дума биносига кўчиб боришга мажбур бўлди. Ҳозир дин ва дин арбобларига катта эътибор берилаётган вақтда айрим тарихчилар “Шўрои Уламо”нинг “Шўрои Исломия” ва унинг раҳбарига қарши олиб борган курашини совет даври тарихчиларининг уйдирмаси сифатида талқин қилмоқдаларки, бу – тўғри эмас.

Мунаввар қори “Хотиралар”идан маълум бўлишича, “Уламо” жамияти тахминан 1919 йилда Нуриддинбек Худоёров билан Ғози Олим Юнусовни Туркияга юбормоқчи бўлган. Бу хабарни эшитган Мунаввар қори “Шўрои Исломия”нинг бир неча аъзолари иштирокида мажлис ўтказиб, Англиянинг Туркистонга кўз тикаётгани, “Уламо” жамиятида эса Англияга яқинлашиш истаги уйғона бошлаганини, агар Туркистон Англия тузоғига илинса, ундан қутулиш мумкин эмаслигини айтади. Шу мажлисдан кейин “Шўрои Исломия”нинг икки аъзоси – Садриддинхон билан Садносир Миржалилов “Уламо” вакилларига қарши ишлаш учун Туркияга юборилади. Бу ҳар икки жамият вакилларининг Истанбулга бориши Туркиядаги иттиҳодчилар ҳукумати йиқилиб, бошлиқлари ҳар томонга коча бошлаган ва Истанбул Европа давлатлари томонидан ишғол этилган даврга тўғри келади. Хуллас, “шўрои ислом”чиларнинг ҳам, “Уламо” вакилларининг ҳам сафарлари натижасиз тугайди. Аммо орадан кўп ўтмай, “Шўрои Исломия” Тошкентдан Убайдулла Хўжаев билан Саидносир Миржалиловни, Самарқанддан эса Маҳмудхўжа Бехбудий билан Мардонкул Шоҳмуҳаммадзода ва Муҳаммадкул Ўринбой ўғлини Туркияга юборади. Лекин бу делегация Бехбудий бошлиқ гуруҳнинг Қаршида амир одамлари томонидан ушланиб, қатл этилиши сабаб Туркияга бора олмайди.

Бу икки воқеа ўзбек зиёлиларининг XX аср бошларида мустақиллик йўлида олиб борган курашларида Туркияга маънавий ва амалий мадад бера олувчи бирдан-бир давлат сифатида кўз тиканларини кўрсатади.

Илмий адабиётда атоқли маърифатпарварнинг сиёсат сахнасига чикиб, 1917-1929 йилларда “Иттиҳоди тараққий” (1917-1920), “Шўрои Исломия” (1917-1918), “Миллий иттиҳод” (1921-1925), “Миллий истиклол” (1926-1929) сиёсий-ижтимоий ташкилотларига раҳбарлик қилгани қайд этиб келинади. Шу ўн йилдан зиёдроқ вақт мобайнида Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида қандай

воқеалар рўй берган бўлса, Мунаввар қори шу воқеаларнинг моҳиятига қараб истиқлол учун кураш тактикасини ўзгартириб, янгилаб келди. 1918 йил февралда Туркистон Мухторияти большевиклар томонидан зўравонлик йўли билан тугатилган бўлса-да, шу йили совет давлатининг аҳволи мушкуллашган, ҳатто Туркия Озарбайжонга бостириб кириб, Боку шаҳрини эгаллаган эди. Музаффар турк қўшинларининг Ўрта Осиёга келиб, миллий истиқлолчиларнинг Туркистонни большевиклар чангалидан қутқариб олишига ёрдам бериши эҳтимолдан холи эмас эди. Тарихий вазиятнинг истиқлолчилик ҳаракатини давом эттириш учун қулай эканлигини сезган Мунаввар қори “Иттиҳоди тараққий” ташкилотини шакллантиришга катта эътибор берди. Унинг ГПУ Ўрта Осиё бўлими бошлиғи Бельский талаби билан ёзилган хотираларида шу ташкилотнинг тузилишига доир бундай маълумот берилган:

“Иттифоқи тараққийпарварон” жамияти. Бу жамиятнинг Февраль инқилоби даврида “Уламо” ғалабасидан сўнгра тараққийпарварларни бирлаштириш мақсади ила тузилганлиги ва уларга бош мақсад қилиб ерлик халқни “жаҳолат ва асоратдан қутқармоқ” жумласини олганлигини, турклар томонидан Боку олинғоч, “парварон” сўзи ташланиб, жамиятнинг исми “Иттиҳоди тараққий” бўлиб кетганини, 19-йил январь воқеаларидан сўнгра кераксиз топилиб, мутавваккил торқолишганлиги ва бу миёнада ишлағон ишларни қисқача ёзмоқ ила баробар уставдан баъзи хотирада қолғон моддаларни ҳам ёзиб берғон эдим”.¹

Мунаввар қори шу сўзлардан кейин жамият муассисларидан 2 таси тошкентлик, 2 таси самарқандлик, 2 таси турк, қолган 2 таси эса козоқ ва туркман бўлганини айтган. Яна унинг маълумот беришича, жамиятнинг “Маркази умумия” ва “Ҳайъати марказия” деган шўъбалари бўлиб, уларнинг биринчиси Тошкентда, иккинчиси вилоят марказларида фаолият кўрсатган; ўз навбатида уларнинг шаҳар ва қишлоқларда шўъба-ю шўъбачалари бўлган. “Иттиҳоди тараққий” яширин жамият бўлгани учун аъзолари жамият раисидан бошқа ходимларни шахсан билишмаган. Мунаввар қори жамиятнинг Тошкент, Беҳбудий – Самарқанд, Мирзоҳид – Фарғона, Хон Явмудский – Туркменистон, козоқ муҳаррири эса Еттисув бўлимларига раҳбарлик қилишган.

¹ Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2003. – Б. 210-211.

Шу вақтда Россияда большевиклар ҳукуматини ағдариб, меньшевиклар ҳукуматини ўрнатгиш учун “оқлар” ҳаракати бошланган эди. Туркистоннинг икки ўт ўртасида қолганини кўрган Англия эса тарих берган имкониятдан фойдаланиб, Марказий Осиёни ҳам эгаллаш режасини ишлаб чиқайтган эди. Шундай мураккаб шароитда “Иттиҳоди тараққий” олдида турган вазифа, Мунаввар қори асл мақсадини яшириш истагида ёзганидек, “Туркистонга шўролар томонидан берилган мухториятни кенгайтириш ва идораларни ерлаштира бориш” эмас, балки большевиклар чангалидан чиқиш учун, истиқлол учун курашни ташкил этиш эди.

1919 йил январда Осипов кўзғолонининг бостирилиши большевикларнинг Туркистондаги ягона бирлашган сиёсий-ижтимоий куч эканлигини кўрсатди ва улар мавқеи бир неча бор кўтарилди. Бу ҳол атрофига кенг халқ оммасини бирлаштира олмаган “Иттиҳоди тараққий” жамиятининг тарқалиб кетишига сабаб бўлди.

“Иттиҳоди тараққий” ва ўша кезларда Мунаввар қори раҳбарлигида тузилган “Бирлик” жамиятлари тарқалғоч, – деб ёзади Мунаввар қори, – биздан айрим қолғон тўда бошлиқлари биз 8-қурултойда “Миллий группа” тузиб, Казаковлар ила курашиб турғон чоқларимизда бизга билдирмасдан “Миллий иттиҳод” жамиятини тузғонлар”.¹

Мунаввар қорининг маълумот беришича, “Миллий иттиҳод”нинг ўз дастур ул-амали бўлмай, жамият “Иттиҳоди тараққий”нинг дастури асосида тузилган низомнома бўйича иш юритган.

Мунаввар қори Бельскийнинг талаби билан “Хотиралар”ида “Миллий иттиҳод” ташкилоти тўғрисида маълумот берар экан, бу ташкилотнинг совет давлатини ағдариб, миллий ўзбек давлатини куриш мақсадини яширмасдан ва турли масалалар билан Бельскийни чалғитмасдан бошқа иложи йўқ эди. Шунинг учун ҳам бизнинг барча сўзларини ҳақиқат сифатида қабул қилмаслигимиз лозим. “Асосий мақсадимиз, – деб ёзган эди у “Миллий иттиҳод” ташкилотининг мақсадини назарда тутиб, – миллий истиқлолга эришмоқ учун ишни муташаккил тарзда олиб бориш мақсадимизда бор эди. Большевиклар эзилганларни озод қилиш учун империализмга қарши курашни шиор қилиб олғон эдилар. Биз шундан келиб чиққан ҳолда шўро ҳукумати билан бирга бўлғондагина ўз мақсадимизга эришамиз, деб ўйлардик. Шулар сабабли ёшларимизни

¹ Кўрсатилган манба. – Б. 216.

фақат шўро ҳукумати идораларида қатнаштириш йўли орқали уларни давлатни бошқаришга ўргатмакчи бўлдик. Шунинг учун ёшларимизни иложи борида кўпроқ давлат идораларига жалб қилмоқчи бўлдик. Биз ана шу йўл билан асл мақсадимиз – миллий истиқлолни қўлга киритиш мумкин, деб ҳисоблардик. Бу шўро ҳукумати билан муроса қилиш тактикаси эди”².

Чиндан ҳам, “Миллий иттиҳод”нинг ўз мақсадига эришиш учун танлаган асосий йўли ўз аъзоларини давлат идораларга жойлаштириш бўлган. Аммо бу – шўро давлати билан муроса қилиш ёки аъзоларини фаол меҳнатга жалб этиш эмас, балки давлат идораларида эгаллаган лавозимларидан ташкилот фойдасига иш-лаш, шундай йўл билан яқин келажакда давлатнинг барча муҳим соҳаларини ўз аъзолари билан тўлдириш ва “осуда” инқилоб йўли билан мустақилликка эришиш эди. Буни, шубҳасиз, ГПУ-ОГПУ ходимлари яхши билишган ва миллий иттиҳодчилар бўйнига тушажак арқонни узун ташлаб қўйишган.

“Хотиралар”дан маълум бўлишича, 20-йилларнинг бошларида у ёки бу идорани ташкилотнинг таъсир доирасига олиш анча осон кечган. “Айниқса, – деб ёзган у, – маориф, адабиёт, матбуот-мафкурани шакллантириш, кадрлар тайёрлаш соҳасида у (хатто бўлажак ходимларни, миллатчи арбобларни етиштириш учун) мактабларда махсус бойскаут ўтрядлари¹ – тўдалар ташкил қилинди. Ташкилот ўз манфаати учун шўро ҳукуматининг мазлумларни озод қилиш, империализмга қарши кураш каби хитобномаларни ҳаётга тадбиқ этишдаги амалий фаолиятдан кенг фойдаланар эди. Ташкилот манфаати бор жойда ҳамкорлик қилинарди (кадрлар тайёрлаш ва бошқалар). Шул билан бирга ташкилот шўро ҳукуматида [қарши] махфий кураш олиб бориб, айниқса, Фарғона, Самарқанд, Бухорода “босмачилик”нинг ривожланиши ва кучайишига таъсир кўрсатарди”².

“Хотиралар”нинг шу вақтгача эълон қилинган қисми билан танишган киши, муаллифнинг ўзининг ҳам, “Иттиҳоди тараққий”, “Иттиҳоди миллий” (“Миллий иттиҳод”) ташкилотларининг ҳам шўроларга қарши олиб борган фаолиятини яшириш ва ГПУ-ОГПУ

² Кўрсатилган манба. – Б. 228.

¹ *Бойскаут ўтрядлари* – ўтган асрнинг 20-йилларидаги ўқувчи болаларнинг ярим ҳарбийлашган отрядлари.

² Ўша жойда.

рахбарларини чалғитишга уринганини, айти пайтда шу ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ айрим махфий ишларни ошкор қилганини кўриб, хайратга тушиши мумкин. Масалан, у юкорида келтирилган парчада “Миллий иттиҳод” ташкилотининг Фарғона, Самарқанд ва Бухорода “босмачилик”нинг “ривожланиши ва кучайиши”га таъсир кўрсатганини очиқ айтган. Агар шу сўзлар билан бошланган лавҳанинг давомини ўқисак “миллатчилик фаолиятини бошқариш ишлари 1923 йилгача Али Расулев, Саидносор ва Шомансуровлардан иборат “тройка” кўлида эди”, “Салимхон ва Азизоданинг “Миллий истиқлол” “тройка”си” сингари иборалардаги “тройка” сўзи ҳар қандай кишини ҳам ўйлантириб кўяди. Шу сўзнинг ўзиёқ Мунаввар қори тузган ёки фаолиятида қатнашган ташкилотларнинг яширин равишда аксилинқилобий ва аксилшўровий ишларни олиб боргани ҳақида муайян тасаввур уйғотади. Аммо Мунаввар қори ҳам, ташкилотнинг бошқа фаоллари ҳам қанчалик яширин ҳаракат қилган бўлмасинлар (ташкилотга аъзо бўлиб киришда Қуръон ва тўппонча билан қасам ичиш, ўзи аъзоси бўлган уч киши (“тройка”)дан бошқа аъзоларни билмаслик, пароль ёрдамида бошқа аъзолар билан алоқада бўлиш каби), ГПУ-ОГПУ органлари уларни ўз айғоқчилари билан шу қадар чирмаб ташлаган ва уларнинг ҳар бир қадамидан хабардор эдиларки, “Хотиралар”да юкоридагидек “сирли” маълумотларни яширишга ҳожат йўқ эди.

Мунаввар қори раҳбарлигидаги “Миллий иттиҳод” ва “Миллий иттиҳод” ташкилотлари аъзоларининг тергов “иш”и билан танишган киши вилоятларда шу ташкилотларга аъзо бўлган кишиларга махсус рақам (номер)лар ва лақаблар берилганини кўради. Масалан, ташкилотнинг Наманган бўлими Абдулла ҳожига 116-А рақами ва “Мулла Зариф” лақабини, Мунижон Ҳақимовга эса 117-М рақами ва “Нурмат” лақабини берган. Бу рақамлардаги ҳарфлар ташкилот аъзоси асл номининг бош ҳарфини англатган. Бундай конспирация унсурлари ташкилот раҳбарларининг, жумладан, Мунаввар қорининг автономия ва бошқа масалаларни ўрганиш учун Финляндияга ёки Россиянинг бошқа шаҳарларига борганида яширин сиёсий кураш йўллари ва усулларини пухта ўрганганидан шаҳодат беради.

Мунаввар қорининг 1930 йил 2 июлда берган кўрсатмасига қараганда, “Миллий иттиҳод” ташкилоти қошида ҳарбий гуруҳ

бўлган ва бу гуруҳ ташкилотни “босмачилар” билан, шахсан, Раҳмонкул кўрбоши билан боғлаб турган.

СССР парчаланиб, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг “босмачилик ҳаракати”га бўлган муносабат бир неча марта карама-қарши томонларга ўзгарди. Агар бу ҳаракат Туркистон Мухториятининг совет давлати томонидан қонга ботирилганига жавоб тарзида бошланганини эътиборга олсак, уни истиқлолчилик ҳаракати сифатида талқин қилиш тўғри бўлади. Лекин кейинчалик бу ҳаракат айрим кўрбошиларнинг халқ ва ватан манфаатини унутиб, шахсий манфаати ва нафсониятини қондириш йўлидан кетганлиги, шунингдек, “босмачилар” либосида қишлоқларга бостириб кириб, аҳолини талаган, аёлларни зўрлаган қизил аскарларнинг хатти-ҳаракатлари билан бадном этилдики, ҳатто тарихчи олимлар ҳам бу ҳаракат ташаббускорлари орасида Мадаминбекдек ватанпарвар ва миллатпарвар халқ лашқарбошилари бўлганлигини эътиборга олмадилар. Совет давлатининг собик “босмачилар”га афв эълон қилиб, қуруллари ташлаганларидан кейин уларни юзсизларча кириб ташлагани эса тамомила унутилди.

Тарих фактлари шундан далолат берадики, Мунаввар қори раҳбарлик қилган сиёсий ташкилотлар Фарғона водийсидаги айрим кўрбошилар ва улар раҳбарлик қилган гуруҳлар билан яқин алоқада бўлган. Тарих фанлари доктори Қаҳрамон Ражабов “Жадид ва уламолар – совет ҳокимиятига қарши қурулли курашнинг ғоявий асосчилари ва ташкилотчилари” деган мақоласида шу масалага доир бундай маълумотни берган: “Туркистон Мухторияти ҳукуматининг халқ маорифи вазири, Намангандаги “Шўрои Исломия” ташкилотининг раҳбари Носирхон Тўра Саид Камолхон Тўра ўғли (1874, Наманган – 1930, Тошкент), ҳукумат ғазначиси Саидносир Миржалилов (1884, Туркистон – 1937, Тошкент), озиқ-овқат вазири Обиджон Маҳмудов (1871, Марғилон – 1936, Қўқон)... ва Садриддинхон муфтий (Садриддинхон Шарифхўжаев, 1878, Тошкент – 1946, Қандаҳор)лар совет тарихида “босмачилар” деб қораланган миллий-озодлик кўзғолончилари билан алоқа ўрнатишди. Улар Фарғона водийсидаги аҳоли орасида ва кўрбошилардан Шермуҳаммадбек, Раҳмонкул ва Парпи кўрбошининг йигитлари ичида бўлиб, уларни совет ҳокимиятига қарши курашга сафарбар қилишда муҳим ишларни амалга оширдилар”.¹

¹ Туркистон жадидчилиги – миллий уйғониш даври тарихи (XIX аср охири – XX аср бошлари). – Наманган, 2012. – Б. 302-303.

Муаллиф шу сўзлардан кейин китобхонларга қуйидаги манба билан танишишни тавсия қилган: “Фарғона ВДА², 435-фонд, 1-рўйхат, 201-иш, 2-варақ”.

“Миллий иттиҳод” ташкилотининг Фарғона водийсидаги “босмачилар” гуруҳига махсус топшириқ билан юборилган аъзоларидан бири Обид Саидовдир. У 1929 йили “қосимовчилар” устидан ўтказилган суд жараёнида сўзга чиқиб, “босмачилар” ўртасида фаолият олиб борган юртдошлари ҳақида мукаммал маълумот берган. ГПУ айғоқчиси бўлмиш бу кимса ўша йил 27 ноябрда берган кўрсатмасида “босмачилар” қароргоҳига илк мартаба берган кунини эслаб, бундай деган:

“...Белгиланган жойда Исроилов билан учрашгач, Пискентга йўл олдик. Пискентда тунаб (кимнинг уйидалигини билмайман), эрталаб йўлга чиқдик. Мурот-Алининг Жарқишлоғидан ўтиб, тоққа кўтарилдик. Панзор қишлоғида босмачилар билан илк бор учрашдик. У ерда Раҳмонунинг укаси Турсунбой кўрбоши кўмондонлик қилган 200 кишидан иборат шайка бор экан. Менда шахсан шу кўрбошига берадиган ҳеч қандай топшириқ бўлмаган, аммо Исроилов у билан алоқа қандайдир музокарани олиб борди. Биз шу шайка жойлашган ерда тунаб, сўнг бир неча йигитлар ҳамроҳлигида йўлда давом этдик. Пайшанбе томонга қараб юрдик. Ўша ерга кетишда Исроиловга қувиб етаман деб уни отдан йикитиб юбордим...

...Кейинги кун эрталаб биз Раҳмонул кўмондонлик қилган босмачилар манзилига етиб бордик. Раҳмонкул Исроировдан Толибжон Мусабоевнинг сиҳат-сломатлигини сўради. Исроиров унга зарур маълумотларни бериб: “Ҳамма қахрамонни дуо қилмоқда”, деди (Раҳмонқулни назарда тутиб). Кейин у яқинда Исфандиёрнинг Тошкентга келишини айтди. Исфандиёров МК³ билан кўрбошилар ўртасида алоқачи бўлиб, босмачиларга қурол-яроғ етказиб тураркан. Исроировнинг сўзига қараганда, Исфандиёров шу кунларда бир-икки киши билан бирга қурол олиб келаркан. Шундан кейин Исроиров совға-салом олиб, қаергадир кетди. Маълум бўлинича, Исроиров Тангриқулхўжа билан Усмонхўжани олиб келиш учун Тошкентга жўнаган экан, кўп

² ВДА – вилоят давлат архиви.

³ МК – Марказий Комитет. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг марказий органи

ўтмай, улар Раҳмонкулнинг қароргоҳига келиб, бизга қўшилишди, кутилмаганда каердандир Садриддинхон ҳам етиб келди.

Садриддинхон Тангрикулхўжадан Тошкентда большевикларнинг XII курултойи ўтаётганини эшитиб, Раҳмонкулга Фарғона вилоятида мухториятни тузишни талаб қилиб, курултойга ультиматум юборишни таклиф этди. Садриддинхон айтиб турди, “коммунист” Усмонхўжа Тўхтаўжаев эса шу ультиматумни ёзди. Шу пайт Исфандиёров МК номидан Раҳмонкулнинг болаларига бир хуржун совғалар билан қурол-яроғларни олиб келди. Қурол-яроғ Раҳмонкулнинг пулига сотиб олинган эди.

Ёзилган ультиматумни почта орқали партия курултойига юбориш Исфандиёровнинг зиммасига юкланди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Раҳмонкул Тангрикулхўжа ва Усмонхўжани олиб, йигитлари билан Чафтонга бормоқчи бўлиб турганида, кутилмаганда Ислом кўрбоши (кўқонлик бандит)дан чопар келиб қолиши бизни йўлдан тўхтатиб қўйди: бу чопар большевиклар, шу жумладан, ўр. Зиновьев билан музокаралар белгилангани ҳақидаги хабарни олиб келган эди. Ислом кўрбоши [Раҳмонкулдан] ўз вакиллари юборишни сўрапти. Делегатларни юбориш ҳақидаги буйруқ аслида Кўршермат номидан келган экан. Мен, Садриддинхон, Раҳмонкулнинг акаси Муҳаммад Содик Холов ва отрядлардан бирининг бошлиғи понсодбоши Сулаймонкул вакиллар этиб тайинландик.

Биз йўлга чиқиб, Кўқон орқали кўрбоши Ислом бойваччанинг Қорадарё яқинидаги қароргоҳига бордик. Садриддинхон Ислом бойвачча билан бошқа хонада музокара олиб борди...”

Обид Саидовнинг шу кўрсатмаси билан танишган киши Мунаввар қори раҳбарлик қилган “Миллий иттиҳод” ташкилотининг “босмачилар” билан алоқа ўрнатганлиги ва имкон даража-сида уларнинг хатти-ҳаракатларини муайян ўзанга буришга ҳаракат қилганларига ишонч ҳосил қилади.

Обид Саидовнинг кўрсатмасидан яна шу нарса маълум бўладики, Раҳмонкул кўрбоши сингари “босмачилик ҳаракати” раҳбарлари Туркистон ҳукуматидаги айрим шахслар ва ташкилот МК ёрдамида қурол-яроғ сотиб олишган ва маҳаллий ҳокимият томонидан қўллаб-қувватланган. О.Саидовнинг айтишича, айрим маҳаллий раҳбарлар томонидан қўллаб-қувватланган Кўршермат

ҳатто бояги большевиклар билан музокарада қатнашишни ҳам ўзига эп кўрмаган.

Шу ўринда айтиш керакки, “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси Обид Саидовнинг “косимовчилар” устидан бўлиб ўтган судда хоинлик қилиб, “босмачилар” билан ҳамкорлик қилган “миллий иттиҳодчилар”ни фош этиб чиқиши ва ГПУга уларнинг номнаом рўйхатини бериши Туркистон зиёлиларини ларзага келтирган.

“Миллий иттиҳод”нинг кўзга кўринган аъзоларидан бири Салимхон Тиллахонов 1930 йил июнида бўлиб ўтган терговда Турор Рискуловнинг Туркистон Халқ Комиссарлари Советига раис этиб тайинланган кунлар (1922-1924)ни назарда тутиб, бундай деган:

“Рискулов Туркистонга келганидан кейин Мунаввар қори Абдурашидов, Саъдулла Турсунхўжаев ва Туркистоннинг бошқа кўзга кўринган, обрўли кишилари билан учрашган. Шу учрашувдан кейин жаҳид зиёлиларининг тактикаси мутлақо ўзгарган. Шу суҳбатдан кейин Мунаввар қорининг жаҳид зиёлиларининг айрим вакилларига берган топшириғи, асосан, қуйидагилардан иборат:

“ВКП(б) МК Рискуловнинг Халқ Комиссарлари Совети раиси этиб тайинланиши муносабати билан унга бир неча, жумладан: 1) Туркистонда давом этаётган босмачилик ҳаракатини тўхтатиш ва 2) яширин жаҳид ташкилоти фаолиятига нуқта қўйиш.

Чиндан ҳам (деган Мунаввар қори давом этиб), бундан кейин ташкилот фаолиятини ва босмачилик ҳаракатини давом эттириш ақлдан эмас. Шунинг учун биз бу фаолиятга чек қўйиб, ақл-фаросат билан ишлашимиз лозим. Туркистондаги барча жаҳидлар шундан келиб чиққан ҳолда бугундан бошлаб босмачилик ҳаракатига қарши ҳаракат қилишлари, бу ҳаракатни кўллаб-қувватлашдан воз кечиб, босмачиликка кўрсатаётган ёрдамни тўхтатишлари лозим. Шуни ҳамма жаҳидлар билишлари зарур. Зеро, Рискуловга буларнинг ҳаммасини бошловчилар қўли билан йўқотиш бекорга топширилмаган. Шунинг учун бу ишга жуда жиддий қараш ва бор куч билан фаоллик кўрсатиш лозим”.

Мунаввар қори берган шу топшириқдан кейин жаҳидлар ҳамма жойда “босмачилик ҳаракати”нинг давом эттирилишига қарши ҳаракат бошладилар. Чўлпоннинг 1923 йили Андижонга бориб, “босмачилик”ка қарши курашиш мақсадида ташкил этилган “Дархон” газетасида ишлаши тасодифий эмас. Шу масалада, ай-

никса, фарғоналик жадидлар “Миллий иттиҳод”нинг Фарғона вилояти бўлими раиси Хусайнхон Ниёзий раҳбарлигида фаоллик кўрсатдилар. Бошқа шаҳар ва вилоятлардаги жадидлар эса “босмачилар” билан қарийб бевосита алоқада бўлмаганлари учун уларга қарши ташвиқот қилиш билангина чекландилар.

Шундай тадбирлардан сўнг Фарғона водийсида “босмачилик ҳаракати”га чек қўйилади.

“Босмачилик ҳаракати”нинг тугатилиши ва ташкилотнинг расман тарқатилиши билан асосий мақсад кун тартибидан олиб ташланмади. Мунаввар қори ташаббуси билан “Шўрои ислом” ва “Миллий иттиҳод” ташкилотларида бошланган иш “Нашир маориф” ва “Кўмак” жамиятлари, шунингдек, “Миллий истиқлол” ташкилоти томонидан давом эттирилди. Аммо шу тўғрида сўзлашадан аввал шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўша йилларда хорижда яшаётган Мустафо Чўқаев, Садриддинхон сингари муҳожирларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларни Туркистонда кечаётган сиёсий ҳаёт ҳақидаги ахборот билан таъминлаш, умуман, Туркистоннинг маҳаллий аҳолисига хайрихоҳ хорижий мамлакатлар билан алоқада бўлиш ташкилотнинг диққат марказида турган.

Мунаввар қори 1930 йил 15 июнда берган кўрсатмасида шу масалага дсир бундай сўзларни айтган: “Биз советларга қарши фаолиятимизни Ўзбекистондан чет элга кўчиришни ва шу мақсадда Чўқаев, Заки Валиди, Садриддинхон мисолида хориждаги муҳожирлар билан ҳамкорлик қилишни кўзда тутганмиз... Саидносир айтганидек, Чўқаевга 100-200 сўм пулни юборишдан кўра, газета ва журнал материалларини юбориш кўпроқ фойда келтиради. Чўқаев пулдан кўра биз юборган материаллардан ишнинг йўлга қўйилишида унумли фойдаланиши мумкин.

Шу билан бирга айтишим керакки, орамизда хориж билан алоқа қилиш ҳақида энг кўп гапирган одам Убайдулла Хўжаев билан Саидносирдир, мени кўпроқ маҳкамани ўз қўлимизга олиш, керакли одамларни тайёрлаш, маҳкамани ўз одамларимиз билан тўлдириш, Эсон афандини эса – мактабларда миллий тарбия масаласи кўпроқ қизиқтирган. Матбуот, адабиёт масалалари ҳаммамизни бир хил даражада банд этган...

...Муҳожирлар билан алоқани Афғонистон ва Эрон консулхоналари ёрдамида амалга ошириш керак. Дарвоқе, менга афғон консулхонаси, Али Расулев ёки Саидносирга Эрон консулхонаси

билан алоқага кириш топширилган. Агар биз шу йўл билан хорижий алоқани ўрнатиш имконини топмасак, ахборотни етказиш вазифаси юкланган махсус одамларни Эрон билан Афғонистонга юбориш ва Ўрта Осиёнинг ички сиёсий аҳволига доир ахборотни шу мамлакатлар матбуоти саҳифаларида ёки уларни Чўкаевга юбориб, Фарбий Европа матбуотида эълон қилишни назарда тутганмиз”.

Бахтиёр ҲАСАНОВ

*ЎР ВМ ҳузуридаги Қатагон
қурбонлари хотираси давлат музейи
директори, т.ф.д.,*

МУНАВВАР ҚОРИ АБДУРАШИДХОНОВНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИГА ДОИР

XX аср бошларида Туркистонда содир бўлган миллий уйғонишнинг энг буюк дарғаларидан бири шабҳасиз Мунаввар қори Абдурашидхон ўғлидир. Маълумки, мустабид шўро тузуми илк кунлариданок Мунаввар қорини ўзининг асосий рақиби сифатида кўрди ва у билан курашга киришди. Ўлкада ҳокимиятини мустаҳкамлаб олгач эса, биринчи бўлиб амалга оширган оммавий катагонларидан бири бу Мунаввар қори Абдурашидхонов бошлик 84 нафар ўзбек тараққийпарварларнинг миллий маҳв этилиши бўлди. Совет мафкурачилари Мунаввар қори Абдурашидхонов жисмонан йўқ қилинганидан сўнг ҳам хотиржам бўла олмади. Унинг ўзбек халқи онгига сингдириб кетган миллий истиқлол мафкурасининг илдиз отиб кетишидан кўркиб, 70 йилдан ортиқ ўзи мавжуд бўлган ҳаёти давомида сергаклик билан уни ошкора ва яширин ҳолда таъкиб этди. Энг кизиғи шўро тарихида “илиқлик даври” деб ном олган ва кўплаб сталинча катагон сиёсати қурбонлари оқланган вақтида ҳам Мунаввар қори масаласи ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Фақатгина совет ҳокимиятининг сўнгги кунларига келиб, миллий зиёлиларнинг тинимсиз кураши эвазига Мунаввар қори Абдурашидхонов расман оқланди. Бугун орадан яна қарийиб 30 йил ўтиб, биз бу мўтабар зотнинг таваллудининг 140 йиллик санасини нишонлаш мақсадида тўпланиб турибмиз.

Анжуманда қатнашаётган олимларимиз ичида Мунаввар қори шахси, фаолияти ва ижодиёти билан халқимизни таништирган инсонларни кўришдан мамнунмиз. Айниқса, ёшларимиз, илмга эндигина қадам қўяётган магистер ва юртимиздаги етакчи илм даргоҳларида дарс бераётган устозларни ҳам ушбу қутлуғ сана билан муборакбод этамиз.

Биз Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг ҳаёти, сермахсул фаолияти ҳақидаги маълумотларни тақдим этишни маърузачиларимизга қолдирган ҳолда бугунги кунда миллий тарих фанимиз олдида турган муҳим вазифалар ҳақида тўхталмоқчимиз. Албатта, ўтган даврда Мунаввар қори Абдурашидхонов ҳақида олимларимиз томонидан катта ишлар амалга оширилган. У ҳақида кўплаб мақолалар ёзилган, ҳатто танланган асарлар тўплами ҳам чоп этилган. Бирок, муаммо шундаки, биз бу билан чекланиб қолсак Мунаввар қорининг Ватанимиз тарихидаги улкан хизматларини тўлиқ тасаввур эта олмай қоламиз.

Биз бугун Мунаввар қорининг маърифатчилик, театрчилик, матбуотчилик, педагогик ва ноширлик фаолияти бир қадар ўрганилган деб биламиз. Шунга қарамай бу борада ҳам қилинадиган ишлар етарли. Назаримизда унинг ёзган асарлари, маҳаллий матбуотдаги барча мақолаларини жамлаб, “Тўла асарлар тўпламини” тўлдирилган ҳолда қайта нашр этиш мақсадга мувофиқдир.

Энг муҳими эса унинг сиёсий фаолиятидир. Мунаввар қори ўзининг ОГПУнинг Шарқ бўлими масъул мулозими Агидуллинга аризасида “Иттиҳоди тараққий”нинг пайдо бўлишини куйидагича ёзади: “ ... 1917 йил феврал инқилобидан сўнг “Уламо жамияти” билан кураш жараёнида барча тараққийпарварларни бирлаштириш йўлида “Иттиҳоди тараққийпарварон” ташкилоти тузилган эди. Уни дастлаб етти киши турклардан Усмонбек ва Ҳайдар Шавқий, Тошкентдан мен-Мунаввар қори ва муфти Садриддинхон, туркман Хон Явмудский, Самарқанддан Бехбудий, Фарғонадан Мирзоҳид Мироқиловлар тузган эдик. Ташкилот “учлик” тизими асосида ишлаб, ташкилотнинг барча аъзоларини фақатгина раис билган...”. Умуман, Туркистон Мухторияти қонли бостирилгач, Усмонбек қайта мажлис чақиради ва 1918 йилдан ташкилот фаолиятини янгидан йўлга қўяди. Совет фитна усталари ташкилот ичига ўзларининг хуфяларини жойлаштиришининг олдини олиш мақсадида улар ташкилотга қабул қилиш тартибини ишлаб чиқа-

дилар. Бундан асосий мақсад ташкилот аъзоларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва унинг махфийлигига эришиш эди. Қабул маросимига кўра янги аъзо ташкилот низоми билан таныштирилган, револьвер ва Куръони Карим билан касам ичиши зарур бўлган. Бу гал ташкилот фаолиятида Саъдулла Турсунхўжаев, Отахон Назиров, Файзулла Хўжаев, Тангрикул хожи Мақсудий, Каюм Рамазон, Салимхон Тиллахонов, Абдулла Авлоний, Саид Ахрорий, Эшонхўжа Хоний, Нажмиддин Шераҳмадбоев, Абдулхай Тожиев, Садриддинхон муфти Шарифхўжаев кабилар фаол иш олиб борганлар. Ташкилот аъзолари тезлик билан кўпайиб боради.

Ташкилот 1918 йил баҳорида большевикларга қарши сиёсий курашда муваффақиятга эришиш мақсадида сўл эсерлар партияси билан сиёсий блокка киришга қарор қилади. Боиси, большевиклар мустамлакачи кайфиятдаги ҳар қандай кимсани маҳаллий тараққийпарварларга қарши ўз тарафига оғдириши мумкин эди. Ана шундай бир шароитда “Иттиҳоди тараққий” сиёсий курашда учинчи партия сифатида иштирок этмоқчи бўлади. Улар сўл эсерлар партиясининг барча тадбирларида фаол иштирок эта бошлайди. Мунаввар қори Абдурашидхонов ташаббуси билан кўплаб маҳаллий миллатлар вакиллари сўл эсерлар партиясига киради. Бу билан маҳаллий ёшларнинг улардан сиёсий кураш амалиётини ўзлаштириш мақсади ҳам кўзланган эди. Боқунинг турк кўлинлари идорасига ўтиши билан ёшларда янги умид пайдо бўлди. Энди ташкилот “Иттиҳоди тараққий” номи билан иш кўра бошлайди. Бирок, “Иттиҳоди тараққий” раҳбари Усмонбек советлар томонидан қамоққа олинади. “Иттиҳоди тараққий”нинг янги раис этиб Юсуф Зиёбек сайланади. У Истамбулга “Иттиҳоди тараққий” номидан муфти Садриддинхонни йўлайди. Садриддинхон етарли муваффақият қозона олмагач, “Иттиҳоди тараққий” Туркияга янги бир гуруҳни йўллашга қарор қилади. Гуруҳга Тошкентдан Убайдулла Хўжаев, Саидносир Миржалиловлар, Самарқанддан Маҳмудхўжа Бехбуди икки нафар йўлдоши билан бориши белгиланади. Бирок, Бехбудий сафар вақтида Қаршида тутиб олинади ва ваҳшийларча қатл этилади. Убайдулла Хўжаев Москвада, Саидносир Тифлисда сарсон-саргардон бўлиб Тошкентга қайтадилар. Хуллас, уларнинг бирортаси кўзланган манзилига етиб бора олмадилар. Шу тариқа тараққийпарварларнинг режаси Туркистон Мухторияти бостирил-

ганидан сўнг иккинчи маротаба советлар томонидан барбод этилади.

Сўл эсерлар ва миллий тараққийпарварларнинг иттифоқи ҳам заиф бўлиб чикди. Большевиклар фитнаси туфайли сўл эсерлар маҳаллий тараққийпарварларга нисбатан ишончсизлик билдира бошлайди. 1919 йил январь ойида Осипов исёнидан сўнг большевиклар қирғин ва қатағонни янада авж олдирди. Асосий сиёсий рақиби бўлган сўл эсерларнинг деярли барча раҳбарларини қиличдан ўтказди. Шу жараёнда ўз ҳокимиятини Туркистонда анча мустаҳкамлаб олган совет ҳукумати энди асосий эътиборини маҳаллий тараққийпарварларни таъқиб этишга қаратади.

Туркияда “Иттиҳод ва тараққий” ҳокимиятдан ағдарилгач, умидини узган Зиёбек Туркистон тараққийпарварларининг “Иттиҳоди тараққий” ташкилоти фаолиятини тўхтатиб қўйишга мажбур бўлади. Бирок, маҳаллий ёшлар умидини узмади ва “Бирлик” номи билан очик жамият тузади. Айни пайтда улар Мунаввар қори ташаббуси билан компартияга кириб, совет ҳукумати идораларига ишга ўта бошлайдилар.

Мунаввар қори дастлаб Туркистон Республикаси Маориф комиссарлигида, сўнг Турор Рискулов раҳбарлигидаги Мусбюро таркибида ишлайди. 1920 йил советларнинг VIII курултойида маҳаллий тараққийпарварлар “Миллий гуруҳ” тузиб, курултой ишида қизил мустамлакачиларга қарши фаол кураш олиб боради. Мунаввар қорининг эҳтимолига кўра ташкилотнинг “Миллий иттиҳод” деб номланишига қуйидаги сабаблар мавжуд. Биринчидан, советларнинг VIII курултойида шаклланган “Миллий гуруҳ” ўзагида бу ташкилот шаклланган ва бу ном остида Туркистоннинг маҳаллий миллатлари вакилларининг қизил империяга қарши ягона фронтга бирлашганлигининг ифодасидир. Иккинчидан барча мусулмонлар ўзбек, козок, қирғиз, туркман, тожикларнинг миллий бирлигини назарда тутган. Учинчидан, Туркистонда яшаган уни ватаним деб билган барча миллатларнинг ягона иттифокқа бирлашганини англатади. Дарҳақиқат, қасамёд маросимида ҳам мусулмон бўлмаган янги вакил учун Қуръони Карим бўлмаслиги кўрсатилган ҳоли ҳам мавжуд. Бу эса учинчи эҳтимол ҳам мавжуд бўлганлигини англатади.

Туркистон ҳукумати раҳбарлари Турор Рискулов ва Саъдулла Турсунхўжаевлар асосан Туркистон Республикаси учун миллий

мухторият берилишини талаб қилади. Совет маъмури Кобезев 1920 йил советларнинг VIII курултойи давомида ўзини маҳаллий тараққийпарварлар томонида тутди. Бироқ, унинг асл мақсади ўзининг сиёсий рақиблари шовунистик кайфиятдаги Казаков ва Успенскийларга нисбатан позициясини мутаҳкамлаб олишдан иборат эди. Кобезев курултой давомида асосан совет ҳукуматининг Шарк сиёсати ҳақида сўзлашдан нарига ўтмади. Туркистондаги аҳволдан хабар топган Марказ мавжуд аҳволни ўрганиш учун жуда катта ваколатлар билан ўлкага Элиава бошлиқ Турккомиссияни йўллади. Натижада Туркистонда янада кенгрок сиқув ва зўравонликлар амалга оширилиб, маҳаллий ҳукуматнинг деярли барча ваколатлари тортиб олиб қўйилиш даражасига бориб етади. Мавжуд вазиятдан норози бўлган Турор Рискулов ва Низомиддин Хўжаевлар Турккомиссия фаолиятидан норози бўлиб, Москвага йўл оладилар. Бироқ, Марказ ҳеч қандай чора кўришни хоҳламайди. Шундан сўнг 1920 йил сентябрь ойида Боку конференциясида Т.Рискулов бу масалада яна маъруза қилади. Конференцияни бошқарган Зиновев эса масалани Москвага ҳавола этади. Москва кўп ўтмай Турккомиссияга янги бошлиқ этиб Г.Сафаровни юборади. Г.Сафаров вазиятни ўрганиш жараёнида Т.Рискуловга тўлиқ қарши чиқади. Ҳукуматни Назир Тўрақулов ва Султонбек Хўжановлар раҳбарлигидаги янги гуруҳга топширади. Туркистон Республикасида раҳбар лавозимларда бўлган Саъдулла Турсунхўжаев, Али Расулев, Юсуф Алиев, Отахон Назировлар қаторида Мунаввар қори Абдурашидхонов ҳам Бокудан қайтиши билан Тошкентдан Бухорога чиқариб юборилади. Бу пайтда “Миллий иттиҳод” ташкилотини Тошкентда муфти Садриддинхон, Муҳаммадбек, Сулаймон Сомийлар юрита бошлайди. Шу ўринда “Миллий иттиҳод”нинг истиқлол курашчилари билан алоқалари масаласи ҳам муҳимдир. Боку конференциясидан сўнг “қизил мустамлакачилар”нинг асл мақсадини англаб етган кўшлаб ватанпарвар ёшлар совет идораларини ташлаб қўлига қуроли тутиб она Ватан истиқлоли учун ҳаёт мамот курашига отланади. Туркистон ҳукумати раҳбарлари ҳамон қийин вазиятда совет ҳукумати билан сулҳ тузиш умидидан воз кечмаган эди. Садриддинхон улар билан яширин келишган ҳолда қўлига қуроли тутган миллий озодлик ҳаракати раҳнамолари билан алоқага киришади. Бироқ, душман яна бир қадам олдинда эди. Кўрбошилар орасида бўлган оқ офицерлар

ичида ҳам, оддий маҳаллий йигитлар ичида ҳам совет идоралари томонидан ёлланган чекистлар бўлиб, барча жараёни қизил армия қўмондонларига етказиб туришар эди.

Садриддинхон Раҳмонкул кўрбошининг олдига бориб барча кучларни бирлаштиришга чақиради. Раҳмонкул ва Ислом паҳлавонлар билан бирга Шермуҳаммадбек билан учрашади. Кувалик Бокижонбой, Рустам ҳожи, Камол қозилар иштирокида ўтган илк музокарада Бокижонбой Садриддинхондан большевикларга қўйиладиган шартларни сўрайди. Садриддинхон 1. Фарғонага мухторият бериш 2. Ҳарбий бошқарувни русларнинг аралашувисиз маҳаллий аҳолига топшириш, хуллас 13 банддан иборат ультиматум шартларини ўқиб беради. Бокижонбой большевиклар ҳар қандай ҳолатда бу шартларни бажармаслигини айтади. Кейин улар бизга қандай шартларни қўяди деган мулоҳазалар билан Шермуҳаммадбек большевиклар билан алоқадан бош тортади. Шермуҳаммадбек (бизнингча, бу ҳам қизиллар фитнаси) Авғон подшоҳидан ёрдам кутади. Уч кун Шермуҳаммадбек ёнида бўлиб ҳеч нарсага эриша олмаган Садриддинхон қайтишда большевиклар томонидан қидириляётганини эшитади...

Бухорода иш бошлаган Туркистон вакиллари учун ҳам вазият осон кечмади. Аввало, уларнинг ҳар бир қадами ЧК хуфялари томонидан назорат қилинар эди. Бу ҳам етмаганидек маҳаллий аҳоли ўртасида Туркистондан борган вакилларга нисбатан турли фитна-фасодлар уюштирилади. Улар мана шундай сиқув остида иш олиб борар эдилар. Ташкилотдан большевиклар таҳдиди остида Муҳаммадбек ва Сулаймонбек чиқиб кетади. Муфти Садриддинхон иложсиз Тошкентдан чиқиб, миллий озодлик курашчилари сафига қўшилади. Ўзининг устидан жиноий иш очилганини эшитган Садриддинхон 1921 йил камокқа олиниши олдида Туркистонни тарк этиб Эронга чиқиб кетади. Мавжуд вазиятда Мунаввар қори Бухоросдан чақириб олиниб, 1921 йил 31 мартда Тошкентда камокқа ташланади ва 8 ой давомида камокда бўлади. Тошкентда Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг камокқа олиниши жуда катта норозиликларни келтириб чиқаради. Бир қатор намойишлар ташкил этилди. Халқнинг оташин шоири сифатида эндигина танила бошлаган Боту “Гулёр” шеърини битди. Халқона оҳангга солинган шеър содда тили билан кўпчиликнинг эътиборини қозонди. Шеър кўплаб тараққийпарвар ёшлар ва ўқувчилар томо-

нидан ёд олинган ва йиғлаб куйланган эди. Совет ҳукумати 1921 йил декабрь ойида Мунаввар қорини озодликка чиқаришга мажбур бўлади. Совет турмасидан оғир бир ҳолда қутилган Мунаввар қори бир муддат даволанганидан сўнг 1922 йил ўрталарида Тошкент шаҳрига келиб, Эски шаҳар ижтимоий тарбия бўлими мудури вазифасида иш бошлайди.

Обиджон Маҳмудов 1934 йил 22 сентябрь куни “Миллий иттиҳод” ташкилоти хусусида: “1919 йил Тошкент шаҳрида Қашқарлик маҳалласида “Иттиҳод ва тараққий”нинг таъсис съезди бўлди. Унда Бухородан Мусо Саиджонов, Фитрат, Абдуқодир Муҳиддинов, Қори Йўлдош Пўлотовлар, Самарқанддан Ақобир Шомансуров, Муродхон Аълохўжаев, қози Ҳайдарбек Абдусайдов, Хивадан Беғижон ва яна бир киши, Ашхобод ва Марвдан 3 киши, Тошкентдан Саъдулла Турсунхўжаев, Мунаввар қори Абдурашидхон, Салимхон Тиллахонов, Толиб Мусожонов, Эшонхўжа Хонхўжаев, Миёнбузрук Солиҳов, Саидносир Миржалилов, Қўқондан мен-Обиджон Маҳмудов, Муҳаммадхўжа Холиқий, Юнусжон Оғалиқов, турклардан Маматбей, Ҳайдар Шавқий кабилар қатнашган эди. Улар “Иттиҳоди тараққий”ни “Миллий иттиҳод” номи билан алмаштирди ва янги бир ташкилот деб эълон қилдилар. Мажлиснинг якуний қарорига кўра Туркистон минтақасини тезлик билан равақ топтириш учун камида 1 млн халқни Туркия ва Германияга ўқиш ва ишга йўллашни маъқул топдилар. Мазкур ташкилот ярим махфий ҳолида 1922 йилгача фаолият олиб борди”.

Обиджон Маҳмудовнинг фикрича 1922 йил сентябрда Тошкентнинг Шайхонтохур даҳасида Садриддинхон маҳдумнинг уйида яна бир йиғин ташкил этилади. Унда Мунаввар қори Қори Абдурашидхонов, Миён Бузрук Солиҳов, Отахон Назиров, Салимхон Тиллахонов, Толиб Мусажонов, Эшонхўжа Хонхўжаев, Тошпўлотбек Норбўтабеков, Саъдулла Турсунхўжаев, Юсуф Алиев ва бошқалар келади. Мажлисда Туркистонда совет ҳокимиятининг мустақамланиб бориши ва вазиятнинг оғирлашиб бораётганлиги туфайли Обиджон Маҳмудов ташкилот фаолиятини тўхтатишни талаб қилади. Шундан сўнг амалда “Миллий иттиҳод” тарқалиб кетади.

Ботунинг вариантида эса “Миллий иттиҳод” 1919 йил охирида “Изчи тўдаси”дан ажралиб чиққан. Демак, бу масалани

ёритиш ҳам алоҳида ва изчил тадқиқотга муҳтож деб ўйлаймиз. Яна қабул маросими юзасидан 1934 йил 21 июл Ғ.Ёқубовнинг чисткасидаги стенограммада ёзилишича Ғулом Ёқубов 1918-21 йилларда “Миллий иттиҳод”да бўлган. Эски шаҳарлик доришунос, кейинчалик ГССР наркомздравда бўлим мудири бўлган Мусоҳон Миразимовнинг уйда икки одам оқ матога ўралгани ҳолда Қуръон ва револьвер билан “Миллий иттиҳод”га қабул қилингани ҳақида қасам олганини айтади. Уларнинг бири унинг тахминича Ҳайдарбек (Шавқий-турк асири) бўлган ва иккинчисини таний олмаган. Ғулом Ёқубов уларнинг ёнида истиқлол учун жон фидо бўлишга қасам бераганини айтади.

Мунаввар қорининг Афғонистон ҳукумати билан алоқалари ҳам муҳим. Афғонистон сиёсий доиралари ҳам Туркистонда Мунаввар қори ва унинг атрофида жамланган тараққийпарварлар ҳақида етарли даражада маълумотга эга эдилар. Бирок, ўлкада шўро ҳукуматининг мустаҳкамланиб бориши ва Афғонистонда ички беқарорлик, Буюк Британия хавфининг ортиб бориши ўртада расмий алоқаларнинг ўрнатишига имкон бермади. Шунга қарамай 1919 йил акаси Аъзамхон Абдурашидхоновнинг (1872-1919) вафоти муносабати билан Тошкентдаги авфон элчихонаси тўлиқ таркиби билан Мунаввар қорининг уйига ҳол сўраб келган. 1925 йилдан совет матбуоти Мунаввар қорига нисбатан мафқуравий хужумни авж олдирди. У педагогик фаолиятини тўхтатиб ишсиз қолдирилгач, 1928 йил авфон элчиси Ғулом Жейлоний билан учрашади. Умуман бу масалада ҳам ўрганилиши зарур бўлган нуқталар кўп деб ҳисоблаймиз.

1928 йил бошида ОГПУ раҳбари Бельский Мунаввар қори билан учрашиб, ундан “Миллий иттиҳод” умуман ўзи раҳбарлик қилган аксилинқилобий ташкилотлар тарихини ёзиб беришини сўраган. Мунаввар қори бу таклифга рози бўлади ва ўзи ёзадиган асарни тахминий 3 қисмга бўлади. Бу 1917 йил Февраль инқилобигача Туркистондаги сиёсий ҳаракат; 2-қисми Февраль инқилобидан то Октябрь инқилобигача бўлган давр; 3-қисми 1917 йил Октябрь инқилобидан то 1928 йилгача даврни ўз ичига қамраши керак эди. Афтидан Мунаввар қорида бу ғоя аввалдан бўлган ва ўзи билан кўплаб материалларни олиб юрган. Бу таклиф баҳона эса жуда кўплаб собиқ сафдошлари билан қайта кўришиб, ҳатто Ф.Хўжаев билан ҳам бир неча мартаба учрашади.

Мунаввар қори қўлқоп тикиб рўзгор тебратиб, ўта оғир иқтисодий шароитда ёзган 1-даври 1929 йилнинг бошида ОГПУга топширади. Албатта, у бу ишнинг Туркистон тарихи учун ҳам зарурлигини англади. Бизнингча Мунаввар қорининг мазкур асари ёхуд унга оид ҳужжатлар бугунги кунда қидирилса топилиши эҳтимоли мавжуд. Фикримизни 1930 йил 10 апрелдаги Мунаввар қорининг ишончли шогирди Салимхон Тиллахоновнинг кўрсатмалари ҳам тасдиқлайди. Унда ёзилишича қамокқа олинишидан 2-3 ой аввал Мунаввар қори барча одамларига қимматли тарихий ҳужжатларни тўпланг, бу тарих учун керак бўлади. Уларни кўздан узок бирор қишлоққа юбориб, яшириб ташласинлар, деб кўрсатма беради.

Хуллас Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг сиёсий кураш усули нихоятда мураккаб ва кўп қирралидир. Айтиш мумкин-ки, Мунаввар қори ўз даврида ривожланган Ғарб ва Шарқ мамлакатларидан бирортасидан нусха олмасдан маҳаллий шароитларга мос бўлган Туркистоннинг муҳолиф тараккиёт дастурини ишлаб чиққан ва қанчалик оғир вазият бўлмасин уни амалга ошириш юзасидан катта ютуқларни ҳам қўлга кирита олган. Унинг сиёсий кураш фаолиятини, илгари сурган буюк ғояларини чуқур илмий таҳлилий ўрганиш бугунги кунда миллий тарих фанимизнинг олдида турган муҳим вазифадир.

Мунаввар қори фаолиятини англаш Туркистоннинг йирик сиёсий арбоблари Маҳмудхўжа Бехбудий, Убайдулло Хўжаев, Саидносир Миржалилов, Абдулла Авлоний, Обиджон Маҳмудов, Ашурали Зоҳирий, Ҳамза, Саъдулла Турсунхўжаев, Тошпўлот Норбўтабеков, Носирхон тўра, муфти Садриддинхон Шарифхўжаевлар фаолияти, умуман Туркистон Мухторияти тарихи билан уйғунликда ўрганиш зарур. Қолаверса, Тошкентнинг йирик уламоларидан Хайриддинхон аълам Шарифхўжаев, Отахон Назирхўжаев, Салоҳиддин Муфтизода, Тошкентнинг энг машҳур бойларидан Юсуфбек Қурбонбоев, Рустамбек Ниёзбеков, Шоисҳоқ қори Шохмусаев, Толибжон Мусабоев, Исроилжон Иброҳимжонов, Абдуқаюм Мадолимов каби кўплаб инсонларни ўз атрофига бирлаштирган эди. Айниқса ёшлардан Асадулла Хўжахонов, Мирхалил Каримов, Ғулом Икромов, Нажмиддин Шераҳмедов, Исмоил Шераҳмедовларнинг ҳар бирининг фаолиятини алоҳида ўрганиш, шубҳасиз, Мунаввар қори

Абдурашидхоновнинг сиёсий портретини, унинг Туркистон тараққийпарварлари орасида тугган ўрнини аниқлашда ўта муҳим илмий аҳамият касб этади.

Дилором АЛИМОВА

ЎзР ФА тарих институти, т.ф.д., проф.

“ЧИН ЭКАН АЙТГАН СЎЗИ” – МУНАВВАР ҚОРИНИНГ ТАРИХИЙ БАШОРАТИ

1914 йил Исмоил Гаспринский ҳаётдан кўз юмганда унинг Раджи исмли мухлисларидан бири мадҳия ёзиб, уни фикр “Муджадиди” деб атаган экан. Ҳадисга кўра ҳар бир асрнинг бошида Яратган эгам мусулмонларга уларни ҳаётни енгиллаштириш йўлида хизмат киладиган бир муджадидни тайинлар экан. Шунинг учун ҳам бу мухлис ҳижрий бўйича XIV асрнинг бошида туғилиб, маърифат йўлида мусулмонларни янги интеллектуал қиёфасини шаклланишида илгор ғояларни амалга оширгани учун Гаспринскийга шундай таъриф берган.

Мунаввар қори Абдурашидхоновни чин маънода нафақат маърифат йўлида, балки Туркистонда сиёсий ислохотлар йўлидаги “Ҳаракат муджадиди” деб аташ мумкин.

XX аср бошидаги тарихий воқеалар назарда тутилса, Мунаввар қори Абдурашидхоновни жадидчилик ҳаракатининг энг сиёсийлашган фаол қатнашчиси ва раҳбари деб баҳолаш мумкин. Айтиш керак, жадидчилик ҳаракати Туркистон жамиятида тасодифий воқелик бўлмай, унинг фалсафий илдизлари чуқур, мақсадлари замон талабларига мос, ғоялари эса Шарқ дунёсидаги ислохотчилик ҳаракатлари ғоялари таъсирида шаклланган эди.

Таниқли Германия олими Ингеборг Бальдауф Мунаввар қори Абдурашидхоновни сафдошларига қараганда ниҳоятда европалашган инсон бўлган, деб ёзади². Бир қараганда бу ғалати таъриф кўринади. Чунки, унинг ташки кўриниши, диний маълумоти, ислом

² Балдауф И. Джадидизм в Центральной Азии в плане реформизма и модернизма в мусульманском мире//Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиклолчилик). Халқаро конференция материаллари. Тошкент, “Маънавият”, 2001. 47-бет.

дини фалсафасини тарғиб қилишдаги роли хақида кўплаб маълумотлар берилган. Аммо бу сўзлар билан Бальдауф Мунаввар қорининг фикрлаш доираси, жаҳон таракқиётини, жумладан Европа мамлакатларини юксак маданияти намуналари ва тажрибасини ўзлаштириш тарафдори бўлганлигини назарда тутган эди.

И. Бальдауф фикри бўйича, Туркистонда Россия империяси таълим тизимига салбий муносабатда эди, чунки у маҳаллий аҳоли учун бу ҳокимият ҳеч қачон тўлақонли таълим олишга имконият бермаслигини яхши англаган. Шунинг учун Мунаввар қори Абдурашидхонов Европадаги таълим тизими имкониятлари кенглигини англаб, Туркистон ёшлари учун бу ердаги ўқув муассасалари энг энг афзали, деб ҳисоблаган эди. У масаланинг назарий жиҳатларини, хусусан, таълим, илм ва ислом маърифатини тартибга солиш ва европача дунёвий маълумот афзалликларини асослаб беришга ҳаракат қилди.

Таракқиётга эришиш учун маърифатпарварлик ғояларининг жамиятга амалий сингдирилиши муҳимлигини англаган Мунаввар қори Абдурашидхонов ўз фаолиятининг бошиданок маорифни ислоҳ этишга катта эътибор берди. Тошкентдаги янги усул мактаби бевосита унинг ташаббуси билан очилди. У шундай ёзган эди: “Туркистон муаллимлари ҳам усули савтия болалариға ҳарфларнинг овозлари ила танитмоқ, ўқулгон сўзларни ёздириб маъносини билдирмақ, Бедил, Хўжа Ҳофизлар каби форсий ва мушкул китобларнинг бадалига эътикод, имло, хуснихат, илми ҳол, ҳисоб, тарихи ислом, жуғрофия, хандаса, ҳайъат ва соирлар каби диний ва дунёвий илмларни ҳар кимнинг ўз тилида ёзилмиш китоблардан ўқитиб билдирмақдан иборат эканин билиб, ҳар бирларининг кўнгиллари усули савтияни қайтадан қабул этмақ фикри тушди”³.

Албатта ушбу ўқув муассасаларини тўлиқ равишда Европа намунасидаги мактаблар деб атаб бўлмаса-да, лекин ундаги ўқитиш методикаси, дарс машғулотлари ва тузилмалари уларга яқинлаштирилганди. Эски мактаблардан фарқли ўлароқ, болалар бу ерда 40 кунда саводларини чиқарганлар. Шунинг учун тез орада жадид мактаблари аҳоли орасида катта ишончга сазовор бўлди ва оммалашди. Ўқитувчилар таркиби асосан ёшлардан иборат эди. Мактабларда маҳаллий тил билан биргаликда рус тили ўқитиш

³ Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. Тошкент, “Маънавият”, 2003 147-бет.

йўлга қўйилди. Бу янгилик Мунаввар Кори ва А.Шакурийлар томонидан киритилди. Тошкент мактабларида ўғил ва қиз болаларнинг биргаликдаги ўқитишни киритилиши ўша давр учун том маънода инқилобий қадам эди. Дастлабки вақтда ўқиш Россия, хусусан, татар дарсликлари асосида олиб борилди. Она тилидаги дарсликларга талабнинг ортиши билан ўқитувчиларнинг ўзи уларни яратишга киришдилар. М.Беҳбудий ва М.Абдурашидхоновлар 15дан ортиқ ўқув қўлланма ва дарсликларнинг муаллифи бўлдилар⁴.

Тошкентда тараққийпарварлар ҳаракатининг етакчиларидан бирига айланган Мунаввар қори Абдурашидхонов ўзининг ўткир ижтимоий-сиёсий мақолаларида ҳар бир халқнинг миллат сифатида шаклланишининг биринчи белгиси мазкур халқда ўзликни англаш ва ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш туйғусининг уйғониши, миллий кадриятларни сақлаш ва тараққий эттириш, бу йўлда турли-туман жамият ва уюшмаларни ташкил этиш билан боғлиқлигини таъкидлаган эди⁵. 1909 йилда Мунаввар қори Абдурашидхонов маслақдош дўстлари билан ҳамкорликда тошкентлик бир бой раислигида “Жамияти хайрия” ташкил қилади.

Бу жамият орқали Россия ва Туркия шаҳарларидаги олий ўқув юртларига Туркистон ёшларини билим олишга юбориш иши билан ҳам жиддий шуғулландилар. Тараққийпарвар бойлар ёшларни чет элларга юбориб, зарур касбларни эгаллаб фойдали хизмат қилишлари учун қайғурган жадидларни қўллаб-қувватладилар.

1913 йилда Мунаввар қори Абдурашидхонов Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев, Абдулла Авлоний, Илҳомжон Иноғомов, Қобилбек Норбеков, Тўлаган Хўжамиёров (Тавалло), Муҳаммад Пошшаҳўжаев, Тошпўлат Норбўтабеков ва Низомиддин Хўжаевлар билан биргаликда “Турон” жамиятини ташкил қилди. Бу жамият низомига кўра унинг вазифаси “халқ орасида саҳна ишига ҳамда хайрияга қизиқиш уйғотиш, санъат орқали жамиятни маърифатга чорлаш, Туркистон ҳудудида яшовчи муҳтож мусулмонларга моддий ёрдам бериб, маънавий ва моддий жиҳатини яхшилаш” эди.

⁴ Худайкулов А.М. Просветительская деятельность джаидов Туркестана (конец XIX-начало XX вв.): Дисс.на соискание ученой степени канд.ист.наук. –Ташкент, 1995. 7-бет

⁵ Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар... 151-бет.

Жадидлар, шу жумладан, Мунаввар қори Абдурашидхонов ҳам Россия маъмуриятининг Туркистондаги мустамлакачиликка асосланган бошқарув тизими нафақат миллий талабларга жавоб бермаслиги, шу билан бирга, мамлакатга жуда катта ижтимоий-иқтисодий зарар етказётганлигини тушуниб етган эди. Шунинг учун ҳам уларнинг янги усулдаги дунёвий таълим, миллий ўзига хосликнинг энг яхши жиҳатларини мустаҳкамлаш, маданиятни жадал ривожлантириш йўлида олиб борган курашлари охир-оқибатда сиёсий мустақиллик ва бошқарувнинг демократик шакллари учун курашга айланиб кетди. Бевосита Мунаввар қори Абдурашидхонов ва Убайдулла Хўжаевлар бошчилигида 1917 йил 16-23 февраль кунлари Умумтуркистон мусулмонлари съезди ўтказилди ва бу анжуманда илк маротаба миллий чекка ўлкаларга мухторият бериш масаласи расмий равишда кўтарилди. Тараккийпарвар демократик жараёнларда эволюцион йўл тарафдори эди.

Фикримизча, Абдурашидхонов ҳар бир масалада ҳақиқий вазиятдан келиб чиқиб иш тутган ва бунда рус халқи, миллати ва маданиятига чуқур ҳурмат билан қараган. У 1927 йилда Тошкент вилояти маданият ходимлари қурултойида шундай деган эди: “Бир мажлисда рус мустамлакачилари билан курашамиз деган эдим. Агар борди-ю, рус ўртоклар шу гапимга араз қилиб, “мамлакатингни ўзинг идора қил”, деса мен уларнинг оғзига ёпишиб, энг аввал айтар эдимки, биз сиз билан эмас, сизнинг бойларингиз, уламоингиз ва мустамлакачиларингиз билан курашамиз, дер эдим”⁶. Давр руҳини назарда тутсак, бу сўзлар унинг моҳир сиёсатчи сифатларини намоён қилган, деб баҳолаш мумкин. Буни яна бир мисол тасдиқлаши мумкин. Маълумки, у Компартия аъзоси бўлган. У хотираларида буни очиқ сўз билан шундай изоҳлайди: “Мен ўзимни ўзбек халқим учун фойдали ҳисоблаганим учун кирдим, агар менинг халқим фойдаси учун қайси бир партиёга кириш лозим бўлса, мен ўшанга ўтавераман”⁷.

Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг асарларини кузатсак, нафақат ўз замони, балки келажакни ўз Ватани тақдири қандай бўлиши эканлигини кўп ўйлаган ва унинг айрим фикрлари, Ўзбекистоннинг ҳозирги замон ҳолатига тааллуқлидек кўринади.

⁶ Мунаввар қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан. Тошкент, “Шарқ”, 2001. 9-бет.

⁷ Ўша ерда.

Ҳозир Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий, сиёсий, маданий ислохотларда мутафаккирнинг айрим ғоялари амалга оширилганини кўриш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасида олиб борилган диний сиёсат, ислом дини ва унинг фалсафий меросига муносабат, таълим соҳасидаги ўтказилаётган ислохотлар, Европа ва АҚШда таълим олаётган ва ишлаётган ёшларга давлат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик масалалари шулар жумласидандир.

Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг юз йил илгари айтган “Юрт обрўсин ёшлар сақлар” деган сўзлари ҳозир бизга шиор бўлиши мумкин. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Қайси соҳани олмайлик, фан, маданият, спорт ёшлар Ўзбекистонни халқаро майдонга олиб чиқмоқда.

Албатта, Мунаввар қори ўз қарашларида жамиятда мавжуд салбий иллатларни кўп танқид қилган. Шулардан бири ялқовлик ва танбалликни у энг хунук сўз билан “ёв” деб атаган. Бу нарса нима ўзи. У шундай ёзади:

“Танбалликдир бизга душман, ишламоқнинг замонидир, Тиниб турмас “ёшман” деган, иш инсоннинг бир жонидир...
...Ёвинг кимдир, биласанми? Нодонликдир, ялқовликдир, Ёвга қарши курашмаслик – кўрқоқликдир, анқовликдир”⁸.

Афсуски уларнинг аксарияти ҳозир ҳам бор. Бу иллатлар мана бир асрдан бери ҳам йўқ бўлмаган.

Бу бир кичкина мисол. Маъруза номида акс этган масалани тўлиқ ёритиш учун, Абдурашидхоновни асарларини чуқур тарихий изчиллик билан ўрганиш керак. Айниқса, ислом дини масалалари, ахлоқ-одоб, миллий маданият ривожига муаммоларига бағишланган асарларида бизнинг замонавий жамиятимиздаги мавжуд муаммоларни ечишга амалий ёрдам берадиган фикрлар оз эмас.

Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш керакки, Мунаввар қори Абдурашидхонов, умуман жадидчилик ва унинг бошқа намоёндалари ҳамда раҳнамолари ҳақида кўплаб тадқиқотлар яратилган, ҳам адабиётшунослар, ҳам тарихчилар бу мавзунинг даврининг ижтимоий-сиёсий ҳодисалари билан узвий боғлаб ўрганишга улкан хисса қўшганлар. Нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам. Аммо бу ҳаракат бутун Шарқ, қолаверса, Ер юзининг жанубида бир вақтда содир бўлган улкан ижтимоий-сиёсий, маърифий-маданий

⁸ Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар...63-64-бетлар.

кўзғалиш эди. Демак, унинг жаҳон тарихида ҳам ўрни бор. Энди тарихчилар учун бу мавзунини жаҳон тарихи контекстида компаратив асосда ўрганиш вақти келди, деб ўйлайман.


Саидакбар АГЗАМХОДЖАЕВ
тарих фанлари доктори, профессор

МУНАВВАР ҚОРИНИНГ ЁШЛИГИ ЎТГАН МАҲАЛЛА

Маълумки, XX-аср бошларидаги Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг йирик раҳбари, янги усулдаги миллий мактаб ва матбуот асосчиси, янги миллий театр ташкилотчиларидан бири, адиб ва шоир, сиёсат ва маърифат арбоби Мунаввар қори Абдурашидхонов 1878 йилда Тошкентнинг Шайхонтахур даҳасидаги “Дархон” маҳалласида зиёли оиласида туғилган.

Дархон номли маҳалла Тошкентнинг қайси ерида жойлашган эди, деган савол берилганда, жавоб берувчининг ҳаёли Мирзо Улунбек тумани ҳудудида Хамид Олимжон номли метро бекатидан Мустақиллик шоҳ кўчасидан ўтиб, Салор каналининг ўнг қирғоғи бўйидаги Тамара Хонум ва Дархон кўчасига кетади. Ҳозирги кунда бу ерда “Дархон” номли кафе ва мини –маркет ҳам бор. Бироқ бу жой Мунаввар қори туғилган маҳалла эмас.

Дархон маҳалласи ўтмишда Тошкент шаҳрининг шарқий қисмидаги (ҳозирги Шайхонтахур тумани ҳудудининг бир қисми) **Шайхонтахур** даҳасида жойлашган. Тошкентнинг 4 даҳасидан





бири бўлган Шайхонтахур ҳудуд жиҳатдан энг катта, шу билан бирга энг ёш даҳа ҳисобланган.

Шимолдан **Себзор**, жанубий-ғарбдан **Бешёғоч**, ғарб ва шимолий-ғарбдан **Кўкча** даҳалари билан чегараланган.

Шайхонтахур даҳаси Яссавия тариқати шайхларидан Шайх Хованд Тахур номидан олинган. Шайхонтахур даҳаси

дахаси дастлаб Шайх Хованд Тахур мажмуаси атрофида шакллана бошлаган. XVIII асрнинг 80-йиларида Юнусхўжа ҳокимлиги даврида Шайхонтахур даҳасидан янги мудофаа деворлари билан ўралган кичик ўрда қурилган. XIX аср бошида Қўқон хони Олимхон Тошкентни эгаллаган пайтида бу ўрда бузулиб, XIX асрнинг 30-йиларида даҳа худудидан ўтган Анҳор канали чап соҳилида янги ўрда бунёд этилган.

Даҳа ерлари Анҳордан бош олган ариқлардан суғорилган. Тошкентнинг XIX аср ўрталаридаги 12 дарвозасидан 3 таси (Қўймас, Қўқон ва Қашқар) Шайхонтахурда жойлашган. Айрим маълумотларга кўра Шайхонтахур даҳасида 48 дан ортиқ маҳалла бўлган. Бироқ уларнинг сони турли йилларда ўзгариб турган. Бу худудда 70 масжид, 3 мадраса, кўплаб карвонсаройлар, тегирмонлар бўлган⁹.



Шайхонтахур даҳасидаги қадимги **Дархон** маҳалласи Дархон (ҳозирги Абай) кўчасининг икки томонида жойлашган. XIX асрда Дархон маҳалласи **Оқмасжид**, **Пушгибоғ**, **Орқа кўча**, **Зангжарлик** маҳаллалари билан чегарадош ва жанубдан аввалига **Тошқўча**, кейин эса **Шайхонтахур** деб ном олган (ҳозирги **Навоий**) кўчасига туташган.

Дархон маҳалласида **120** хонадон бўлган. Аҳолиси асосан ўзбеклар бўлиб, ҳунармандчилик, дехқончилик (шаҳар ташқарисидаги далаларида), савдо-сотик билан шуғулланган. XX аср бошларида масжид, чойхона, бир неча дўкон, устахоналар бўлган. Шайхонтахур ариғидан сув ичилган¹⁰.

⁹ Исломов З., Мақсудов Д. Шайх Хованд Тахур ёдгорлик мажмуаси. “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2005.19 б.

¹⁰ Тадқиқотда келтирилган қизма хариталар таникли архитектор Абдуманноп Зияевнинг 2008 йилда “Санъат” нашриётида чоп этилган “Шайхонтохур в прошлом и настоящем. Историко-архитектурный очерк” номли рисоладан фойдаланилган.

Мен Мунаввар қори Абдурашидхоннинг биографияси ва ҳаёт йўлига бағишланган адабиётларни¹¹ қайтадан кўриб чиқиб, қиёсий таҳлил асосида айрим тузатишлар билан буюк маърифатпарварнинг ёшлик йилларида диний, маънавий, маданий, ижтимоий ва сиёсий дунёқарашига таъсир этган Дархон маҳалласидаги маънавий ва маърифий мухитни ҳамда у ердаги тарихий ёдгорлик ва зиёратгоҳларни кўрсатиб беришга ҳаракат қилдим.

1878 йилда Тошкентнинг Шайхонтохур даҳасидаги Дархон маҳалласида мударрис Абдурашидхон Сотиболдихон Олимхон ўғли ва Хосиятхон отин оиласида фарзанд туғилди. Аъзамхон (1872-1919) ва Муслимхон (1875-1954) исмли икки фарзанддан кейин туғилган ўғилга яхши ният билан Мунаввар, яъни нурга тўлган ва нур билан ёритилган даган маънони англатувчи исм қўйилади.

1885 йилда Мунаввархон 7 ёшлигида отаси Абдурашидхон вафот этади. Шунда Мунаввархон дастлабки таълим-тарбияни онаси Хосиятхон отиндан олади. Хосиятхон ўз даврининг ўқимишли ва фозила аёлларидан бўлиб, фарзандларига дастлабки савод ва бошланғич таълимдан сабоқ беради. Шунингдек ўз ҳовлисида маҳалладаги хотин-қизларни ўқитади.

Сўнг Мунаввархон Дархон маҳалласида яшовчи ўз даврининг машҳур ўқитувчиси Усмон домладан илми қироат ва тажвидни ўрганиб, ҳофизи Куръон бўлади. Шундан кейин Куръони каримни ёқимли қироат билан ўқиганлиги учун атрофдагилар уни Мунаввар қори деб аташади.

Куръони каримни хатм қилиб, “қори” унвонини олгач, ҳали илмга яхши кириб бора олмаганини фаҳмлаган Мунаввар қори кейин Юнусхон мақбарасини олдида қурилган Юнусхон мадрасасида ўқишни давом эттиради.

Юнусхон Мадрасаси – XV аср охирида қурилган меъморий ёдгорлик. Шайхонтохурдаги Юнусхон мақбараси ғарбида пишиқ

¹¹ Малицкий Н.Г. Ташкентские махалля и мауза. Ташкент, 1927; Мунаввар Қори Абдурашидхон. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан хотиралар).–Тошкент, “Шарқ”, 2001; Мунаввар қори Абдурашидхон. Танланган асарлар.–Тошкент, “Маънавият”, 2003; Исломов З., Максудов Д. Шайх Хованд Тахур ёдгорлик мажмуаси.–Тошкент, “Тошкент ислом университети”, 2005; Зияев А.А. Комплекс Шайхонтохур в прошлом и настоящем. Историко-архитектурный очерк.–Ташкент, “Санъат”, 2008; Тошкент. Энциклопедия. Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2009.


гиштан, 12 хужрали қилиб қурилган. Тарихчи Муҳаммад Солих-хўжанинг ёзишича, 1485-1502 йилларда Шарқий Мўғулистон хони Султон Аҳмадхон (Олчакон) муҳри босилган вақфномасида Пулемас деган жойда мадрасанинг вақф ери бўлганлиги қайд этилган.

1898 йилда Мунаввар қори ёшлигидан ўткир зехли, илмга чанқоқ бўлганлигини учун, у 20 ёшида ҳадис, фикҳ, илми тафсир ва бошқа соҳалар бўйича олий диний таҳсилни давом эттириш мақсадида Бухородаги Мир Араб мадрасасига ўқишга киради. Лекин молиявий қийинчиликлар туфайли у ўқишни битирмай туриб, Тошкентга қайтиб келишга мажбур бўлади. Тошкентда у Дархон маҳалла масжидида (айрим манбаларда Саидазимбой масжиди деб аталган) имомлик қилади ва муаллимлик билан шуғулланади.

У диний, дунёвий ва ижтимоий-сиёсий мазмундаги китобларни севиб ўқийди. Айниқса, Қримда Исмаил Гаспринский томонидан чоп этилган “Таржумон” газетаси Мунаввар қорининг миллатпарвар ва халқпарвар бўлиб етишига катта таъсир этди.

1900 йилда, тарихий маълумотларга кўра, 22 ёшга киргунга қадар Мунаввар қори Дархон (ҳозирги Абай) кўчаси билан кесишган Тошкўча (ҳозирги Навоий) кўчасида жойлашган Эшонкул додхон мадрасасида таҳсилни давом эттиради ва жадидчилик тўғрисида хабарни дастлаб шу ерда топади.¹²

Эшонкул додхон мадрасаси (рус манбаларида Шайхонтахур мадрасаси) Шайх Хованди Тахур мажмуаси таркибидаги йирик мадраса **1840 йилда** Тошкент ҳокимининг Лашкар бекларбегининг ўғли Эшонкул додхон томонидан Юнусхон мадрасасининг жануби-шарқида, Тошкўча (ҳозирги Навоий кўчаси)га туташ ерда 34 хужрали қилиб қуририлган.



¹² Тошкент. Энциклопедия. Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2009. Б.366.

Мадраса Шайх Хованд Тахур мажмуасининг Зангжарлик масжида ёнида, қадимги Лангар ҳовузи атрофида тўрт тарафдан бир-бирига каратиб солинган бинолардан таркиб топган. Ўртада қолган Лангар ҳовузи эса Эшонкул додхоҳ буйруғи билан тўлдирилиб, мадраса саҳнига айлантирилган ва эвазига Юнусхон макбараси ғарбида бир таноблик янги ҳовуз барпо этилган.

Мадраса шаҳардаги иқтисодий жиҳатдан энг яхши таъминланган мадрасалардан бири бўлиб, унга кўплаб дўконлар, тегирмонлар, ерлар ва бошқа кўчмас мулклар вақф қилинган. XX асрнинг 60-йилларигача турли муассасалар ихтиёрида бўлиб келган. 1884 йилда рус-тузем мактаби, советлар даврида киностудия сифатида фойдаланилган ва 1924 йилда умуман ёпиб қўйилган. Кейинчалик қаровсиз қолиб харобага айланган, унинг охириги қолдиқлари 1964 йилга келиб бутунлай бузиб ташланган.



1901 йилда 23 ёшлик Мунаввар қори аввалига таъмирдан чиққан Эшонкул додхоҳ мадрасасида, кейинчалик ўз уйида “Намуна” номли янги усулда ўқитадиган жаҳид мактабини очади ва бундай мактаблар учун махсус ўқув дастурини тузди ва дарсликлар ёзади. Лекин Мунаввар қори фақат битта мактаб мамлакатдаги таълим тизимини бутунлай ўзгартира олмаслигини яхши тушунар эди. Шунинг учун ҳам у янада кўпроқ имкониятлар кидиришга ҳаракат қилади. Кўп ўтмай Мунаввар қори туркистонлик ёшларни хорижий мамлакатларда ўқишга юбориш ва шу билан Туркистоннинг таълим тизимининг ривожланишига ҳисса қўшиш мақсадида хайрия жамиятини ташкил этади.

1905-1907 йилларда Россияда демократик инқилобий ҳаракатлар авж олганда 27-30 ёшлик Мунаввар қорининг маданий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти янада кўтарилади. Бу даврда у Тошкент маҳаллаларида фақат жаҳид мактабларини ташкил этиш ва уларда ёшларни ўқитиш билан чекланмай, фаол адиб, журна-

лист, ношир ва сиёсий раҳбар сифатида нафақат Туркистон, балки Марказий Осиё ва Россия мусулмонлари орасида танилади.

1906 йилда “Ўрта Осиёнинг умргузаронлиги”, “Тараққий” газеталарида адабий ходим бўлиб ишлайди. Шу йили ношир ва муҳаррир сифатида “Хуршид” газетасини ташкил этади. 1907 йилда “Шухрат” ва “Тужжор”, 1908 йилда эса “Осиё” газеталарини ғоявий бошқаради ва адабий ходим вазифасини бажаради.

Мунаввар қори 29 ёшидан бошлаб бир қанча дарсликларни яратади. Унинг “Адиби аввал”(1907 й.), “Адиб ус-соний”, “Усули ҳисоб”, “Тарихи қавм турк”, “Тажвид” (1911 й.), “Ҳавойижи диния”, “Тарихи анбиё”, “Тарихи исломия” (1912 й.), “Ер юзи” (1916 й.) дарсликлари бир неча марта нашр этилган.

1909–1916 йилларда 38 ёшга еткунга қадар Мунаввар қори Тошкентда турли жамият ва уюшмаларни ташкил этади. У 1909 йилда “Жамият Имдодия”, 1913 йилда “Турон”, 1914 йилда “Туркистон кутубхонаси” ва “Умид” деб номланган жамият, ташкилот, ширкат ва уюшмаларида муассис, раис, муовин ва аъзо бўлиб фаолият кўрсатади. 1914-1915 йилларда “Садойи Туркистон” газетасида масъул муҳаррир муовини, “Ал-Ислох” журналида махфий муҳаррир вазифасини бажаради.

1917 йилда Россияда чор ҳукумати ағдарилгандан кейин Туркистонда демократик ҳаракатлар бошланиши билан Мунаввар қори миллий-озодлик ҳаракатининг раҳнамоларидан бирига айланади. У 1917 йил 14 март куни Дархон маҳалласида Абдували хожи хонадонида халқ сайлаган вакилларининг биринчи йиғилишида қатнашади ва 61 кишидан иборат бошқарув орган “Шўрои Ислом” номини олган ташкилотга аъзо бўлади¹³. 1917 йилда Мунаввар қорининг матбуот соҳасидаги фаолияти кўзга алоҳида ташланади. Унинг масъул муҳаррирлиги остида “Нажот” ва “Кенгаш” газеталари нашр этилади.

1917-1924 йилларда Чор ва совет ҳукуматлари олиб борган мустамлакачилик сиёсатиға қарши изчил кураш олиб бориб, Мунаввар қори “Шўрои Ислом”, “Турк адами марказияти”, “Иттиҳоди Тараққий”, “Миллий иттиҳод”, “Нашри маориф” каби жамият, фирқа ва ташкилотлар фаолиятиға раҳбарлик қилади. У виждон эркинлигини инкор этмаган дунёвий демократик давлат

¹³ Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. Миллий-демократик давлатчилик ҳурилиши тажрибаси. Тошкент. “Маънавият”, 2000. Б.34-36.

тарафдори бўлган. Шу сабабли 1917 йил 27 ноябрда Қўқон шаҳрида ташкил топган Туркистон Мухториятини қўллаб-қувватлаган.

1918 йилда у советлар ҳукумати даврида Халқ дорилфунуни Кенгашининг раиси, Туркистон Маориф халқ комиссарлиги турк шуъбасининг иш юритувчиси, Тошкент шаҳар маориф нозири вазифасини бажаради.

1920-1928 йилларда Мунаввар қори ижтимоий-педагогик фаолият Бухоро Халқ Совет Республикаси Маориф нозирлиги вақф бўлими бошлиғи (1920-1921 йй.), Тошкент шаҳар ижтимоий тарбия бўлими мудирини (1921 й.), Академмарказ раисини (1922 й.), Навоий номидаги мактаб, Наримонов номидаги пед.техникуми, аёллар педагогика Институтини муаллим, Самарқанд шаҳри музейида илмий ходим, Ўзбекистон осори атиқаларни сақлаш қўмитасининг Тошкент-Фарғона бўлимида масъул котиб (1927-1928 йй.).

Умр бўйи ўз ватанини мустақил кўришни истаган Мунаввар қори 1929 йил 6 ноябрда қамоққа олиниб, Москва шаҳридаги Бутирка қамоқхонасида **1931 йил 23 апрель куни** қатл қилинган ва Ваганькова қабристонига дафн этилган.

Халқ озодлиги ва Ватан тараққиёти йўлида 35 йил давомида изчил кураш олиб борган Мунаввар қори 53 йиллик қисқа умри ичида нафакат ислохотчи, ёзувчи, жамоат ва сиёсат арбоби балки халқ озодлиги йўлида ўз жонини фидо қилган содиқ курашчи сифатида ном қолдирди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин 1991 йилда Мунаввар қори Абдурашидхонов расман оқланди. Бугунги кунда Тошкентдаги кўчалардан бири, Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла, Шайхонтахур тумани “Илғор” маҳалласидаги жоме масжиди Мунаввар қори номи билан аталган.

***Нурбой ЖАББОРОВ**
филология фанлари доктори, профессор*

МУНАВВАР ҚОРИ ВА МИЛЛИЙ МАЪРИФАТ

Ватанни мутараққий, миллатни маърифатли кўрмоқ – Туркистон жадидчилигининг эътироф этилган йўлбошчиларидан ҳисобланган Мунаввар қори Абдурашидхонов учун шунчаки орзу

эмас, хаёт-мамот масаласи эди. Буюк маърифатпарварнинг бу борадаги қарашлари шунчаки фикрлар мажмуи эмас, миллий маърифатни юксалтириш концепцияси даражасига кўтарилган эди. Бу концепция мукамал тизимга асосланган бўлиб, куйидаги шаклларда намоён бўлди:

Жаҳидларнинг ўзлари эътироф этганидек, “миллатнинг латофатини ҳам, қабоҳатини ҳам кўрсатувчи ойна” ҳисобланган миллий матбуотни йўлга қўйиш.

Наинки ўша давр, балки келар замон илмларини ҳам эгаллаган янги авлодни тарбиялаш. Бунинг учун ўқитиш усулларини тубдан ислоҳ қилиш.

Истеъдодли ёшларни мутараққий мамлакатлар олий таълим муассасаларига юбориш ва уларнинг тараққиёт тажрибасини миллий манфаатларга мослаб ҳаётга татбиқ этиш.

Замонавий олий таълим муассасаларини ташкил этиш орқали Ватан ва миллатнинг нузли истиқболига хизмат қиладиган салохиятли кадрларни етиштириш.

Таъкидлаш керакки, миллий маърифатни юксалтиришга қаратилган бу концепциянинг мазкур йўналишлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади.

Мунаввар қорининг бу борадаги фаолияти қизғин ва самарали кечди. Миллий матбуотни йўлга қўйиш, такомил босқичига кўтариш ишига Самарқандда Бехбудий раҳнамолик қилган бўлса, Тошкентда ташаббускорлик ва ташкилотчилик вазифаси Мунаввар қори зиммасига тушди. Мунаввар қорининг матбуот ишларига аралашуви 1906 йилнинг бошларидан чиқа бошлаган “Ўрта Осиёнинг умргузорлиги газетаси Тараққий” билан боғлиқ. Мустамлакачилар манфаатига хизмат қилган бу газета 1-сониданок “Манифест” сарлавҳали мақолада: “Русия давлатида зиндагорлик қилиб тургувчи фуқароларнинг ҳаммаси Русия подшоҳига тобедурлар. Масалан, рус ва сарт ва нўғой ва қозоқ ва яҳудий ва арманидурлар, ва бу халқнинг ҳаммаси подшоҳ императур аъзам ҳазратларига тобуларура ва бул жаноб ушбу фуқароларнинг хайрхоҳи ва парвариш қилғувчисидурлар” тарзидаги фикрларни эълон қилади. Газета асосан мустабид Русия ҳукмронлигини мустаҳкамлаш позициясида турди. Ана шу газетада қисқа муддат ишлаб, матбуот сирларини ўрганган Мунаввар қори Ватан ва миллат манфаатига хизмат қилувчи илк миллий газета бўлган “Тараққий”га асос солди.

Газетага муҳаррирлик қилиш учун Мунавварқори ташаббуси билан маҳаллий тилни, айни кезде рус тилини яхши биладиган Исмоил Обидий тақлиф этилди. “Газетамиз “Тараққий” исминда ўлуб, – деб ёзилади газетанинг 1-сонида таҳририят номидан эълон қилинган мақолада – бора-бора жисми ҳам исмига мувофиқ ўлуб, миллатимизни кейин қолмоғига, жаҳолат ва ғафлати олийда ўлуб, бошқа миллатлардан кам даражада қолмоғига асло рози эмасмиз... Биноан алайҳ газетамизнинг нажотимизга, дунё ва охиратда масъуд ўлмоқимизга ёлғуз илм бобидир, демак биринчи вази-фасидур”.

Мунаввар корининг катта шов-шувларга сабаб бўлган “Бизнинг жаҳолат – жаҳли мураккаб” мақоласи ана шу газетанинг 1- ва 2-сонларида босилган. Унда ўқитишнинг эски усули – “усули хижо” замон талабларига жавоб бермаслиги айтилади. Жоҳил бўлишига қарамай, ўзини билимдон кўрсатишга интилувчи мударрислар кескин танқид остига олинади. Ўқитиш усулини ислоҳ этиш ҳаётий эҳтиёж экани масаласи кўтарилади.

“Тараққий”да миллатнинг жаҳолат гирдобига тушиш сабабларидан миллий зулм ва истибдоднинг моҳиятигача, мактаб-маориф масалаларидан эскича қарашдаги мударрис ва қозилар танқидигача, Николай иккинчи эълон қилган сўз, матбуот ва виждон эркинлиги, инсон ҳуқуқлари дахлсизлиги тўғрисидаги манифестнинг мусулмонлар ҳаётига татбиқ этилишидаги монеликлардан Давлат думаси, унинг вазифаси нималардан иборат эканигача, ундан мавжуд тутумларни ислоҳ этиш заруратигача бўлган кенг қамровли масалаларни қатъият билан ёритди¹⁴.

1906 йил 27 июнда чиқа бошлаган “Тараққий”нинг Ватан ва миллат манфаатларига хизмат қилиши Русия ҳукуматига ёкмади. Ўша йили 21 августда газета таҳририятида тинтув ўтказилиб, муҳаррир Исмоил Обидий қамоққа олинди. Газетанинг бор-йўғи 19 та сони чиққан, нашр этишга тайёрланган 20-сон мусодара этилган, атиги икки ойга яқин вақтда унинг фаолиятига барҳам берилган бўлса-да, “Тараққий” миллат қалбини маърифат учқунлари билан

¹⁴ Бу ҳақда қаранг: Жалолов А., Ўзганбоев Ҳ. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни. – Т.: “Фан”, 1993, 60-81-бетлар; Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасрат, маърифат, фидойилик. – Т.: “Маънавият”, 2002, 58-64-бетлар; Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2009, 108-120-бетлар; Каримов Н. Адабиёт ва тарихий жараён. – Т.: “Мумтоз сўз”, 2013, 89-97-бетлар.

ёритишга муваффақ бўлди. Бунда Мунаввар қорининг хизматлари диққатга сазовор эди.

Матбуотнинг кучи нечоғлик катта эканини теран ҳис этган Мунаввар қори энди ортга қайтиши мумкин эмас эди. 1906 йил 6 сентябридан у ўз ноширлиги ва муҳаррирлигида “Хуршид” газетасини ташкил этди. Таҳририят ишига Худоёрхоннинг кенжа фарзанди Фансуруллобек, шунингдек, Муҳаммадраҳимхўжа Нуриддинхўжаев ва Мулла Зиё Охундлар жалб қилинди. Газета қуйидаги масалаларни ёритиш мақсадини қўйди: 1) мактаб-мадрасалар ислоҳи бўйича уламолар ва илм толиблари билан маслаҳатлашув, 2) аҳли Туркистонни иттифоқ ва иттиҳодга чақириш, 3) Петербург, Оренбург, Боку, Қозон ва Бокчасаройда чоп этилган мўъгабар газеталардаги эътиборга молик мақолаларни чигатой туркчасига таржима қилиб босиш ва бу орқали миллат маърифатини юксалтириш, 4) жамиятнинг барча тоифаларини шариатга номувофиқ, диндошларга зарар бўладиган ишлардан қайтаришга эришмоқ ҳамда 5) миллатни дунё ва охират саодатига эриштирувчи илм ва маорифга тарғиб этиш.

“Хуршид” ўз олдига қўйган мақсадлардан оғишмади. Бироқ Мунаввар қори муҳаррирлигида нашр этилган бу газета ҳам мустамлака маъмуриятига маъқул келмади. Газетанинг бор-йўғи 10 та сони чиқди холос. 1906 йил 16 ноябрида ҳукумат унинг фаолиятини тўхтатди.

Мунаввар қори “Садойи Туркистон” (1914)ни ташкил этишда фаоллик кўрсатди. 1915 йилдан бошлаб бир муддат “Ал-Ислоҳ” журналида фаолият олиб борди. 1917 йилнинг мартдан эса ўз муҳаррирлигида “Нажот” газетасини чиқара бошлади. Шу йилнинг июнидан Заки Валидий таъсис этган “Кенгаш” журналига муҳаррирлик қилди. Умуман, миллий матбуотининг шаклланиши ва тараққиёти воситасида миллий маърифатни юксалтириш ишига муносиб ҳисса қўшиш Мунаввар қорининг фаолиятининг асосини ташкил этади.

“Миллий матбуотимиз Отабеги” мақоласида академик Наим Каримов Мунаввар қорининг матбуотга доир фаолияти билан боғлиқ бир қанча маълумотларга ойдинлик киритади. Хусусан, устоз олим Мунаввар қорининг “Шухрат”, “Тужжор”, “Осиё”, “Ҳақиқат” газеталарини Абдулла Авлоний ва бошқа сафдошари

номидан нашр эттиргани ҳақидаги маълумотларнинг асосли эмаслигини исботлаб берган¹⁵.

Мунаввар қорининг миллий маърифатни юксалтириш концепцияси жадиждларимиз томонидан “ибратхона”, “таъзири адабий” дея таърифланган театр билан ҳам чамбарчас боғлиқ эди. “Падаркуш” Тошкентдаги Колизейда сахнага қўйилар экан, Мунаввар қори театр ва унинг аҳамияти ҳақида нутқ сўзлади¹⁶. Бундан таъсирланган Тавалло шу ҳақда шеър ёзгани маълум. Шеърда улуғ маърифатпарварнинг исми ва фаолиятидаги уйғунлик, нутқидаги аччиқ, лекин очик ҳақиқат, ёшларга ибрат сабоғини бергани алоҳида таъкидланган:

Чўқ мунаввар этти оламини Мунаввар қоримиз,
Кўрдимиз равшанлиғидин феълимиз, атворимиз.
Ибрат олинг, ёшлар, деб тўқди кўздин ёшлар,
Нутқида таҳрир эдуб, бизларни йўқу боримиз.
Чин кўнгулдан биз эшитдук, чин-ачиғ айтган сўзи,
Шунча бидъатларни билдук, вой, биз иқроримиз.

Профессор Бегали Қосимовнинг эътирофича: “Мунаввар қори гарчи театр асари ёзган бўлмаса-да, Туркистондаги театрчилик ишларининг йўлга қўйилишида Абдулла Авлоний ёнида турди. 1913 йилда тузилган 73 моддалик “Турон” жамияти уставида театрчилик ишлари алоҳида таъкидланган эди, унинг заминида “Театр ҳаваскорлари труппаси ташкил топгани бежиз эмас”.

Абдулла Авлоний билан бирга “Турон” жамияти ва унинг қошидаги театр труппаси фаолиятини йўлга қўяр экан, Мунаввар қори миллат маърифатини юксалтириш муддаосини кўзда тутди.

Жадиждларимиз фикрича, Ватан ва миллат тараққийси учун наинки замонавий билимларни, балки келар замон илмини ҳам эгаллаш тақозо этилар эди. Махмудхўжа Бехбудийнинг: “Эй мусулмонлар! Болаларингизга келар замон илмини ўргатингиз! Зероки, аларни Худои таоло халқ этди, сизларнинг замонингиздан бошқа, яъни келар замон учун”¹⁷, деган сўзлари бунинг исботидир. Мунаввар қори ҳам айни шу қараш тарафдори эди. Шу мақсадда у 1901 йили Тошкентда биринчилар каторида янги мактаб очади. Энг

¹⁵ Каримов Н. Миллий матбуотимиз Отабегни. /Адабиёт ва тарихий жараён. – Т.: “Мумтоз сўз”, 2013, 96-97-бетлар.

¹⁶ Бу ҳақда яна қаранг: Ризаев Ш. Жадижд драмаси. – Т.: “Шарқ”, 1997, 64-бет.

¹⁷ Махмудхўжа Бехбудий. Таҳсил ва сафар замони ва таом. / Ойина. – Т. “Академия”, 2001, 56-бет.

аҳамиятлиси, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг эътирофича, Мунаввар қори мактабининг нуфузи баланд ва олий таълимга замин бўла оларли даражада бўлган. Шайхонтохурда очилган бу мактаб “Намуна” деб аталиб, ўқитиш усуллари янгилашда алоҳида ўрин тутган. Мунаввар қорининг ўзи “Туркестанские ведомости” газетасининг мухбири Г.Андреев билан мулоқотида бу мактабдан кўзланган муддао куйидагича эканини айтган эди: “...мадрасаларда йиллар давомида ўқитиладиганларни тез, осон ва енгил олиб борадиган яхши йўлни топиш ҳақидаги фикрга келдим. Мен янги кўлланмалар, фундаментал замонавий педагогика асосида кичик мактаб-мадрасаларни ташкил этишни хоҳлардим”.

“Адиби аввал”, “Адиби соний” каби дарслик-мажмуаларни, “Тажвиду-л-Қуръон”, “Ер юзи” сингари кўлланмаларни Мунаввар қори ана шу мактаблар учун тузди. Профессор Бегали Қосимовнинг аниқлашича, бу дарсликлар 1901 – 1917 йиллар оралиғида энг кам икки-уч, кўпи тўққиз-ўн мартагача алоҳида-алоҳида ҳолда нашр этилган¹⁸. 1925 йилда Мунаввар қори Қажум Рамазон ва Шорасул Зуннун билан ҳамкорликда уч бўлимли “Ўзбекча тил сабоқлиги” китобини чоп эттирди. Булар ҳаммаси миллат маърифатини юксалтириш, бунинг учун ўқитиш усуллари янгилаш, авлод тарбияси йўлига молу жонни тикиш туркистон жадидчилигининг раҳнамоларидан бўлган Мунаввар қори учун ҳаётий аъмол бўлганини кўрсатади.

Мадрасаларнинг том маънодаги олий таълим муассасалари бўлгани бугун исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Шунинг баробарида, чинакам замонавий университетларни ҳам бизга кимлардир келиб барпо этиб берган эмас. Аждодларимиз кучи билан бунёд этилган. Табиийки, мустамлака шароитида яшаган маърифатпарвар жадидларнинг бунга эришиши осон кечмаган. Уларнинг бу йўналишдаги фаолияти икки йўналишда олиб борилган:

1. Ёшларни Ғарб ва Шарқнинг тараққий қилган мамлакатларига ўқишга юбориш.

2. Миллий дорулфунунни – университетни ташкил этиш.

Узоқ муддатли мустамлака асорати сабаб тараққиётдан орқада қолган Туркистонни ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш – жадидларнинг бош мақсади бўлгани аён. Бунинг учун

¹⁸ Қаранг: Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Т.: “Маънавият”, 2002, 237-бет.

ёшларни тараққий қилган мамлакатларга ўқишга юбориш, истиқболга замин ҳозирлаш керак эди. Бу ўз-ўзидан амалга ошмаслиги тайин эди. 1909 йил 12 майда Тошкент жадидлари очган “Жамияти хайрия” ана шу мақсадга қаратилди. Мунавварқори унинг муассисларидан бўлган. Бу хайрия жамияти фаолиятида таълимга алоҳида диққат қаратилган эди. Унда, жумладан, Туркистон ёшлари учун ташкил этилган усули жадида мактаблари фаолиятини қўллаб-қувватлашдан олий таълим олишлари учун уларни хориждаги илгор таълим муассасаларига юборишгача эътиборга олинган эди.

Профессор Б.Қосимовнинг аниқлашича, 1909-1913 йиллари Абдурауф Фитрат, Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли, Ато Хўжа, Мазхар Бурхонов Истанбулда таҳсил олган. Ҳамза мазкур шаҳардаги дорулвоизинда, Ғози Юнус дорулмуаллиминда ўқиган. Бундай ҳаракат 1917 йил октябрь воқеаларидан кейин ҳам муттасил давом этди. 1922 йили Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси ҳайъати ва Бухоро ҳукумати қарорига кўра 60 дан ортиқ ўқувчи Германияга ўқишга юборилади. Бу ишларнинг бошида Мунаввар қори, Фитрат, Файзулла Хўжаев, Турор Рисқулов турди. Улар Германиядаги турли олий ўқув юртларида – Берлин Хумбольдт университети тиб, фалсафа, иқтисод, бинокорлик, электротехника, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги факультетларида, Лейпциг матбаачилик мактабида, Дрезден, Билефольд дорулмуаллиминларида таҳсил олгани маълум. Улардан машҳур Тоҳир Шоқир (Тоҳир Чигатой) Ҳайделберг университетининг иқтисод, Абдулваҳоб Исҳок (Ўктой) шу университетнинг медицина факультетларида, Гулсум Музаффар Берлин ўқитувчилар институтида ўқиган¹⁹.

Большевиклар ҳукумати ўз мавқеини мустаҳкамлаб олгач, «чирик, реакцион буржуа мафқурасининг уяси» деб ҳисоблагани Германиядан ёшларни шошилинич қақриб ола бошлади. Дастлаб уларни салоҳиятига яраша иш билан таъминлаган шўролар ҳукумати «жосус», «Германия агенти» каби тавқи лаънатларни бўйнига осиб, қамоқ ва сургунга ҳукм қилди. Қатағон сиёсатини олиб борди. Шу тариқа маърифатпарвар жадидларнинг ёшларни ривожланган мамлакатларда ўқитиш орқали Ватан ва миллатни тараққий эттириш режаси амалга ошмай қолди.

¹⁹ Бу ҳақда қаранг: Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Т.: “Маънавият”, 2002, 30-33-бетлар.

Жадидлар бу ишнинг муваққат эканини, ўз миллий университетимизни очмай туриб мақсадга эришиб бўлмаслигини тўлиқ тушуниб етдилар. Замоनावий миллий университет ғояси XX аср бошида тараққийпарвар зиёлиларимиз – жадидлар онгида туғилиб, умуммиллий ғоя даражасига кўтарилган эди. Айни кезде чор ҳукумати ҳам университет ташкил этиш тараддудиди бўлди. Лекин бу ғоя тамомила бошқа мақсадни – ўлканинг бой табиий иқтисодидан мустамлака маъмурияти манфаатлари йўлида самаралироқ фойдаланишни, Туркистоннинг ер ости ва ер усти бойликларини тезроқ ўзлаштиришни назарда тутар эди. Иккинчи томондан, бу ерда университет очиш жаҳон ҳамжамятида гўё маданиятташувчилик борасидаги «буюк ҳиммат»дек таассурот қолдирмоғи лозим эди.

Шундай бир шароитда Маҳмудхўжа Бехбудий “Ойна” журналининг 1913 йили чоп этилган “Аъмолимиз ённки муродимиз” мақоласида бизга чинакам миллий университет керак эканлигини, замоनावий мутахассислар мазкур университетда тайёрланмоғи зарурлигини таъкидлайди. Бунинг учун биринчи навбатда маблағ зарур эди. Маблағ учун хайрия жамиятлари очмоқ, миллат бойлари бу йўлга мол ва жонларини бағишламоғи талаб этиларди. “Токи бул жамиятлар, – деб ёзади Бехбудий, – халқдан оқча жамлаб, миллат болаларини ўкутиш ва миллатни ояндаси учун керак бўлатургон кози – яъни судья, закунчи – яъни ҳуқуқшунос, инженер – яъни муҳандис, муаллим, яъни замон мактабдори, миллатни ҳомийси ва ходими – яъни Давлат думасиға депутат, миллий саноатхоналаримизни ислоҳ ва ихё этгувчи – яъни техник, тижоратхона ва бонкаларда бизга ёрдам бергувчи – яъни тижорат илмини ўқуғон коммирсант... етушдурмоқ керакдур”²⁰.

1918 йил 9 апрелида Тошкент жадидларининг етакчиси Мунавварқори Абдурашидхоновнинг Дархондаги ҳовлисида 9 кишилиқ ҳайъат тузилиб, мусулмон халқ дорулфунуни, яъни миллий университетни ташкил этиш бўйича иш бошлайди. Уларнинг барчаси университетнинг миллат ҳаётида муҳим ўрин тутишини яқдиллик билан тасдиқлайди. Кўп ўтмай, «Халқ дорулфунуни» номида газета нашр этила бошлайди. Мазкур газетанинг

²⁰ Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. Тузатилган ва тўлдирилган 3-нашри (Нашрга тайёрловчи, тўпловчи, сўбоши ва изоҳлар муаллифи Б.Қосимов). – Т.: “Маънавият”, 2006, 161-бет.

1918 йил 31 май, 15 июнь, 21 июль сонларида эълон қилинган «Ташкилот комиссиясининг ҳисоботи»дан маълум бўлишича, 1918 йил 9 апрелидан 9 майга қадар роппа-роса тўққиз йиғилиш ўтказилган. Бу йиғилишларда бўлажак университетнинг ташкилий тузилишидан тортиб, шўъба, факультетлари-ю энг муҳим соҳаларининг дастурларигача ишлаб чиқилди.

Уларга кўра университет уч – куйи, ўрта ва олий босқичли этиб белгиланди. Хорижий тилларга алоҳида эътибор берилди. Ғарбдан – немис, инглиз, француз, Шарқдан – араб, форс тилларини ўрганиш шарт қилиб қўйилди.

Шу тариха 1918 йил 12 майида Тошкентнинг эски шаҳар қисмида Мунавварқори Абдурашидхонов раҳбарлигида Туркистон Мусулмон халқ дорулфунуни очилди. У чинакам миллий университет сифатида ўлка маънавий ҳаётида муҳим ҳодиса бўлди. Университет очилган кунгунда унда ўқиш истагида ёзилганлар сони 945 тага етгани ҳам бунинг далилидир. 15 майда университет низоми қабул қилинди. Профессор Б.Қосимовнинг ёзишича, “Қисқа муддатда 23 мактаб ташкил топди, 299 муаллим жалб этилди. Улардан 22 киши олий диний мадрасаларни, 2 киши Русия университетларини битирган эдилар”²¹.

Машҳур драматург Ғулом Зафарий, шоирлардан Мўминжон Тошқин, Шамсиддин Шарафиддинов (Хуршид), маърифатпарвар зиёлилар Қаюм Рамазон, Шокиржон ва Собиржон Раҳимийлар Туркистон Мусулмон халқ дорулфунунининг дастлабки педагогларидан эди. Дорулмуаллиминда Мунавварқорининг ўзи ахлоқдан дарс бергани унинг бутун салоҳиятини ушбу соҳага бағишлаганидан далолат беради.

Самарқандда Маҳмудхўжа Беҳбудий раҳбарлигида дорулмуаллимин шўъбаси очилди. Унда Ҳожи Муин, Сиддикий-Ажзий сингари таниқли адиблар талабаларга сабоқ берди.

Лекин, табиийки, Мусулмон халқ дорулфунунининг миллийликка мойиллиги шўролар ҳукуматига ёқмади. У бор-йўғи 100 кунга яқин фаолият кўрсатди ва шўъба даражасига туширилиб, «рус» халқ дорулфунунига қўшиб юборилди. Шу тариха миллат зиёлиларининг орзуси ушалмай қолди. Лекин университетнинг биринчи ректори Мунавварқори Абдурашидхоновнинг миллий

²¹ Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Т.: “Маънавият”, 2002, 35-бет.

маърифатни юксалтиришга қаратилган беқиёс хизматлари олий таълим тарихидаги энг ёрқин саҳифалардандир.

1920 йили мустамлака маъмурияти манфаатларини кўзда тутган Туркистон халқ университети Давлат университетига айлантирилди. 1923 йили унинг беш факультетида ўқиётган 2453 талабанинг 50 тасигина ўзбек эди. Ҳолбуки, маҳаллий миллат вакиллари ўлка аҳолисининг 95 фоизини ташкил этар эди. Бундай ҳол узок йиллар давом этди.

Шунга қарамай, халқимиз миллатимиз илмга интилди. Шунчаки интилибгина қолмади, янги, замонавий илм-фанни, маданият ва саноатни, таълим-маориф тизимини яратиш йўлида чинакам жонбозлик қилди. Натижада университет биргина Ўзбекистон эмас, бугун мустақил давлатлар бўлиб қолган Марказий Осиёдаги беш республика учун ҳам илм-маърифат бешиги бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Мунаввар қорининг миллат маърифатини юксалтириш концепцияси катта натижалар берди. Ватан ва миллат тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиб олган бугунги кунда маърифатпарвар жадидлар ва уларнинг раҳнамоларидан бўлган Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг тарихий хизматларини ёд этиш, асарларини чуқур ўрганиш, замонамиз учун зарур сабоқлар олиш ҳар жиҳатдан баркамол авлодларни тарбиялашнинг муҳим шартидир.

Сирожиддин АҲМАД

МУНАВВАР ҚОРИ АБДУРАШИДХОНОВНИНГ ЎРТА ОСИЁ МАДАНИЯТИДАГИ ТУТГАН ЎРНИ ВА РОЛИ

Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг XX аср Ўрта Осиё ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида тутган ўрни ва роли беқиёс. Буни англамоқ учун ўша давр матбуоти, адабиёти, маорифи ва сиёсий ҳаётига назар ташламоқ кифоя. Ҳаётнинг қайси бир жабҳасини олманг, унинг ёрқин сиймоси кўзга ташланади, ижтимоий дардларга даво нафаси сезилади.

Эски усулдаги мактаб ва мадраса таълимини кўрган бу ажойиб сиймонинг дунёқарашидаги томм маънодаги инкилобий ўзгариш

лар замини унинг оилавий тарбияси, ижтимоий муҳитига бориб тақалади.

Миллат фидойиси бўлган бу инсон Туркистонда биринчилардан бўлиб, миллат зиёлиларининг вазифаси ўз халқига миннатсиз хизмат қилиш, яъни ходимул миллат бўлиш кераклигини тушуниб етди ва шу йўлда сўнгги нафасигача хизмат қилди.

Мунаввар қори оддий муаллимлар оиласининг фарзанди эмас, балки ўз даври маърифати, адабиёти, маорифи ва унинг диний, ижтимоий ва сиёсий ҳамда маданий вазифасини англаб етган оила фарзандидир. Шу боис Тошкент мадрасаларида олган билимидан коникиш ҳосил қилмай Бухорога бориб Мирараб мадрасасида таҳсил кўрди. Бу ерда бухоролик, ҳиндистонлик савдогарлар орқали мадраса ичига махфий кириб келаётган хорижий матбуот билан танишди, адабиётларни мутоалаа қилди, зехниятини дунё фалсасфаси ва сиёсий қарашлари билан чархлай олди. Бухородан қайтгач Тошкентда Исмоил Гаспралининг “Таржумон” газетасининг ашаддий мухлисига айланди.

XX аср бошига келиб анча тўкилиб қолган ўзбек жамиятини тиклаш кўп жиҳатдан халқ маориф тизимини янгиланишига боғлиқлиги тўғрисидаги бинокор ва олим Муҳаммад Қоратоший-Тошкандийнинг фикрларини тушуниб етди. Мунаввар қори Тошкент маърифий-адабий муҳиtida вояга етган бўлса-да, ўзининг ўтқир чангалини ботириб турган чор Русиясининг буюк давлатчилик - тор миллатчилик босимини ҳар нафасда таъсир қилганини сезиш қийин эмас. Фикримизга Остроумов ва Мунаввар қори ўртасидаги муносабатлар мисол бўла олади. XX аср арафасида ислом дини ва миллий маданиятига тажовуз бошлаган босқинчилар аҳолини насронийлаштириш масаласида катта тарғибот-ташвиқотни бошлаб, европалик ғайриислом адабиёти ва унинг намояндаларининг фаолиятини тарғибот қилиб, ўз зиёлиларини маҳаллий халқ дини ва маданиятига қарши қўйдилар. Ана шундай кураш ҳосиласи сифатида миссионер Остроумов “Инжил”ни ўзбек тилига таржима қилиб, Белгияда Исломга қарши кураш маркази ёрдамида нашр эттириб, маҳаллий халқ зиёлилари орасида тарқатди.

Маърифий душманликка маърифат билан жавоб бериш йўналишини олган миллий зиёлилар душманга фақат ислом маърифати билан эмас, балки сиёсий маърифат билан жавоб бериш лозимлигини англаб етдилар. Мунаввар қори Абдурашидхонов

“Туркестанские ведомости” газетасининг мухбири Г.Андреев билан бўлган суҳбат чоғида шундай дейди: “Шахсан менинг ўзим оғир ҳаёт йўлини босиб ўтдим. Бирон нарсани ўрганиш учун аввал Тошкент сўнг узоқ муддат Бухоро мадрасаларида таҳсил олишимга тўғри келди. Ҳар ҳолда, мадрасаларда фанларни узоқ йиллар мобайнида ўқишимга қарамай, мен ҳаёт учун зарур бўлган кўп нарсани ола олмадим.

Ана ўшанда мадрасаларда йиллар мобайнида ўқитиладиган билимга тез, осон ва энгил олиб борадиган яхши йўлни топиш ҳақидаги фикрга келдим. Мен янги қўлланмали, фундаментал замонавий педагогика асосида кичик мактаб-мадрасаларни ташкил этишни хоҳлардим”. Демак, Мунаввар қори ва унинг илғор сафдошлари юқорида айтилган тажовузга қарши курашмоқ учун “фундаментал замонавий педагогикани асос қил”дилар ва чуқур илм билан қуроқландилар. Улуғ педагог масалани комил мусулмон сифатида Қуръондан топди, тафсир ва шарҳлар-у талқинларни, ҳадисларни пухта ўрганди. Анъанавий сабоқнинг фақат ақоид томониға эмас, балки ижтимоий-сиёсий томонларига эътибор қаратди. Н.Остроумов, В.Наливкин, С.Грамениций, П.Азначеев каби маориф ноziрларининг мактаб дастурлари, китобларини синчиклаб текширишларига қарамай, ўз дарслик ва ўқув дастурларини яратди ва бутун Туркистон бўйлаб тарқатди. Унинг дарсликлари 1917-1918 йилларга келиб 3-4 бор нашр этилди. Қадрдони ва сафдоши Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан қўллаб-қувватланди.

Агар биз ХХ бошидаги мактаблар фаолиятига назар ташласак, Мунаввар қори ҳақиқатда ҳам маориф соҳасида инқилобий ўзгаришлар қилганига иқрор бўламиз. Туркистондаги бошланғич ва ўрта мактаб таълим-тарбия тизимининг асосчиси эканига ишонч ҳосил қиламиз. Мунаввар қорининг ўз мақсад томон қатъий ва изчил интилиши ўз самарасини кўрсатди. Бошланғич ва ўрта мактабни ўз тилагича барпо этибгина қолмай, анъанавий услубда дарс бериб келаётган домлаларни ҳам ўз билим ва саъвияларини оширишга ундади ва унинг уҳдасидан чиқди. Ишлаб чиққан дарс маромномаси Туркистонда фаолият олиб бораётган барча татар муаллимларининг программасидан кескин фарқ қилган. Мунаввар қори Абдурашидхонов том маънода миллий мактабни яратди, десак хато бўлмайди. Унинг мактабида ўқиган талабалар фақатгина ўзбек, араб, форс тилида эмас, ҳатто рус тилида ҳам эркин гапла-

шадиган ва фикр юритадиган бўлиб чиқдилар. Шу боис унинг таълим-тарбия тизими рус-тузем мактабларини синдирди. Буни кўриб ичи куйган миссионер Остроумов Мунаввар корига тиш-тирноғи билан қарши туришига қарамай бир ҳақиқатни, яъни ўз сўзи билан айтганда “ўзбек мактабларининг ўқитувчилари олим кишилар бўлгани учун уларга таъсир ўтказа олма”ганини тан олишга мажбур бўлди. Мулоҳазани давом эттириб ушбу фактни таъкидлаш ўринли бўлса керак: Буюк ўзбек санъаткорлари Икром Акбаров, Малик Қаюмов, Маннон Уйғур, Искандар Икромов, шоир ва санъатшунос Баҳром Ҳайдарий, ёзувчи Аъзам Аюб, тилишунос Қаюм Рамазон, шоир Элбек, ҳатто Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий; Ўзбекистон давлат, жамоат ва фан арбоблари Абдулҳай Тожиёв, Абдуваҳоб Муродий, Чўлпон, Акмал Икромов, Босит Қориев, адиб Ойбек, кимёгар олим, профессор Саттор Жаббор, Туркияда яшаган олимлардан: Тоҳир Шокирзода, Иброҳим Ориф ўғли Ёркин, Абдуваҳаб Исҳоқ ўғли Ўқтой, Собир Ёқуб, Аҳмаджон Иброҳимов, журналист Лутфулла Олимий, адабиётшунос Ҳамид Сулаймон ва бошқалар унинг шоғирдларидир.

Миллий мактаб учун узлуксиз кураш натижасида Мунаввар қори 1917 йил феврал инкилобидан сўнг Тошкент шаҳар ҳокимияти олдига том маънодаги миллий мактабни яратиш ва бунинг учун мактаблар давлат қарамоғига олиниш масаласини кўндаланг кўйди. Аммо бу эзгу ишнинг амалга ошмоғига большевикларнинг давлат тепасига келиши монъелик қилди.

Атоқли адиб ва муаллим Мунаввар қори Абдурашидхонов бошланғич ва ўрта мактаб тизимида амалга оширган тарихий иш унинг ижтимоий фаолиятини чеклаб қўйган эмас. У дарсликлар ёзиш даврида болалар адабиётга катта эътибор берди. Агар Ғулом Зафарий болалар драматургиясига асос солган бўлса, Мунаввар қори болалар адабиётига замин яратди. Улуғ мутафаккир мактаб, маданият соҳасини ривожлантириш, омманинг ижтимоий онгини, сиёсий қиёфасини шакллантириш учун матбуот, жамият ишларига жиддий эътибор қаратди ва 1909 йилда тошкентлик бойларнинг бошини қовуштирган ҳолда “Жамияти имдодия”, яъни хайрия жамиятини ташкил этди. Бойлар ёрдамида тийинни сўмга, сўмни миллионга айлантириш масаласида кўмак олиб, махфий “Нашри маориф” жамиятини ташкил этди. 1914 йилга келиб уни расмий “Турон” жамиятига айлантира олди. Натижада, “Тараққий”,

“Хуршид”, “Шухрат”, “Турон” ва “Осиё”, “Шўройи ислом”, “Ал-Ислоҳ” нашрларини дунёга келишига сабабчи бўлди. Тошкент бойларини маориф ва жамоат, матбуот ишига жалб қилиш фақатгина ташкилотга эмас, балки умумхалққа катта фойда келтирди. Ана шу таъсир натижасида совет адабиётида ноҳақ ёмон отлик қилинган Мирзакаримбой Саидазимбоев маблағи ҳисобига “Тужжор” газетаси нашр этилди.

Ҳофиз ва созанда, муҳркан Илҳом самаворчи Инъомжон ўғли воситасида “Грамзапис” студияси ташкил этилди. Туркистон ўлкасида турончилар, хоссатан Мунаввар кори Абдурашидхонов таъсири ва раҳнамолигида “Нашриёт”, “Туркистон”, “Умид” нашриётлари пайдо бўлди. “Турон” ва “Равнақ” кутубхоналари вужудга келиб, кенг ўқувчилар оммасига хизмат кўрсата бошлади. “Турон” труппаси ташкил топди. Миллий театр 1913 йилдан “Миллат қаҳрамонлари” спектакли билан фаолиятини бошлади. 1914 йил, 27 март куни расмий ҳукумат томонидан тан олинган мавсумини очди.

Мунаввар кори Абдурашидхонов матбуот ва миллий театр олдига айнан бир мақсад: миллатнинг ижтимоий-сиёсий онгини ошириш, ўз ҳаётига танқидий баҳо бериш, истибоддан қутулишнинг қонуний йўлларини излаш масаласини қўйди. Шу боис 1917 йилга келиб Н.Остроумов чангалидан “Туркистон вилоятининг газетини” тортиб олди ва унинг заминда “Нажот”ни нашр эттирди. “Кенгаш”га муҳаррирлик қилди.

Миллий баркамол мутахассисларни тайёрлаш доимо улуг адибнинг эътиборида турган. Шу боис хорижий мамлакатларга талабалар юбориб, миллий давлатчилик манфаатига хизмат қилувчи етук кадрларни тайёрлаш масаласини эл акобирлари ва халқ олдига даврнинг долзарб масаласи сифати қўя олди. Замоннинг ўта қалтислиги, ўзига тўқ ва бой одамларнинг мулкига давлат томонидан тажовуз бошланганига қарамай, ўлка ва шаҳар бойларини хорижда ўқиётган ва чет элга жўнатилаётган моялар яъни кадрлар учун иқтисодий ёрдам кўрсатиш масаласида бошини қовуштирди. Туркистон матбуотида босилган бир қатор мақола ва хабарлар фикримизни ҳар жиҳатдан тасдиқлайди.

1917 йил октябр ойида ўзининг иқтисод, давлатни бошқарув тизимида тугал илмий таълимотга эга бўлмагани боис сиёсий бошқарувни Бланки, Нечаев ва бошқа террористлар фикри асосида

бошқараётган Владимир Ульянов давлати Туркистонни ҳар жиҳатдан пароканда аҳволга солиб қўйди. Парокандалик ва зулмнинг кучини Туркистоннинг кўпгина шаҳарларида, хоссатан Тошкент шаҳридан фақат мусулмон бўлгани учунгина чет жойларга, хусусан Орол денгизидаги Возрождение оролига сургун қилиниши туфайли талайгина маҳаллардаги ҳовли-жойларнинг хувиллаб қолиши исбот талаб қилмайдиган далиллардир. Ана шундай шароитда мамлакат халқини сақлаб қолиш учун Мунаввар қори Абдурашид-хонов давлатнинг реквизиция, экспроприация, мажбурий мухожират масаласига қарши чиқди. Бундай оғир аҳволдан қутулишнинг йўли Туркистон учун автономия зарур эканлигини сафдошлари ва уламолар орасида кенг тарқатди ва натижага ҳам эришди. 1917 йил декабрда Қўқон шаҳрида Туркистон Мухторияти ташкил топди. Мунаввар қори Мухторият амал қилгучи давлат программаси бўлмиш “Турк адам марказият фиркаси” программасини сафдошлари билан бирга ишлаб чиқди ва унинг муаллифларидан бирига айланди.

Бироқ бу ҳукумат большевиклар томонидан милтик, пулемет ва тўпга тугилиб зўравонлик билан тарқатиб юборилди. Унинг ўрнига бутун раҳбарияти асосан мустамлакачи коммунистлардан иборат бўлган Туркистон совет автоном республикаси 1918 йил май ойида барпо этилди. Ҳокимиятни бу хилда барпо этиб бўлмаслигини сезган адиб Ғози Олим Юнусов, Сайид Аҳрорий, Ҳайдар Шавқий, Рожий каби ҳарбий малакали кишилар ёрдамида ўрта мактабларда бўлажак аскарларни тарбиялаш учун инглиз скаутинг мактаби усулидаги тарбияни жорий этди. 1918-1919 йилларда Тошкентдаги барча мактабларда бу тизим расмий программага киритилди. Бу тўдалар “Кучсизларга куч, маърифатсизларга маърифат бериш” шиори остида ишлади. “Изчи”, “Темур”, Турон кучи”, “Турк кучи” тўдалари уларнинг “Бобирхон кўли”, “Қойихон кўли” каби филиаллари фақатгина Тошкентда эмас, балки Туркистоннинг Чимкент, Оқмасжид ва бошқа шаҳарларида ҳам фаолият олиб борди. Шунини афсус билан қайд этиш керакки бу тўдаларнинг фақатгина биргина вакили Фатҳулла Умаров 80-йилларгача республикадан ташқарида яшаб жон сақлади. 1930-1937 йиллар катағони даврида бу тўдаларда ишлаган ўқитувчилар ва ўқувчилар иссиз йўқ қилинди. Мунаввар қори ва сафдошларининг бу тўдаларни ташкил этилишидан муроди миллий кўшмни тайёр-

лаш эди. 1918-1919 йилларда бу ишни амалга ошириш учун атокли жамоат арбоби Низомиддин Хўжаев ҳам бош қўшди. Мунаввар қори Абдурашидхонов ва унинг маслакдошлари ғайрат ва тарғиботу қатъий талаблари билан тузилган миллий кизил қўшин тақдири мутахассисларга аён деб ўйлайман.

Мунаввар қори ҳар жойдан миллат манфаати учун имконият излайдиган киши бўлгани учун собик асир турк зобитлари ёрдамида “Миллий иттиҳод” ташкилотини тузди ва бу ташкилотга Тошкент, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм зиёлиларини жалб қила олди. Ушбу ташкилотни мунтазам қўшинга эга бўлиши учун замин тайёрлаш мақсадида юқоридаги тўдалар фаолиятига умид билан қаради. Мухторият бостирилгач бош кўтарган истиқлол ҳаракати қўшинини ҳарб илми талабларига жавоб бериши учун, бу қўшинга ёрдам кўрсатиш учун собик турк асирлари ва миллий зиёлилардан маслаҳатчилар тайёрлади.

Туркистон ўлкасини бошқаришда маҳаллий аҳоли ҳақ – ҳуқуқини тиклаш йўлида сафдошлари билан музокаралар олиб бориб, 1919 йилда Ленин ҳузурига ваколатли вакилларни юборишга эришди. Аммо улар Низомиддин Хўжаев таъбири билан айтганда “мошинанинг иккита ғилдирагига ҳам эга бўлмай” куруқ қўл билан қайтдилар. Булар изсиз кетмади. Ш.Элиава ва В.Куйбишев бошлик Ленин томонидан катта ваколатлар билан Туркистонга юборилган “Турккомиссия”га Туркистон халқи талаб ва истакларини миллий гуруҳ номидан ёзма равишда топширди. 1919 йилда Турор Рисқулов ўлка раҳбарияти лавозимига келиши билан “Туркмусулмонбюроси”ни ташкил этиш масаласини сафдошлари билан муҳокама қилди. Бироқ бу ноёб ҳодиса Ленин ва унинг сафдошларини кўрқитиб юборди. Турк Республика маориф бўлимининг “Турк шуъбаси”ни бошқараётган Мунаввар қори рисқуловчиликдан айбланиб, ишдан четлаштирилди ва 1920 йилда Бухоро Халқ республикасига сафарбар қилинди.

Аммо бу ҳодисалар, иқтисодий қийин шароит адибни синдира олмади. У инқилобий фаолиятини Бухоро Халқ Республикаси арбоблари билан ҳамкорликда давом эттирди. Бухорада ўтган тўрт ойлик фаолияти даврида жумҳурият вақф тизимини ишга солиш билан бирга ёш мамлакатнинг вақф ҳақидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқди ва Бухоро ҳукуматига топширди. Бироқ 1921 йилда Туркистон Марказий ижроия кўмитаси томонидан Тошкентга

чакириб олинди ва орадан 10-15 кун ўтмай қамокқа олинди. Шу сабаб 1923 йилда шўролар олиб бораётган ғайримиллий маккорона сиёсат туфайли махфий ташкилот ишини тўхтатди ва уни тарқатиб юборишга эришди. Лекин 1923 йилда “Нашри маориф” жамиятини қайта оёққа қўйди. Ўз курашини маориф жабҳасида олиб бормокчи бўлди. Бироқ миллатнинг ҳар жиҳатдан кучайиб кетишини хохламаган ва бунга кўнглига сикқанча тўсқинлик қилган босқинчилар ҳокимияти куч билан жамиятни тарқатишга эришди. Аммо Мунаввар қори Абдурашидхонов ва унинг сафдошлари сепган уруғни йўқота олмади.

Улуғ педагог, инкилобчи ва олим Мунаввар қори Абдурашидхонов фақатгина ўзбек зиёлиларининг бошини қовуштирди десак, унинг фаолиятига тегишли баҳо бера олмаган бўламиз. У “Алаш” газетасининг муҳаррири Тўғусов, козоқ ва ўзбек халқининг фарзанди Назир Тўракулов, Турор Рискулов, тожиклардан Мўмин Хўжаев, татарлардан Бурҳон Шараф, Мусо Бегиев, туркманлардан Хан Явмудский каби шахсларнинг фаолиятини доимо қўллаб-қувватлади. Туркистон халқлари манфаати учун хизмат қилувчи барча ҳаракатларда бор кучини аямай хизмат қилди. Ўзбек, туркман, козоқ ёшларини хорижга ўқишга юборишда жонбозлик қилибгина қолмай ўзининг иқтисодий ночор аҳволдалигига қарамай “Кўмак”ни ташкил этиб, уларга иқтисодий ёрдам қилди.

Таваллудининг 140 йиллиги нишонланаётган буюк ходумул миллат, улуғ педагог, истиқлолнинг жасоратли курашчиси Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг Ўрта Осиё, хоссатан Туркистон минтақасидаги ўрни ва роли ҳақида кўп яхши гапларни айтиш ва мисолларни келтириш мумкин, аммо бу фикрлар, мисоллар беназир инсон ва мутафаккирнинг сиймосини тўлиқ ёрита олмайди. Шу боис биз унинг сиймойи тажаллисига эътибор қаратдик, холос. Зеро, мутафаккирлар фаолияти битмас-туганмас бир хазинадир; бу хазиндан ҳамма насибасига яраша дурри гавҳарларни теради. Бунга шак-шубҳа йўқ.

ТУРКИСТОН ЖАМИЯТИНИНГ МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА МУНАВВАР ҚОРИ АБДУРАШИДХОНОВНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Ҳаётда шундай инсонлар бўладикки, уларнинг умр йўллари мазмунан серкирра, жўшқин воқеаларга бой бўлиб, тарих саҳифаларида муҳим ўрин эгаллайдилар. Бундай баҳо юксалишлар-у кулашлар, тараққиёт, янгиликларни, турли воқеаларни бошидан кечирган XX аср бошлари ва 20-йиллар Туркистонда янги маърифат ва маданият, миллий истиклол учун фидокорона курашган, Тошкент жадидчилигининг отаси – Мунаввар қори Абдурашидхоновга ҳам тегишли. Бу улуг шахс халқни маърифатли қилишни, савиясини кўтариб, оқ-қорани танийдиган қилишни янгиликларнинг бирламчи шарти деб билди ва бу олий жаноб ниятни амалга ошириш учун фидойилик билан ишга киришди. У турли тақиб ва таъқиқларга қарамай, моддий қийинчиликларни енгиб, мактаблар очди, дарсликлар яратди, газета саҳифаларида фаол қатнашди, китоблар чоп этди, маданий-маърифий тўғараклар очди. Хуллас, Мунаввар қори ўзбек миллатининг садоқатли ва фидокор фарзандлари сифатида танилди.

Маълумки, ижтимоий онгнинг ўсиши хат-савод ўргатиш усулини ҳам ислоҳ қилинишини талаб қилган эди. XX аср бошлари турк ва татар халқлари маънавий ҳаётида кескин бурилиш ясаган Исмоил Гаспринскийнинг ўқиш ва ўқитиш, мактаб ва мадраса ислоҳотига оид фикрларидан руҳланган Мунаввар қори мактабларни ислоҳот қилмай туриб, одамларнинг онгида ўзгариш ясаб бўлмастлигини яхши тушуниб етди ва Тошкентда 1901 йили биринчи бўлиб, янги усулдаги жадид мактабини ташкил этди. Ўз даври учун инқилобий ислоҳ ҳисобланган бу ишга Туркистонда ҳаммадан аввал Саид Расул Саидазизий (1866-1933 йиллар) ва Мунаввар қори Абдурашидхоновлар киришдилар. Улар ўз йўл-йўриklarини “усули-савтия” деб номлаб, бу усулни ҳаётга тадбиқ этишга рус, татар илғор педагогларининг тажрибасидан фойдаланганлар.

Саидрасул Саидазизий “Устои аввал” (1902 йил), Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг “Адиби аввал” (1907 йил) деб номланган ўзбекча алифбо китоблари Тошкентда нашр қилинади. Иккала дарсликнинг қўл ёзмаси деярли бир вақтда тайёрланган бўлишига қарамай, иккинчиси беш йил кейин нашр этилади. Бунинг асосий сабабларидан бири мазкур муаллифларнинг ўша даврда тутган мавқелари эди. Чунки, С.Саидазизий мадрасани ва рус-тузем мактабини битиргач, 1900 йили ўзи ўқиган рус-тузем мактабида “мусулмонча синф” ўқитувчиси бўлган ва унга Сирдарё вилояти халқ мактаблари директори лавозимида кўп йиллар ишлаган педагог С.М.Граменицкий кўллаб-қувватлаб, ёрдам беради²².

Мунаввар қори Абдурашидхоновни эса аксинча чор амалдорлари ёқтирмаганлар, тараққийпарвар маҳаллий зиёлилар ташаббуси туфайли, қийинчиликлар билан фаолият кўрсатган усули жаҳид мактаби муаллими эди. Бу мактаблар муаллимлари ўзбекча алифбо китоблари бўлмаганлиги учун татарча китоблардан, 1902 йилдан “Устои аввал”дан фойдаланганлар.

1905-1907 йиллардаги инқилобдан кейин маҳаллий халқларга сўз ва матбуот эркинлиги берилгач, Мунаввар қори бундан фойдаланиб, 1907 йили “Адиби аввал”, “Адиби соний” каби дарсликларини чоп эттиришга муваффақ бўлди. Мунаввар қорининг бу дарсликлари ўзининг қизиқарлилиги, дунёвий билимлардан парчалар келтирилганлиги билан, дунёвий билимлар асосида шарҳланганлиги билан қимматлидир. Бу қорихона, мадрасаларнинг таъсири кучли бўлган бир даврда, ёшларни, болаларни дунёвий илмлар сари қизиқтириш катта жасорат эди. Бу китобда ҳар соҳадан бир шингил мисоллар келтирилган бўлишига қарамай, ўз даври учун бу жуда ноёб, бебаҳо нашрлар ҳисобланади. “Адиби Соний” китобида ахлоқ, одоб дарслари эртак ва ривоятлар орқали, жўғрофия, ҳайвонлар дунёси (зоология) каби фанлар ҳикоя тарзида баён этилган эди²³. Дарсликдаги панд насихат қисмида айтилган “яхши муомалани дўсту-душманга баробар қилмоқ лозимдир. Чунки, дўстларнинг дўстликларин орттирур, душманларни дўстларга

²² Абдуллаев И. Биринчи ўзбек алифбоси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991 йил 8 февраль. №6.

²³ “Адиби Соний” тузувчи Мунаввар Қори бин Абдурашидхонов. Т. 1914. (Г.Я.Яковлев типографиясида).

айлантирур”²⁴ – деган сўзлари муаллифнинг эзгуликка интилувчи шахс эканлигини яна бир қарра исботлайди.

Бундан ташқари бу зот ислом дини тарихининг етук билим-дони эди. Архив ҳужжатларидан олинган маълумотларга кўра Фарғона хусусан Қўқондаги янги усул мактабларида илоҳиёт фани бўйича Мунаввар қори Абдурашидхонов томонидан тузилган бир қанча китоблардан фойдаланилган эди. Булардан: “Хавожи диния” (Тошкент. 1912) 3 қисм, “Тарихи анбиё” (Тошкент. 1912), “Тарихи Исломия” (Мусулмончиликнинг тарқалиши ва унинг тарқатувчилари) (Тошкент. 1912), “Тарихи қавми туркий” (Қозон. 1911)²⁵ ва “Сабзозор” (Ўқиш китоби) “Ер юзи” (Жўғрофия)²⁶ кабилар маълум.

Мунаввар қори Абдурашидхонов жамиятда ечилиши лозим бўлган муаммоларни, тақлифларини баён қилишда матбуотдан кенг фойдаланди. У айниқса ёшларнинг халқ орасидаги ижтимоий силжишларига сабаб бўлган ишларни бажариб, обрў топаётганларидан фахрланган. Жумладан, “Тошкентда мусулмон жамияти” мақоласида у шундай деб ёзади: “Тошкент жамиятининг исмини унутган ёки ҳеч бир жамият деган сўзни эшитмаган Тошкент мусулмонларининг етти яшаридан етмиш ёшаригача жамиятнинг вужудидан хабардор бўлди, рус, яҳудий ва арманлар фойдаланиб юрган ўринларидан фойдаланмак мусулмонларга ҳам мумкин эканлиги очиқ билинди, бу эса Тошкент мусулмонларининг ҳийла руҳларини кўтармоғига ва жамиятга муҳаббат ила қаромокларига сабаб ўлди”²⁷. Шу билан бирга муаллиф бу жамият таракқийпарвар ёшларни ўз атрофига тўплаганлиги, улар томонидан бир неча хайрли ишлар қилинганини алоҳида таъкидлайди. “Жамиятнинг янги аъзолари ...пул топмакка ҳам янги йўллар излади, бошлаб “Грамафон обшество” сила сўйлашиб, ҳар бир пластинкадан 10 тийин олмоқ шарти ила бир неча хофизларни ва ўз тарбиясидаги мактаб шогирдларини товушини сотди”²⁸. Бу эса халқнинг ўзлигини таниши ва ўзини ҳимоя қилиш туйғусини уйғониши, миллий

²⁴“Адиби Соний”... 9 бет.

²⁵ЎЗРМДА. Ф-Р-34. 1- рўйхат, 1194-иш. 165- варақ.

²⁶Ўша ерда.

²⁷Мунаввар Қори. Тошкентда Мусулмон жамияти //Самарқанд газетаси. 1913 йл 20 август. 37 сон.

²⁸“Самарқанд” газетаси. 1913 йил 20 август. №37.

кадриятларини сақлаш ва тараккий эттиришдаги илк кадамларидан эканлигидан далолатдир.

Муҳтож мусулмонларга ёрдам бериш, уларни маънавий ва моддий жиҳатдан яхшилаш, халқ орасида сахна ишига ва хайрия тadbирларига муҳаббат уйғотиш мақсадида М.Абдурашидхонов ва Абдулла Авлоний бошчилигида Тошкентда “Турон” театр жамоаси ташкил этилади. 1914 йил 27 февралда ушбу театр жамоаси томонодин сахналаштирилган М.Бехбудийнинг “Падаркуш” спектаклининг биринчи пардасини очиш Мунаввар қори Абдурашидхоновга топширилади. У мазкур тантанали маросимда шундай дейди: “Туркистон тилида хануз бир тиятр ўйнамағонлиги барчангизга маълумдир. Шул сабабли баъзи кишиларимиз тиятрға, эҳтимолки ўйинбозлик ёки масхарабозлик кўзлари ила боқурлар. Ҳолбуки, тиятрнинг асл маъноси ибратхона ёки улуғлар мактаби, деган сўздур. Театр сахнаси ҳар тарафи ойнабанд қилинган бир уйга ўхшайдурки, унга ҳар ким кирса ўзининг хусн ва қабихини, айб ва нуқсонини кўриб ибрат олур”²⁹. Албатта ёшлиқдан ислom дини қонун ва кўрсатмалари билан тарбияланган, ундан руҳланган кишининг театр санъатига бундай катта баҳо бериши улкан воқеа эди. Бу унинг дунёқарашининг ниҳоятда кенглигини, билимдонлигини билдиради. Маданият дарғаси ўзбек томошобинларига: “биз бу зотларга (яъни артистларга) ва театрларга қандай кўз ила боқмоғимиз керак?”-деган савол билан мурожаат қилар экан, ўзи бу саволга куйидагича жавоб беради: “Муни ўрганмак учун биз ўзимиздан бошқа мутараккий мамлакатларга боқайлик. Мисли устимизга ҳоким бўлиб турган русларга, туркларга, немисларга, французларга, яҳудийларга ва бошқаларга кўб узок кетмайлуқ, янги якин қўшниларимиз бўлғон татарларга ва кафқаз мусулмонларига”³⁰. У айниқса, Мирза Фатҳали Охундовга фаолиятига тўхталиб “халқининг нуқсонини кўрсатган, миллат тараккийсиға ва мамлакат озодлигига хизмат қилган” шахс сифатида баҳолайди. Бу Мунаввар қорини ўзга миллат халқларининг турмушили, маданиятини чуқур билганлигини, улар ҳаётида театр санъати қандай ўрин туттишини ҳар томонлама ўрганганлигини билдиради. Бу инсон миллат обрўсини юксалтиришни, ривожлантиришни ўзининг умр

²⁹ М.Қори Абдурашидхонов. Биринчи миллий театр//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1997 йил 21 март.№12.

³⁰ Ўша ерда.

мақсади деб билган. Ҳатто театр сахнасида туриб, ўз нутқида у ўлкасининг қолоклиги сабабини ахтарар экан, “Бизим Туркистон мамлакати туфроғ, сув ва ҳаво жиҳатидан энг бой мамлакатлардин бўла туриб, на учун ўзимиз бундан фойдалана олмаймиз!” деган ҳақли эътирозига халқимизнинг “нодонлик ва дунёдин хабарсизлик балосидандир” деб жавоб беради. Ва бу иллатлардан қутилишнинг бирдан – бир йўли “театр сахнаси, яна жамият ва тиятр воситасила очилган мактаб ва мадарасаларимиздир” дейди. Биргина шу мақоладининг ўзиёқ Мунаввар қори Абдурашидхоновни мадания ва маънавият йўлида тинимсиз курашган шахс эканлигида далолатдир.

Мунаввар қори инсоннинг маърифатли бўлиб, кўзи очилмагунча виждони уйғонмаслигини, виждон уйғонмаса на ўзининг, на халқнинг эркини муҳофаза қила олишини чуқур англаган. Шунинг учун ҳам Октябрь тўнтаришидан сўнг у ўз ҳаётини бутунлай маориф ва маданият ишларига бағишлади. “Сўнги икки йил ичинда, – деб ёзган эди у, – Туркистон халқининг бошина келган фалокатлар ҳар бири ёлғиз нодонлик ва маорифсизлик орқасиндагина бўлғонлиги ҳар кимга маълумдир. Келажакда бундай фалокатлардан қутулмоқ ва Туркистон халқи тилаган равишда идора қилмоқ ва душманлардан сақламоқ ёлғиз санойи ва маориф воситаси илагина мумкиндир”³¹.

Мунаввар қори Абдурашидхонов 1918 йил ташкил топган Туркистон Маориф Халқ Комиссарлиги қошида очилган “туркий шўба”нинг ташаббускорларидан бўлди³². Шўбанинг вазифаси маҳаллий аҳоли учун мактаблар тузиш, ўқитувчи мутахассислар, дарслик ва ўқув қуролларини етказилишини назорат қилиш билан бирга, омма орасида маданий-маърифий тадбирларни ўтказишдан иборат эди. Бу ташкилот ўз даврининг энг буюк маърифатчиларини ўз атрофига тўплади. Мунаввар қори ва унинг сафдошлари биргина бу иш билан чекланиб қолмадилар. Улар Мусулмон дорилфунуни очиш ғояси билан чиқдилар ва иш олиб бордилар. Маълумки, 1918 йил 21 апрелда ўз фаолиятини бошлаган Халқ Дорилфунуни оврўполиклар учун бўлиб, мусулмон вакиллари учун

³¹ Мунаввар Қори. Ўқитувчилар қурултойига хозирлик//Иштирокиюн. 1919йил. 23 июль. №139.

³² Чернявский Е. История возникновения, структура и деятельность ГУСа//наука и просвещение. 1922. №2. Стр. 165.

анча йирок бўлган ўқув маскани эди³³. Шунинг учун ҳам маърифатпарвар жадидлар томонидан махсус мусулмон халқ дорилфунунини очиш мақсадида махсус комиссия тузилади, унинг таркибига Мунаввар қори Абдурашидхонов –раис, Бурхон Хабиб, Исо Тўхтабоев, Содик Абдусаттаров, Муродбек Муродхўжа, Мухтор Бакиров, Абдусами қори Зиёбоев ва бошқалар кирган бўлиб, улар томонидан маҳаллий миллат орасида бу ўқув юртига қизиқиш уйғотиш, унга яқинлаштириш, дастурлар тузиш каби ишлар амалга оширилди³⁴. Шундай қилиб, 1918 йилнинг 13 майида, Тошкентда мусулмон аҳоли учун “Халқ дорилфунунини” нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади. Тез орада бу даргоҳ ўзига хос йирик билим масканига айланади. Дорилфунун қошида ўзбеклар учун махсус ўқитувчилар тайёрловчи бўлим – “Дорилмуаллимин”нинг очилишида ҳам Мунаввар қорининг меҳнатлари бекиёсдир. Бу ерда мудирлик вазифасини ўташ билан бирга Мунаввар қори этикадан, Фитрат она тилидан, Камол Шамсий арифметика ва геометриядан, Абдурахмон Исмоилов санъат, меҳнат, мусиқадан, Ризаев жўгрофия, маданият тарихи ва сиёсий иқтисоддан, Ҳайдар Шакурий гигиена, немис тили каби фанлардан маърузалар ўқиганлар³⁵.

Совет тарихшунослигида совет ҳукумати ўрнатилгач дин мактаб-маориф ишларига аралашмаганлиги уқтириб келинди. Аслида эса, В.И.Лениннинг “Мактабларни черковдан ажратиш” декрети амалга оширилган бир вақтда Туркистондаги маҳаллий шарт-шароитлар инобатга олиниб, совет мусулмон мактабларида дин дарсларининг ўқитилишига рухсат берилган эди. Таассуфки, шундай бўлишига қарамай халқ орасида бу мактабларга шубҳа кучли бўлган ва ўз болаларини бу мактабларга юбормай қўйганлар. Бундай ҳолат табиийки, инқилобдан кейин маориф соҳасида фаолият кўрсатаётган жадидларни эътиборсиз қолдирмади. Улар ўлкадаги вазият, халқнинг кайфиятини яхши билганлар ва “янги мактабга халқнинг муҳаббатин жон этув учун дин биринчи кучли восита”³⁶, – деб ҳисоблаганлар. Жумладан, Мунаввар қори Абдурашидхонов ва ўша вақтларда ўлка маориф комиссари вазифасини ўтаган

³³ Тўхтабоев И.К. Открытию мусульманского народного университета//Наша газета. 1918 йил 12 май. №92.

³⁴ Еникеев А. Краткая история возникновения в Ташкенте мусульманской секции народного университета//Народный университет. 1918. 9 июнь. №31.

³⁵ ЎзРМДА. Ф-34, 1-рўйхат, 110-иш, 327 варак.

³⁶ Халил Завкий. Халқ мактабларида дин дarsi //Иштирокиюн. 1919 йил 11 июл. №131.

Мажид Амин Афандизодаларнинг халққа қарата “Муслмон мактабларида дин дарслари” номли хитобнома билан мурожаат қилишлари ҳам фикримизнинг яққол далилидир. Муаллифлар муслмон мактабларида дин дарсларининг ўқитилиши ўлка маориф комиссариатининг махсус 1918 йил 9 ноябрь 38 рақамли буйруқ, 4-моддасида қайд этилганини ва буйруққа кўра “муслмон мактабларинан шогирдларига (Имомлар тарафиндан ўқитулмоқ шартла) таҳорат ва шунга ўхшаш ҳавоиж динияларин ўргатмакка муаллимларга ихтиёр берилди”³⁷, – деб қайд этган эдилар. Улар дин дарсларига тўлиқ тавсиф берар эканлар, “муаллим ўзининг дарс жадвалини лаоқал ҳафтада уч-тўрт соат дин дарслари киритиб (бошка фанларнинг соатига зарар эткармаслик шартла) ул соатларини ибодат, эътиқодият, Қуръон ва аҳлок каби қисмларга бўлиб ўқитмоқға виждонан ўлса керак”³⁸ деб ишонч билдирадидлар. Мунаввар қори ва Афандизода эски мактаблар хусусида тўхталиб, уларда на илм, на дин бор, улар ёш болаларнинг руҳини, ҳамда жисмоний жиҳатдан хароб этувчи танбал хоналардир, деб таъриф берадилар ва бундай мактабларнинг даромадларини текшириб, баъзиларини ислоҳ қилиш фикрини ўртага ташлайдилар.

Афсуски, М.Абдурашидхоновни арзимаган баҳоналар топиб қоралаш, уни матбуот саҳифаларида танқид қилиш ҳоллари тўхтамаган эди. Масалан, “Мусофир” деб имзоланган талаба “Эсингиздан чиқдимۇ?” номли мақоласида Мунаввар қорини Маориф комиссарига қарши бўлганликда, талабаларни унга қарши қўйишда айблайди³⁹. Аслида эса воқеа эски шаҳар талабаларининг янги шаҳардаги ўлка курсларига кўчириш хусусида бўлиб, Мунаввар қори бу масалаларни ўлка Маориф комиссари билан маслаҳатлашган ва бу хабарни талабаларга устознинг ўзи етказган эди. Шунинг учун ҳам у юқоридаги мақоланинг ёлғонлиги исботлаш мақсадида ўзининг “Ҳақсиз ҳужум” мақоласини бўлиб ўтган мажлисининг тавсифига бағишлайди⁴⁰. Муаллиф нима сабабдан талабаларнинг унинг шахсига бундай баҳо берганликларига қуюнади ва “ҳақсиз ҳужумлар етилмишдир!” дея киноя қилади. “Обинамак”⁴¹ имзоли муаллиф имло масаласи хусусида “Инқилоб” журналида фельетон

³⁷ Муслмон мактабларида дин дарслари// Иштирокиюн. 1919 йил 27 декабрь. №251.

³⁸ Ўша ерда.

³⁹ Мусофир. Эсингиздан чиқдимۇ? // Иштирокиюн, 1919 йил 9 июль. №129.

⁴⁰ Мунаввар Қори. Ҳақсиз ҳужум//Иштирокиюн, 1919 йил 11 июль. №131.

⁴¹ Бизнингча бу Назир Тўрақуловнинг тахаллуси бўлса керак.

ёзиб, адибни имлога карши чиққанлигини кулгулик тарзда баён этади, уни йиғлоқи деб мазах қилади⁴². Бирок, ҳар қандай ҳақсиз хужумлар, таъйиқлар, киноялар буюк инсонни чўчита олмади. У танлаган йўлдан бораверди, 1922 йилда Туркистон Маориф нозири, кейин эски шаҳар маориф бўлими нозири бўлиб ишлади. Ўша йили 23-25 мартда ўтган II УмумТуркистон маориф ходимлари курултоида иштираётган этиб, мактаб бўлимига аъзоликка сайланди. Кейинчалик Навоий номидаги техникумда ва турли мактабларда ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди. Дўстлари ва шоғирди Қажум Рамазон ва Шорасул Зуннун билан ҳамкорликда уч бўлимдан иборат “Ўзбекча тил сабоқлари” китобларини (1925 йил) нашр эттирди⁴³.

Миллат мураббийси Мунаввар корининг маориф ва маданият муаммоларига бағишланган “Нашри маориф” юшмасининг аҳамияти” номли мақоласи эътиборга молик бўлиб, унга алоҳида тўхталмоқ зарур. Унда маданий мамлакатларда маориф маданият ишларини оддий халқ бошқариши, ҳукумат эса ёлғиз раҳбарлик ва ёрдамчилик вазифасини ўтаганлиги сабабли онгли миллат ўзаро илмий, фанний, адабий, ижтимоий, уюшмалар, нашри маориф жамоатлари тузуб миллат ва халқни маориф ва маданият жиҳатдан юксалтиришга хизмат қилаётганлигига алоҳида урғу берилади. Бизнингча устознинг бу фикрлари “қоса тагида ним қоса” кабилида бўлиб, совет ҳукуматининг ҳар бир ишга аралашуви унинг жонига текканлигига истехзоли пичинг бўлган бўлса керак. “Мана, бу йўллар билан, – деб ёзади Мунаввар қори, – бугун Оврупа ва Амриқо халқлари ҳавода учар, денгиз остида сузар, дунёнинг энг нарги бурчаклари билан воситасиз хабарлашар бир қолға, бир маданиятга етишдилар”⁴⁴. У жадидлар – тараққийпарварлар амалга оширган ишларни бирма-бир санаб ўтар экан: “Мана бу юқорида саналган ва бу кунда тарих саҳифаларига топширилган миллий-маданий хизмат ва ҳаракатларнинг ҳеч бири ҳукумат усталларида эмас, ёлғиз жамоат усталларида ишланган ишлардир”⁴⁵ –деган эди. Мақолада “Устал” учун, яъни амал учун ўз виждонини сотувчилар қаттиқ танқид остига олинади. Инқилобдан аввал (Октябрь

⁴² Имло масаласи тўғрисида ким нима фикрда? // Инқилоб, 1922 йил. №2. 43-44 бетлар.

⁴³ С.Аҳмад, Мунаввар Қори. Эссе // Шарҳ юлдузи, 1992 йил №5, 116 бет.

⁴⁴ Мунаввар. “Нашри Маориф” уюшмасининг аҳамияти // Туркистон 1923 йил 4 март. №79.

⁴⁵ Ўша ерда.

тўнтариш – Н.М.) ва ундан кейин ҳам мана шундай амал-парастларнинг таъсири кучли эканлигини эътиборга олиб муаллиф: “Агарда биз аввалдан бир неча инқилобларни кўриб тажриба ҳосил қилгон бўлсак, табиий бу беш йиллик инқилоб даврида маориф ва маданият йўлида жуда ўйлаб ишлаган, қора халқни тамом қўлга олиб тараққий ва таомил йўлига ўзимиз билан бирга олиб кетган ва бу восита билан инқилоб давридан қора халқни фикр, маориф жихатидан кўп, жуда кўп фойдаладиргон бўлар эдик”⁴⁶, - деб ёзади.

Мунаввар қори маориф ва маданий ишларда фақат халқга суянадигангина, халқнинг фикри ва руҳияти билан ҳисоблашгандагина, халқни маориф ва маданият ишларига жалб этилгандагина амалий ютуқларга эришиш мумкинлигини тушунган. “Табиийки, деб ёзади у, – бундай ишларни энди ёлғиз ҳукумат кабинетларида ўлтириб эмас, жамоат устулларида ва қора халқ орасида ишламак лозимдир. Бунинг учун ҳар ерда нашр маориф уюшмалари очмоқ ва бутун маорифпарварларни, ёшларни, чолларни шул уюшма атрофига тўлламоқ керадур”⁴⁷. Муаллиф Туркистон халқини маданий миллатлар қаторида кўришни, маданият дунёсида ўз ҳуқуқини танишини орзу қилади ва биз ҳақли равишда ушбу мақолани тарихшунослик нуқтаи назаридан бебаҳо нашрлар сафига киритамиз.

1923 йилда Мунаввар қори Абдурашидхонов Бош Вақф Бошқармасининг аъзолигига сайланади⁴⁸. Бу вазифани ҳам сидқидилдан бажарган Мунаввар қори вақф бошқармасининг асосий эътибори асосан маориф ва маданият ишларига қаратилганини ўзининг “Бош вақф идорасининг бир йиллик ҳисоби”да аниқ кўрсатиб ўтган эди. Унда кўрсатилишича, “бош вақф идораси ўзининг таъминоти учун маҳаллий шўъбаларнинг умумий даромадидан “10 фоиз” олиб, қолган “90 фоизини маҳаллаларнинг ўзида маориф ва маданият ишларига сарф бўладир”⁴⁹ (Вақф идорасининг 1923 йилдаги бутун даромади 6.529.652 сўмни ташкил этган эди). Муаллиф, вақф идоралари қисқа вақт ичида халқнинг маориф ва маданияти йўлида яхшигина натижаларга эришганини Тошкент вақф шўъбалари фаолиятида аниқ кўрсатиб беради. Улар томонидан очилган маданий-маърифий муассасалар сонини аниқ санаб ўтар экан, бу

⁴⁶ Ўша ерда.

⁴⁷ Ўша ерда.

⁴⁸ ЎЗР МДА. ФР-25, 1-рўйхат, 1142- иш, 7 varaқ.

⁴⁹ Фарғона газетаси. 1924 йил 7 февраль. № 144.

тадбирлар факат шаҳарликлар учун эмас, балки чекка “уезд” ларда ҳам амалга оширилиши лозимлигини тилаб қолади. Бунинг учун у бош вақф идораларини “вақф ерларини налогдан озод қилиш” таклифини ўртага ташлайди ва бу тадбир амалга оширилса, “уезд халки ҳам яхшигина бир маориф ва маданият сармоясига молик бўлиб, бу сармоя воситаси билан ўзини босиб ётган жаҳолатларига қарши курашган бўлур эди”, деб ишонади. Бундан кўринадики, маърифатпарвар зот ҳар қандай вазиятда, ҳар қандай вазифани бажармасин, унинг ўй-фикри, қалби, вужуди ўз халқини маданиятли, маърифатли кўришдан иборат бўлди. Афсуски, бундай ўзлигини таниган, халқига оқ-қорани танита оладиган инсонлар совет ҳукумати учун “зарарли” ҳисоблана бошладилар. Шунинг учун ҳам бундай шахсларни қандай бўлмасин йўқ қилиш, уларни турли баҳоналар билан сиқиб чиқариш, “ғоявий душман” сифатида йўқ қилиш совет ҳукуматининг асосий вазифасига айланди.

Мунаввар қори жисман йўқ қилинсада, маънавий йўқ қилина олмади. Чунки, эл учун умрини баҳшида қилган, маърифат ва озодликка тинмай интилган бу улуғ шахснинг номи тарихда ўчмас из қолдирган эди. Биз уни ҳақли равишда маърифатпарвар, етук публицист, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт ўзгаришларининг шохиди бўлган ва бу жараёнларни ўтқир қалами орқали халққа етказа олган журналист, бадиий асарлар яратган адиб сифатида баҳолаймиз. У тарихчи бўлмаса-да, аммо унинг қолдирган мероси муқаррар тарзда тарихшунослик нуктаи – назаридан бебаҳо қимматга эга.

Зеро, ўтмишда битилган ҳар бир сатр тарих учун ўзига хос эканлиги билан қимматли бўлиб, тўла равишда тарихийликка даъвогардир. Шунинг учун ҳам тарихчининг асосий вазифаси улардан ўз ўрнида фойдалана олиш, улардаги маълумотларни илмий муомалага киритиб, тарихийлигини белгилаши, ҳаққоний ва ҳалол баҳолаши ғоятда муҳимдир.

МИЛЛАТ ФИДОЙСИ ВА РАҲНАМОСИ

(Мунаввар қори Абдурашидхонов таваллудининг 140 йиллигига)

Миллатимизнинг фидойи маънавий отаси, буюк Миллий Уйғониш – Ренессанс даврига асос солган миллий жадидчилик ҳаракатининг бош етакчиларидан бири Мунаввар қори Абдурашидхонов мустабид коммунистик мустамлаканинг аксилинсоний сиёсати асосида бундан 87 йил муқаддам “халқ душмани” деган ноҳақ уйдирма билан қатағонлик қурбони бўлди. Буюк ва муқаддас мустақиллик ила унинг ҳам номи қайта тикланди.

Мунаввар қоридан совет даврида мутлоқ таъқиқланган жуда катта адабий-бадий, маданий-маърифий, ижтимоий-сийсий ёзма мерос қолди. Бунинг каттагина қисмини биринчи бўлиб излаб топиб, халққа етказган таниқли олим Сирожиiddин Аҳмедов бўлди. Шунингдек, Холида Ахророва ҳам бунга салмоқли ҳисса қўшди. Камина ҳам Мунаввар қори ҳозирги Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг асосчиси бўлгани ҳамда унинг камокхонада ёзган хотирасини учдан бир қисмини баҳоли қудрат ёритишга муваффақ бўлди.

Булар дарёдан бир томчи мисолдир. Мунаввар қорининг Ватан ва Миллат олдидаги тарихий хизматлари, мустамлака халқимизнинг дардига дармон бўлгани барча мероси, ижтимоий-сийсий фаолияти ҳали тўла-тўқис ўрганилгани йўқ. Ушбу унинг 140 йиллик юбилеи муносабати билан ўтказилаётган биринчи илмий-амалий тадбир жуда муҳим тарихий аҳамиятга эга.

Мунаввар қори Абдурашидхонов Тошкенти азимнинг энг нуфузли, эл-юртга таниқли зиёли оилаларидан бирида 1878 йилда дунёга келди. Унга падари бузруквори – мадраса мударриси Абдурашидхон ва волидаю меҳрибони отинойи Хосиятхон яхши ниятлар билан Мунаввар-“нурга тўлган”, “нур билан ёритилган”, “нурли” деган маънони англатувчи исм қўйдилар. Мунаввар ёшлигидан ўз исми шарифига монанд диний-дунёвий илм-фанларнинг инсон қалбини ёритувчи нурларидан тўла баҳманд бўлди. Аввал онасидан, сўнг Тошкентдаги Юнусхон ва Бухородаги мадрасалардан бирида таълим-таҳсил олиб қорилик мартабасига эришди.

Тошкентга қайтиб, ўз маҳалласи Дарҳондаги масчитда имом-корилик лавозимида илк бор фаолият юритиб халққа илм нурина ёйди.

Мана шу муқаддас даргоҳ – Аллоҳ Таолонинг уйида унинг онги-тафаккури тақомил топди, миллат дарди-алам, ҳол-аҳволидан тўла хабардор бўлди. Маълумки, тарихан шу даврда халқимизда чор Россиясининг мустабид мустамлакачилик зулми кучайиши эвазига иқтисодий-сиёсий, маданий-маънавий қашшоқлик, мутаассиблик, илмсизлик кучайган эди. Шунингдек, қадим анъанавий бошланғич мактаб ва олий мадраса таълими ўз тараққиёт йўлидан чиқиб, давр талабидан орқада қолган эди.

Буларнинг устига-устак, яна пала-партиш, тарқок халқ ғалаёни ва қўзғолонлари тобора кучайиб, беҳуда қонлар тўкилишию азоб-уқубатлар авж олаётган жуда ҳам аянчли сиёсий вазият пайдо бўлганди. Буларга жавобан нафақат Туркистон балки, бутун Россия мусулмон зиёлилари орасида янгича ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий дунёқараш, уйғониш, яъни жадидчилик ҳаракати пайдо бўлиб, жаҳолатга қарши маърифат шиори остида ривожлана бошлади.

Мунавварқори Абдурашидхонов бу янги диний-дунёвийликка асосланган ҳаракатнинг мазмун моҳияти ва мақсад-вазифаларини жуда эрта англаб, 1901 йили 23 ёшида ўз ховлисида Тошкентда биринчи бўлиб, “савтия”-оҳанг яъни қуръоний усулга асосланган, анъанавий эски мактабларга мутлоқ рақобатда бўлган, янги тўрт йиллик (синфлик), пуллик жадид мактабини очди. Шу ўринда жадидчилик ҳозирги тушунчадаги ислохотчилик, ишбилармонлик ва янгиланиш ҳамда тадбиркорликдан бошланди десак, хато бўлмас.

Мунавварқорининг мактабида диний ва дунёвий илмлар ўзаро уйғунликда, ёнма-ён ўқитилди. Ўқувчилар олти ойда савод чиқариб, равон ўқиш ва ёзиш қобилиятига эга бўлдилар. Бунинг учун мутаассиблашган анъанавий эски мактабларда беш йил вақт керак бўлган эди. Мунавварқори мактабидан андоза олган жадид мактаблари нафақат Тошкент балки, бутун Туркистон ҳатто, ундан ташқарида ҳам бирин-кетин очилиб, тез кўпая бошлади.

Мунавварқори биргина мактаб билан чекланмай яна бир-икки жойда мактаб очди. У янада олдинга қадам ташлаб, биринчи бўлиб, пуллик икки йиллик “Руштия” жадид мактабини очиб, ҳозирги

миллий дунёвий ўрта махсус таълимига асос солди. Бу мактаб ҳам жуда кенг миқёсда бошқа жойларда тез ривожланиб, ҳатто совет даврида ҳам асқотди.

Яна бир тарихий янгилик. Мунавварқори Абдурашидхонов “Руштия” мактабида рус тилини ўқитиш учун жуда ҳам қийинчилик билан мустамлака Туркистон генерал-губернаторлигидан руҳсат олади. Рус тили билан бирга, диний ва дунёвий таълим яъни ижтимоий-гуманитар ва табиий билимлар анча чуқур ўқитилди. Мазкур мактабни битирганлар хорижий олий ўқув юртларида ўқиш, маҳалла масчитларида имом бўлиш, ўша даврдаги корхона ва ташкилотларда иш юритувчи бўлиб ишлаш қобилиятига эга бўлдилар.

Мунавварқорининг икки босқичли мактаби ва бошқа шу каби жаҳид мактабларини маърифатга муҳтож халқ, айниқса, илғор руҳдаги янги замонавий ва мурувватли бойлар қўллаб-қувватлади. Улар ўз болаларига тегишли пулни бериш билан бирга камбағалларнинг фарзандларига ҳам каттагина миқдорда маблағни хайрия қилдилар. Буларнинг эвазига камбағалларнинг болалари текин ўқитилиб, текин дарслик ва ўқув қуроллари билан таъминланди.

Хуллас, жаҳид маорифининг моддий асосини халқнинг ўзи таъминлади. Мунавварқори ўз ва бошқа жаҳид мактаблари учун дастур ва дарсликларни ҳам илк бор дунёга келтирганлардан бири бўлди. Масалан, “Адиби аввал” (Алифбо) дарслиги (1907 й.), “Адибус-соний” (1907 й.) ўқиш китоби, “Ер юзи” (1908 й.) 3-4 синфлар учун - география ва “Ҳавойижи” (хисоб), “Тил сабоқлари” (1925 й.) дарсликлари, “Тажвид” Қуръони Каримни ўқиш ва “Сабзор” (адабий тўшам) каби қўлланмалар шулар жумласидандир. Булар қайта-қайта чоп этилиб жуда кенг географик ҳудуд бўйлаб тарқалди.

Аммо, бу осонликча юз бермади. Мунавварқори ва умуман жаҳидлар иккита ўта жиддий қарама-қарши ижтимоий-сиёсий кучлар билан тўқнаш келди. Биринчиси – мустамлакачилик сиёсати бўлса, иккинчиси – шу сиёсатга итоатда бўлган маҳаллий мусулмон уламо ва зиёлилари орасидаги жаҳолатпарастлик (мутаассиблик) бўлди. Мустамлакачилар иккинчи ҳолатдан жуда усталик билан фойдаланиб, ички мусулмонлараро вазиятни янада оғирлаштирди.

Мутаассиб дин пешволари Мунавварқорини дахрийликда айблагани, жаҳид Мирмуҳсин Шермухамедовни тутиб, калтақлаб,

юзига қоракуя суртиб, Эски жува бозорида халқ орасида сазойи қилгани ва бошқа ҳолатлар маълум. Мана яна бир тарихий мисол. 1914 йилда Самарқанддаги Мирзо Улуғбек мадрасасида беш минг мусулмон жума намозини ўқиб бўлгач, уларга Аббос исмли муаззин мутаассибларнинг ушбу фатвосини эълон қилади: “Жадидлар кофир, ўлса жаноза ўқилмасин, уларнинг сақол мўйловларини сартарошлар олмасин, уларнинг хотинлари талок”.

Бу албатта, динимизга хилоф фатво эди. Аслида Мунавваркори ва бошқа жадидлар Ислом динининг софлиги, у маърифат ва илм-фан дини эканлигини ҳимоя қилиб, очиқ танқидий фикрлар билан жадид матбуотида мақолалар эълон қилдилар. Масалан, Мунавваркори Абдурашидхонов 1906 йил 14 июнда “Тараққий” газетасида босилган “Бизни жаҳолат – жаҳли мураккаб” мақола-ласида “Кўп диндошларимизни кўрамизки, ўз фарзандларини асло мактабга бермай, ... дунёи ва охирати саодати ўлган илм ва маорифдин махрум қилмоқдан ҳеч бир ибто қилмаслар”⁵⁰ дейди.

Маълумки, жадидларнинг асосий мақсадларидан бири мутаассиблашган эски олий мусулмон мадраса таълими тизимини ислоҳ қилиб, халқаро тажрибага асосланган янги дунёвий олий таълим тизимини яратиш бўлган эди. Бунинг учун улар аввало, иқтидорли ёшларни хорижга ташкилий асосда ўқишга юбориш билан машғул бўлдилар. Мунавварқорининг ташаббуси ва етакчилигида 1909 йилда Тошкентда биринчи бор жадидларининг йирик намоёндалари “Кўмак” номли хайрия жамиятини расман ташкил эиди. Унинг “Низоми”да ёшларни чет мамлакатларга ўқишга юбориш ва уларни стипендиялар билан таъминлаш жуда аниқ кўрсатилди.⁵¹

Бундан ибрат олиб, 1910 йилда Бухоро жадидлари ҳам “Тарбия атфол”ни тузди. Буларнинг ёрдамида Туркияда 1910 йилда 50 та, 1911 йилда 15 та, 1912 йилда 30 та, Германияда 1922 йилда 70 дан ортиқ ёшлар ўқигани маълум.⁵² Жадидчилик ҳаракатининг буюк етакчиси Маҳмудхўжа Бехбудий 1913 йилда “Эҳтиёжи

⁵⁰ Абдурашидхонов М. Хотраларимдан (Жадидчилик тарихидан лавҳалар). –Тошкент: “Шарк”, 2011, 79-бет.

⁵¹ Қаранг: Холбоев С. Ва бошқалар. Туркистон жадидчилиги – Миллий уйғониш даври тарихи (XIX аср охири – XX аср бошлари). -Наманган: “Наманган” нашриёти, 2012, 70-71 бетлар.

⁵² Холбоев С. Миллий университетнинг тарихий илдизлари ва ташкил топиши. – Тошкент: “Шарк”, 2003, 42-43 бетлар.

миллат” номли мақоласида ёзади: “...Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур”.⁵³

Миллат фидойиси ва раҳнамози Мунавварқори Абдурашидхонов “Кўмак” фаолиятини жонлантириш учун амалий сайёи-ҳаракатлар билан жуда жиддий машғул бўлди. Бу тўғрида Абдурахмон Акбаров кейинчалик эслаб ёзади: “Тўда”даги жадидларнинг бош раҳбари бўлган Мунавварқори... 1916 йил охирлари эди... Каттахўжа Хўжаевнинг уйида иккинчи марта бўлган катта йиғинда (50-60 та кишилар олдида – С.Х.) “Ўзбек зиёлиларини Германияга юбориб ўқитишга жуда мухтожмиз, болалар ўқиб, илм таҳсил олиб келсалар, миллатга катта хизмат қила оладилар” деган сўзлар билан узоқ нутқ сўзлади”.⁵⁴

Мунавварқори Абдурашидхонов Тошкент шаҳар Думасига аъзо бўлиб сайлангач, унинг рус зиёли ва олимлари билан ҳамкорликдаги ҳаракати билан Тошкентда университет ташкил этиш ҳаракати амалда жонланди. Дума 1917 йил 21 августда Тошкентда университет ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилиб, унинг Ташкилий комиссиясини тузади. Бу комиссияга Мунавварқорининг таклифи билан Саратовда ўқиган олий маълумотли адвокат Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев ва Содиқ Абдусатторов кирилади. Шунинг билан бирга у университет ўқув дастурини ишлаб чиқишда мусулмонлар учун тарих ва шарқшунослик факультетлари мослаштирилишини талаб этади.⁵⁵

Тадқиқотчи олим Сирожиддин Аҳмедов аниқлашича Мунавварқори бундан олдин 1910 йил ноябрда Россия Давлат Думасига Тошкент шаҳар аҳолиси номидан “Илтимоснома” ёзиб, мактабларда ўқиш ва ўқитиш усулларини ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатган экан.⁵⁶

Рус феврал инқилобидан сўнг Туркистонда маълум маънода юз берган демократик ўзгаришлар сабабли университет ташкил этиш

⁵³ Бехбудий М. Танланган асарлар. Тузатилган ва тўлдирилган 2-нашри, – Тошкент: “Маънавият”, 1999, 201-бет

⁵⁴ Сирожиддин Аҳмад. Мунавварқори//Шарқ юлдузи, 1992 й., 5-сон, 107-108-бетлар.

⁵⁵ Қаранг: Шамсутдинов Р.Т.Первенец высшей школы (Краткий очерк истории Андижанского государственного педагогического института). –Ташкент: “Ўзбекистон”, 1998, стр.13.

⁵⁶ Қаранг: Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. –Тошкент: “Маънавият” нашриёти, 2003, 29-бет.

ҳаракати олдин ҳар икки томондан ўзларича алоҳида бошланган бўлса-да, энди ўзаро ҳамкорлик ва демократик асосга эга бўлди. Шаҳар Думасининг қарорига асосан Россия пойтахтига университет ташкил этилишига ёрдам сўраб махсус комиссия юборилди. Санкт-Петербург ва Москва олий ўқув юртларининг олимларидан иборат Тошкентда очилажак университетнинг Ташкилий қўмитаси тузилиб амалий ҳаракат бошлайди.

Бирок, таркибига бирорта ҳам маҳаллий халқ вакили киритилмаган мустамлака совет ҳукумати – Туркистон ўлка автоном совет халқ комиссарлари советини ташкил этгач, университет ташкил этиш борасидаги демократик ҳаракат тубдан ўзгарди. У 1918 йил 16 мартда “Халқ маорифи комиссариатига тезлик билан Тошкентда Халқ университетини ташкил этиш ва Олий политехника институтини очиш учун ҳамма чораларни ишга солиш топширилсин”⁵⁷ деган махсус буйруқ қабул қилиб, унда маҳаллий халқ асло эътиборга олинмади.

Бундан хабар топган Мунавварқори Абдурашидхонов тезлик билан 1918 йил 9 апрелда ўз уйида “Турон”, “Муаллимлар жамияти”, “Гулистон” ва бошқа жадиждларнинг ташаббуси билан ташкил этилган мусулмон жамиятлари вакилларини йиғиб, Мусулмон халқ дорилфунуни очиш ҳақида музокара ўтказди. Йиғилганлар буни маъқуллаб, Мунавварқори Абдурашидхонов раҳбарлигида 9 кишидан иборат “Мусулмон Халқ дорилфунунининг ташкилот комиссияси”ни тузади.

Комиссия Туркистон ўлка маориф шўроси Ижроия қўмитасига ўз мақсадини билдириб, икки вакил орқали дорилфунун ибтидоий (бошланғич), ўрта ва олий босқичлардан иборат бўлиши ҳақидаги қарорни юборади.⁵⁸ Мунавварқори бошлиқ ташкилот комиссияси жуда жадал иш олиб боради. Унинг 7- мажлиси (2 май)да Мусулмон Халқ дорилфунуни ташкил этилишини Туркистон Халқ университети совети ва Туркистон Халқ Маорифи русча комиссариати томонидан расман тан олинганлиги маълум бўлди. Мана шундан сўнг совет ҳукумати маблағ ажратиб, Ташкилот комиссияси аъзоларига 9-апрелдан бошлаб бажарган ишларининг қўламига қараб, 200 дан 450 рубл(сўм)гача маош беради.

⁵⁷ “Народный университет» газетаси. 1918, 12 май.

⁵⁸ Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. -Тошкент: “Маънавият” нашриёти, 2003, 24-бет.

3 май куни Ташкилот комиссиясининг навбатдан ташқари кенгайтирилган мажлиси бўлиб, унда Мусулмон Халқ дорилфунуни раҳбарияти (“идораси ҳайъати”)га сайлов бўлади. Мунавварқори Абдурашидхонов 20 овоз билан раис (ректор), Исо Тўхтабоев 21 овоз билан раиснинг биринчи муовини, Бурҳон Ҳабиб 18 овоз билан иккинчи муовин, Абдусамикори Зиёбоев 16 овоз билан хазинадор, Мухтор Бакир 18 овоз билан саркотиб этиб сайланади.⁵⁹

Мунавварқори раҳбарлигидаги миллий олий таълим фидойиларининг меҳнати самараси ўлароқ, 1918 йил 12 май шанба куни Мусулмон Халқ дорилфунунининг “расми кушоди” – расмий тантанали очилиш маросими бўлди. Эски шаҳардаги Викула Морозовнинг собиқ дўкони (ҳозир бузулиб кетган) биносидаги бу тантана ҳайъатидан ҳукумат аъзолари – Халқ комиссарлари, мусулмон ва рус халқ дорилфунунлари раислари (ректорлари) ва бошқалар жой оладилар.

Мунавварқори қисқа нутқ билан йиғлишни очиб, мусулмонлар чоризм даврида рус йўқсиллари билан биргаликда ярим аср қулликда яшаганини, озодлик катта талофатлар эвазига қўлга киритилганини алоҳида таъкидлайди. Шу билан бирга, у “Халқнинг илмга қўп зиёда муҳтожлиги...қонларини тўкиб олғон хурриятидан сўнг туркистонликларга ҳам ўқимоққа имкон топилгани” ҳақида тўхталди.

Шундан кейин Мунавварқори ҳарбийларга хос усудда йиғилганларни хуррият шаҳидларини хотирлаб бир неча дақиқа оёққа туриб, сукут сақлашга чақиради. Аскарий мусиқа марши чалинади. Сўнгра мусулмон хуррият шаҳидлари учун Самигқори афанди тарафиндан Каломи Шарифдан суралар ўқилиб фотиҳа тортилади. Туркистон Жумҳурияти Халқ комиссарлари дорилфунуннинг вазифалари ва унинг умуммиллий табиати ҳақида оташин нутқ сўзладилар.

Ташқи ишлар комиссари, эсер фиркаси аъзоси П.А.Домагатский руслар ва маҳаллий миллат ўртасидаги муносабатга тўхталиб шундай дейди: “Менинг ишончим комилки, бугундан бошлаб катта оға тушунчаси ҳам, кичик оға тушунчаси ҳам бўлмайди, энди ягона демократия ҳукмрон бўлади...”⁶⁰ Халқ

⁵⁹ “Халқ дорилфунуни” газетаси, 1918 йил, 15 май, 3-сон.

⁶⁰ “Наша газета”, 1918 йил, 15 май.

маорифи комиссари Успенский шовинистик нуқтаи назардан шундай дейди: “Бизни бекорга катта оға деб айтмайдилар, чунки бизга маълум вазифа юкланган. Катта оғага қийин бўлди, сабаби, ўн миллионлик Туркистон халқи биз олиб бораётган ишларга рози бўлмапти. Сизлар ҳокимиятни босиб олдингиз, бизга мустабидликни жорий қилаяпсизлар, деб айтмоқдасиз. Бирок, шундай бўлса-да, биз кичик иниларимизнинг бизга хайрихоҳ бўлишларига ишонардик... Биз автомобилда Эски шаҳарга юборган ўша (октябр кўзғолони вақтидаги – С.Х.) милтиқлар ўзимизга қарши қаратилмади. Буни биз ҳеч қачон унутмаймиз”.⁶¹

Хулоса шуки, 1918 йил 12 майда кўп йилдан бери тарихий эҳтиёжга айланган миллий олий таълимга асос солинди, аниқроғи, ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг миллий асоси яратилди. Бу кун муборак кун бўлиб тарихга кирди. Миллат ва маориф фидойиси, буюк аллома Маҳмудхўжа Бехбудий 1914 йилда “Ойна” журналида муштарийлар Туркистонда олий миллий таълим истиқболи ҳақида берган саволига жвоб бериб, “Тошкентдаги Мунавварқори мактаби мана шундай олий таҳсилга замин бўла олиши мумкин”⁶² дейди.

Бу шунчаки яхши истак ва ният бўлмай, реал имконият эди. Шунинг учун ҳам орадан тўрт йилгина вақт ўтиб, ўтмай Мусулмон Халқ дорилфунунини тарихан Мунавварқори ташкил этди. Бу воқеликнинг гувоҳларидан бири бўлган, таниқли олим А.А.Диваев кувонч билан шундай дейди: “Мана, бугун Тошкентда Мусулмон дорилфунуни очилиши тантанасида қатнашишга муяссар бўлдик. Туркистон учун тонг отди, ёруғ куёш балкиди... Яшасин Туркистон халқининг таянчи ва умиди бўлган ўқув юрти”.⁶³

Мусулмон Халқ дорилфунуни ҳақиқатан ҳам тарихимиздаги давтлабки дунёвий илм-фан ва усулларга асосланган ҳозирги замон университетининг дастлабки миллий асоси ва таянчи сифатида фаолият юритди. У ўша даврдаги 15 та мусулмон илмий-

⁶¹ “Народный университет” газетаси, 1918 йил 94-сон. Бу ерда нотик совет ҳукумати таркибига дастлаб мусулмонларнинг вакиллари киритилмаганлиги ва октябр воқеалари пайтида Эски шаҳарга юборилган қурооллар қайтариб юборилганлигини назарда тутмоқда.

⁶² Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: “Маънавият”, 2002, 237-бет.

⁶³ “Народный университет” газетаси, 1918 йил 94-сон. Бу ва бошқа русча манбалардан олинган кўчирмаларнинг таржимаси бизники – С.Х.

ижодий, маданий-маърифий ва демократик уюшма ҳамда ташкилотларининг вакилларидан иборат 45 кишилик кенгаш томонидан бошқарилади. Дорилфунуннинг илмий-ижодий муаллимлари жамоаси тез орада 299 кишига етади. Шундан 22 таси олий диний мадрасаларни, 2 таси Россия университетларини битирган эдилар. Буларнинг орасида ўнлаб таниқли жаҳид шоир ва адиблари, жаҳид мактаби ва унинг дарсликлари асосчилари, 20 га яқин турли хил соҳа вакиллари бор эди.⁶⁴

Мусулмон Халқ дорилфунуни қуйидаги олий, ўрта-махсус ва қуйи таълим босқичларидан иборат бўлди:

1. Олий босқич: дорилмуаллимин (ўқитувчилар институти).

2. Ўрта босқич: касб-хунар ўргатувчи ҳар хил махсус курс ва тўғарақлар. Қуйи босқич: “Ибтидоий шўъба” (бўлим). Бунинг ўзи 15 ёшдан кичик бўлмаганларни қабул қиладиган уч гуруҳга бўлинди: 1) саводи бўлмаганлар; 2) олдин эски мактабда ўқиб саводи чиққан, аммо дунёвий илм-фанлардан хабари бўлмаганлар; 3) жаҳид ибтидоий (бошланғич) ва “руштия” мактабини битириб, янада чуқурроқ билим олмоқчи бўлганлар.

Мусулмон Халқ дорилфунуни Ташкилот комиссиясининг 8-мажлиси кенгайтирилган ҳолда (6 майда) чиқарилди. Унда Туркистон Халқ университети раиси профессор О.В.Попов ҳам қатнашади. У сўзга чиқиб, Мусулмон Халқ дорилфунуни учун ўзбек тилида газета ташкил этилишини таклиф этади. Шу билан бирга яна у мусулмон ва рус халқ дорилфунунларини бирлаштириш ҳақида шундай дейди: “Халқ дорилфунунининг рус ва мусулмон шўъбалари қўл(ни) қўлга бериб ва бир-бирларига ёрдам(да)... бўлсалар керак ва ҳам бундан кейин дорилфунуннинг икки деб эмас, балки иккиси ҳам бир мақсадга хизмат қилгани учун бир дорилфунун деб атамоқ керакдир”.⁶⁵

Ташкилот комиссиясининг шу 6 майдаги мажлисида Бурҳон Ҳабиб махсус комиссия томонидан тайёрланган дорилмуаллимин дастури ҳақида маъруза қилади. Мажлис аҳли “Дорилмуаллимин комиссиясининг лойиҳаси бўйича 5 йиллик дорилмуаллимин очмоқ ва ҳам программани шунга мувофиқ қилиб ҳозирламоқ иши

⁶⁴ Қасимов Б. Кўрсатилган асар, 35-бет.

⁶⁵ “Халқ дорилфунуни” газетаси. 1918 йил, 31 май, 1-сон.

шул аввалги комиссияга топширилиши ҳақида қарор қабул қилади”.⁶⁶

Дорилмуаллимин дастури тўғрисида бундан олдинроқ, Бурхон Хабиб бошқа катта бир мажлисда ҳам маъруза қилиб, шундай деганди: “Маълумки, Тошкентда мусулмонлар учун ўқитувчилар институти ташкил этиш фикри аввалдан пайдо бўлган... Шу боисдан ҳам институт учун дастури амал ишлаб чиқилади. Унда ўқиш беш йилга мўлжалланиб, шундан бир йили тайёрлов курсига, қолган тўрт йили эса асосий курсларга ажратилади”.

Ушбу сатрлар гувоҳлик бериб турибдики, тўла маънодаги Оврупо тажрибасига асосланган дастлабки миллий олий ўқув юртининг мукамал дастури биринчи марта 1918 йилда Мунавваркори Абдурашидхонунинг ташаббуси ва етакчилигида пайдо бўлди. Бунинг учун Тошкентда имконият, яъни мусулмон илмий-педагогик кучлари етарлик эди. Акс ҳолда беш йиллик олий ўқув юртининг дастури ишлаб чиқилмаган бўлув эди. Афсуски, бу дастур коммунистик мустамлака сиёсати сабабли ҳаётга тадбиқ этилмай, қоғозда қолди.

Буни “Халқ дорилфунуни” газетасида ўша пайтда босилган “Тошкентда мусулмон дорилфунуни курслари ҳақида” деган хабар ҳам исботлаб турибди. Унда ўқиймиз: “Мусулмон Халқ дорилфунуни шўроси ташаббуси билан Тошкентда 5 йиллик муддат билан Мусулмон дорилмуаллимини очилурға қарор берилган эди. Лекин сўнггида ҳукумат арбоби билан англашқач (суҳбатлашқач – С.Х.) ҳозирча фақат мусулмон муаллим ва муршидлар (инструкторлар – С.Х.) ҳозирлов учун 4 ойлик курслар... очмоқ мувофиқ кўринади”.⁶⁷

Мана шу қаршиликлар сабабли дорилмуаллимин 4 ойлик курслар мажмуидан иборат бўлиб очилади. Унинг “расми кушоди” – очилиш маросими 1918 йил 31 майда бўлиб ўтади. Биринчи бўлиб дорилмуаллиминнинг яқинда сайланган раиси (ректори) Мунавваркори Абдурашидхоновга сўз берилади. У жамоатчиликни табриклаб, ўз шодлигини изҳор қилиб, “Битсун жаҳслат, яшасун илм ва маърифат”⁶⁸ деб сўзини яқунлайди.

⁶⁶ “Халқ дорилфунуни” газетаси. 1918 йил, 31 май, 3-сон.

⁶⁷ “Халқ дорилфунуни” газетаси. 1918 йил, 31 май, 1-сон.

⁶⁸ “Халқ дорилфунуни” газетаси. 1918 йил, 31 май, 2-сон.

Дорилмуаллимин илмий-педагогик жамоаси ўша даврдаги етук педагог ва дунёвий илмларнинг билимдонларидан ташкил топади. Абдурауф Фитрат она тилидан, Камол Шамси арифметика ва геометриядан, Ҳайдар Шавкий гигиена, гимнастика ва олмон тилидан, Абдулла Раҳимбоев арифметикадан, Абдурахмон Исмоилов санъатдан, Мунавварқори она тилидан, Эфендиев она тили ва жўғрофия ва этнографиядан, Иброҳи Исмоилов дидактика ва табиатшунослиқдан, А.Пройкова рус тилидан дарс беради.

1918 йил сентябр ойига келиб, дорилмуаллимин ўқувчи (талаба)ларнинг сони тез кўпайди. Буларнинг орасида илгаридан эски анъанавий мактабда ишлаб келган 36 та муаллим, жадид мактабларини тугатганлардан 56 та, рус-гузем ва анъанавий “қадим” мактабларини шу 1918 йилда битирганлардан 78 та ўқувчи бор эди.⁶⁹ Илк бор унга Андижон шаҳар думаси 10.000 сўм пул ўтказиб, 30 кишини ўқишга юборгани маълум.⁷⁰

Мусулмон Халқ дорилфунунининг тармоқлари тез орада кўпайиб, уларнинг илмий-маърифий нуфузи ортиб борди. 1918 йил 31 майдан дорилфунуннинг махсус газетаси “Халқ дорилфунуни” чоп этилиб, бутун Туркистонга тарқалди. Унинг асосий шиори “Яшасин илмий инкилоб, яшасин халқ маорифи” бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозим. Таркибига бирорта ҳам мусулмон вакили киритилмаган Туркистон совет ҳукумати дастлабки кунданоқ маҳаллий халққа нисбатан шавинистик мустамлака сиёсатини олиб борди. У беш йиллик дорилмуаллимин очилишига қарши бўлиш билангина чекланмай, 1919 йилнинг кузига келиб, бутунлай тугатди. Русча Туркистон Халқ университетига эса давлат мақомини бериб, уни Туркистон Давлат университети деб қайта номлади.

Хуллас, Мунавварқори Абдурашидхонов ташаббуси ва етакчилигида ташкил топган дорилфунун замонавий миллий олий таълимнинг дастлабки тарихий намунаси, яъни ҳозирги 100 йиллик таваллуди нишонланишига катта тайёргарлик кетаётган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг миллий асоси бўлиб тарихга кирди. Мана шу миллий тарихий воқелик, умуман жадидларнинг, айниқса Мунавварқорининг ўта буюк ва фидокорона тарихий хизматларини жуда тўғри англаган мухтарам

⁶⁹ ЎЗМДА, 368-Ф.Р., 1-рўйхат, 34-иш, 12-в.

⁷⁰ “Народный университет» газетаси, 1918 йил. 11 июнь. 32-сон.

биринчи Президентимиз Ислом Каримов 2000 йил 28 январдаги ўзининг махсус олий фармони билан Тошкент Давлат университетига энг шарафли ҳамда юксак масъулиятли Миллий мақом берди. Фармонда бу миллий университетнинг “асосчилари жаҳид зиёлилари, унинг ташкил этилган санаси эса 1918 йил 12 май деб белгилансин ва у Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети деб аталсин” деб алоҳида таъкидлаб кўрсатилди.

Бу тарихий фармонга имзо чекишдан миллатнинг буюк йўлбошчиси бўлган Ислом Каримов ўша йили 6 январда Тошкент шаҳар сайловчилари билан бўлган учрашувда Тошкент Давлат университетига Миллий университет мақоми берилишини шахсан таклиф қилиб, шундай деган эди: “Тошкент университети 1920 йилда Россиядан келган “большевой” вакиллари томонидан эмас, балки 1918 йилда фидойи маърифатпарвар Мунавварқори Абдурашидхонов ташаббуси билан Туркистон Халқ миллий дорилфунуни сифатида фаолият бошлаган. Бу ҳақиқатни бутун жамиятимиз, айниқса ёшларимиз билиши керак, деб ўйлайман. Бу тарихий воқеа университет пештоқига алоҳида лавҳа қилиб ёзиб қўйишга муносиб”.⁷¹

Нега, 1918 йил 12 май Миллий университетнинг таваллуд кунини деб белгиланди? Чунки, бу сана юқорида таъкидланганидек, Миллий университетнинг ҳақиқий миллий асоси бўлди. Бундан 22 кун олдин 21 апрелда ташкил этилган Туркистон халқ университети эса миллий университетнинг русча номлиий, аммо жуда ҳам муҳим тарихий асоси бўлди. Албатта, бу рус олимларининг тарихий хизмати беҳад катта бўлганлигидан далолат бериб, ҳозирги ўзаро самимий дўстона алоқа ва ҳамкорлик тарихий асоси бўлиб турибди.

Хулоса шундан иборат. Юқорида баҳоли қудрат кўрсатиб ўтилганлар ўзини унитиб, Миллат, Ватан дея шаҳид бўлган ва фидойи бобомиз буюк Мунавварқори Абдурашидхонов ҳозирги дунёвий бошланғич, ўрта махсус ва олий таълимдан иборат уч босқичли миллий халқ маорифи тизимига асос солганлигидан далолат бериб турибди. Бу ўта оғир тарихий муҳитда амалга оширилди.

⁷¹ Холбосов С. Миллий университетнинг тарихий идизлари ва ташкил топиши. – Тошкент: “Шарк”, 2003, 3-4 бетлар.

Аммо бу унинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий миллатпарварлик фаолиятининг бир жиҳати холос.

Мунавварқори Абдурашидхоновнинг кўп қирралик фаолияти бевосита чоризм ва коммунистик босқинга қарши кўтарилган халқ миллий-озодлик курашига раҳнамолик билан ҳам бевосита боғлиқ бўлди.

Бу 1916 йилдаги мардикорликка олишга қарши кўзғолон, дастлабки миллий демократик мухтор ҳукумат – “Туркистон мухторияти”, коммунистик босқичга “Босмачилик уруши”, ва бир қатор махфий аксилшўравий сиёсий уюшмалар, шунингдек, кўпгина маданий-маърифий ташкилотлар унинг раҳбарлигида фаолият юритиб тарихга кирди.

Мунавварқори Абдурашидхонов хақида жамоатчилик аҳли жўр бўлиб “Яшасин Мунавварқори, яшасин миллат!” деб ашула айтгани маълум. Истеъдодли жаҳид шоири Таваллонинг ушбу қалб сўзлари Мунавварқори Абдурашидхонов нафақат миллий таълим, илм-фан ва маърифатнинг билки, бутун миллат ва халқимизнинг тарихан маънавий отаси ва йўлбошчиси бўлганлигидан далолат бериб турибди.

Чўх мунаввар этди оламни Мунаввар Қоримиз,
Кўрдимиз равшанлиғидин феълимиз, атворимиз,
Ибрат олинг ёшлар, деб тўқди кўздин ёшлари,
Нутқида таҳрир этиб, бизларни йўқу боримиз.

Чин кўнгилдан биз эшитдук, чин экан айган сўзи,
Шунча бидъатларни билдук, вой, биз иқроримиз.

Буюк йўлбошчи Мунавварқори ва унинг ҳаммаслақларига аксилсоний коммунистик мафқуравий ҳужум ва таъқиб биринчи бўлиб бошланди. Бу тўғрида унинг ўзи ёзади: “Менинг ёзган китобларим ва мафқурамга нисбатан 1925 йилдан бошлаб матбуотда жуда кучли ҳужум бошланди. Табиий равишда мен уларга тоқат қилолмадим”.⁷²

Мунавварқорининг ўз халқига қилган буюк хизматларини коммунистик мустамлака мафқурачилари томонидан “Халқ душмани” деб талқин қилинди. У 1929 йилда 87 та “халқ душмани”-нинг раҳнамоси сифатида улар билан биргаликда қатағонлик камокхонасига олинди. 1931 йилда эса шулрдан 15 таси

⁷² Абдурашидхонов М. Хотираларимдан (Жаҳидчилик тарихидан лавҳалар). – Тошкент: “Шарк”, 2001, 16-бет.

Мунавваркори билан бирга отувга, қолганлари эса узоқ муддат билан борса-келмас жойларга сургун қилинди.

Яқуний хулоса шуки, Мунавварқорининг номи тикланган бўлса-да, уни ҳали давлат миқёсида жиддий эътибор берилани йўқ. Мана шунинг учун Сиз анжуман қатнашчиларига айтмоқчиман. Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевга ушбу анжуман номидан мурожаат қилиб, Улардан Мунавварқори Абдурашидхонов хотирасини абадийлаштириш ҳақида махсус Фармон қабул қилишини илтимос қилсак айни муддао бўлар эди.

Мунавварқори Абдурашидхоновнинг Ватан ва Миллат олдидаги тарихий хизматлари беҳад катта. У буюк тарихий шахс сифатида мустамлака истибдодига қарши Миллий Уйғониш (Ренессанс) даврига асос солган Миллий жаҳидчилик ҳаракатининг йирик етакчиси ва раҳнамоси, ҳозирги миллий демократик давлатчилигимиз тарихий илдизи – “Туркистон Мухторияти”нинг ғоявий-назарий асосчиси ва ташкилотчиларидан бири, коммунистик босқинга қарши миллий-озодлик кураши – “Босмачилик уруши (партизанчилик уруши), кўпгина миллий махфий сиёсий уюшма ва ташкилотларнинг раҳбати, миллий матбуот ва адабиёт, миллий замонавий уч босқичли халқ маорифи тизими, Мусулмон Халқ дорилфунуни – Ўзбекистон Миллий университетининг асосчиси ва биринчи раҳбари бўлди. Булар ҳали мукамал ўрганилиб халқимиз ва айниқса ёшларимизга тўла-тўқис етказилгани йўқ.

Абдуҳамид ХОЛМУРОДОВ

филология фанлари доктори. Навоий давлат педагогика институти профессори.

МИЛЛАТНИНГ БУЮК ФИДОЙИСИ

XX аср бошларида жаҳид маърифатпарварларининг мустақилликка эришиш йўлида олиб борган курашлари тарихимизнинг энг ёрқин саҳифаларини ташкил этади. Истибдод исканжасида азоб чекаётган халқни уйғотиш, маърифат зиёси билан миллий гурурни нурлантириш, ўзликни англашга даъват этишда жаҳид маърифатчилари чинакам қаҳрамонлик, эл-юрт, миллат шаъни учун фидоийлик кўрсатдилар. Маҳмудхўжа Бехбудий, Сўфизода, Тавалло,

Фитрат, Чўлпон, Мунавварқори сингари жадидчилар қийин ва мураккаб шароитда Туркистоннинг озод бўлишини, мустамлакачилик кишанларини парчалаб, мустақил тараққиёт йўлини барпо этишни орзу қилдилар ва қизгин маърифатпарварлик фаолиятини олиб бордилар. Ана шулар сафида Мунавварқори Абдурашидхоновнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Тошкент шаҳри сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги “Тошкент-барчамиз учун онадек улуг ва мўътабардир” мавзусидаги нутқида шундай деган эди:

“Ўтган аср бошларида бутун Туркистон ўлкасини камраб олган жадидчилик ҳаракатининг маркази ҳам айнан Тошкент шаҳри эди. Бу ҳаракатнинг кўзга кўринган намояндалари Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Тавалло, Убайдулла Хўжаев, Ғози Юнус, Ғулом Зафарий, Хуршид каби зиёлилар ўзларининг эзгу ғоялари, маърифий асарлари билан тарихимизда ўчмас из қолдирдилар”⁷³.

Мунавварқори Абдурашидхонов 1878 йилда Тошкентда Шайхантохур (Шайх Хованди Тахур) даҳасининг Дархон маҳалласида туғилади. Ота-онаси зиёли кишилар бўлишган. Оилада уч ўғил бўлиб, Мунавварқори энг кичиги бўлган. Акалари Аъзамхон ва Муслимхонлар педагогик фаолият билан шуғулланишган. Аммо ҳаётлари доимо таҳликада ўтган, қамок азобларини чекишган. Мунавварқори ҳам ота-онаси, акалари йўлидан борди, халқни илмли, маърифатли қилиш учун жон куйдирди. Чунки у болалик чоғларидан эрксизлик фожеаларини кўриб улғайди, мустамлакачиларнинг зулм ва зўравонликлари миллатни ўзлигидан айиришга қаратилганлигини ҳис этди. Дукчи Эшон бошчилигида халқ кўзғолони бўлганида у 14 ёшда эди. Кўзғолон қандай бостирилгани, кўзғолончилар қандай шафқатсиз жазоланганликларини кўрди ва бу қонли воқеа қалбида ўчмас бўлиб муҳрланиб қолди. Шунинг учун у ўзининг бутун онгли ҳаётини халқи ва миллатининг озодлиги, маърифатли бўлиши учун бағишлади. Ўзи мактаблар очди, уларга дарсликлар ёзди. У яратган дарсликлар янгилиги, ўқитишда осонлиги тўғриси тез шуҳрат қозонди, улардан рус-тузем мактабларида ҳам фойдаланишга рухсат берилди. Рус мустамлакачилари Туркистон аҳолисининг маърифатли бўлишига тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатарди. Н.Остроумов, В.Наливкин, С.Граменицкий,

⁷³ Шавкат Мирзиёев, Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамыз, Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2017 й. Б.444.

П.Азначасев сингари нозирлар мактаб дарсликлари ва китобларни синчиклаб назоратдан ўтказишар ва ўзлари шубҳаланган фикрлар ва ғояларни улардан олиб ташлардилар. Шундай бўлса-да Мунавварқори “Адиби аввал”, “Адибус-соний” дарслиklarини яратди ва улардан ўша йиллардаги усули жадид мактаблари ва рус-тузем мактабларида фойдаланилди. Шундан кейин у маърифат-парварлик фаолиятини авж олдириб, рус-тузем мактабларини янги миллий мактабларга айлантириш ташаббуси билан ҳам чиқади. Н.Остроумов уни “Миллий мактаблар асосчиси”, деб таърифлайди ва “Маҳаллий аҳоли уни Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги мактабларнинг ҳақиқий директори деб ҳисоблайди”⁷⁴, деб ёзади хотираларида.

Мунавварқори педагогик фаолияти билан ўзининг ҳақиқий ватанпарвар, миллатпарвар, фидойи инсон эканлигини намоён этди. Бу унинг адабий ижодий фаолиятида, бадий-публицистик мақолаларида яна ҳам ёрқин акс этади. Шеър билан доим машғул бўлмаса ҳам, панд-насиҳат руҳидаги шеърлари ёш авлодни меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга. “Танланган асарлар”га киритилган саккизта шеърнинг барчаси ана шу руҳда. “Ялқовлик ёвмиздир” шеъри меҳнатсеварликка ундайди. Дангасалик, ялқовлик энг хатарли ёв. Ундан қутилиш учун киши меҳнатни севиши, доим иш билан машғул бўлиши лозим. Ишлаган одам юртни обод, ҳаётни гўзал қилади. “Ёвинг кимдир, биласанми? Нодонликдир, ялқовликдир, Ёвга қарши курашмаслик-кўрқоқликдир, анқовликдир”⁷⁵, деган мисралар меҳнатсеварликка даъват этади.

“Ҳар ким экканин ўрар” шеъри “Отанга қилганинг болангдан қайтади” деган халқ нақлининг талқинига бағшланган. Воқеабанд шеърда бир чолнинг ўғиллари ва келинлари ўзаро кенгашиб, чолни бир саҳрога адаштириб келишга қарор қилишади. Ўғил ва невара отасини бир кеч кўтариб йўлга тушишади. Чол шунда уларнинг муддаосини сезиб, ўғлига бир пайтлар мен ҳам отамни шундай қилгандим, мана энди сен, ўғлимдан бу қайтаяпти. Эртага бир кун сенинг ўғлинг ҳам сени шундай қилади, дейди. Бундан ўғил сергак

⁷⁴ Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Танланган асарлар. Тошкент, “Маънавият”, 2003, Б.21.

⁷⁵ Ўша асар, Б.64.

тортади ва хатога йўл қўяётганини англаб етади. Отасидан уз сўраб, доим унинг хизматида бўлишга аҳд қилади.

“Ҳимматли факир” шеъри ҳам “Ҳайрат ул-аброр”даги “Ҳотами Той ҳикояти”даги сюжетга ҳамоҳанг воқеабанд шеър. Сахийнинг эҳсонидан киши ўзи меҳнат билан топган нон, ризк-рўз ҳалоллиги улуғланади. Бунда ҳам асосий ғоя меҳнатсеварликка даъватдир.

Мунавварқорининг ҳикоялари, бадиий-публицистик мақола-лари халқ, миллат, Ватан тақдири учун фидойи инсоннинг жасоратли бўлганини, келажакка зўр умидлар билан боқиб, шу келажакни барпо этишга ўз ҳиссасини қўшишга иқтидорини аямай сафарбар эта олганини кўрамиз. 1915 йил 6 февралдаги “Садойи Туркистон” газетасида босилган “Ҳамият” ҳикоясида чин ватанпарвар, ҳақиқий зиёли кишининг фидойилиги акс этган. Ҳикоя қилинишича, бир неча зиёли йўлда кетаётганларида бир кўзи ожиз бола ҳасса билан зўрға келатганига дуч келишади. Қиш фасли, совуқ, йўллар лой, балчиқ бўлиб кетганидан соғ одамнинг ҳам юриши қийин. Кўзи ожиз бола уларга қорни очлигини, унга ёрдам беришларини сўрайди. А.афанди болани ўқи, мардикорлик қил, деб жеркиб ташлайди. Бола кўзи кўрмаслиги, ўқий олмаслигидан шикоят қилади. Аммо А. афандининг музлаган юраги эримади, сўзида қатъий туриб олади ва унга ёрдам бермаслигини билдиради. Шунда ҳикояни сўзловчи(муаллиф) А.афандига сўзлаганлари нотўғри эканлигини, зиёли одам бундай фикр юритмаслигини, ҳамиятли бўлиши лозимлигини айтади. Аммо у ўз фикрида туриб олади. Н. ва Й.афандилар эса бу фикрга қўшилишади ва болага ёрдам бериш зарурлигини таъкидлашади. Шунда ҳикоя қилувчи А.афандига юзланиб шундай дейди:

“—...Зиёли Миллат, Ватан нима эдиғини билур ва зиёли миллат учун жонини, молини фидо этар ва миллатнинг тараққийси учун доимо ҳаракат этар. Вақти келганда, миллат учун ўзини ҳалокат вартасина ташламакга муҳайё бўлур. Сизнинг билмағингиз лозимдирки, бизнинг миллатимизга садо ва сўз бирлан зиёли номини олғон инсонлар лозим эмас. Балки, хизмати, ҳаракати, ёрдами ва ҳиммати бирлан зиёли номини олғон инсонлар лозимдир. Йўқ эса,

“Миллат”, “Ватан”, “Маданият”–шунга ўхшаш сўзларни билмак билан инсон зиёли бўлмайдир”.⁷⁶

Келтирилган парчада ҳақиқий зиёли қандай бўлиши керак, деган саволга Мунавварқорининг муносабати аниқ ва ёрқин ифодаланган.

“Девпечак” ҳикоясида меҳнатсеварлик улуғланади. Оддий бир воқеа асосида меҳнатсеварликнинг аҳамияти, унинг замирида яратувчилик, бунёдкорлик ётиши уқтирилади. Болаларни жуда ёш чоғидан меҳнатга ўргатиш, уларнинг қалбида ўзи бажарган ишдан коникиш ҳиссини туйишга ўргатиш катталарнинг бурчи, вазифаси эканлиги таъкидланади. Ҳикояда бир ота саккиз яшар ўглини боғга олиб киради. Боғдаги бир ўрик дарахтига бола қизиқиб қолади, унинг меваларидан териб ейди. Отаси бу дарахтни ўгли туғилган йили эканини, энди унга ўзи қараш, парвариш қилиши зарурлигини айтади. Дарахтнинг остидан бир девпечак деган ўт ўсиб чиқаётганини кўрган бола отасидан бунинг нима эканлигини сўрайди. Ота бу ўт дарахтнинг ривожланишига халал беришини, уни кўрган заҳоти юлиб ташлаш лозимлигини уқтиради. Бола ўтни юлиб ташлайди, кейин ота-бола боғдан чиқишади. Бола ўйин билан бўлиб, дарров ўрикни унутади. Бир неча кундан кейин у ёдига тушиб, боғга кирса, дарахтни девпечак ўраб олган, меваларининг сарғайишига сабаб бўлганди. Бу болага сабоқ бўлади.

Ҳажман кичик ҳикояларда катта ғоялар, улкан орзу-умидлар ифодаланиши, панд-насихат, муҳим ҳаётий хулосалар берилиши Мунаввар Қоринининг ёзувчи сифатида улкан истеъдод эгаси эканлигидан далолат беради. Бадиий-публицистик мақолаларида бу истеъдоднинг яна янги қирралари намоён бўлади. Миллат учун куйиниш, ўтгли дард, маърифатга, маданиятга даъват унинг нутқ ва мақолаларида қалбларни ларзага соладиган даражада ўз ифодасини топган. “Тараққий” газетасининг 1906 йил 14 июндаги сонидан босилган “Бизни жаҳолат-жаҳли мураккаб” мақоласи айни шу фикримизни исботлайди. Мана унинг миллат маърифатли бўлиши учун қилган жонкуярлиги:

“Эй қардошлар, вой миллатдошлар!!! Кўзимиз ғафлат уйқусидин очиб, атрофимизга назар солмоғимиз лозимдир. Ҳар миллат ўз саодат ҳол ва истиқболини муҳофазатига биринчи восита илм

⁷⁶Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Танланган асарлар. Тошкент, “Маънавият”, 2003, Б.71.

Ўлмакига қаноат ҳосил қилиб, илм ва маорифга ортиқ даражада кўшиш қилган бу замонда бизлар бу ғафлат ва жаҳолатимизда давом этсак, истиқболимиз ниҳоятда хавфлик ўлуб ҳамма оламга масхара ва кулгу ўлмоғимизда ҳеч шубҳа йўқдир. Балки, бу жаҳолат зулматида саодати ухравиядин ҳам маҳрум қолмоқ хавфлидир. Бу жаҳолат натижасидурки, ўзимиз ерлик мусулмонлардан ўлдиғимиз ҳолда мусофир рус ва яҳудийлар эшигида мардикор ва хизматчи ўлдук. Бу жаҳолат хоҳишидурки, миллат фойдаси учун жонни қурбон қилмоққа лойиқ арслон қаби йигитларимиз бутун миллатни ёдларидан чиқариб, истеъдод ва ғайратларини чойхона ва пивохоналарга сарф этмакдадурлар”⁷⁷.

Турон театрининг очилиш маросимида сўзланган нутқ жанговар публицистиканинг энг ёрқин намунаси, десак хато бўлмайди. Бу нутқ “Туркистон вилоятининг газети”да 1914 йил 2 март куни эълон қилинган. Миллат учун чинакам фидойи инсон М.Абдурашидхонов ўз нутқида театр очилишини табриклаш билан бирга дилида тўшаниб қолган туйғуларини, фикр-мулоҳазаларини нутқида очик баён этади. Театрнинг халқ маънавиятини юксалтиришда, дунёқарашини кенгайтиришдаги аҳамиятига алоҳида урғу беради. Татарлар ва кавказ халқлари театр туфайли тараққиётда анча илгарилаб кетганликларини Мирза Фатали Охундов тақдири мисолида далиллаб кўрсатади. Охундов хотирасига бағишланган тантана ҳеч бир мусулмон мамлакатада бўлмаганлигини, бунга Озарбайжоннинг буюк драматургининг миллатпарварлиги боис бўлганлигини таъкидлайди. Аммо Туркистон ўлкасида театрга шу пайтгача масахарабозлик, шунчаки бир кўнгил эрмаги сифатидаги қарашлар ҳукмронлигини танқид қилади. Бойларни театрларга ёрдам беришга, театр фидойиларини рағбатлантиришга даъват этади. Театр тарбия воситаси сифатида мактаблар бажараётган ишдан ҳам катта, масъулиятли ишни бажаришини таъкидлайди.

Мунавварқорининг журналистик фаолиятини шартли равишда уч қисмга бўлиш мумкин. Аср бошларидан 1917 йил октябригача бўлган даврда у маърифатчилик фаолияти билан кизгин шуғулланди. Бу даврда ўзи мактаблар очди, дарсликлар, қўлланмалар яратди. 1906 йилда Исмоил Обидий ташкил этган “Тараккий” газетаси чиқишида ташаббускор бўлди. Ўша йили ўзи ҳам “Хуршид”

⁷⁷Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Танланган асарлар. Тошкент, “Маънавият”, 2003, Б.145-146.

газетасига асос солди. Мактаблар учун яратган “Адибус-соний” дарслиги, география фанини ўқитишга бағишланган “Ер юзи” рисоласи унинг моҳир педагог, чуқур билимга эга маърифатчи бўлганлигини тасдиқлайди.

Россиядаги сиёсий ўзгаришлар, большевикларнинг ҳокимиятни эгаллашлари Туркистонни озод мамлакат сифатида кўришни истаган жадидчиларнинг сиёсий ва ижтимоий фаолиятларига катта таъсир кўрсатди. Бу даврда Мунаввар Қори сиёсий позицияни ўзгартиришни, большевиклар сиёсатидан мамлакат манфаатлари учун кўпроқ фойдаланиш лозимлигини, авж олиб кетган шовинистик сиёсатни юмшатишга ҳаракат қилиш зарурлигини жадидлар орасида биринчи бўлиб англаб етди ва бутун куч-ғайратини эзгу-орзу ниятларини рўёбга чиқаришга сафарбар этди. Бутун 20-йиллар давомида унинг матбуотда эълон қилинган мақолаларида жорий этилаётган янгиликларнинг яхши ва ёмон жihatларини кўркмасдан кўрсатиб беришга ҳаракат қилди. Ҳатто жадидларнинг сиёсий қарашлари ва маслакларида 1917 йилнинг октябридан кейин жиддий ўзгаришлар юз берганлигини, уларнинг сабабларини, бундан буён миллий озодликка эришиш орзусига қандай эришиш мумкинлигини кўркмасдан баён этди. “Нашри маориф” уюшмасининг аҳамияти” мақоласи 1923 йилнинг 4 мартида “Туркистон” газетасида босилган. Унда “Туркистоннинг ҳаёти, Туркистоннинг нажоти ёлғиз маорифга ва маданиятнинг тараққийси эса бутун халқнинг “Нашри маориф” уюшмалари атрофида тўпланмоғига боғлиқдир. Шундагина биз маданий миллатлар қаторига кира оламиз, шундагина маданият дунёсида ўз ҳуқуқимизни ола оламиз”⁷⁸, дейди. Албатта, ўша пайтда бундай журъатли гаплар шовинистик кайфиятдаги ҳукуматга ёқмасди. “Қоралаш яхши эмас” нутқи (Тошкент округ маория ходимлари курултойи, 1927 йил)да жадидларнинг мустамлакачилар билан курашиш мақсади бўлгани, аммо большевиклар ҳукмронлик қила бошлагач, уларнинг йўлини жадидлар ҳам қувватлашганларини айтади.

20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб большевиклар халқ орасидан душман қидириш, қандай қилиб бўлмасин ерли халқларни кўркувда ушлаб туришга ҳаракат қилишлари авж олиб кетди. Бунда, энг аввало, жадидлар нишонга олинди. Мунаввар Қорига ҳам

⁷⁸ Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Танланган асарлар. Тошкент, “Маънавият”, 2003, Б.177.

янги тузум душмани сифатида қаралиб, унинг эркин илмий, ижодий, адабий фаолият олиб боришига тиш-тирноқлари билан қарши туришди. 1922 йилда қамокқа олинганда унга асосли айблар қўя олишмагач, озод қилишга мажбур бўлишади. Аммо таъқиқ ва таъйиқлар баттар авж олади. 1930 йилда уни яна қамокқа олишади. 1929 йилда “Мунаввар Қори тўдаси” деган иш очилади ва 87 киши терговга тортилади. Ана шу даврдан бошлаб у ўзини ҳимоя қилиш мақсадида кўплаб мақолалар билан матбуотда чиқишлар қилди. “Хотиралар”га киритилган мақолаларда у ўз бошига келаётган қора булутларни ҳайдашга ҳаракат қилганлигини кўрамыз. Уларда буюк мутафаккир ишонган кишиларидан озор чекканини, бир маслак, бир мақсад йўлида курашишга аҳд қилганлар ўз жонлари қайғусида сотқинлик қилганларини ҳам яширмайди. Ўзини барча ҳолатларда миллат фидойиси, халқининг маърифатли бўлишини орзу қилган шахс сифатида намоён этади, Ватанга муҳаббати чексизлиги, ана шу Ватанни озод ва обод кўриш ниятидалигини баён этади.

1930 йилнинг 30 майида қамокда пайтида туриб Шарқий бўлим вакили Агидуллинга ёзган аризасида ҳам маърифатчилик фаолиятида миллат қайғусида ёнганлигини, айти пайтда большевиклар сиёсатини маъқуллашини айтиб, унинг сиёсий фаолиятига адолат билан баҳо беришни сўрайди. Халқини, миллатини севган фидойи инсон ҳали Ватан равнақи учун хизмати зарурлигини ҳис этиб, игво ва бўҳтондан иборат “айб”ларни бўйнига олишга мажбур бўлади. “Энди ихтиёрим сизнинг қўлингизда, ўлдирсангиз, мана бошим, агарда ўз ҳимоячангизга олиб ишлатаман, десангиз, қолғон умримни фирқанинг ва шўроларнинг сиёсат манфаати-гагина сарф этиб, эски гуноҳларимни ўз кўлим билан тозаламокқа тайёрман”, дейди. Аммо бу тавба-тазаррулар эътиборга олинмайди.

Мунаввар Қорининг миллий уйғониш даврининг буюк кишиси бўлганлигини бир шогирдининг 1934 йил январь ойидаги “Ёш Туркистон” журналида босилган мақоласидаги эътирофдан яхши англаш мумкин:

“Тарихни шахслар яратади, Тарих таржимаи ҳоллардан, айниқса, атоқли кишиларнинг таржимаи ҳолларидан иборатдир, дейдилар. Менимча, биз ҳам Туркистон тарихининг ўтган аср сўнгидан бошланган уйғониш даврини бошлаб Мунавварқори яратди ва Туркистон тарихининг жадидчилар даври бошдан

охиригача Мунавварқорининг таржимаи ҳолидан иборатдир, десак янглишмаймиз”⁷⁹.

Миллатнинг буюк фидойиси авлодларга қолдирган илмий-адабий мероси, ижтимоий-сиёсий фаолиятдаги жасорати билан халқимиз қалбида абадий яшаб қолади.

Баҳром ИРЗАЕВ

Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

МУНАВВАР ҚОРИ АБДУРАШИДХОНОВ ВА УНИНГ ПЕДАГОГИК МАКТАБИ ТАРИХИДАН

Мунаввар қори Абдурашидхонов 1878 йил Тошкентнинг обрўли хонадонларидан мактабдор ва мударрис Абдурашидхон Сотиболдихон ўғли оиласида учинчи, кенжа фарзанд бўлиб дунёга келган. У отасидан эрта айрилиб, илк сабоқни онаси Хосият отин Хонхўжа эшон қизидан олган. Унинг болалиги Чор мустамлакачи маъмурларининг маҳаллий халққа жабру-зулми кундан кун ортган, миллий қадриятлар оёқ-ости бўла бошлаган бир даврга тўғри келди. Мунаввар қори бошланғич таълимни замонасининг етук муаллимларидан Усмонхон домладан олди ва қисқа муддатда Қуръони Каримни тўлиқ ёд олиб, қори сифатида элнинг эъзозига муносиб бўлди. У олий таълимни Тошкентдаги Юнусхон мадрасасида бошлаган ва 1895 йилдан Бухорои Шарифдаги машҳур Мир Араб мадрасасида давом эттирган.

Мунаввар қори Тошкентда яшаган давридаёқ, татар тараккий-парвари Исмоилбек Ғаспиралининг жадидчилик ғоялари ҳақида бир қадар маълумотга эга бўлган. Бироқ, унинг узил-кесил тараккийпарварлар сафига киришида, жадидларнинг пешқадамига айланишида айнан “ислом динининг куббаси” деб таърифланган Бухорои Шарифда кечган талабалик даврининг ўзига хос ўрни бор десак хато бўлмайди. Аввало, Мунаввар қори Абдурашидхонов борган ярим мустамлака Бухоро билан унинг тасаввуридаги “Бухорои Шариф” бир бирига умуман мос келмасди. Бойси, бу даврга келиб, устозлари “илмнинг машъали” деб таърифлаган

⁷⁹ Бсғали Қосимов, Миллий уйғониш, Жасорат, Маърифат, Фидойилик, Тошкент, “Маънавият”, 2002 й. Б.234-235.

Бухоро мадрасаларида аллақачон таълим сифати пасайган, талабалар китоб қолиб, унинг ҳошиясини ўқиш билан чекланишар эди. Халқ эса ҳар кун и бир бидъатга гирифтор бўлиб, фиску фужур авжига чиққан эди. Бухорода турли Шарқ давлатларидан келган талабалар, жаҳонгашта сайёҳлар-у савдо аҳли билан кечган суҳбатлари давомида ёш Мунаввар қори яна бир карра англади-ки, бу замонга келиб, бутун Шарқ гафлат уйқусига кетган, бундан фойдаланган мустамлакачилар унинг мулкига эга, эркига ҳоким бўлиб олган экан. Мунаввар қори бу шаҳарга келиб, ўзига ҳамфикр инсонлар билан ҳам танишди. Зеро, мутафаккир Аҳмади Дониш, домла Икромиддин Ўроқ, Садри Зиёдек етук уламолар ўз асарларида, маърузаларида ўлкада юз бераётган миллий таназулнинг бош сабаби айнан халқнинг илм-у маърифатдан узоклашгани ва жаҳолат ботқоғига ботганида деб кўрсатишар эдилар. Шундан сўнг Мунаввар қори Абдурашидхонов фақат маърифат билан миллат таназулининг олдини олиш мумкин деган қатъий хулосага келади. Табиатан мулоҳозакор, ўта зукко бўлган Мунаввархон шахсининг шаклланишида юқоридаги омиллар муҳим аҳамият касб этган.

Ҳақиқатан ҳам ўтган асрнинг бошларига келиб Туркистон дунёнинг энг қоқоқ минтақаларидан бирига айланиб қолган эди. Қарийб, ярим асрдан буён давом этаётган Чор империяси мустамлакачилиги шароитида ўлкада иқтисодий талон-тарожликлар, ижтимоий зулм ва таҳқирларнинг кети узилмади. Натижада миллий иқтисод бутунлай инқирозга юз тутди. Хунармандлар касодга учради. Туркистонда вақфларнинг давлат томонидан мусодара этилиши билан асрлар давомида шаклланган маориф тизими издан чиқди. Халқнинг маиший турмуши ночор, мадраса ва мактаблар абгор қолга тушди.

Бир замонлар жаҳон илм-фанининг маркази бўлган ўлкада ХХ аср бошларига келиб, яъни айрим ривожланган мамлакатларда саводхонлик юз фоизга яқинлашаётган бир пайтда Туркистонда мавжуд мактаблар худди ўрта асрлардагидек масжидлар айвонида, хужраларида, мазор ва қорихоналар қошида, айрим қолларда эса ўқитувчиларнинг ҳовлисида маҳалла аҳли томонидан ҳашар йўли билан қурилган пастқам биноларда фаолият олиб борар эди. Мактаблар учун махсус дарслик ва дастурлар бўлмасдан, ўқитувчилар ўз билимлари ва тажрибаларига таяниб иш кўрар эдилар. Ўқувчилар одатда похол, бўйра, олача ёки кигизлар ташланган ерда

чўкка тушиб ўтирган ҳолда дарс олишарди. Бир гуруҳда турли ёшдаги, билим даражаси турли бўлган ўқувчилар “тахтахон”лар, “абжадхон”лар, “ҳафтиякхон”лар биргаликда ўқир эдилар. Тўрда кўрпада ўтирган муаллим тонгдан пешингача вазифани тинимсиз такрорлаётган ўқувчиларни назорат қилар эди. Ўқувчилар пешинда овқатланишиб, кейин яна дарсни давом эттирганлар. Албатта, бу хил таълим ўқувчиларнинг тез чарчашига, безорланишига олиб келарди. Танаффуссиз муттасил олиб борилган дарслар жуда оғир бўлиб, кўпчилик ўқувчилар мактабни деярли саводсиз ҳолда битириб чиқар, ёдлаб олганларини ҳам такрорламагани, амалиётга жорий этолмагани учун кўп ўтмасдан унутишга маҳкум эдилар. Мавжуд рус-тузем мактаблари ҳам миллий тарбия тизимига зид бўлиб, ўлкани зимдан руслаштиришга қаратилган эди. Бу эса оддий халқнинг маорифга нисбатан ишончининг йўқолишига, уларнинг мактабдан бешишига сабаб бўлиб қолаётган эди. Мавжуд вазият кўпчилик зиёлиларнинг жиддий норозилигига олиб келди. Ана шундай бир оғир тарихий шароитда Мунаввар қори Абдурашидхонов Исмоилбек Ғаспирали жорий этган “усули савтия”ни қўллаган ҳолда ўзининг тўрт йиллик таълим дастурини ишлаб чиқади. У 1901 йил Шайх Ҳованди Тоҳур даҳасида Мирдодоҳожининг меҳмонхонасида биринчи босқич ибтидоий жаид мактабини очиб, унда Абдусомеъ қори Зиёбоев билан 15-20 ўқувчидан иборат гуруҳга дарс бера бошлайди. Мунаввар қори Абдурашидхонов бундай янги усулдаги мактаблар тажрибасини кенг ёйиш мақсадида ўзи яшаётган маҳаллада жойлашган Эшонкули додҳо мадрасасида яна бир мактаб очиб, унга Тошкентнинг энг машҳур муаллимларидан Тарновбоши маҳалласидан бўлган Муродхўжа домла Солиххўжа ўғлини таклиф этади. 1907 йил Мунаввар қорининг тоғалари Ҳасанхўжа ва Эшонхўжа Хонийларнинг “Хония” мактабида бўладиган имтиҳонга наманганлик маърифатпарвар қози Исҳоқхон Ибрат таклиф этилади. Эндигина фаолиятини бошлаган жаид матбуоти ҳам маҳаллий жаид мактабларининг тарғибот минбарига айлантириди. Натижада 1909 йилга келиб, бундай мактаблар сони Тошкент шаҳрининг ўзида 9-10 тага етади ва уларда Рустамбек Юсуфбеков, Саъдулла қори Абдуллаев, Абдулла Авлоний, Мунаввар қорининг акалари Аъзамхон (1872-1919) ва Муслимхон (1875-1954) каби етук муаллимлар иш олиб бора бошлайдилар. Мунаввар қори ўз фаолият

кўламининг фақат Тошкент билан чегараланиб колмаслиги учун Туркистоннинг бошқа шаҳарларида фаолият олиб бораётган фидойи ўқитувчилар билан ҳам тинимсиз алоқада бўлди. Уларнинг тажрибаларини ўрганди ва барча тараққийпарварларни жадид мактаблари учун дарсликлар ёзишга чорлайди.

Мунаввар қори шу йиллар ўзининг икки босқичли таълим дастурини яратади. Унга кўра биринчи босқич беш синфлик бўлиб, унда ижтимоий фанлар билан бирга, табиий ва аниқ фанларни ўргатиш ҳам кўзда тутилган эди. Хусусан, мазкур дастурга кўра тил ва адабиёт фанидан 1-синф ўқувчилари учун дастлаб, Саидрасул Саидазизийнинг 1902 йил чоп этилган “Устои аввал”, Калининнинг “Муаллими соний” китоблари асосий дарслик вазифасини ўтаган. 1907 йилдан Мунаввар қори Абдурашидхонов томонидан нашр этилган “Адиби аввал” ва “Адиби соний” китоблари пайдо бўлди. Шунингдек, кейинги синфларда ўқувчиларга Авлонийнинг “Иккинчи муаллим”, Муҳаммаджон Мўминовнинг “Насойих ул-атфол”, Мулло Аҳмадхўжа Эшоннинг “Насойих ул-атфол” ва Мунаввар қорининг топшириғи билан Абдулла Авлоний томонидан тузилган “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” китоблари ўқитилган. 5-синфга келиб ўқувчилар Мунаввар қори томонидан тартибланган “Сабзор” тўплами, шунингдек миллий матбуотда эълон қилинган шеърлар ва замондош шоирларнинг ижодий намуналарини ўрганар эдилар.

Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг бевосита ўзи раҳбарлик қилган мактабларда кўпинча камбағал оилаларнинг фарзандлари таълим олар эди. Ўқувчилар учун дарслик ва зарурий жиҳозлар Мунаввар қори ташаббуси билан ташкил этилган маорифга ҳомийлик қилувчи “Жамияти имдодия” томонидан берилар эди.

1914 йилдан икки йиллик иккинчи босқич (рушдий) “Намуна” мактаби иш бошлайди. Номидан кўриниб турибдики, мактаб бутун минтақа учун намуна бўлиб хизмат қилиши керак эди. Уни битириб чиққан талабалар асосан кейинги босқични хориж билим масканларида давом эттириши кўзда тутилди. Мунаввар қорининг педагогик маҳоратини кўрган Маҳмудхўжа Бехбудий “Ойна” журналининг 1914 йил 41-сонида “Мухтарам ёшларга мурожаатнома” номли мақоласида муаллимликка ҳавасманд кишиларни Тошкентга Мунаввар қорига боришларини тавсия этган эди.

“Намуна”ни битирган ўқувчилар махсус дастур асосида илм олиб, бу ёшлар ҳар қандай давлатда ўқиб кета олиши шарт бўлган. Бунинг учун ўқувчиларга рус тили ва бошқа хориж тилларидан бири мукаммал ўргатилар, уларнинг илмий салоҳияти, удабуронлиги ва психологик тайёргарлиги учун алоҳида аҳамият қаратилар эди. Мунаввар қорининг “Намуна” мактабининг илк қалдирғочлари Абдулҳай Тожий, Мирмуҳсин Шермуҳаммедов, Лутфулла Олимий, Файзулла Усмоновлар Уфадаги Олия мадрасасида ўқишни давом эттирганлар. Кейинроқ “Намуна” мактаби битирувчилари Боку, Туркия, Миср олий таълим даргоҳларига йўналтирила бошланди. Шунингдек, Германияга йўлланган ёшлар орасида ҳам улар етакчилик қилди. Жумладан, Абдувахҳоб Муродий, Аҳмаджон Иброҳимов, Вали Қаюмхон, Тўлаган Мўмин, Тоҳир Шокир, Собир Иброҳимов каби “Намуна” ўқувчилари узоқ хорижда қисқа муддатда ўзларини тиклаб олиб, илм ва амалиёт соҳаларида катта ютуқларни қўлга кирита олдилар.

Мунаввар қори Абдурашидхонов февраль инқилбидан сўнг фаол сиёсий курашга киришади, бироқ, айна пайтда азалий мақсади бўлган маориф соҳасидан ҳам чекинмади. У ҳар қандай улуғ мақсадга фақат ва фақат етук кадрлар орқали етишиш мумкинлигини чуқур ҳис этар эди. 1917 йил август ойида Мунаввар қори Абдурашидхонов ташаббуси билан Тошкент шаҳрида саккиз ойлик муаллимлар курси очилди. Муродхўжа домла Солиххўжаев мудир бўлган бу таълим даргоҳи ўлкада олий таълим сари қўйилган илк кадам эди. Унда табиатшунослик фанидан Америкада олий маълумот олган Бурҳон Ҳабиб, тарихчи Заки Валидий Тўғон, жаҳон тарихидан озарбайжонлик Муҳаммад Амин Афандизода каби кўпгина ўз даврининг етук олим ва мударрислари дарс бериш учун жалб этилади. Бироқ, курс фаолиятини бошлаши билан қатор иқтисодий муаммолар бўй кўрсатади. Мазкур таълим муассасасининг изчил фаолиятини йўлга қўйиш, унинг иқтисодий таъминоти, энг муҳими ўқитувчиларни доимий маош билан таъминлаш учун яхшигина дастмоя зарур эди. Мунаввар қори Абдурашидхонов 1917 йил 24 сентябрь куни мажлис чақириб, унга Тошкентнинг йирик бойлари ва таъсири кучли инсонларини тақлиф этади. Шу кунинг ўзида 45 кишидан каттагина пул тўпланади ва мажлис якунида янги бир жамоат ташкилоти “Муаллимлар жамияти” тuzилганлиги эълон қилинади. Мазкур жамиятга биринчилардан

бўлиб Муродхўжа Солиххўжаев, Рустамбек Юсуфбек ҳожи ўғли, Абдусомеъ Зиёбоев, Шокиржон Раҳимий, Абдулла Авлоний, Мунаввар қори Абдурашидхоновлар кирган эдилар⁸⁰.

1918 йил 12 май куни Мунаввар қори раҳбарлигида Туркистон халқ Дорулфунуни очилгани расман эълон қилинади. Уч босқичли таълимга асосланган Дорулфунун қошида яна беш йиллик Дорулмуаллимин ҳам иш бошлаган. Дорулмуаллиминга Мунаввар қорининг шогирди Шокиржон Раҳимий раҳбар этиб тайинланади. “Улуғбек”, “Турон”, “Ватан”, “Зебу Нисо”, “Навоий”, “Ҳаёт”, “Урфон”, “Учқун”, “Мухторият”, “Машраб” каби ўнлаб мактаблар Дорулмуаллимин тасарруфига олиниб, уларга Саидрасул Саидазизов, Илҳом Одилов, Муҳаммадрасул Расулев каби кўп йиллар рус-тузем мактабларида тажриба орттирган педагоглар жалб этилди. Айни пайтда аниқ ва табиий фанларни ўтишда, миллий мактабларда жисмоний тарбия ва ҳарбий таълим фанларини жорий этишда ўлкага келган турк зобитларининг хизматидан ҳам кенг фойдаланилди.

Дастлаб, Мунаввар қори Абдурашидхонов асос солган “Намуна” мактабига турк зобитларидан Ҳайдар Шавкий ўқитувчи сифатида қабул қилинган эди. Мактаб қошида Ҳайдар Шавкий раҳбарлигида “Темур” тўдасига ташкил этилади. “Темур” тўдасига Тошкентнинг йирик бойларидан Саъдулла Турсунхўжаев ҳомийлик қилиб, унга Низомиддин Хўжаев, Муҳиддин Турсунхўжаев, Қайюм Рамазон, Машриқ Юнусов (Элбек), Ҳамдам Тожиев, Зиё Саид, Комилжон Алимов, Акбар Аскарый, Тўлаган Мўмин каби иқтидорли ёшлар аъзо бўлиб кирган эдилар. Шунингдек, “Темур” тўдаси қошида катталар учун бухгалтерия курси очилди. Курсда Ҳайдар Шавкий, Муҳаммад Одилий, Усмонхон домулла каби Тошкентнинг машхур муаллимлари дарс бера бошладилар.

1918 йил март-апрель ойларида Туркияда таҳсил олган ва ўша ерда ҳарбий хизматга кириб, зобит унвонини олган асли хўжаңдлик Сайид Аҳрорий ҳам Тошкентга қайтиб келади. У “Турон” мактабига ишга киради ва шундан сўнг бу мактаб Абдуваҳхоб Муродий таклифи билан “Ватан” мактаби деб атала бошлаган. Мактаб ўқувчиларига турк зобитлари гимнастика ва ҳарбий тайёргарликдан таълим берар эдилар. Мактаб қошида катта ёшлар учун олти ойлик муаллимлар курси ташкил этилади. Унда Саид

⁸⁰ “Турк эли”, 1917 йил 4 октябрь.

Ахрорий, Акмал Икромов, Абдулваххоб Муродий, Салимхон Тиллахоновлар дарс берганлар. Шунингдек, тўда хузурида “Қаюхон” номли театр тўгараги ҳам ташкил этилди. Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида жойлашган труппа саҳнасида Маннон Рамзийнинг “Туркистон хонлиги” каби ватанпарварлик руҳида ёзилган бир нечта пьесалар кўйилди. Тўда аъзолари Тошкент кўчаларида кўлига кизил кийикча боғлаган ҳолда юрар эдилар.

Шокиржон Раҳимий мудирлигида иш бошлаган “Улуғбек” мактаби Тангрикул ҳожи Мақсудий, Усмонхўжа Тўхтаўжаев каби ном қозонган ўқитувчиларга эга эди. Тошкентнинг Себзор даҳасида жойлашган бу мактабга Шукрибей мудир бўлгач, ҳарбий тайёргарлик дарслари ҳам жорий этилади. “Улуғбек” ва “Мухторият” мактаблари қошида Талъатбек раҳбарлигида “Турк кучи” тўдаси иш бошлади. Мактаб тезда машхур бўлиб, ўқувчилар сони 300 дан ортиб кетди. Ҳаваскор ўқувчилардан иборат мактаб труппаси мактаб саҳнасида пуллик театрлар кўяр эди. Мактаб ўқувчилари ҳар куни муаллим Тангрикул ҳожи ёзган турли ватанпарварлик руҳидаги шеърларни ёд айтиб, дарсни бошлашар эдилар. Улар Тошкент кўчаларида маршлар уюштириб, намойишкорона юришлар ташкил этишарди. Мактаб қошида катта ёшли кишилар учун почта-телеграф курси ҳам очилади. “Турк кучи” тўдаси аъзоси, Туркистон почта-телеграф комиссари Ғулом Икромовнинг шахсан ўзи курсга раҳбарлик қилади ва мазкур соҳа учун миллий кадрлар тайёрлашга киришади. Курс тингловчиларига Обид Саид, тарих фанидан Тангрикул ҳожи Мақсудий, она тили ва адабиёти фанидан Усмонхўжа Тўхтаўжаев, табиатшунослик фанидан Усмонхўжа Эшонхўжаев, аниқ фанлардан турк зобити Чақирўз Рожий ва бошқалар дарс беришар эди. Шунингдек, Мажид Қодирий дарс берган “Турон” мактаби қошида турк зобити Ғолиббей раҳбарлигида “Турон тўдаси”, Ғози Олимнинг “Турк ўчоғи” тўдаси, “Ирфон” мактабида “Тараққиёт дернағи” тўгараклари ташкил этилди. Эшонхўжа Хонийнинг “Ҳаёт” мактабида Камол Шамсибей мудир бўлиб, унда ҳам турк зобитлари дарс берганлар. Тошкент шаҳри ҳудудида мавжуд еттита тўданинг ҳаммаси ўзига мустақил бўлган ва уларнинг ҳар кайсиси ўз мадҳияларига эга эди. Умуман, Тошкент шаҳрида бу вақтда мавжуд бўлган 72 та жадид мактабининг кўпчилигида турк зобитлари муаллимлик қилганлар. Бирок, 1919 йилнинг охирига келиб

Туркбюро томонидан бу тўдаларнинг фаолиятига кескин қаршилик кўрсатилиб, 1920 йил охирига келиб барча турк зобитлари “ҳарбий асирларнинг қайтарилиши” деган баҳона билан советлар мамлакатидан чиқариб юборилади. Факат “Изчилар тўдаси” Акмал Икромовнинг раҳбарлиги остида 1921 йил сўнгигача ишлашга эришади.

1920 йил сентябрь ойида Боку конференциясига борган Мунаввар қори Абдурашидхонов Тошкентга қайтгач, совет ҳукумати маъмурлари томонидан Бухорога “йўлланади”. Бухорода вақф идорасида бор йўғи икки ой чамаси ишлагач, яна Тошкентга қайтарилади. 1921 йил март-октябрь ойларида эса муфти Садриддинхон Шарифхўжаев “ишчи” билан боғлиқ деган баҳона билан совет турмасида сақланади. Мунаввар қори Абдурашидхонов камоқдан озод бўлгач яна бир муддат даволанишга тўғри келади.

1922 йил май ойида талаба ёшлар ташаббуси билан тузилган “Кўмак” уюшмасида Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг шогирди Салимхон Тиллахонов раис бўлди. Уюшманинг асосан чет эл таълим даргоҳларига талабалар йўллаш ва уларга аҳолидан пул ва мадад тўплаш билан шуғулланар эди. Бирок, совет маъмурларининг жиддий қаршилигига дуч келган уюшма кўп ўтмай амалда ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлади. Шундан сўнг 1923 йил январда Мунаввар қори Абдурашидхонов ташаббуси билан Маннон Рамзий, Шокиржон Раҳимий, Заҳириддин Аълам, Элбек, Шоҳид Эсон, Салимхон Тиллахонов, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон, Холмуҳаммад Охундийлар Тошкентнинг Эски шаҳар халқ маорифи бўлимида “Нашри маориф” ташкилотининг уставини қабул қилади ва унинг тузилганини эълон қиладилар. 1923 йил 18 январь куни бу хабар “Туркистон” газетасида эълон қилинади. “Нашри маориф”га раис этиб, Тошкентнинг Эски шаҳар халқ таълими бўлими мудирини бўлган Шокиржон Раҳимий, унинг ўринбосари этиб Мунаввар қори, котиби Миркомил Алиев, газначи сифатида Саидносир Миржалиловлар тайинландилар.

“Нашри маориф” нафақат миллий жадид таракқийпарварларини, балки, ўз даврида совет ҳукуматининг юқори лавозимларида ишлаган Абдулҳай Тожиев, Ғани Ҳамидхонов, Абдулла Раҳимбоев, Инъомжон Хидиралиев, Усмонхон Эшонхўжаевларни ҳам ўз аτροφиди бирлаштирган эди. Жамиятнинг бевосита аъзо-

лари бўлган Чўлпон, Холмуҳаммад Охундий, Толибжон Мусобоев, Абдулла Авлоний, Салимхон Тиллахонов, Зуфар Носирий, Салоҳиддин Муфтизодалар “Нашри маориф” томонидан амалга оширилган тadbирларда фаол иштирок этадилар. “Нашри маориф” қисқа муддатда Туркистоннинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларида мактаб ва билим юртлар фаолиятини изчил йўлга қўяди. Ўқувчи ва талабалар учун моддий ва маънавий кўмак беради. Қатор кутубхоналар очди, китоб ва дарсликлар нашр этди. “Ҳақиқат” журнали чоп этишни йўлга қўйди. Шундай хайрли мақсадлар йўлида “Маҳкамаи шаърия” билан ҳамкорлик қилади. Бирок, кўп ўтмай унинг фаолиятига ҳам совет маъмурлари томонидан жиддий тўсиқчиликлар амалга оширилди ва аъзолари очикчасига таъкиб этила бошлади. 1924 йил январь ойига келиб ташкилотда раис Мунаввар қори Абдурашидхонов ва котиби Ғози Олим Юнусовдан ташқари ҳеч ким қолмаган эди. 1924 йил 30 январда “Нашри маориф” ва “Кўмак” бирлашади деган баҳона билан чакирилган мажлисда Шокиржон Раҳимийнинг ташаббуси орқали “Нашри маориф”нинг тағатилганлиги расман эълон қилинади.

Мунаввар қори томонидан 1914 йилда ташкил этилган “Намуна” мактаби шўролар даврига келиб, 1925 йилгача ҳам минтақадаги энг мавқеи баланд мактаб сифатида фаолият олиб борарди. Унда ҳамон Мунаввар қори Абдурашидхонов, Шохид Эсон Мусаев, Шорасул Зуннун, собиқ мударрислар, миллий куй ва кўшиқлардан Али Ардобус каби фидойи муаллимлар дарс берар эдилар. Тоталитар тузум қатағонларидан омон қолган Ойбек, Иззат Султон каби мактабнинг юзлаб ўқувчилари кейинчалик совет даври Ўзбекистонининг барча соҳаларида энг илғор инсонларига олиму муҳандисларига айланганлар.

1925 йилдан Мунаввар қори Абдурашидхонов фаолиятига қарши шўро матбуоти қаттиқ ҳужумга ўтади. У 1924–28 йилларда фақат ўқитувчилик фаолияти билан чекланади. 1928 йил совет матбуоти жаҳид тараққийпарварларига қарши ҳужумнинг янги тўлқинини ташкил этади. Шундан сўнг Мунаввар қори педагогик фаолиятини умуман тўхтатишга қарор қилади. Таъкиб ва тайзиқлар натижасида қолган Мунаввар қори Абдурашидхонов 1929 йил 5 ноябрь куни кўҳна Тошкентнинг Шайхонтохур даҳа, Дархон маҳалласи 17-уйдан қамоққа олинди...

Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг педагогик фаолиятининг бу қадар самарали бўлишини таъминлаган омилларнинг энг муҳими бу унинг шогирдларидир. Шу ўринда уларнинг айримлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик.

Салимхон Тиллахонов 1899 Тошкентнинг Девонбеги маҳалласида хунарманд оиласида туғилган. Дастлаб эски мактабда, сўнг Абдуваҳҳоб Муродий билан бирга Эшонхўжа Хонийнинг жадид мактабида ўқиган. Шундан кейин Мунаввар қорининг иккинчи босқич “Намуна” мактабига ўқишга кириб, 1914-17 йилларда мактабнинг кичик синфларида ўқитувчилик ҳам қилади. 1917 йил охирида Салимхон дўстлари Абдуваҳҳоб Муродий, Қажом Рамазон каби бир неча йигитлар билан бирга Боку орқали Туркияда ўқишни давом эттириш учун йўл оладилар. Бирок, ҳокимиятга келган большевиклар уларни чегарадан ўтишда қўлга олиб, ортга қайтаради. Улар бир муддат Бокудаги зироат мактабида ўқиб, иқтисодий муаммолар туфайли 1918 йил бошида ватанга қайтишга мажбур бўладилар. Шундан сўнг Салимхон Тиллахонов Қўқон Мухторияти тугатилиши билан миллий тараккийпарварлар томонидан ташкил этилган “Миллий иттиҳод” ташкилотига аъзо бўлиб киради ва устози Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг энг ишончли одами сифатида фаолият юрита бошлайди.



1920 йил С.Тиллахонов Бокуда Анвар пошшо билан учрашувда иштирок этади. 1921 йил Бухорога борган Салимхон шўролар мамлакатининг қудратини, унинг нақадар хийлакор ва золимлигини ўз кўзи билан кўради. Тошкентга қайтгач, сиёсий фаолиятига бутунлай чек қўяди ва фақат маориф соҳасида иш олиб бора бошлайди. У 1922 йил Туркистон ҳукумати расмийларининг розилиги билан “Кўмак” уюшмасига етакчилик қилади. 1922 йил С.Тиллахонов “Кўмак” уюшмаси орқали 30 дан ортиқ ўзбек ёшларини Бокудаги ҳарбий, зироат, архитектура ва педагогика билим юртларига ўқишга юборади. Уларнинг ичидан кейинчалик машҳур генерал бўлиб етишган Собир Раҳимов, зиёлилар Носир Сайид, Баҳром Ҳайдарий, Абдумажид Иброҳимов кабилар бор эди.

1923-25 йиллар “Нашри маориф” тадбирларида фаол иштирок этади. Бирок, Салимхоннинг бу ҳаракати яна ГПУнинг таъкибига учрайди. Хатто, 1925-26 йилларда у “Туркистонлик” лақаби билан ГПУга ёлланишга мажбур бўлади. С.Тиллахонов 1927-28 йиллар Тошкентдаги молия курсида мудир бўлди. Айни пайтда САГУнинг 3-курс талабаси бўлган Салимхон Тиллахонов 1929 йил 6 ноябрь куни Девонбеги маҳалла, 169 уйдан қамокқа олинади...

Усмонхўжа Тўхтаҳўжаев 1886 йил Тошкентнинг Эгарчи маҳалласида эгар ясовчи ҳунарманд Тўхтаҳўжа Рафеъхўжаев хонадонидан туғилган. У дастлаб ўз маҳалласидаги эски мактабда савод чиқарди. Сўнг беш синфлик рус-тузем мактабини ўқиган Усмонхўжа Тўхтаҳўжаев Тошкент мадрасаларидан бирида таҳсилни давом эттиради. У мадраса талабалиги давридаёқ, Эгарчи маҳалласида мактаб муаллими сифатида танилди. У.Тўхтаҳўжаев 1914 йилдан Мунаввар қори Абдурашидхонунинг “Намуна” мактабида таҳсил олади ва Муродхўжа Солихов, Самиғ қори Зиёбоевлардан муаллимлик касби маҳоратини ўрганadi. Усмонхўжа Тўхтаҳўжаевдан кейинчалик СССР МИК раисининг ўринбосари бўлиб етишган Абдулҳай Тожиев, ЎзССР Олий Суди раиси бўлган Саъдулла Қосимов, ўзбек романчилиги мактаби асосчиси Абдулла Қодирийлар ҳам илм сирларини ўргатган эдилар.

Усмонхўжа Тўхтаҳўжаев 1917-21 йилларда Обидхўжа Шарифхўжаев, Тангрикул ҳожи Мақсудовлар билан жадид тараққийпарварларининг “Улуғбек” мактабида ўқитувчилик қилади. 1918 йил Саид Афанди Аҳрорийнинг “Ватан” мактабида “Изчилар” гўдаси томонидан ташкил этилган икки йиллик педагогика курсида ҳам дарс беради. 1918 йил Усмонхўжа Тўхтаҳўжаев ўзи дарс бераётган “Улуғбек” мактабида “Арман ваҳшийлиги” пьесасини ёзиб, ўқувчилар билан саҳналаштиради. 1919 йил 25 сентябрь куни ўзи ёзган “Қаҳрамон чавуш” фожиасини мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари ижросида Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги жадидларнинг “Қаюхон” театри саҳнасига олиб чиқади. Ватанпарварлик туйғулари билан тўлиб тошган бу асарнинг дунёга келишида, албатта, мактаб мудирини Турди Шукрибей ва бошқа турк ҳарбий офицерларининг ҳам таъсири катта бўлган.

1921 йил Усмонхўжа Тўхтаҳўжаев, Обидхўжа Шарифхўжаев ва Тангрикул ҳожи Мақсудийлар Тошкентда совет маъмуллари томонидан маълум тазйиқларга дуч келгач, Мунаввар қори таклифи

билан Бухорога йўл олади. Усмонхўжа Тўхтаҳўжаев Бухоро Халқ Республикаси Маориф Нозирлигида мактаблар бўлимида услубият бўйича мудир бўлиб иш бошлайди. Бирок, касалликка чалингани туфайли кўп ўтмай Тошкентга қайтишга мажбур бўлади. Усмонхўжа Тўхтаҳўжаев 1921-22 йиллар Тошкентдаги хотин-қизлар билим юртида директор, 1922-24 йилларда Тошкент шаҳар ижроқўмининг сиёсий оқартув бўлимида мудир, Тошкент уезд вақф бўлими қошида ташкил этилган қишлоқ ишчилар тайёрлов курсида мудир ўринбосари ва муаллим вазифаларида иш олиб боради. Аини пайтда 1923 йил Мунаввар қори Абдурашидхонов томонидан ташкил этилган “Нашри маориф” жамиятида ҳам фаол иштирок этади. Жамият қисқа муддатда катта ишларни амалга оширади. У.Тўхтаҳўжаевга Германияда ўқиётган собиқ ўқувчиси Абдуваҳҳоб Муродий кўплаб хатлар ёзади. Унда Туркистонда маорифни ривожлантириш юзасидан ўз мулоҳазаларини баён этади.

Усмонхўжа Тўхтаҳўжаев 1926 йил ноябрь ойдан Сирдарё вилоятининг Ховос туманида ижроқўм раисининг ўринбосари лавозимида ишлаб, компартияга аъзо бўлди. Бирок, унинг партия соҳасида ишлаб кетишига ҳам маълум тўсқинликлар бўлади. У 1927 йил август ойи бошларида Тошкентга келиб, яна хотин-қизлар педагогика билим юртида жамиятшунослик фанидан дарс бера бошлайди. 1929 йил 28 сентябрь куни Эгарчи маҳалласи №42 уйдан Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг шогирди, сафдоши Усмонхўжа Тўхтаҳўжаев қамоққа олинди...

Шорасул Зуннун 1899 йил Тошкентнинг Себзор даҳаси, 3-Кадиобод маҳалласида савдогар оиласида таваллуд топган. У дастлаб эски мактабда савод чиқарган, сўнг рус-тузем мактабида ўқиган. У Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг “Намуна” мактабини битириши билан муаллимлик фаолиятини бошлаган. Ўқувчиларда миллий руҳни оширишга интилан Ш.Зуннун дарсларида Зиё Кўкалпнинг “Туркчилик асослари”, Купрулизоданинг “Турк адабиёти тарихи” китобларидан, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Ойбек, Жулқунбойларнинг ижодидан кенг фойдаланган. Унинг ҳар бир дарси баҳсу-мунозараларга бой бўлиб, ўқувчиларнинг бир умрга ёдида қолар эди. Шорасул Зуннун тилшунос сифатида 1925 – 1926 йилларда Мунаввар қори Абдурашидхонов, Шохид Эсон Афандилар билан бирга “Тил қоидалари” асарини чоп эттирадилар.

Тошкент тараққийпарварларининг фаол вакили Ш.Зуннуннинг 1928 йил Эски шаҳар комсомол конференциясидаги чиқиши жиддий мунозарага сабаб бўлди. Совет ҳукумати унинг тўғри танқидини қабул қила олмади, аксинча матбуотда уни миллатчиликда айблаб кўплаб мақолалар ташкил этилди. Ҳеч бир айбловсиз, тушунтиришсиз Ш.Зуннун мактабдан четлаштирилди.

1929 йил 5 ноябрь куни фидоий ўқитувчи ва ватанпарвар инсон Шорасул Зуннун қамокқа олинди...

Тангрикул хожи Мақсудий 1991 йил Тошкентда туғилган. Тангрикул 6 ёшида отасидан етим қолиб, тоғаси Муҳиддинхўжа Мирзаёқубов қўлида тарбия топди. Аввал эски мактабда, сўнг Бегларбеги ва Кўкалдош мадрасаларида таҳсил олди. У 1911 йил Афғонистон, Ҳиндистон орқали ҳажга бориб, қайтишда Ҳиндистон олий таълим даргоҳларидан бирида ўқишни давом эттирмақчи бўлади. Бирок, унинг иқтисодий томонини ҳал этишда имкон топилмайди. Тошкентга қайтгач, Содик Абдусатторовнинг жадид мактабида, сўнг Мунаввар қорининг “Намуна” мактабида ўқиб, жадид тараққийпарварлари сафига кўшилади. 1916 йил “Ислоҳ” журналинда “Европалашув керак” деган мақоласи билан кўпчиликнинг тилига тушди. Тангрикул хожи 1917 йилдан Усмонхўжа Тўхтаўжаев, Қаюмхўжа Алиевлар билан “Улуғбек” мактабида дарс бера бошлади. Фитратнинг “Чигатой гурунги”да ҳам фаол иштирок этиб, кўплаб шеърлар битди, “Эски мактаб” номли пьесса ёзди.

Тангрикул хожи Мақсудов факат ўқитувчилик фаолияти билан чекланмади. У ватанпарвар инсон сифатида Туркистоннинг хом ашё базаси бўлиб қолаётганига чидай олмади. Айниқса, 1925 йил муаллимлар институтининг умумтаълим курсида ўқиш жараёнида шўро ҳукуматининг Ўзбекистонда амалга ошираётган қизил мустамлакачилик сиёсатига қарши кескин мулоҳазаларини илгари суради. Шу жараёнда Тангрикул хожи Мақсудий ҳам совет ҳукумати маъмурларининг “душман”лари рўйхатидан жой олди. С.Тиллахоновнинг қайд этишича, жадид тараққийпарварлари орасида Тангрикул хожи ўзининг ҳар жиҳатдан комиллиги билан факат Мунаввар қоридан кейинги иккинчи ўринда турар эди...

Тангрикул хожи Мақсудов 1929 йил 6 ноябрь куни Шайхонтоҳур даҳаси, Раис кўча 63-уйдан қамокқа олинади...

Абдуваҳҳоб Муродий 1901 йил 29 май куни Тошкентнинг Эгарчи маҳалласида таваллуд топган. Дастлаб Эшонхўжа Хонийнинг “Хония” (кейинчалик “Ҳаёт”) мактабида, сўнг Мунаввар қорининг “Намуна” мактабида ўқиган. Мунаввар қори томонидан Абдуваҳҳоб Муродий 1915 йил Наманган шаҳрига ўқитувчи сифатида йўлланади ва бир йил у ерда ўқитувчи бўлиб ишлайди. 1916 йил мардикорликка қарши халқ кўзгалонида тарғибот ишларида иштирок этади. Муродий 1917-18 йилларда



Тошкент мактабларида ўқитувчилик қилган. У 1919-20 йиллар “Машраб” мактабида мудир бўлиб ишлайди. Шундан сўнг “Муаллимлар жамияти” кўмагида хорижда таълим олиш учун йўлланади.

Абдуваҳҳоб Муродий 1920-21 йиллар Афғонистонда бўлиб, 1921 йил июлида Германияга етиб келади. Бу вақтда Германияда на татар, на қозок, на ўзбек талабалари бор эди. 1922 йил Германияга Туркистондан талабалар етиб келадилар. А.Муродий 1921-26 йиллар Берлинда қишлоқ хўжалиги олий мактабида олий маълумот олади. Тўрт ой давомида Мисрда пахтачилик соҳасида амалиёт ўтаб, 1927 йилда Ватанга қайтиб келади.

Муродий Ўзбекистонга қайтгач, совет ҳукумати идоралари томонидан ишонсиз деб топилади ва бир ярим йилга яқин деярли ишсиз қолади. Бу вақтда “Ўздавнашр” раиси бўлган Саид Аҳмад Назирий А.Муродийга ўз хизматини таклиф этади. Келишувга кўра А.Муродий нашриётга “Ботаника”, “Пахта етиштириш усуллари” каби бир нечта китоблар ёзиб беради. Нашриёт уларни чоп этиб, А.Муродийга Тошкентдаги дўконидан хоҳлаган китобини олиши учун имтиёз беради.

Муродий Германияда таҳсил олган Туркистон ёшларининг мақсади ҳақида ўзининг сўроқ баённомасида: “... Биз Германияда фақат бир нарса ҳақида ўйлар эдик. Аввало хорижий тилларни ўрганиб, Оврўпо илм-фани ютуқларини мамлакатимизга олиб кирамиз дер эдик. Шу мақсадда тил курсларини тугатиш билан тездан энг иқтидорли йигитларни имкон қадар турли-туман саноат ва илм-фан жабҳаларига кенгрок тақсимладик. Шу билан бирга ўша илмларнинг асосларини мукаммал эгаллаш, туркий тилда

уларнинг терминологик луғатларини тайёрлаш, керак бўлганида ўзимизда янги авлодни етиштириш учун ўша фан ва ҳунарларнинг ўқитиш усулларини ўзлаштирдик. Китобларини тўплаб кенгрок маълумотларни ўзлаштиришга, таржималар қилишга интилдик. Мақсад Ватанга катта илм билан қайтиш эди. Бирок, бизга нисбатан тайзикни кун сайин кучайтириб боришди. Ҳатто, бир қисм ёшлар мамлакатга қайтиб бориш фикридан қайтиш даражасида кўриб қолдилар..

Мен Туркияда кўплаб танишлар орттирганман, менга у мамлакатнинг паспорти берилган эди. Бирок, Оврўпога Ватан равнақи учун хизмат қиламан деб йўл олган эдим. Мени Ватанга ҳам фақат унга фойдам тегади деган мақсад етаклаб келди. Ватанимда осон бўлмаслигини билганим ҳолда қайтдим. Тирик қолсам Ватанимда яшайман, акс ҳолда унга хизмат қилиб ўламан ...” дейди. Албатта, ватанпарварликка бундан улуғ мисолни келтиришнинг бошқа имкони бўлмаса керак.

Сайид Аҳмад Назиров 1904 йил Тошкентнинг Занжирлик маҳалласида таваллуд топган. Саид Аҳмад Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг “Намуна” мактабининг энг иқтидорли ўқувчиларидан бири бўлган. У мактабни битиргач, акаси жадид таракқийпарварларининг фаолларидан Отахон Назировнинг савдо дўконларини юритиш учун Андижонга юборилади. У 1916-17 йилларда “Шўрои ислом”нинг Андижон бўлимига қарашли “Умид” кутубхонасида ишлаган. Бир муддат Кўқонда ўқитувчилик ҳам қилади.



Сайид Аҳмад Назирий 1918 йил Тошкентда Сайид Аҳрорий раҳбарлигидаги “Изчилар” тўдаси томонидан очилган муаллимлар курсида ўқийди. 1921 йил Тошкент ишчи факультетига кирди. Айни пайтда Усмонхон Эшонхўжаев раҳбарлигидаги фаол ёшлар гуруҳида советларнинг “қизил империя”ча сиёсатига, пахта якка-хокимлигига қарши чиқади ва кадрларни маҳаллийлаштириш масаласини илгари сурадилар. Бу пайтда Саид Аҳмад Назирий муҳаррирлигида нашр этилган “Армуғон” журнали ҳамон кўпчиликка манзур.

1922 йил “Кўмак” уюшмасининг энг фаол ташаббускорларидан Саид Аҳмад Назиров Кўконда бўлиб, “Кўмак” уюшмаси фойдасига пул йиғишда иштирок этади. Сентябрь ойига келиб, бошқа ёшлар қатори ўзи ҳам Ленинграддаги Зиновев номидаги комуниверситетда ўқишни бошлайди. Бирок, кўп ўтмай дипломат бўлиш ниятида ўқишни Ленинград жонли Шарқ тиллари институтида давом эттиради. У 1924 йил таҳсилни якунлаб, Ўзбекистонга келади. Саид Аҳмад аввалига Маориф халқ комиссарлиги хузурида Элбек раҳбарлик қилаётган билим кенгашида котиб бўлиб иш бошлади. Сўнг ГУСда коллегия аъзоси ва раис бўлади. Ўта шижоатли Саид Аҳмад Маориф халқ комиссари Раҳим Иноғомов томонидан коллегия аъзоллигига қабул қилинади ва 1927 йилгача Ўзбекистон давлат нашриётига раислик қилади. У ўз атрофига Фитрат, Элбек, Санжар Сиддик, Қаюм Рамазон, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Шорасул Зуннун, Бўлот Солиев каби етук мутахассисларни жамланган эди. Шу йилларда Чўлпоннинг “Ёрқиной”, “Тонг сирлари”, “Булоқлар” каби шеърый тўпламлари, Фитрат, Элбек А.Қодирий каби миллий зиёлиларимизнинг катор асарлари катта нусхада чоп этилади. У раҳбарлик қилган вақтни “Ўздавнашр”нинг “олтин даври” дейишар эди. Саид Аҳмад Назиров “Инкилоб”, “Маориф ва ўқитгувчи” журналларининг таҳрир хайъатида бўлди, “Қизил қалам” уюшмасига кириб, унга Фитрат, Элбек, Чўлпонларни жалб этди. Бирок, унинг авжи фаолияти “қизил мустамлакачи”ларнинг мақсадига мос келмас эди. Саид Аҳмад Назиров СредАзбюро раҳбарияти томонидан “Ўздавнашр” раислигидан ишдан олиниб, Москвадаги Плеханов институтига ўқишга юборилади. 1928 йил унинг Москвага келиши билан ўзбек талабаларининг илмий тўғарақлари яна ривож топади. Саид Аҳмад Назиров барча ўзбек талабаларни уюштириб ўз йўлига солади.

Саид Аҳмад Назиров Москва текстил институтининг муҳандис-иқтисодчи факультетининг 4-босқичини тугатиш арафасида Москва шаҳри, Большой Патриотский переулук, 4-уй, 15 хонадондан қамокқа олинади...

Ходиев Маҳмуд Мақсудович Боту 1904 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Боту аввало жадид мактаби ва “Намуна”нинг ўқувчиси. Рус-тузем мактабида рус тилини ўрганди. XX асрнинг энг ёрқин истеъдодларидан бўлган Ботунинг шаклланишида қайноқ Тошкент муҳити, Мунаввар қори Абдурашидхонов мактаби

ва Фитратнинг адабий оламининг таъсири катта бўлди. 1919 йил комсомолга кириб, совет бошқарувиغا аралашди. Жуда ёш бўлишига қарамай, 1920 йил сўнгида Бухоро компартиясида котиб ҳамда 1921 йилдан Тошкент туман ёшлар кўмитасида муҳаррир, 1921-22 йилларда Фарғона вилояти партия кўмитаси газетаси муҳаррири вазифаларида иш олиб борди. 1922 йил. Туркистон Республикаси Миллатлар халқ комиссарлиги раёсати мурожаати билан Москвадаги Покровский номидаги ишчи факультетига ўқишга қабул қилинади. У рабфакни 1923 йил 6 июлда муддатидан аввал тугатиб, олий таълимни 1922-26 йилларда Москва давлат университетининг ижтимоий фанлар факультети иқтисод бўлимида давом эттиради. 1926 йил 9 декабрда МДУ дан олий маълумот тўғрисидаги дипломни қўлга киритган Боту ишни 1927-28 йилларда Самарқанд шаҳрида ЎзССР компартияси Марказий кенгашининг нашриёт бўлими мудир вазифасидан давом эттиради. 1928-29 йиллар Самарқанд округ компартиясида ишлаб чиқариш маъмурияти мудир, 1929 йил февраль ойидан август ойигача “Аланга” журналининг бош муҳаррири ва 1929 йил август ойидан ЎзССР Маориф халқ комиссари ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатди.

Собир Қодирий 1900 йил Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Мунаввар қори Абдурашидхонунинг бевосита шогирди, аввалига унинг ибтидоий мактабида, сўнг “Намуна”да ўқиган. 1918-20 йилларда Тошкентда биринчи босқич ибтидоий мактабида ўқитувчи, сўнг мудир вазифаларида ишлаган. 1920-23 йиллар Тошкент муаллимлар институтида ўқиди. 1923-24 йиллар Москвадаги педагогик курсларни ўқиб келган. 1924-27 йилларда Тошкент муаллимлар институтининг директори, 1927 йилдан Самарқандда НКП профоброзованияда бўлим мудир бўлди. 1929 йил апрелдан ЎзССР Маориф комиссар бўлиб фаолият олиб бора бошлайди. Бирок, 1929 йил июл ойида ишдан четлатилиб, қамоққа олинди...



Шокиржон Раҳимий 1898 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Отасидан жуда ёш айрилган Шокиржон ва Собиржонларни онаси Шарофат ая тикувчилик қилиб оёққа қўйди. Мунаввар қори Абдурашидхоннинг беш синфлик биринчи босқич ва рушдий “Намуна” мактабларида таҳсил олган Шокиржон Тошкентнинг энг илғор ёшларидан бирига айланди. У дастлаб Муҳаммадхон Пошахўжаев раҳбарлик қилган тараққийпарварларнинг “Турон” жамияти тadbирларида фаол иштирок этди.



1917 йил “Турон” жамияти негизида Туркистондаги илк сиёсий партия “Турк адам марказияти” дунёга келди. Шокиржон Раҳимий 1917 йилнинг охиригидан Тошкент уламоларининг энг илғор қисмини ўзида бирлаштирган “Фуқаҳо” жамиятининг котиби сифатида иш олиб борди.

Жадид матбуотида ўз қалами билан танилиб улгурган Шокиржон “Туркистон мухторияти”ни жон жаҳди билан ҳимоя қилади. Бироқ, у большевиклар томонидан қонли бостирилгач яна маорифга қайтди. Мунаввар қори томонидан очилган Дорулфунун қошидаги Дорулмуаллиминга раҳбарлик қилади. 1922 йил Тошкентда очилган маориф институтини битириб, олий маълумотли педагог, тилшунос дипломини қўлга киритди. Аввалига кўрлар мактабида ўқитувчи ва услубиятчи бўлган Шокиржон, 1923 йил Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси мудири лавозимига тайинланади. Айни пайтда Мунаввар қори Абдурашидхон ташаббуси билан ташкил этилган “Нашри маориф” жамиятига ҳам раҳбарлик қилади. Ш.Раҳимий 1927 йилдан Тошкент ишчи факультети директори, 1928 йилдан ўзи таҳсил олган муаллимлар институтида мудир, “Ўзбекистон” нашриётида мудир лавозимларида меҳнат қилди.

Ш.Раҳимий 1924 йил биринчи миллий календар яратди. Мактаб ўқувчилари учун биринчи ўзбек алифбеси “Совға” ва “Ислом тарихи” китобларининг муаллифи бўлди. У ўлкада саводсизликни тугатиш мақсадида “Катталар йўлдоши”, “Яшасун Туркистон”, “Батрақлар алифбеси” каби кўплаб тўпламларни нашр этди. Ш.Раҳимийнинг тилшунос сифатида ҳам каттагина илмий

мероси мавжуд. Жумладан, О.Ҳошимнинг таклифи билан ўзбек тилида сингормонизм ҳодисасини ўрганди, шунингдек, ўзбек тилининг терминлар луғатини яратиш устида катта ишларни олиб борди.

Мусаев Шоҳид Эсон 1884 йил

Тошкентда оддий хунарманд оиласида дунёга келган. Эски мактаб ва мадраса таълимидан сўнг Шоҳид Эсон Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг ёнига кириб, бево-сита унинг раҳбарлиги остида унинг ибти-дой мактабида дарс бера бошлайди. Шоҳид Эсон олий таълимни давом эттириш мақсадида 1917-1922 йилларда Туркияда бўлиб, Истамбул университетининг педаго-гика факультетини битириб қайтади. Туркиядан қайтгач, дастлаб, Тошкент ви-лояти муаллимлар билим юртида ишлаб,



“Кўмак” ва “Нашри маориф” ташкилотлари тадбирларида фаол иштирок этди. 1926 йилдан “Навоий” мактабида дарс бера бош-лаган Шоҳид Эсон Мусаевга қарши совет матбуотида уни мил-латчиликда айблаб бир нечта мақолалар босилади. У муаллимлик фаолиятини умуман ташлаб Тошкент шаҳар кутубхонасида ишлай бошлайди. Бироқ, бу ҳам Шоҳид Эсонни кутқариб қола олмади. У 1928 йил 12 ноябрда “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси сифа-тида қамокқа олинади...

Биз юқорида номларини келтириб ўтган инсонларнинг барчаси Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг илмий жамоасини юзага келтирган ва уларнинг ҳар бирининг алоҳида ва жамоавий ҳолда амалга оширган илмий-ижодий, педагогик фаолиятлари ҳақида афсуски ҳамон жуда кам ахборотга эгамиз. Албатта, бу биздан жиддий тадқиқотни талаб қилади. Қуйида Шоҳид Эсоннинг Туркистон мабуотида нашр этилган айрим мақолаларини эъти-борингизга тақдим этамиз. Унинг “Ҳақиқат” журналида чоп этилган “Тарбия” мақоласида *“Наби муҳтарам ҳазратлари: “Ҳаммангиз чўпонсиз ҳаммангиз подаларингиздан масъулсиз”* демак ила зоят кенг бир тарзда тарбия асосини ўн тўрт аср бурун қургандирлар деб бўлади. Демакки, бир биримизнинг тарбиялари-мизга алоқадор, бир биримизнинг тарз ҳаракатимизнинг жамият

аъмолига, умумий виждонга тўғрилаб ишламакка чақирилганмиз” деб тарбиянинг нақадар муҳим ишлигига тўхталади. Фикрини давом эттириб, тарбияни таълим билан узвий ҳолда кўради ва “Бу нуқтада мутафаккирларга эҳтиёж бордир. Мураббий ва муаллимлар эрса мутафаккирларнинг кўрсатган йўлларидан юрмоққа мажбурдирлар. Шундоқ бўлганда умумий ва назарий қисмни мутафаккирларга, тадбиқ жиҳати эрса мураббий ва муаллимларга қолур. Муаллим ва мураббийларни бир қўшинга ўхшатсак мутафаккирларни ҳам бу қўшиннинг қўмондонларига ўхшата оламиз. Қўшуннинг қўмондонга эҳтиёжи қандай бўлса, мураббийларнинг ҳам мутафаккирларга эҳтиёжи шунчалиқдир. Қўшун фардлари ҳарбий кўзголишни бошқаролмаганидек ҳар бир мураббий ва муаллим ҳам тарбия ва фикр ишларини тамоми билан идора қила олмас. Негаким тарбия масъаласи ижтимоий ва руҳий масъаладир. Биноалайҳ кўп кенг ва қоришиқдир. Бу йўлда аҳлият ва маҳорат эгаси бўлмоқ учун узун замон тиришмак лозимдир” дейди. Мавжуд вазиятни жаҳон билан таққослаб, “Бу кун маданий мамлакатларнинг ҳар бирисида тарбия тўғрисида ҳисобсиз кўп китоб ва мажмуалар ёзилмоқда ва наиш этилмакда. Улуғ мутафаккир олимлар иш бошида ўлтириб юрт ва элларида фойдалиқ йўлларини кўрсатмоқдадирлар. Сўз биз Туркистон турклари устига кўчирилганида эрса тарбиявий ҳарактларимизда раҳбарлик қила оладирган на бир мутафаккир ва на бу йўлда ёзилган бир асар бор. Шунинг ила баробар биз бугун тириклигимиз ва яшашимизнинг ўзгариши тўғрисида эҳтиёжларимизни сеза бошладик. Лекин, қай йўсинда ўзгаришимиз, қайси йўлда ва қайси мақсадга қараб кетмагимиз керак? Мана бу масъалалар ҳануз бизга очиқ эмас, ҳейли мавҳум ва мажҳулдир.

Ушбу янги ҳаёт йўлида бизга ёрдам қиладирган раҳбарликка эҳтиёжимиз улугдур. Ажабо, бизга чин мутафаккирлик қайси йўсинда ва қайси муассасалардан етишур. Бу кунги муҳим ишларимиздан биттаси ушбун иш ҳал қилмоқдир. Маҳкамаи шаърияларимиз ҳам мадрасалар ислоҳотига киришмасдан илгари бу масъалани текширмак ва қатъий бир натижага боғламоқ мажбуриятидадир. Ислоҳотнинг самарали бўлиши бўлмаслиги ҳам бу тўғрида берилатурган қарорга боғлиқдур. Нима бўлса ҳам бир мақсадга келайлик (Таъкид бизники – муаллиф). Шундан сўнг муаллиф мақсадга кўчади ва Тарбия нимадир? Нима деган сўздир?

Ажабо? Тарбия демак одоб маошаратни билган мутавозеъ, назокатлик, зариф киши демакдидир? Тарбия усулини тайин этмасдан илгари бу усулни турлик кимсалар қандай англадилар” деб савол қўяди. Айни вақтда жавоб топиш мақсадида инсоният тарихига юзланади. Бу нуктада олим сўзни ибтидоий эскимос қабилалари турмуш анъаналаридан бошлаб, унинг фан даражасигача кўтарилишигача эсга олади ҳамда мавжуд тарбия назарияларини таҳлил этиб, улар билан баҳс олиб боришга киришади: “Тарбия башарият билан баробар тугулгандир, башарият баробарида эскидир. Энг ибтидоий бир қавмдан бошлаб то маданиятсигача ҳаммасида ҳам тарбия иши мавжуддир. Эскимоларнинг ҳаёти ҳам бу фикрни тасдиқ этар... Тарбия иши кўп эски бўлса ҳам бу ҳодисалар ҳақида назария ва мулоҳазалари янги бўлиб юнон қадим ҳикмасидан бошланадир. Масалан, Афлотун – “яхши тарбия бир вужуд ва руҳ эътибори ила инсоннинг такомилга қанча истеъдоди бор эрса шунча тугаллаштирадурган нарсадир”, дейди. Афлотун ўзининг бу таърифи билан тарбиянинг нима эканлигини кўрсатмаса ҳам, лекин яхши тарбиянинг гоёсини англадир. “Тугаллаштирадурган” ёки мукаммаллаштирадурган нарса нима деган сўздир? Вужудда мукаммаллашмакни вужуднинг томлиги десак ҳам руҳнинг мукаммаллиги нима деган сўздир? Сўнгра мукаммаллаштирадурган таъсирга тарбия деб мукаммаллаштирмайдурган таъсирга тарбия демайдир. Биноалайх, бу таъриф илмий эмасдир. Илман мукаммаллик берган ҳам нуқсонлик берган таъсирларнинг иккиси ҳам тарбиядир. Тарбия доимо мукаммал бўлмай нуқсонлик ҳам бўлур, яхшиси бўлганидек ёмони ҳам бўлур.

Чичерин: “тарбия боланинг мукаммал инсон бўлишига хизмат қиладирган қоидаларнинг ҳайъат мажмуасидир” дейди. Бу ҳам етарлик таъриф эмас. “Мукаммал инсон” нима деган гап? Ҳар ким ўзининг сифати, маслағи, мавқеига қараб мукаммал инсонни бошқача англайдир. Масалан, ҳаммолнинг ўйлашича энг мукаммал инсон ботмон юк кўтарувчи кишидир.

Штейн: “тарбия малакаларни текис ва оҳангдор (уйғун) бир суръатда ўстирмоқдир” дейди. Штейннинг бу таърифига қараганда малакалар орасидаги оҳанг ва текисликни бузатирган нарсалар тарбиядан четда қолур. Ҳолбуки, тарбия малакаларнинг оҳанг ва текислиги билан эмас, балки оҳангсиз ва текис бўлма-

ганлигидан бўлур. Бир мусиқийшунос маслагида мувофиқ бўлмоқ учун эшитиш малакасини қутлантириб бошқа малакаларини заиф қолдирар. Демак, оҳангсизлик ҳосил бўлади. Шунга ўхшаш бир рассомнинг ҳам кўриш малакаси кучланиб бошқа малакалари ила текислик ва оҳанг қолмас. Бу ҳоллар мусиқий ва ё расм тарбияси олмоқ учун мажбурийдир. Бу мисоллардан англашиладир ким тарбия учун текиссизлик оҳангсизлик биринчи шартдир.

Энг юқоридаги таърифларнинг учтасини бирдан ўйласак, диққат билан текишсак ҳар учтаси учун шу мулоҳаза ва шу васфлар бордир. Бу таърифларнинг учови ҳам мусбат амалларнинг усулларида мувофиқ эмас. Яъни, жорий бўлиб турган ҳаётдаги тарбияни танитмайди. Балки, муаллифларнинг ўз фикр ва тасовурларидаги ҳаёлий тарбияни кўрсатадир. Алҳосил, бу таърифлар тарбия қандай нарсадир деб эмас, қандай нарса бўлиши керак деб бошлагандир.

Шундан сўнг Шаҳид Эсон ўзининг фикрини юқоридаги мутафаккирлар ғоялари билан қиёсан таҳлил этади ва ҳулосалаб “... ҳар уч таърифда ҳам мукаммаллик ва ё оҳанглик таъбирлари ила бирдек ва бир хил тарбия қабул қилинибдир. Бу тарбияни қайси муҳит, қайси жамиятда бўлса ҳам бутун инсонларга тадбиқи мумкиндир ва инсонларда ҳам бу навъ ва бир хил табиат ва қобилият бордир. Инсондаги бу табиат авсоф(сифатлар) ва қобилиятини ёлғуз таъсир ва тарбия майдонга чиқарур. Яъни, боланинг моддият ва маънавий узвийтида азалда бирлаштирилиб бу кунгача ёширин бир ҳолда турган қудратларни юзага чиқарур, дерлар. Бундан шу натижа чиқодур. Тарбия табиий, фитрий (туғма) истеъдодга ўздан ҳеч бир нарса кўша олмас, янги ҳеч бир нарса ҳам ярата олмас. Ёлғуз ул фитрий қобилиятларни йўқолмаслигига, ахлоқи рангини ўзгармаслигига хизмат қилар, дейишидир. Шундоқ бўлгандан кейин замон, макон, жамият ила тарбиянинг алоқаси йўқ дейишидир. Яъни, тарбия ҳар вақт ва ҳар ерда бирдир, ўзгармас деган сўздир. Модомики, инсоннинг тараққий ва такомилнинг мояси ўз фитрий қобилиятларидир. Бу малаканинг табиат ва қонуни ўрганилса уни инкишоф этдирмак йўли ҳам кашф этилди демакдир. Инсоннинг фарди (алоҳида) табиати маънавийясини эрса илми руҳ текиширадир. Биноалайх, бутун тарбия масъалаларида илми руҳияга мурожаат қилмоқ кифоядир деган сўз чиқар” дейди. У фикрининг якунида тарбияга нисбатан ўзининг шахсий муноса-

батини илгари суриб, “Ҳолбуки ҳеч бир замон ҳеч бир ерда бутун инсонларга қобили тадбиқ бир тарбияни тадқиқот ва тажрибалар шу вақтгача кўрсатмади. Ҳар бир қавмнинг тарбияси бошқадир. Дунёда қанча қавм бўлса, шунча тарбия ҳам бордир. Бирининг ҳиссиёти иккинчисига ўхшамас. Мусулмонлар саллага, христианлар шапкага ҳурмат этганидек икки мазҳаб, икки қабила, ҳос ила авом ораларидаги тарбия фарқларини доимо кўриб тураммиз.

Ҳеч қайсимиз туғулган вақтимизда бир ахлоқ бир бадий ҳис келтирган эмасмиз. Буларнинг ҳаммасини муҳитимиздан, жамиятимиздан олгандирммиз. Жамиятимизнинг тўғри деганини тўғри, эгри деганини эгри, кўҳлик (чиройли) деганини, кўҳлик деб кетганммиз. Шубҳа йўқки ва бу жамиятнинг ичида туғилмасдан бошқа бир жамият ичида дунёга келган бўлса эдик, албатта, уларнинг тарбияларига ўрганар, уларнинг тамойилларини қабул қилар эдик. Бу кунда кўриб турган одатларимиз, урфларимиз, ахлоқи ҳаётимиз, ҳулоса тарбияммиз биз туғулмасдан бурун ҳам бизнинг жамиятда бор эди. Биз уни муҳитнинг тасири, тарбияси билан кейин олгонммиз. Мана шу ҳолларнинг биздан бурун бор бўлгонлиги бизнинг фитратимизнинг, бизнинг халқимизнинг махсули ва асори эмаслигини кўрсатмасми?

Агар тарбияммиз Афлотун, Штейн ва Чичериннинг деганларидек фитрий қобилиятимизнинг махсули бўлса эди, иштаҳа, майл, газаб, хавф ва уйқумиз ўхшаш, урф-одат, ахлоқ ва бошқалар ҳаётимиз ҳам ўз ўзидан ҳосил бўлар эди. Ҳолбуки, бу ҳиссиёт биз муҳитнинг таъсири ила тарбия ила ҳосил бўлур. Савқ табиийларимизга ҳеч ўхшамас. Шу мулоҳазаларимизни тарбиянинг манба эътибори ила ижтимоий бир кайфият бўлиб, аммо фардий бир ҳодиса эмаслигига инонтирадир⁸¹ дейди. Шубҳасиз, бу ҳулосалар жуда теран ва ҳамма замонлар учун ҳам алоҳида эътиборга моликдир.

Шаҳид Эсоннинг “Биз ва маориф” номли мақоласи “Энг иссиқ, қизгин ва қумли бир чўлда тирикчилик қиладиргон кишига сув, салқин ҳаво қанча керакли бўлса бу кунги миллатлар орасида яшай-тургон қавмлар учун мактаб ва маориф ҳам шунчалик керакдир” деб бошланади. “Асримиз ҳаёт йўли устинда юксак, ёрқин, қатор тоғлар, кенг ва қутурган денгизлар яратди. Бизга ўхшаш заиф

⁸¹ Шаҳид Эсон. Тарбия // Ҳақиқат, 1922 йил. 2-сон. 8-11 бетлар.

қавмлар – на бу тоғлардан ўта оладир, на у денгизлардан ошуб мурод соҳилига ета оладур. Балки, бир бечора япроқ ва ё сомон чўпидек қаттиқ ва оғир тўлқунларнинг забун ва асири бўлиб қоладур. Қўшнилариимиз табиат ва ҳаёт ҳодисаларининг асрор ва қонунларини топиб чиқордилар ва бу сояда табиатга ҳоким бўлдилар. Сувдан, ҳаводан, ўтдан тилаганларича фойдаланадилар. Кўкда қушлар сингари учуб юрмоқ унлар учун энг кичкина бир иш бўлиб қолди. Ижтимоий ва маънавий ҳодисаларнингда айни суръатда қонун ва асрорини кашф этдилар. Бундан сўнг йиллар ва асрларнинг орқасида бекиниб турган ижтимоий, сиёсий воқеаларни кўз олдида тургани каби кўрмакка ва унларни идора қилмоққа бошладилар. Бу суръатла унлар моддий ва маънавий табиат қонунларидан туганмас куч ва қудрат топдилар. Биз эсак ўз данкасалигимиздан сафолат ва мискинат (қашшоқлик) балчиғига ботиб қолдиқ. Энди йиқилган еримиздан турмоққа танамизда куч қолган эмас. Асрлардан бери кўклариимиз қуёшсиз ва юлдузсиз қолди. Қалин бир қоронгулик ичида йўлимиздан адашдик. Ҳар қадамимизда бошимиз қаттиқ бир тошга тегди. Кундузлариимиз қоронгу кечларга айланди.

Бир замонлар башариятнинг йўлбошчиси ва раҳбари эдик. Бутун дунё бизнинг ёққан машъалалариимиздан ёруғлик олар эди. Бу кун эса башариятнинг шол (фалаж) бўлиб қолган бир қўлимиз. Шу ҳолда фақат ўзимиз учун эмас, инсоният учун ҳам бу ҳолимиз буюк фалокат саналса керак. Умумий ва инсоний гоя, амаллардан узоқда қолишимизга юрагида озгина башарият муҳаббати бўлган киши чидаб тура олмаса керак. Мана шунинг шу ёғидан қараганда энг қонли яралариимиз билан қаршилашамиз ва ҳаёт ҳам белимишни буккан оғир бир юкка, бошимизда айланган тегирмон тошига ўхшаб қоладир. Агар шунча замондан бери кўзлариимизни ҳадсиз фалокат ичида очиб, бир оз сўнгра турли турли изтироб ва алам билан юмганимиз етишган бўлса, бундан кейин ўзимизга келмогимиз ва ҳар нарсадан аввал бизни жаҳолат ва гафлат гирдобига судраб турган қўлларни қайириб синдирмогимиз керак эди. Шундан сўнг муаллиф мақсадга кўчиб, “Ҳайҳот! Бу шараф ва саодатдан ҳам кўп узоқдамиз. Масалан, шу вақтгача ҳам мактаб ва маорифга ҳуркаклик ва шубҳа билан боқмоқдамиз. Бунлар – маънавият ҳиссиётимишни бузатургон нарсалардир, деб хаёл қиламиз” дейди. Бу сўзлардан асосий муддао ўтган асрнинг 20-йилларида

Ўлкада большевиклар ҳукуматининг мустаҳкамланиб бориши билан совет маорифи агайлаб асрий қадриятларга, айниқса, динга қарши кескин курашни бошлаб юборади. Маҳаллий халқ эса совет мактабларидан умуман воз кеча бошлайди. Ҳатто, “бургага аччиқ қилиб...” деганларидек умуман таълимдан болаларини чиқариб ола бошлайди. Шундай бир шароитда Шохид Эсон халққа мурожаат этиб, диндан ҳам асл мақсад илмдир деган фикрларни қуйидагича баён этади: *Бизнинг қаноатимизга қараганда ўрганмоқ билан инсоннинг иймони заифлашмас ва инсон динсизликка тушмас. Чунки, улумнинг чин ва биринчи иши коинот ҳақида бир фикр ва талқин эгаси ўлмоқдир. Шу гоёсига бормоқ учун энг кичик ҳодисоти табиатгача муқаташиф (кашф этиш) жиҳатидан тадқиқ қилинмоқдадир. Айни замонда улумнинг мавзуи тадқиқи бўлган ҳодисот билан бу ҳодисотнинг тажаллийгоҳи бўлган борлиқ, қиёси мутлақнинг бирор ояти таквини(исботи)дир. Вужуд асрори алайҳга тегишлик маънолар бу табиат саҳифасида мундариж (мавжуд)дур. Бу даъвои Шайх Саъдий ҳазратлари гоёят яхши бир ифода билан кўп аввалдан сўзлаганлари ҳар кимга маълумдир:*

“Барги дарахтҳойи сабз дар назар хушёр,

Ҳар варақаш дафтарист маърифати коргар”... (Тангрини танимоқ учун ақилли кишиларга оғоч япроқлари бирор китоб манзиласиндадир).

Агар ҳақиқий диндорлик ҳиссиёти диния билан мутаҳсис ўлмоқ бўлса, азимати алайҳни энг аъло ҳис этганлар улум билан шуғул ва табиат саҳифаларини ўқимоқ билан машғул бўлганлар бўлса керак. Ҳолбуки, улумнинг бу даражаи аълоси ҳануз бизда вужудга келган эмас.

Мавжуд ибтидоий ва рушдий мактабларда эса диндорлик на да динсизлик асоси суръатда мавзуи баҳс ўлинмас. Зеро, отини “ҳақиқат қидирмоқ” деб қўйилган энг муҳим бир масъала марҳум Зиё пошонинг “бу кичкина торозу била у катта ва оғир юклар тортила олмас” деганидек, ибтидоий ва ўрта даражали мактабнинг эшигидан киролмас. Ҳатто, бизнинг энг катта санъаткор ва доҳий шоиримиз Мирзо Бедил эса

“Ҳасти бетатиш рафт ва асар нист нафасро,

Фарёд аз ин қофила бурданд жарасро” (Борлиқ ҳаяжон ила кетди аммо нафас асарини кўрсата олмади, эссизгина бу карвондан кўнғирогини олиб қўймишлар) демак билан ҳеч ким боласига бу

салоҳиятини бермайдир. Бунинг учун ибтидоий маориф жараёни ҳақидаги шубҳалар тўғри эмасдир деб фикрини хулосалайди. Шундан сўнг эса ҳолатдан чиқиш йўлида ўзининг мутафаккирона ғояларини илғари суриб, "... Эмди бизнинг маориф ташилотининг асослари ҳақида ўйлаганларимизни қисқача сўзлаб ўтмоқчимиз. Бизда Ғарб усули билан очилмоққа бошлаган янги мактаблар билан эскидан бери давом қилиб келган мадрасалар бордир. Мактаблар оврупога, мадрасаларимиз мозийимизга очилган бирор туйнук ва ё даричаларимиздир. Демак ки, мактаблар ташилот эътибори ила кўпроқ ҳорижийдур. Тарих ва анъаналаримизга бир оз ёввойи кўринадур. Бу сабабдан шахсиятимизга энг лозим бичимни бермакдан оҳис қолса керакдир.

Бир минтақанинг ўт ва ё оғочлари бошқа минтақада кўкаролмаганидек машаъри (шариат) виждонла муносабати бўлмаган, янги таомиллар ҳам кўпинча яшамас. Бу таомиллар яшаса ҳам тақлид махсулидир. Тақлид эса тараққийдан узоқ ва унинг зиддидир. Бир қадам илғари кетолмай еринда саймоқ (турғунлик) демакдир. Тараққий ва такомил деган нарса мозийга сунмоқ тарихий пояларни босиб юқориламоқ билан бўлур. Таърих пояларига илтифот қилмасдан юқорига сакраган кишилар аввалги ерларига қайтиб тушмакда кечикмаганлар (таъкид бизники - муаллиф).

Янглиш англашилмасун, ижтимоий ҳодисаларда "ҳатлама" йўқдур демоқчи эмасмиз ... Балки тарих ва мозий, ҳаёт ва ҳолимизга бир шакл бермак учун бир воситадир демакчимиз. Дунёда ҳар бир киши учун шуур ва ҳофиза қанча керак бўлса бир миллат учун ҳам мозий ва тарих шунча керакдир. Ўз мозийсидан юз ўгирган бир миллат билан ақл ва ҳофизасига аливо деган бир киши орасида ҳеч бир фарқ йўқдир. Чунки ақл ва ё мозий демак таъриб демакдир (таъкид бизники - муаллиф). У вазиятни куйидаги мисол билан тушунтиради: "Бир ёй ўқи отадирган вақтингизда итини кейинга қанча кўп тортиб сўнгра кўлоб юборсангиз ўқ ҳам ўшанча узоққа кетар, суръати ҳам кўп ўлур. Бунга ўхшаш такомил ва тараққий йўлчилигида мозийингизга қанча тисланиб, тарихингизга қанча орқа бериб сўнгра илгарига ҳатласангиз, шунча кўп ва ҳам суръат билан йўл ола биласиз.

Эмди мадрасаларимизга келайлик, бу муассасамиз тарихнинг энг узоқ, энг манзуви гўшасига чекилган ҳаётдан ҳол ва истеъмолдан алоқасин узган жонсиз бир муассасадир. Бу муассаса ёлғуз

бошига бизим ҳаётимиз ва муваффақиятимиз учун лозим бўлган яроғ ва қуроллар билан бизни тажҳиз (қуроллантириш) этмакдан оғиздур. Бизим ҳаёти маънавиямизни на ёлғуз Ғарбдан келган, на да ёлғуз Шарқдан келган зиё ёруғлата олур. Балки, ҳар иккисининг бирлашмоғи билан ҳосил бўлган бир нур ёруғлата олур деб ўйлаймиз. Бизнинг ҳақиқий мутафаккир ва муришларимиз мактаб ва мадрасанинг иттиҳоди имтиёзийсидан тугса керакдир. Шу муҳим нуқта ҳам унутилмасун ким бизнинг бу муталааларимиз ҳирс (культура) билан алоқадор улуми маънавия мадрасаларига оиддир. Йўқса маданиятга мутааллуқ улуми масбита ва моддия мадрасалари мавзуи баҳс эмасдир. Чунки, улуми моддия замон ва маконга тобеъ эмасдир. Масалан, ... икки карра икки мозийда ўлсун, ҳолда ўлсун истиқболда ўлсун тўртдур. Ҳеч бир вақт замон ва ё маконга кўра ўзгармас. Бунинг учун моддий улумнинг таърих ва мозий билан муносабатлари йўқдур⁸². Шаҳид Эсоннинг юкоридаги фикрлари уни нафақат жадид тараққийпарварлари вакили, балки буюк бир тафаккур соҳиби ва жадид мафқурасининг шакллантирувчиларидан бири эди, деб англашимизга имкон беради.

Хуллас, юкоридаги рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Дарҳақиқат, Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг бевосита тарбияси остида Мажид Қодирӣ, Салимхон Тиллахонов, Қаяом Рамазон, Абдуваҳҳоб Муродий, Шорасул Зуннун, Шокиржон ва Собиржон Раҳимийлар каби кўплаб етук педагоглар етишиб чиқди. Шунингдек, Абдулҳай Тожиев, Боту, Саид Аҳмад Назирӣ, Маннон Уйғур, Саъдулла Қосимовлардек кўпгина йирик сиёсат ва маданият арбобларни тарбиялаб етиштирди. Шу ўринда айтиб ўтиш керак Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг илмий-ижодий мероси, педагог сифатидаги фаолияти, унинг маҳорат мактаби кўлами ҳам ниҳоятда кенг. Унинг “Адибус - соний” (Тошкент, 1907), “Ер юзи” (Тошкент, 1917) “Ҳавойижи диния” (Тошкент, 1912) дарслик китоблари бугун ўзбек ўқувчилари эътиборига ҳавола этилган. Бироқ, “Адиби аввал” (Тошкент, 1907), “Усули ҳисоб” (Тошкент, 1911), Тажвид – (Оренбург, 1911), “Тарихи қавми турк” (Қозон, 1911), “Тарихи анбиё” (Тошкент, 1912), “Тарихи исломия” (Тошкент, 1912), “Даҳрун нажот” (Қозон, 1912), “Сабзозор” (Тошкент, 1914) каби дарслик ва тўпламлари ҳамон ўқувчиларимиз кўлига етиб борган эмас. Айниқса, унинг

⁸² Абдушаҳид Эсон. Биз ва маориф // Ҳақиқат. 1922 йил 10 август. № 1. 4-6 б.

Шокиржон Раҳимий, Шоҳид Эсон Мусаевлар билан бирга ёзган 4-жилдлик “Ўзбекча тил сабоқлиғи” (Тошкент, 1925) дарслиги муҳим. Ундаги Мунаввар қори томонидан ёзилган “Орзу”, “Куз”, “Қиш”, “Ялқовлик ёвумиздир”, “Дев печак” каби кўплаб шеър ва хикоялар ўқувчиларнинг нафақат бадиий дидини, балки уларда мустақил тафаккурни шакллантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Шунингдек, Мунаввар қорининг Туркистон миллий матбуоти саҳифаларида чоп этилган кўплаб мақолалари, нутқ ва хитобларини қайтадан тадқиқ ва тарғиб этиш ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Бугун тарих фани олдида Мунаввар қори Абдурашидхонов ва унинг педагогик мактабини янада чуқурроқ ўрганиш зарурияти мавжуд.

Бахтиёр ЭГАМОВ

ЎЗМУ, География факультети

МУНАВВАР ҚОРИ АБДУРАШИДХОНОВ – ЗАМОНАВИЙ ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛИКЛАРИ МУАЛЛИФИ ВА МОҲИР ПЕДАГОГ

Туркистон жадидчилигининг марказий нуқтаси – Тошкентда туғилиб ўсган, Ватан ва миллат тараққиёти учун куйиб ёнган, ҳаётини шу муқаддас ишларга бахшида этган карвонбоши жадидларимиздан бири Мунавварқори Абдурашидхоновдир. У Исмоил Гаспиринский, Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний каби ўз даври ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаракатда энг фаол иштирокчигина эмас, балки йўлбошчи бўлгани тарихдан маълум. Ўша даврда миллий ғоя ва мафкура ҳаётга чуқур сингишига Мунаввар қори бошқалардан-да кўпроқ ҳисса қўшгани ҳозирги илм аҳлига аён. У ҳам ўз даврида худди Махмудхўжа Бехбудий каби жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларида кизгин фаолият олиб борган педагог, адиб, шоир, географ олим ҳамда жамоат арбоби сифатида маълум ва машҳурдир.


Мунаввар қори Абдурашидхонов барча жадидлар қатори чо-ризм ва коммунистик мустамакчилик зулмининг жуда оғир ва таҳликали сиёсий тазйиқи, шунингдек, маҳаллий мутаассибликлар авж палласига чиккан бир даврда яшаб-ижод қилди. У ўзининг

сўнги имкони, сўнги қони ва сўнги ақлу заковатигача маърифат, илм-фан, озодлик ва эрк йўлидаги кураш ҳаракатида фаол бўлди.

Мунаввар қори мактаб ва мадрасаларда толиби илмларга араб тилида эмас, балки, ўз она тилида сабоқ бериш, диний билимлар билан бирга ижтимоий-табиий фанларни (география, математика ва б.) ўқитиш масаласини кўндаланг қўяди. Сабаби, миллат тафаккурида, фикрлашида, маорифида ўзгариш, янгилашиш қилмай туриб, озод ва обод ҳаёт қуриб бўлмаслигини у жуда яхши англаган эди.

Мана шунинг учун ҳам, у мохир педагог ва географ олим сифатида жаҳид мактаблари учун ўз маслакдош ва сафдошлари каби бир катор, мутлақо янги диний-дунёвийликка асосланган дарсликларни яратиб чоп эттирди. Булар “Адиби аввал” (алифбо, 1907), “Адиб ус-соний” (ўқиш китоби, 1907), “Ер юзи” (1908) ва “Усули ҳисоб” (математика, 1911) ҳамда Шорасул Зуннун билан ҳаммуаллифликда “Ўзбекча тил сабоқлиғи” (тўрт қисм бўлиб, I–III қисмлари 1925 йилда, IV қисми 1926 йилда чоп этилган).

Буларнинг орасида Мунаввар қори Абдурашидхоннинг географияга оид “Адиб ус-соний” ва “Ер юзи” номли дарсликлари алоҳида аҳамият ва юксак кадр-қимматга эга.



Мунаввар қори Абдурашидхоннинг “Адиб ус-соний” дарслиги биринчи бети фото нусхаси

Гап шундаки, умуман олганда жадидчилик ҳаракати даврида юз берган миллий уйғонишнинг асосий кўринишларидан бири бўлиб, ўша пайтда география фани ва таълими шаклланди.

Ҳозиргача ҳам жадидшунос олим ва тадқиқотчилар “Адиб ус-соний”ни унинг ўзида таъкидланганидек, “Адиби аввал” алиф-бодан кейин ўқиладиган ўқиш китоби деб таъриф ва тавсиф бериб келишмоқда. Бу, албатта, тўғри. У биринчи синф болалари хат-саводи чиққанидан сўнг ўқийдиган ўқиш китобининг жадидчилик ҳаракати давридаги кўринишларидан биридир. Бу болалар ўқийдиган дастлабки ўқиш китобига тарихда биринчи бўлиб жадидлар асос солганлигидан далолатдир.

Шу ерда яна бир янги фикрни айтиш жоиз бўлмоқдаки, “Адиб ус-соний” географияни бошланғич синфлардаги “Атрофимиздаги олам”, “Табиатшунослик” фанларининг илк кўриниши десак нотўғри бўлмайди. Дарсликнинг “Фанний дарслар” деб номланган бўлимида бошланғич табиий географияга оид билимлар, яъни йил (сана), ой йили ойлари, куёш йили ойлари, асрлар, фасллар, кунлар, ҳаво ва булут каби кичик мавзулар юзасидан билимлар баён қилинган. Дарсликда “Жўтрофия” деб номланган махсус мавзуда оддий тилда, аммо ўта чуқур илмий маънони англагувчи география фанининг қуйидаги илмий таърифи ва тавсифи берилган: “Ернинг ахволини биладурғон илмни жўтрофия дейилур. Ер бизим кўзимизга текисга ўхшаб кўринса ҳам, аслида текис эмас. Балки пўртахолға (апельсинга – Б.Э.) ўхшаш юмалоқдир. Аввалларида “Ер ҳўкизнинг шохида турадур”, деган сўзларға ҳар ким ишонғон бўлса ҳам, ҳозирғи замонда андоғ сўзларнинг аслсизлиғи ҳар кимға маълумдир. Ер ҳеч нарсанинг устида турмас. Балки ҳавонинг ўртасида муаллақ турадур”.

“Пўртахол (апельсин)нинг юзи ўзининг пўсти ила қоплонғониға ўхшаш ер юзининг ҳам тўртдан уч бўлаги шўр сувлар ила қопланмиш, қолғон бир бўлаги тош, қум ва туфроғлар ила қопланмишдур.

Сув ила қоплонғон ўринларини денгиз, қўл ва дарё дейилур. Тош, қум ва туфроғлар ила қопланмиш ўринларини қуруғлик дейилур”⁸³.

Мунавварқори “Адиб ус-соний” дарслигида сана тизимиға ҳам алоҳида тўхталиб ўтган. Йил, ой, ҳафта кунлари ҳақида аниқ

⁸³ Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. - Т.: Маънавият, 2003, 76–77-бетлар.

билимлар манбаини келтириб ўтади. Вақт ўлчови, тақвимларга тааллуқли билимлар тизими содда ва тушунарли тарзда баён қилинган. У тақвим ҳақида фикр юритар экан, шундай деб ёзади: “Йилнинг икки хил ҳисоби бордур. Бири офтобнинг кўринишидан ҳисобланур, буни санаи шамсия (Қуёш йили) дейилур. Иккинчиси ойнинг кўринишидан ҳисобланур. Буни санаи қамарий (ой йили) дейилур”⁸⁴.

Дарсликнинг “Асрлар”⁸⁵ деб номланган қисмида мелодий ва ҳижрий тақвимлар ҳақида муфассал фикрлар баён этилган. Унда шундай илмий ҳақиқат кўрсатилган: “Ҳар юз йилни бир аср дейилур. Пайғамбаримиз (салаллоҳу алайҳи васаллам)нинг Маккадан Мадинага ҳижрат қилган кунларидан бошлаб саналган асрни асри ҳижрий дейилур.

Ҳазрати Йисо алайҳиссаломнинг туғилган кунларидан саналган асрни асри мелодий дейилур”⁸⁶.

Мунаввар кори “Адиб ус-соний” ва “Ер юзи” дарсликларидан бугунги кун география таълимидаги долзарб муаммолардан бири – дунё океани ва уни қисмларга ажратиш масаласига аник ва тўғри ёндашган. У дунё океани ҳақида тўхталиб, “Денгизлар беш бўлак бўлиб, Баҳри муҳити кабир (Тинч), Баҳри муҳити атлас (Атлантика), Баҳри муҳити ҳинд (Ҳинд), Баҳри муҳити мунжамиди шимолий (Шимолий муз) ва Баҳри муҳити жанубий (Жанубий Муз) деб аталур”⁸⁷, – дейди. Зеро бу каби районлаштириш бугунги кунда жаҳоннинг ривожланган давлатлари география таълимида ўз аксини худди шундай топган.

Дарсликда 26 та топоним (географик ном)лар қўлланилган бўлиб, шулардан 11 тасини макротопонимлар, 18 тасини гидронимлар ташкил этади.

Мунаввар қорининг “Адиб ус-соний” дарслигини яратишидан асосий мақсади болаларнинг саводи чиқиши биланоқ, уларга географик билим беришдан иборат бўлган. Бу унинг миллат болалари тезроқ табиий билимларни ўзлаштириб олишлари зарур деб билганлигидан, миллатни мутаассиблик ва ижтимоий

⁸⁴ Қаранг: ўша китоб, 84-бет.

⁸⁵ Мунавварқори бу ерда “аср” атамасини, ўз ўрнида, яъни юз йил маъносига қўллаш билан бирга, тақвим маъносига ҳам қўллаган.

⁸⁶ Ўша асар, 86-бет.


⁸⁷ Ўша асар, 77-бет.

жаҳолатдан уйғотишга аҳд қилганлигидан ҳамда унинг юксак педагогик маҳоратидан, географ олимлигидан далолатдир.

Мунаввар қори Абдурашидхонов томонидан 1908 йилда ёзилган “Ер юзи” дарслиги маърифат ва, айниқса, география фани ва таълими соҳасидаги ҳаракатнинг йирик намуналаридан бири бўлди.

У жадид мактабларининг 3–4-синфлари учун география фанидан жадидлар тарихда биринчи бор яратган дарсликлардан бири бўлиб, илк мартаба 1908 йили нашрдан чиққан. Дарслик Туркистондаги география ўқитувчилари ўртасида муҳокама қилиниб, уларнинг таклиф ва мулоҳазалари асосида тўлдирилиб ва тузатилиб, 1915 йилда қайта нашр этилган ҳамда барча мактаблар учун дастур ва дарслик сифатида қабул қилинган.

“Ер юзи” Ер ҳақидаги афсона ва уйдирмалардан холи бўлган, аниқ илмий асос, билим ва фактларга таяниб ёзилган. Унинг илмий-амалий жиҳатдан ўта мукаммал эканлиги ўз вақтида ва ундан кейин, ҳатто коммунистик мустабидлик йилларида ҳам Мунаввар қорининг номи кўрсатилмай илмий кишилар томонидан тан олинган. “Умуман “Ер юзи” октябрь (1917) тўнтаришигача



Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг “Ер юзи”

дарслиги фото нусхаси

янги усул мактаб дарсликлари ичида энг мукаммалидир”⁸⁸, – деб ёзади О.Мўминов. “Ер юзи”нинг нафақат жадид мактабларида, балки ўша пайтда ўзича илғор саналиб, аслида мусулмонларни руслаштириш мақсадида Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан ташкил этилган рус-тузем мактабларида ҳам ўқитилганлиги унинг қиммати юқори бўлганлигини исботлаб турибди. Бу дарслик Ўзбекистон мактабларида 1928 йилгача ўқитилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд⁸⁹. Бу эса, уни кўп марта қайта-қайта нашр этилган ҳамда ўта қимматли ва тарихий аҳамиятга молик дарсликлардан бири бўлган, деган фикримизни яна бир бор исботлайди.

“Ер юзи” 88 дарс, яъни мавзудан иборат. Биринчи мавзу она сайёрамиз Ер ҳамда география ўқимокликнинг миллат маънавияти, маданиятини юксалтиришдаги ўрнига бағишланган. Мунаввар қори география илмини ўқиган миллат дунёнинг маданий миллатлари сафидан ўрин олишини алоҳида таъкидлайди⁹⁰.

Иккинчи мавзу “Ернинг суврат ва ҳаракати” деб номланган. Бунда Ернинг шакли, ҳаракатига доир билимлар оддий мисоллар ёрдамида берилган. Масалан, унда Ернинг “суврати” (шакли) ҳақида: “Ер тарвуз ёки апельсинга ўхшаш юмалоқдир. Ер ҳеч нарсанинг устида турмас, балки Аллоҳи таъолийнинг қудрати ила оғилган тўп замбаракига ўхшаш ҳаво орасида (муаллак) юруб туродур”,⁹¹ – деб ёзилган. Географ олим бу билан ўзининг “Адиб ус-соний”да келтирилган Ер ҳақидаги фикрларини янада мукамаллаштиради. Яъни, бунда Ернинг қоинотда ўз орбитаси бўйлаб Қуёш атрофида айланиб юришини болаларга жуда осон ва эсда қоларли усулда тушунтиради.

Дарсликда Ер шарининг ҳаракатларига алоҳида тўхталиб, шундай дейилади: “Ернинг икки хил ҳаракати бор: бири – юмаланиш (ўз ўқи атрофида – Б.Э.), иккинчиси – айланиш (Қуёш атрофида – Б.Э.). Юмаланғонда... бу ҳаракатни ҳар бир 24 соатда бир маротаба тамом қилур. Бундан бир кеча-кундуз (сутка) ҳосил бўлур... Айлонғонда эса, Қуёшнинг атрофида айланур. Бу ҳаракатни 365 кун ва олти соатда тамом қилур. Бундан йил ҳосил бўлур”.⁹²

⁸⁸ Мўминов О. Табиий география таълими методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1976, 14-бет.

⁸⁹ Қаранг: Шу китобнинг ўзи ва ўша бети.

⁹⁰ Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2003, 97-бет.

⁹¹ Ўша асар, 97-бет.

⁹² Ўша асар, 97-98-бетлар.

“Асбоб ва атрофларнинг исмлари” деб номланган учинчи мавзуда география дарсларида фойдаланиладиган ўқув қуроллари ва дунёнинг томонлари ҳақида баён этилган. Унда глобус, харита, яримшарлар харитаси, атласлар ҳамда уфқнинг асосий тўрт томони: Шимол, Шарқ, Жануб ва Ғарб тушунчалари ҳақидаги билимлар ўз ифодасини топган.

Мунаввар қори ушбу мавзуда атлас ҳақида: “*Бир неча хариталарни йиғиб дафтар қилингон бўлса атлас дейилур*”⁹³, – дейди. Атласнинг ушбу қисқа ва содда таърифи бугунги кунда ҳам мазмунан ва моҳиятан асло ўзгаргани йўқ.

Мавзуда уфқнинг тўртта асосий томонидан ташқари яна тўртта оралиқ томонларини ҳам кўрсатиб, таърифлаб ўтган. Уфқ томонлари ҳақида гап кетар экан, у шундай ёзади: “Ернинг кун ботганга ўхшаб кўрингон тарафини Ғарб, кун чикқанга ўхшаб кўрингон тарафини Шарқ дейилур. Ғарб ила Шимол орасини Ғарби-шимолий, Ғарб ила Жануб орасини Ғарби – Жанубий, Шарқ ила Шимол орасини Шарқи-шимолий, Шарқ ила Жануб орасини Шарқи-жанубий дейилур”⁹⁴.

Шарқ халқлари учун қадимда уфқнинг асосий томони Куёшнинг чиқиши ва ботиши тарафи ҳисобланган. Бу эса, Шарқдаги илмий географик таълимотлар асосан Куёшнинг чиқиши ва ботишига асосланишидан далолат беради. Шунинг учун ҳам, Мунавварқори мўлжал (йўналиш)ни аниқлашда Шарқ ва Ғарбни асос қилиб олган. Бироқ, бугунги кундаги география фани уфқ томонларини аниқлашда Шимол ва Жанубга таянмоқда. Аммо ҳар иккала асосда, яъни биринчиси Куёшнинг чиқиши ва ботиши ҳамда иккинчиси, Шимолий ва Жанубий кутбларга таянишда ҳам ҳақиқат бор. Чунки Куёшнинг чиқиши ва ботиши ҳамда Шимол ва Жануб ўзининг катта илмий-амалий аҳамиятига эга.

Дарсликнинг навбатдаги тўртинчи ва бешинчи мавзулари “Ер юзи” ва “Сувлар”га бағишланган. Уларда Ер юзининг тузилиши, яъни қуруқлик ва сувликка тааллуқли фактик маълумотлар келтирилган. У “Ер юзининг тўртдан бир бўлаги қуруқлик ва уч бўлаги сув ила қопланмишдур” деб, бугунги кун ҳолатига жуда яқин маълумот беради. Аммо китъаларга тааллуқли маълумоти биров бошқачароқ. Яъни “Қуруқлик беш парчага бўлинур: Оврўпо, Осиё,

⁹³ Ўша асар, 98-бет.

⁹⁴ Ўша асар, ўша бет.

Африко, Амрико, Австралиё. Буларнинг ҳар бирини китъа дейилур”,⁹⁵ – деб ёзади. Бироқ бугунги кун табиий географик районлаштиришда китъалар олтига деб қабул қилинган. Юқоридаги китъалардан бошқа яна Антарктида китъаси ҳам мавжуд.

Мунаввар қори ушбу мавзунини ёритишда қуруқликларни инсон яшаш-яшамаслигига, давлат ва жамият шаклланганлигига эътибор берган бўлиши керак. Зеро, Антарктида материги XIX асрнинг 20-йилларида сайёҳ олимлар Ф.Беллинсгаузен ва М.Лазеревлар томонидан кашф этилишига қарамай, унга етарли эътибор берилмаган. Антарктидада кенг кўламдаги мукамал тадқиқотлар 1957–1959 йилларда Халқаро геофизик дастурнинг жорий қилиниши билан бошланди. Масаланинг яна бир томони шундаки, у пайтда араб, турк, форсий адабиётларда Антарктидага оид билим ва маълумотлар ҳали етарли даражада шаклланиб улгурмаган эди. Шу боисдан бўлса керакки, Мунаввар қори дарсликни яратиш вақтида Антарктида китъасига доир билимларга эга бўлмаган. Шунинг учун ҳам, Антарктида китъаси дарсликка киритилмаган.

Ушбу мавзуда қуруқлик ва сувликнинг қисмлари бўлган: орол, ярим орол, бурун, денгиз, кўл, дарё, бўғиз, кўлтликлар ҳақида ҳам кенг ва батафсил билимлар тизими акс этган. Шунингдек, дарсликда қуруқликдаги рельеф шакллари (тоғ, тепалик, вулкан ҳосил қилган шакллар, қир, дара, соҳил)га доир ҳамда ер юзасининг тузилиши, кўриниши (яйлов, чўл)га оид фикрлар ҳам баён этилган.

Умуман, дарсликнинг мазкур бешинчи мавзусигача бўлган қисмини шартли равишда биринчи қисм деб олса ҳам бўлади. Сабаби, уларда умумий ва бошланғич географик билимлар тизими акс этган. Дарсликнинг иккинчи қисми эса, китъалар ва мамлакатшунослик географиясини ўз ичига олади. Бунда ҳар бир китъа ва давлатларга алоҳида тўхталиб ўтилган. Ҳар бир китъа ва давлатларнинг табиий, ижтимоий географияси ҳақидаги билимлар ўрин олган.

Олтинчи мавзудан бошланган дарсликнинг иккинчи қисми 83 мавзунини ўз ичига олган. “Оврўпо” мавзусида китъанинг умумий географиясига оид билимлар жой олган бўлиб, унда китъанинг географик ўрни, кенглиги, иқлими, рельефи, ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳамда аҳолиси, давлатлари, ижтимоий соҳалари ёритилган. Бу ўринда жумладан, шундай сўзлар битилган: “Оврўпо китъаси

⁹⁵ Ўша асар, 99-бет.

бошқа китъаларнинг кичиги бўлса ҳам, ўзининг ободчилиги ва халқининг маориф, хунар, саноат, тижорат, зироат ва сиёсатдаги тараққийсига қараганда, энг биринчи (си) ва ҳокими (лидери)дир...

Ер юзидаги энг зўр ҳукуматлар, мадраса ва дорилфунунлар, фабрик ва заводлар, темир йўл ва парахўдлар, шаҳар ва мамлакатлар жумласи (хаммаси) бу китъададур⁹⁶.

Ушбу мавзуда, бундан ташқари, китъанинг табиий ресурслари (олтин, кумуш, темир, кўмир ва дарёлар)га ҳам алоҳида эътибор берилган.

Мунаввар қори Европа аҳолиси ҳақида гапирар экан, “...тўрт юз милёнга яқин аҳолиси бордур. Аҳолисининг барчаси оқ жинсдан (европоид) бўлиб, 25 милёнчаси мусулмон, қолғонлари христиан ва бир юзи яҳудийдур”⁹⁷ – деб ёзади. Бу ерда китъага доир комплекс географик ёндашув ўз ифодасини топган.

Еттинчи “Русия императўрлиғи” мавзусида Мунаввар қорининг кўрсатишича, “Русия мамлақати ерининг кенглиғи жиҳатидан Ер юзидаги мамлакатларнинг (Англатардан сўнгра) энг улуғидир”⁹⁸.

Кейинги саккизинчи мавзу Россиянинг денгизи, кўрфази, кўл ва дарёлари ҳақида бўлиб, унда бу давлат атрофидаги ҳавзалар ҳам ажойиб тарзда баён этилган.

Тўққизинчи мавзу еттинчи ва саккизинчи мавзуларнинг манتيқий давми бўлиб, унда Россия империясининг маъмурий тузилиши ва бошқарув шакли ҳамда йирик, машҳур шаҳарлари тавсифи ўрин олган. Дарсликда Россия империясининг бошқарув шаклига оид шундай сўзлар битилган: “Мамлакат низомларини (қонун ва қоидаларини – Б.Э.) қарамак (тартибга солиш, ишлаб чиқиш –Б.Э.) учун Государственный дума (Мажлиси мабъусон) ва Государственный совет (Мажлиси аъён) исмли маҳкама (орган)-лари вор. Бунга қараганда идораси маршрута (парламентар)дур”⁹⁹. Шунингдек, мазкур мавзуда Россиянинг давлат тили, дини, миллий таркиби, пойтахти, машҳур шаҳарлари ҳамда атрофидаги денгизларда жойлашган ороллари ҳам эътибордан четда қолмаган.

⁹⁶ Ўша асар, 100-бет.

⁹⁷ Ўша асар, ўша бет.

⁹⁸ Ўша асар, ўша бет.

⁹⁹ Ўша асар, 101-бет.

Россия давлатига учта мавзу ажратилган. Бунинг сабаби оддий. Яъни, ўша пайтда Туркистон Россия томонидан босиб олинган. Шу боис бўлса керакки, Мунаввар қори Россияни чуқурроқ ўрганишнинг илмий – амалий аҳамияти катта эканлигини яхши билган. Қолаверса, рус ерларини ўрганиш ҳам давр, ҳам тақдир тақозоси эди.

Ўнинчи мавзу “Финланда” (Финляндия) бўлиб, унга ҳам комплекс географик ёндашув бўлган. Бунинг сабаби маълум, албатта. Чунки бу пайтда Финляндия Россиянинг автоном худуди бўлган. Шу сабабли, Мунаввар қори Абдурашидхонов бу давлатга ўз дўстлари Абдусамиғқори Ҳидоятов ва Ҳаким Саримсоқовлар билан бирга 1911 йилда бориб, унинг идора (бошқарув) усулини ўрганиб, тегишли хулосалар билан келган. Мунаввар қори ўз дарслигида Европа қитъасидаги 25 та давлат ҳақида жуда қизикарли, илмий – амалий географик маълумотлар келтиради. Бу маълумотлардан XIX аср охири - XX аср бошларидаги Европанинг геосиёсий манзарасини билиб олиш мумкин. Жумладан, муаллиф Буюк Британия ҳақида “Шимолий Оврўпадаги ҳукуматларнинг тўртинчиси Англатара (Буюк Британия) қироллигидур. Бу мамлакат Баҳри муҳити атласда (Атлантика океани ҳавзасидаги –Б.Э.) Британиё, Ирландиё ва Шотландиё каби бир неча ата (орол)лардан иборатдур. Англатара ҳукумати мамлакатининг кенглиги (кўплаб мустамлака ерларининг мавжудлиги – Б.Э.) ва аҳолисининг кўплиги уруш ва суро порохўдларининг кўплиги ила дунёнинг энг улуғ ва зўр ҳукуматидур. Беш қитъанинг ҳар бирида мустамлакаси вор...”¹⁰⁰. – деб, ўша даврнинг энг қудратли давлати ҳақида анча мукаммал маълумотлар келтиради.

Дарсликнинг ўттиз биринчи мавзуси “Осиё қитъаси”га бағишланган. Бунда ҳам худди юкоридагидек қитъанинг географик ўрни, майдони, иқлими, рельефи каби билимлар ўрин олган. Кейинги ўттиз иккинчи мавзуда мазкур қитъанинг машҳур денгизлари, кўрфаз ва бўғизлари ёритилган бўлиб, унда Осиё қитъасини ўраб турувчи денгизлардан ташқари ички Каспий ва Орол денгизлари ҳам қайд қилинган.

Осиё қитъасига бағишланган ўттиз учинчи мавзуда қитъанинг табиий шароити, қишлоқ хўжалиги, ороллари ҳақида ҳам тўхталиб

¹⁰⁰ Ўша асар, 103-бет.

ўтилган. Ниҳоясида эса қитъага хос ҳайвонот оламининг тавсифи келтирилган.

Ўттиз тўртинчи мавзу “Осиёнинг саканаси” деб номланган. Бунда қитъанинг сакана(аҳоли)си кенг ва батафсил ёритилган. Мавзу матнида қитъа аҳолисига доир шундай ёзувлар бор: “Осиёнинг бутун аҳолиси 900 милёнга яқиндур... Дин юзасидан буларнинг 180 милёнчаси мусулмон, бир ози христиан ва яҳудий, қолғонларининг жумласи маъжусий ва мушриқлардир”¹⁰¹.

Ўттиз бешинчи мавзудан бошланиб қитъа мамлакатлари тавсифи берилган. Бу мамлакатлар ичида мустақил ва мустамлакалари ҳам алоҳида-алоҳида баён қилинган.

Дарсликнинг ўттиз саккизинчи мавзуси “Туркистон” (Ўрта Осиё) ҳақида. Туркистон ўлкасига яна учта мавзу ажратилган бўлиб, “Туркистон идораси”, “Бухоро ва Хева хонликлари” ва “Туркистонда темир йўллар” деб номланган. Буларда Туркистон ўлкасининг барча географик жабҳалари аниқ ёритилади. Масалан, “Туркистонда темир йўллар” деган мавзуда шундай жумлалар бор: “Туркистонда темир йўлларнинг биринчиси Ўрта Осиё темир йўлидур. Бу йўл... узунлиги 1748 чақиримдур. Бу йўлнинг икки бутоғи (тармоғи) вордур. Кушка (Туркменистон) бутоғи ва Андижон бутоғи.. Иккинчиси Тошканд – Ўренбург темир йўлидур... Бунинг узунлиги... 1736 чақиримдур”.

Бу фикрлар орқали Мунаввар қори транспорт географиясига ҳам маълум маънода катта эътибор берганлигини кўриш мумкин. У “Туркистон идораси” ҳақида тўхталар экан, Туркистонни “идора жиҳатидан беш областга бўлинадур” дейди-да, “Бу областларнинг жумласи бир генерал-губернатор ва ҳар бири бирор военный губернатор тарафидин идора қилинур”¹⁰², – деб ёзади.

Бу ўринда буюк миллат ва Ватан фидойиси бўлган Мунаввар қори Абдурашидхонов Россиянинг мустамлакачилик ва ҳарбий диктаторлик, бошқарув тизимини болаларга аниқ ва равшан қилиб кўрсатмоқда. Бунда ўзликни англашга даъват этувчи сиёсий мақсад яширин баён этилганлигини англаш қийин эмас, албатта.

Ўша пайтда ярим мустамлака ҳисобланган Бухоро ва Хива хонликлари алоҳида бир мавзуда кўрсатилиб, уларнинг асосан ижтимоий-сиёсий аҳволи, аҳолиси ва миллий, диний таркибла-

¹⁰¹ Ўша асар, 112-бет.

¹⁰² Ўша асар, 114-бет.

ригина ёритилади. Мана шу тариқа кейинги мавзуларда Афғонистон, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Туркия, Хитой, Япония ҳамда Ҳиндихитой ярим оролидаги давлатлар тўғрисидаги билим ва маълумотлар келтирилган.

Осиё қитъасига бағишланган мавзуларда қитъага тегишли машҳур ороллар, тоғлар, кўллар ва дарёлар акс этган. Бу мавзуларда жами бўлиб 60 дан ортиқ орол, тоғ, кўл ва дарё номлари келтирилган.

Шу тариқа Африка, Америка, Австралия қитъалари ҳам биринкетин, алоҳида-алоҳида мавзуларда берилган. Ҳар бир қитъа ва давлатларга катта эътибор берилиб, уларнинг сиёсий, ижтимоий, маданий, миллий ҳамда табиий хусусияти ва жихатлари кенг баён этилган.

Умуман олганда, ушбу дарсликда 720 га яқин жой (географик) номлари эътироф этилган. Шулардан 360 таси машҳур шаҳарларга, 100 дан ортиғи давлатларга, яна 100 дан ортиғи оролларга, 26 таси тоғларга, 56 таси денгизларга (кўлтик ва бўғизларни қўшганда), 38 таси дарёларга, 15 таси кўлларга тўғри келади. Макротопонимлар ҳам 20 тадан ошади.

Дарсликда жуда кўплаб географик ном ва атамалар ҳам мавжудки, уларни ўрганиш, таҳлил қилиш бугунги кунда долзарб муаммо бўлиб турган топоним ва атамаларнинг ўзбекча муқобилини топишга ёрдам беради, деган умиддамиз.

Хуллас, “Ер юзи” дарслиги география фани ва таълимидаги ўта қимматли ва илмий меросимизнинг бир нодир намунасидир. У Туркистонда бундан роппа-роса бир аср олдин жадидчилик ҳаракати – Миллий уйғониш деб аталувчи ижтимоий ҳодиса юз берган бир пайтда география фани ва таълимига асос солинганлигини исботловчи ўзига хос илмий-маданий ва маърифий мерос бўлиб ҳисобланади. Чунки, тарихан миллат ва ижтимоий ҳаёт уйғонишида география илми ва таълимига ҳам эҳтиёж туғилиши табиий бир ҳолдир. Демак, “Ер юзи” дарслиги ҳозирда миллий уйғониш жараёни кучайган, ўзликни англаш, миллий ғоя ва мафкура шаклланаётган Истиқлол даврида биз учун жуда фойдали манба. Ундан ҳозирда энг долзарб масала бўлиб турган “Ватан географияси”ни яратишда андоза олиш мумкин.

Шуни дадил айтиш мумкинки, Мунаввар қоридан қолган ўта мўътабар ва қимматли “Адиб ус-соний” ва “Ер юзи” дарсликлари

география фани ва таълими ўқитилишининг бошланишига ман-
бавий асос бўлган, улар бу соҳанинг ҳозирги ривожланишига ҳам
дастлабки туртки бўлиши мумкин.

Дилноза ЖАМОЛОВА
ЎзР ФА Тарих институти таянч докторанти

МУНАВВАР ҚОРИ АБДУРАШИДХОНОВ: ВАҚФ МУЛКЛАРИ ҲАҚИДА

Туркистон минтақасида ХХ асрнинг дастлабки чорагида рўй
берган мураккаб сиёсий жараёнлар, ҳарбий ҳаракатлар ва тарихий
воқеалар силсиласида миллат озодлиги учун курашган юз минглаб
фарзандлари бор. Ватан озодлиги ва тараққийси учун курашган ана
шундай юрт фидойилари ўртасида Туркистон жадидчилик ҳарака-
тининг таниқли намоёндаси, миллий озодлик ҳаракатининг ғоявий
раҳнамоларидан бири Мунаввар қори Абдурашидхонов (1878-
1931) муҳим ўрин эгаллайди.

Мунаввар қорининг халқпарвар фаолияти ҳақида унинг янги
мактабида таҳсил олиб, хорижда олий таълим олиш учун кетган
шогирдлари Абдуваҳоб Исҳок (1904-1968) ва Тоҳир Чифатоӣ (1902-
1987)ларнинг “Ёш Туркистон” журналида устозларига берган
таърифларини ўқишнинг ўзи кифоя қилади. Абдуваҳоб Исҳок “Ёш
Туркистон” журналининг (1934) 50-сонида эълон қилган “Усто-
зимиз Мунаввар” мақоласида: *“Мунаввар қори бизнинг Туркистон-
да миллий маориф, миллий наириёт ва миллий мафкурачиликнинг
соғлом тухумларини сочган ва минг турлик оғирлик ва тўс-
қинликларга қарамасдан, буларни кўкартиришига муваффақ бўлган
бир зотдир. Унинг очган миллий мактаблари Туркистоннинг минг-
ларча болаларига миллий руҳ берган ва уларни юрт ҳам миллат
севгисида қуроллантирган.*

*Мунаввар қори “жадидчилик даври” деб аталган уйғониш
давримизнинг энг буюк сиймоси ва бизнинг Туркистонда миллий
маориф, миллий наириётимизнинг боисидир. У Туркистоннинг
тараққийпарвар, миллатпарвар наслининг илк устози, илк моҳир
газетачиси, илк мутафаккиридир. Мунаввар қори бизнинг
Туркистоннинг энг ишлашли бир жамоат ходимидир.*

Унинг фикрий заковатлигидан сочилган нурлар Туркистоннинг қора муҳитини кўндан ёруглашиб, халқимизнинг уюшлиқ кўзларини кўндан очмишдир. Уйғоник халқимиз ўз йўлини ортиқ аниқ белгилаб, ўз миллий аъмоли орқасидан югурмоқдадир”¹⁰³, - деб ёзган.

Тоҳир Чигатой эса “Устозимиз Мунаввар қори” ва “Йўлбошчимиз Мунаввар қори” мақолаларида ушбу шахснинг Туркистондаги маърифатчилик ва миллий истиқлолчилик ҳаракати тарихидаги улкан ролини алоҳида қайд этган ҳамда: “1917 йил инқилоби билан ташкил топган “Шўрои исломия” ташкилотининг асосчиси Мунаввар қоридир. Большевик инқилобидан сўнг Туркистон миллий бойлигини танитиш, ташвиқ қилиш йўлида босилган дастлабки қадамлар ва бажарилган бутун ишлар бошида Мунаввар қори турганлигини кўрамыз. У бошлаган ишларини умрининг охиригача муваффақият билан давом эттирди. Биз Мунаввар қорини сўнгги ўттиз йиллик миллий ҳаракатимизнинг жонли ҳайкали, деб қадрламоқдамиз”¹⁰⁴, - деб ёзган.

Ушбу мақолада жамиятнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш, ривожлантиришни ўз олдига буюк мақсад қилиб қўйган Мунаввар қорининг вақф мулкларини қўллаб-қувватлаши ва улар билан боғлиқ масалалар юзасидан даврий матбуотда эълон қилинган мақолалари ва хабарномалари таҳлил қилинади.

Вақф¹⁰⁵ мулклари ўрта асрлардан бошлаб Шарқ мамлакатларининг аграр, иқтисодий, илмий-маданий, диний-маърифий ривожига муҳим ўрин эгаллаб келган. Туркистонда вақфлар 2 хил бўлиб, биринчиси диний вақфлар, иккинчиси маданий ва маърифий ишларга белгиланган вақфлар ҳисобланган¹⁰⁶. Маориф ва маданиятнинг моддий таянчи бўлган вақфлар ватанпарвар ва маърифатпарвар бойлар инъоми ҳисобидан ошиб борган. Мунаввар қори вақфларни: “Туркистон илгари ўз замонасига кўра маданиятга эга эди. Ўша даврда Туркистон ҳукмдорлари, уламолар ва зиёлилар маданий-маърифий ишга жиддий аҳамият берар эдилар, ҳар бир

¹⁰³ Бу ҳақда қаранг: Баҳодир Карим. Абдуваҳоб Ўқтойнинг “Устозим Мунаввар” мақоласи // “Гулистон”, № 1, 2001. – Б. 55.

¹⁰⁴ Тоҳир Чигатой. Устозимиз Мунаввар қори. // “Ёш Туркистон”, 1934, № 1. – Б. 17-18, 21.

¹⁰⁵ Вақф – арабча сўз бўлиб, “турмоқ”, “кўзғалмас”, деган маъноларни англатади. Вақф қилинган мулк доимий бўлиб, уни сотиш, сотиб олиш, совға қилиш ёки бирор йўл билан эғалик қилиш таъқиқланган.

¹⁰⁶ Хидир Алиев. Вақфлар тўғрисида // “Туркистон”, 1923 йил 1 февраль, № 53.

киши халқ маориф ишига бор нарсаси билан ёрдам беришни савоб деб биларди. Ана шунинг учун Туркистонда улкан мадрасалар, мактаблар, кутубхоналар ва корхоналар тоғдек қад ростлаган эди. Ҳар бир киши ўқитувчи ва ўқувчиларни моддий таъминлаш учун вақф таъсис этар, бунинг учун ўз ерлари, саройлари, дўконлари ва умуман бериши мумкин бўлган барча нарсаларини ўқув юртларининг тўлиқ мулки қилиб берарди. Шу боис мударрис ва талабалар вақф томонидан таъминланганлиги сабабли ўша даврда ҳеч нарсага муҳтожлик сезишмаган... Ўша пайтдаги тараққиётга вақфлар сабаб бўлган”¹⁰⁷, – деб таърифлайди.

1920 йил 2 сентябрда Бухорода амирлик тузуми ағдарилиб, БХСР (Бухоро Халқ Совет Республикаси) ҳукумати ўрнатилгандан сўнг А.Фитрат ва Ф.Хўжаев Бухоро ҳукумати фаолиятини яхшилаш мақсадида Мунаввар қори¹⁰⁸, Саид Аҳрорий, Чўлпон, Маннон Уйғур, Абдурахмон Исмоилзода ва Ғулом Зафарий каби зиёлиларни Бухорога чақириб олади. Улар зиммасига вақф ва миллий маданиятни тиклаш иши юкланади.

Амир Олимхон билан Бухорони тарк этишга мажбур бўлган кўшлаб диндорлар ҳамда амалдорларга тегишли бўлган ер-мулк, мачит ва мадрасалар дастлабки кунларданоқ қаровсиз қолган эди. Мачит ва мадрасаларнинг кўпчилигига қизил армия аскарлари жойлашиб олиб, баъзилари отхоналарга айлантирилган эди.

Мунаввар қори ва Саид Аҳрорий маслаҳати ҳамда тавсияси асосида тайёрланган, Бухоро Марказий Инқилобий Қўмитасининг раиси Абдуқодир Муҳиддинов ва котиб Собир Юсупов имзоси билан 1920 йил 29 сентябрда эълон қилинган 13-рақамли буйруқда: “Бухоро жумҳуриятининг ичидаги ҳамма ҳукумат маҳкамалари ва бошлиқлари эски идоралар ва ҳарбий дасталарга амр қилинадурки, мамлакат ичинда бўлган мачитларнинг ҳеч бирини ўзларининг ишлари ва кишилари билан ишғол қилмасинлар. Кимки шу буйруқнинг хилофинда мачитларни ишғол қилса, қаттиқ жазо кўради”¹⁰⁹, – қайд қилинган. Буйруқда диний муассасаларни ноқонуний эгаллаб олганларга, 48 соат муҳлат кўйилиб, агар кимки

¹⁰⁷ Мунаввар қори. Туркистон вақфлари ҳақида. Танланган асарлар. Тошкент: Маънавият, 2003. – Б. 161-162.

¹⁰⁸ Мунаввар қори Бухорога келгунга қадар Тошкентнинг Эски Шаҳар маориф бўлимида инспектор, кейинроқ Маориф халқ комиссарлиги қошидаги Вақф ишлари бўлими мудирини вазифасида ишлаган.

¹⁰⁹ Буйруқ // “Бухоро ахбори”, № 3, 1920 йил 29 сентябр.

унга риюя қилмаса, ҳукумат унга қарши қатъий чора кўриши таъкидланган.

Вақф ер мулкларини азалдан ишлаб турган деҳқонлар кўлида қолдириш, уларни “хирож”, “амлок” солиқларидан халос этиш баробарида ижарачиларга ижара ҳақини тўлашдан ҳам озод этишга фармон берилган¹¹⁰. Зироат нозирни зиммасига мавжуд ер фондларини ҳисобга олиш, вақф ерларини сотиш, совга килиш, гаровга қўйишга йўл қўймаслик маъсулияти юклатилган. Махсус “Вақф шўроси” ташкилотини тузиш билан боғлиқ қонун қабул қилинган¹¹¹.

Мадрасалар илм даргоҳлари сифатида ҳукумат томонидан Маориф нозирлиги ихтиёрига берилган. Болаларни янги тартибда ўқитиш учун мадраса муаллимларига олти ойлик “Дорилтадрис” курси очилган. 40 кишилик бўлган бу курсда бирин-кетин барча эски мадрасаларда дарс берган мударрислар қайта тайёрловдан ўтган. Вилоят ва маҳаллаларда вақф идоралари ташкил этилган. “Мадрасаи тарбия”да вақф идораси томонидан курслар: кўзи ожизлар учун 45 кишилик қорихона очилиб, ҳар 15 кишига 1 муаллим белгиланган.

Бухоро ҳукуматида иш бошлаган Мунаввар қори “Миллий иттиҳод”¹¹² ташкилотининг марказини ҳам Бухорога кўчирган эди¹¹³. Бухорода йиғилган маҳаллий зиёлилар ҳамда Фитрат ва Ф. Хўжаев гуруҳи фаолияти тинимсиз кузатув остида эди. Айрим кишилар ўлим билан қўрқитилиб, ГПУнинг “қулоғи”га айлантрилган эди. Ҳар бир аниқланган ва аниқланмаган хабар Москва ГПУ (Шўронинг темир панжараси)сининг Шарқ бўлимига ва Тошкент ГПУсига етказиб турилар эди. Шу аснода “Миллий иттиҳод”нинг Бухоро бўлиmidан Тошкентга юборилган Ориф Каримий Юсуфбек Қурбонов ва Ниёзбеков Рустамлар билан хорижий

¹¹⁰ Муҳиддинов Абдуқодир. Фуқаро ҳукумати // “Бухоро ахбори”, № 8, 1920 йил 21 ноябрь.

¹¹¹ “Вақф шўроси”ни тузиш тўғрисида қонун // “Бухоро ахбори”, № 12, 1920 йил 3 декабрь.

¹¹² Миллий Иттиҳод (Иттиҳоди тараққий) – Туркистон жадидлари томонидан ташкил этилган яширин ташкилот бўлиб, Мунаввар қори ва Садриддин Шарифхўжаев тапаббуси билан 1920 йилда Тошкентда тузилган. Бу ташкилот большевиклар режимига қарши курашда совет муассасаларида хизмат қилаётган миллий раҳбар ходимларга таянган ва ўз олдига Туркистонда миллий мустақил давлатни барпо этишни бош мақсад қилиб қўйган. “Миллий иттиҳод” 1925 йилнинг бошларида ўзини тарқатилган, деб эълон қилган.

¹¹³ Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. – Б. 51-52.

давлатлар билан алоқа ўрнатиш мақсадида ёзилган махфий хатни олиб, Қашқарга жўнайдилар. У ерда Англия ва Япония вакиллариغا Бухоро, Хоразм ва Туркистон ҳукуматлари номидан ёзилган хатни топшириши тайинланган эди. Аммо Алматага яқин жойда улар қўлга олинади ва Ориф Каримий махфий хатни ГПУчиларга бериб, “Миллий иттиҳод” ташкилотининг хорижий давлатлар билан алоқа ўрнатмоқчи эканлигини фош қилади. Тошкентда ўтказилган судда Ориф Каримий отувга, Юсуфбек Қурбонов ва Ниёзбеков Рустам турли муддат билан қамоқ жазосига ҳукм этилади. Бу жараёнга алоқадорликда гумон қилинган, 1921 йил февралда Бухородан Тошкентга қайтган Мунаввар қори ҳам 30 мартдан 1 декабргача ҳибсда сақланади¹¹⁴. Мунаввар қори бу муддатда кўпгина миллий, ижтимоий, сиёсий масалаларни мулоҳаза қилади. Давлатни бошқариш учун миллий кадрларни тайёрламасдан туриб, истиқлолга эришиб бўлмаслигини англаб етади.

1923-1925 йилларда Навоий номидаги мактаб, Наримонов номидаги педагогика техникуми, аёллар педагогика институтида муаллимлик, 1927-1928 йилларда Самарқанд шаҳар музейида илмий ходим, Ўзбекистон осори-атиқаларини сақлаш кўмитасининг Тошкент-Фарғона бўлимида масъул котиб бўлиб ишлаб юрган вақтида даврий нашрларда “Вақф масаласи”га бағишланган мақолалар ва хабарларни эълон қилиб турган.

“Ҳақиқат” журналининг (1922) 2-сонида Мунаввар қорининг “Туркистонда вақф ишлари” мақоласи чоп этилган бўлиб, унда Туркистондаги вақф ишлари билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилинади¹¹⁵. Муаллиф Туркистон ҳукумати олдида турган муҳим вазифалардан бири вақф ишлари бўлиб, 1917 йилдан бери юзларча комиссия тузилиб, турли лойиҳалар амалга оширилган бўлса-да, қутилган натижага эришилмаганлигини таъкидлайди.

Унинг ёзишишича, ТуркЦИК ташаббуси билан Самарқанд, Фарғона, Сирдарё вилояти ва Тошкент шаҳрида вақф шўролари тузилган. Аммо вақфларни сарф қилиш ва бошқариш тўғрисидаги фикрлар турлича экан, вақф шўролари қутилган натижага эришмаслиги, бешқа таракқий этган ислом мамлакатлари бу масалада бир фикрга келганлигини айтиб: *“Вақф ишларини маълум бир йўлга қўйиб, маориф бюджетининг буюк бир қисмини вақфдан*

¹¹⁴ Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. – Б. 53.

¹¹⁵ Бу ҳақда қarang: Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. – Б. 169-172.

*керагича истифода қилмоқ, вақфларнинг руҳларини шодлантирмақ бўлсак, аввало бу тўғридаги ихтилофларни бир ёғлиқ қилиб, фикрларни бирлаштиришимиз керак*¹¹⁶, - деб уқтиради.

Вақфнинг асл моҳиятини бузиб кўрсатувчиларни тўртга бўлиб, уларни: ҳасадчилар; тафритчилар; ифротчилар ва мўътадиллар деб атайди. Ҳасадчиларни *“мусулмонлар тарафидан дин, маориф ва маданиятни ривожлантириш учун таъсис этилган хос ва ҳолис миллий сармоя”ни бутунлай давлат хазинасига ўтказиш тарафдорлари бўлиб, улар маҳаллий халқнинг доимо жаҳолатда қолиб, қул бўлиб туришини истаган мустамлакачилардир*¹¹⁷, - деб таърифлайди.

Тафритчилар вақфларни илгаригидек ҳар бир мадрасанинг ўзига бериб, у ерда талаба ўқиса-ўқимаса, 2-3 мударрисга вақф ҳисобидан маош беришни ёқлаб чиққанлар. Мунаввар қори ислохотга қарши бўлган бу гуруҳни *“замондан хабарсиз, халқни қоронғуда қолдирувчилар”*¹¹⁸, - деб атайди.

Ифротчилар (узокни кўра олмайдиганлар) вақфларни мадрасалар сарфламасдан, ибтидоий мактабни ривожлантиришга сарфлаш тарафдорлари бўлиб, Мунаввар қори уларни *“янги қилиб берман, деб уддасидан чиқа олмай, халқни эскидан маҳрум этиб, яланғоч қолдирувчилардир”*¹¹⁹, деб ёзади.

Мунаввар қори мўътадиллар гуруҳи ҳақида журналнинг келгуси сонида маълумот беришини айтиб ўтган, аммо журналнинг бошқа сонлари чиқмагани учун ушбу мақоланинг давоми босилмаган.

“Туркистон” газетасининг 345-сонида босилган “Вақф шўъбасининг ишлариндан” номли хабарида Мунаввар қори Тошкент вақф шўъбасининг фаолиятига тўхталиб ўтади. Тошкент муаллимларининг малакасини ошириш учун диний вақф шўъбаси томонидан Кўкалдош мадрасасида 60 кишилик таълим-тарбия курси очилгани ва ушбу шўъба ҳомийлигида таълим-тарбияга оид янги журнал чиқариш режалаштираётгани ҳақида маълумот беради¹²⁰.

Ушбу газетанинг 346-сонида Мунаввар қорининг “Ўртоқ Жексон билан мусоҳаба” номли мақоласи чоп этилган бўлиб, унда

¹¹⁶ Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. – Б. 170.

¹¹⁷ Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. – Б. 170.

¹¹⁸ Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. – Б. 171.

¹¹⁹ Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. – Б. 172.

¹²⁰ М. Қори. Вақф шўъбасининг ишлариндан // “Туркистон”, 1924 йил 7 сентябрь, № 345.

МОПР¹²¹ (Инкилоб курашчиларга ёрдам халқаро ташкилоти) ташкилотининг вакили Ўртоқ Жексоннинг вақф масаласида Тошкент вақф бўлими ходимлари билан суҳбати ҳақида хабар беради. Мақолада ёзилишича, Ўртоқ Жексоннинг “Вақф нима?” деб берган саволига Тошкент вақф шўъбаси раиси Ҳожи Зуфарий “*Вақф – илгари ҳам ҳозирги кунда маданият ва маорифнинг бойлиги*”, – деб жавоб беради. Бош вақф идорасининг раиси муовини Алиевдан маориф ишлари бўйича; Зоҳириддин аъламдан Туркистон уламо-руҳонийлари тўғрисида маълумот олгач, “*Ислому дунёсини биз Амириқо, Чикаго аҳолилари жуда севамиз, чунки биз мусулмон дунёсидан ҳеч вақт зарар кўрмадик. Мен Амириқо мусулмонлари томонидан сизга салом айтаман, ҳам Туркистон уламоларидан ўз фикрларини ёзиб бериб эзилган қардошлар учун инқилобий раҳбар бўлишларини сўрайман*”¹²², – дейди.

“Туркистон” газетасининг 358-сонида Мунаввар корининг “Эски Тошкент вақфи ҳақида” хабарномаси нашр қилинган бўлиб, унда ўзбекларнинг маорифи учун вақф муҳим эканлигини таъкидлаб: “*Эл учун зарур бўлган мактаб ва интернатларнинг таъминоти ва давоми учун давлат бюджетидан маҳаллий бюджетга ўтгандан кейин даромадидан олинадурган 25 фоизлик ақча етмаслиги аниқ бўлди. Қолган харажатлар вақф мулклари ҳисобидан қопланмоқда*”¹²³, – деб ёзади. Тошкент вақф шўъбаси мустақил ташкилот сифатида фаолият юритиши, маориф бўлими билан биргаликда бир мақсад йўлида ишлаши кераклигини уқтиради.

Мунаввар қори Бош вақф идораси¹²⁴ нинг фаолиятига танқидий муносабат билдирган мақолалари ҳам газетада чоп қилиб борилган. “Туркистон” газетасининг 366-сонида эълон қилинган “Тошкент вақф шўъбасининг қирим-чиқими” мақоласида Янги Тошкентда вақф мулклари борлиги, аммо ундан Янги Тошкент колхозини

¹²¹ МОПР - Международная организация помощи борцам революции.

¹²² М. Қори. Ўртоқ Жексон билан музоҳаба // Туркистон, 1924 йил 8 сентябрь, № 346.

¹²³ М. Қори. Эски Тошкент вақфи ҳақида // “Туркистон”, 1924 йил 23 сентябрь, № 358.

¹²⁴ Туркистон шўролар жумҳуриятининг Ижрокўми томонидан чиқарилган 173-сонли декретга мувофиқ 1923 йил 11 январда Маориф комиссарлигининг бир бўлими сифатида Бош вақф идораси ташкил қилинган.

фойдаланиб келаётгани, шу пайтгача Бош вақф идораси у ерларни инвентарга ўтказмаганлигини айтиб ўтади¹²⁵.

Бунга жавобан Бош вақф идорасининг мудир Охунов Янги Тошкентдаги Хўжа Аҳрор мадрасасига қарашли ерларнинг борлиги, ҳатто унинг вақфномаси Бош вақф идорасида бўлса-да, у ерларни олишда кийинчиликлар юзага келаётганини ёзади¹²⁶.

Мунаввар қори бу жавобга эътиборан ТуркЦИКнинг 1921 йил 28 декабрда қабул қилган 173-сонли қарорининг 3- ва 4-моддалари, Туркистон Бош вақф идорасининг 1923 йил майда қабул қилган декретининг 2- ва 3-моддаларини айнан келтириб, Бош вақф идораси ўз ишига нисбатан сусткашликка йўл қўяётганини таъкидлайди¹²⁷.

“Қизил Ўзбекистон” газетасида (1924) нашр қилинган “Ўзбекистонда вақф” мақоласида Мунаввар қори Бош вақф идорасининг келгусидаги фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳақида фикр юритади¹²⁸. Миллий жумҳуриятларга бўлиниши муносабати билан Бош вақф идораси олдида муҳим ишлар турганини айтиб, идора Ўзбекистон доирасидаги вақф сармояларини хусусий фондда сақлаш ҳаракатида эканлигини таъкидлайди. Бош вақф идорасининг сармоясини 700 минг бўлиб, мамлакат мулклари рўйхатга олиниб бўлинса, вақф даромади ўн марта ошиши мумкинлигини айтиб ўтади. Вақф таъминотида Хоразм ва Бухородан ташқари 85 та бошланғич мактаб, 6638 нафар ўқувчи, 2-3 босқич мактаб, 400 нафар ўқувчи, 10 та саводсизлар курси, 6 та таълим-тарбия курси, бундан ташқари клуб, қироатхона, хотин қизлар билим юрти ҳамда 25 нафар стипендия олувчи борлиги ҳақида маълумот бериб, Бош вақфнинг умумий даромадининг 89,5 фоизи илмий ишларга, 11,5 фоизи идора ишчиларига маош қилиб берилаётгани ҳақида маълумот беради¹²⁹.

Бош вақф идораси томонидан келгусида бутун вақф мулклари инвентарга олинса, ундан келадиган даромадни Бухоро ва Хоразмда таълим-тарбия курслари очиш, янги мактаб бинолари қуриш ва

¹²⁵ М. Қори. Тошкент вақф шўъбасининг қирим-чиқими // “Туркистон”, 1924 йил 7 октябрь, № 366.

¹²⁶ “Туркистон”, 1924 йил 24 октябрь, № 381.

¹²⁷ М. Қори. Янги Тошкентдаги вақфга қарашли мулклар // “Туркистон”, 1924 йил 21 ноябрь, № 402.

¹²⁸ М. Қори. Ўзбекистонда вақф // “Қизил Ўзбекистон”, 1924 йил 11 декабрь.

¹²⁹ М. Қори. Ўзбекистонда вақф // “Қизил Ўзбекистон”, 1924 йил 11 декабрь.

чет элдаги талабаларга кўпрок ёрдам беришга сарфлаш мумкинлигини айтиб ўтади.

Аммо орадан 4 йил вақт ўтиб, 1928 йил кузида ЎзССР Марказий Ижроия Кўмитаси ва Халқ Комиссарлар Советининг “Вақф мулкларини бекор қилиш” тўғрисидаги қарорнинг чиқарилиши билан Ўзбекистонда вақф мулклари тугатилган¹³⁰ ва Мунаввар қори сингари фидойи инсонларнинг маорифни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларига нукта қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, Мунаввар қори Абдурашидхонов ўрта асрларда Мовороуннаҳрда илм-фаннинг ривожланишига ва мамлакатнинг тараккий этишига вақфларнинг мавжудлигини сабаб қилиб кўрсатган. Ҳар қандай маданиятли халқнинг ҳукумати вақфларни оқиллик билан бошқариш орқали давлат хазинасига зарар келтирмай, мадраса ва маориф даражасини кўтариши ҳамда ўқув ишини тўғри йўлга қўйиши мумкин деб ҳисоблаб, даврий нашрлардаги чиқишлари орқали вақф мулкларидан таълим тизимини ривожлантириш учун фойдаланиш заруриятларини асослаб берган. Ҳақиқий миллатпарвар ва фидойи инсон Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг бу хизматлари маълум маънода XX аср бошларида Туркистонда таълим соҳасидаги айрим ижобий ўзгаришларда муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиздир.

¹³⁰ Алимов И.А. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917-1929 йиллар). Тошкент: Фан, 2009. – 222 бет.

*НавДПИ “Тарих ўқитиш методикаси”
кафедраси ўқитувчиси И.Кулджонов.
НавДПИ тузилмасидаги Қатагон қурбонлари
хотираси музейи ходими Д.Саибов.*

НУРЛИ ИНСОННИНГ ПОРЛОҚ ХОТИРАСИ МАНГУ ҚАЛБИМИЗДА ЯШАЙДИ.

**Жамият тараққиётининг асоси,
уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб
қоладиган ягона куч-маърифатдир.**

Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган кишлок, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди. Чунки, Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши том маънода янада ортиб бормоқда.

Муболағасиз шуни айтиш мумкинки, Ўзбек халқи тарихининг сўнги 130 йилига яқин даври “оқ” ва “қизил” салтанатлар таркибида кечган. Ўзбек диёрининг моддий ва маданий бойликларини талон-тароғ этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган чор ва совет давлатлари халқнинг шу даврида яшаган пешқадам вакиллари-уни хур ва озод кўришни истаган, шу йўлда фаолият кўрсатган кишиларни услуксиз равишда маҳв этиб келган. Бундай мудҳиш сиёсат оқибатида авлодлар ўзбек халқи ичидан XX асрда етишиб чикқан буюк сиймоларни узоқ йиллар мобайнида билмай-танимай келдилар.

“XX аср бошидаги маърифатчилик ҳаракатининг намояндалари бойлик учун, шон-шуҳрат учун майдонга чиқишмади. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Таваллоларга мактаб очганлари, халқни ўз ҳақ-ҳуқуқларини танишга даъват этганлари учун биров маош тўлаганми? Биров уларга ойлик берганми? Албатта, йўқ! Улар ўт билан ўйнашаётганларини, истибдодга қарши курашаётганлари учун аёвсиз жазоланишларини олдиндан яхши билишган. Била туриб, онгли равишда мана шу йўлдан борганлар. Чунки виждонлари, иймонлари шунга даъват этган”¹³¹.

¹³¹ И.Каримов. Унутилмас сиймолар. “Жадидчилик ҳаракатининг намояндалари”. Т. “Академия” 1999. 2-бет

Мунаввар қори Абдурашидхонов ўзбек халқининг машаққатли ХХ асрда дунёга келган Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат сингари буюк сиймоларидан биридир.

Адиб, мураббий, муҳаррир, маърифатпарвар, жамоат арбоби Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли 1878 йилда Тошкент шаҳрининг Шайх Хованд Тохур Даҳаси Дархон маҳалласида мударрис оиласида туғилиб, яъни “Мунаввар”- нур олган дегани. Туркияда ҳозир ҳам бу сўзни зиёли ўрнида қўллайдилар. “Қори” деб Қуръонни маромига етказиб ўқийдиганни айтганлар”¹³², Мунаввар қори исмига муносиб ҳолда вояга ётди. Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли Тошкентдаги Юнусхон мадрасасида ўқигач, сўнгра таҳсилани Бухорода давом эттиради ва кейинчалик Тошкентга қайтади ва Дархон масжидида имомлик вазифасида ишлай бошлайди.

“Мунаввар қори XIX асрнинг охиридан бошлаб жадидчилик ҳаракатларида фаол иштирок эта бошлайди. 1901 йилда ўз ҳовлисида, кейинчалик Тошкентнинг турли даҳаларида жадид мактабларини очади.” Бу мактаблар учун 1907 йилда “Адиби аввал”, “Адиби соний” дарсликларини яратади. “Тажвид ал-Қуръон”, “Ер юзи” сингари қўлланмаларни тузиб, нашр этади. Болалар учун қатор шеърӣй ва насрий ҳикоялар ёзади.

Мунаввар қори ва унинг яратган мактаби ўз даврида юксак нуфузга эга эди. Масалан, шундай бир далилни келтириш мумкин. “Ойна” журналининг 1914 йил сонларидан бирида муштарийларнинг Туркистонда олий миллий таълим истиқболи ҳақида берган саволига Бехбудийнинг жавоби босилган бўлиб, “Бехбудий унда Тошкентдаги Мунаввар қори мактаби мана шундай олий таҳсилга замин бўла олиши мумкинлигини айтган эди. Дарҳақиқат, Мунаввар қори ташкил қилган мактабида 1901-1904-йилларда Эшонхўжа ва Ҳасанхўжа Хонийлар, Абдусамий қори, кейинчалик Шокиржон ва Собиржон Раҳимийлар дарс берганлар, Салимхон Тиллахонов, Фузайл Жонбоев, Қайюм Рамазоновлар шу ерда ўқиганлар. Шайхонтохурда очган “Рушдия” (ўрта) мактаби “Намуна” аталиб, исмига мос эди”¹³³.

Ўзбек матбуотининг ривожланишида Мунаввар қорининг хизматлари жуда катта аҳамиятга эга. Чунки, ўзбек миллий матбуо-

¹³² Бегали Қосимов “Миллий уйғониш”Т. “Маънавият” 2002. 236-бет.

¹³³ Бегали Қосимов “Миллий уйғониш”Т. “Маънавият” 2002. 237-бет.

тининг илк намунаси 1906 йилда чиққан бўлиб, “Тараққий” газетасининг ташкилотчиларидан ва муаллифларидан бири эди. Ўша йили Мунаввар қорининг ўзи ҳам “Хуришд” газетасини чиқарди. Газетанинг энг яқин муаллифларидан бири Худоёрхоннинг ўғли Фансуруллобек эди. Кейинчалик Мунаввар қори 1909 йили Тошкентда “Жамияти хайрия” уюшмасини тузади ва “Турон” номли жамиятни очади. Умуман, ўзбек матбуотининг майдонга келишини ҳам, тарихий тараққиётини ҳам Мунаввар қорисиз, унинг юзлаб эхтиросли мақолаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Мунаввар қори XX аср бошидаги ижтимоий-сиёсий ҳаракатчанликнинг, миллий озодлик курашининг энг эътиборли вакилларидан биридир. 1921 йилда унинг номзоди яширин “Туркистон миллий бирлиги” ҳаракатининг раислигига қўйилгани бежиз эмас эди. Бироқ, гап шундаки, у ҳеч қачон исёнга, кўзгалонга даъват қилган эмас. Тўғри, у “Ҳақ олинур, берилмас”¹³⁴, деб ёзган эди. Лекин у бу ҳакни илм-маърифатни, фан-техникани эгаллаш, маърифий-маданий воситаларни ишга солиш орқалигина қўлга киритишни ақлга мувофиқ деб топган. Мунаввар қори ёшларни ривожланган мамлакатларда ўқитиш, шу орқали миллат ва ватанни фарзандларига танитиш, дунёни англаш ишларига алоҳида эътибор берган. 1908 йилдан 1923 йилга қадар унинг ғайрат ва ташаббуси билан юздан ортиқ туркистонликлар четга ўқиб келишган. 1920-1923-йилларда бу ташаббусни Бухорода Фитрат ва Файзулла Хўжаев қўллаб-қувватлаганлар. Маълумотларга қараганда, биргина 1922 йилда Германияда ўқиётганларнинг сони 60 нафарни ташкил этган. Шулардан бештаси - Абдулваҳоб муродий, Саттор Жаббор, Саидали Хўжаев, Аҳмад Шукурый, Вали Қаюмхон-тошкентлик эди.

Мунаввар қори илм-фан, маърифат ва маданиятимизнинг турли соҳаларида фаолият юритган бўлиб, гарчи у театр асарини ёзган бўлмаса-да, Туркистондаги театрчилик ишларининг йўлга қўйилишида Абдулла Авлоний ёнида туриб, 1913 йилда тузилган 73 моддадан иборат бўлган “Турон” жамияти уставига театрчилик ишлари алоҳида таъкидланган бўлиб, унинг заминиде “Театр ҳаваскорлари труппаси” ташкил топгани бежизга эмас. 1914 йилнинг 27 февралда Тошкентдаги Колизейда мана шу труппа томонидан “Падаркуш” драмаси биринчи мартаба саҳнага

¹³⁴ Бегали Қосимов “Миллий уйғониш”Т. “Маънавият” 2002. 238-бет.

қўйилган бўлиб, томоша олдидан Мунаввар қори театр ва унинг аҳамияти ҳақида нутқ сўзлайди. Матбуот бу кунни “тарихий кун” деб эълон қилади ва шоир Тавалло эса ушбу кун муносабати билан шеър ёзади. Унда шундай сатрлар бор эди:

Чўқ мунаввар этти оламни Мунаввар қоримиз,

Кўрдимиз равшанлигдан феълимиз, атворимиз.

Ибрат олинг, ёшлар, деб тўқди кўздин ёшлар,

Нутқда таҳрир эдуб, бизларни йўқу боримиз.

Чин кўнгулдан биз эшитдук, чин-ачиғ айтган сўзи

Шунча бидъатларни билдук, вой, биз иқрормиз.

Мунаввар қори адиб сифатида ҳам маълум эътибор ва нуфузга эга бўлган бўлиб, хусусан унинг “Адиби аввал”, “Адиби соний” китоблари дарслик-мажмуа сифатида ёзилган бўлиб, кўплаб шеърӣ ва насрий ихчам ҳикояларини ўз ичига камраб олган. Ҳар бирининг сўнггида “ҳисса” - хулоса чиқарилган. Улар мавзуига кўра хилма-хил бўлиб, кўпчилиги тарихий мавзуда. Йўл-йўналишига кўра ибратомуз пандлардан ташкил топган, тили содда, ўқилиши қизиқарли бўлиб, ҳикоялари орасида XX аср бошидаги тарихий воқеалар, ижтимоий-маиший турмуш манзаралари ҳақида ёзилганлари ҳам мавжуд. Мунаввар қори Ватанимиз тарихида, миллатимиз тарихида, биринчи навбатда, жамоат ва сиёсат арбоби сифатида ўчмас из қолдирган. Адиб ўтган асрнинг 90-йиллари охиридан умрининг сўнгигача миллат ва ватан равнақи, озодлиги йўлида кураш олиб борган бўлиб, унинг бутун ижоди ва фаолияти мана шу икки муқаддас мавзу атрофида кечган.

Ўткан асрнинг 20-йиллари ўрталарига келиб жадидчиликка муносабат ўзгариб, Мунаввар қорига хужум бошланган пайтда ҳам у ўз йўлидан қайтмади. 1927 йилги Тошкент округ маданиятчиларининг қурултойида жадидчиликни ҳимоя қилиб чикди. Мунаввар қорини 1929 йилда иккинчи маротаба қамоққа олишган бўлсада, Мунаввар қори сиёсат билан жиддий шуғулланган бўлиб, 1917 йилда тарих туркистонликларга мустақилликни ўз қўлига олиш ва муносиб идора усулини ўрнатишдек ноёб имкониятни берганида бир гуруҳ кишилар хонликни тиклаш, олайлик, Худоёрхоннинг ўғли Муҳаммад Аминбекни хон қилиб кўтариш фикрида бўлсалар, иккинчи бир гуруҳ ривожланган мамлакатлардан ўрганиш, андоза олиш йўлларини излайдилар.

ЎзР МХХ архивида сақланаётган ҳужжатларда яъни, “Мунаввар корининг 1917 йил воқеаларидан анча илгари Абдусамиёқори Зиёбоев ва Абдуҳакимбойвачча Икромовлар билан биргаликда Финляндияга бориб, идора усулини ўрганиб келгани тўғрисидаги”¹³⁵ маълумотлар қайд этиб ўтилган. 1917 йил феврал воқеаларидан кейин Тошкентда жамиятлар кўпайиб кетди: Муаллимлар жамияти, Эски муаллимлар жамияти, Рус-тузем мактаби муаллимлари жамияти, Қассоблар жамияти, Савдогарлар жамияти, Приказчилар жамияти, Бинокорлар жамияти, Ишчилар жамияти ва ҳоказо. Лекин улар орасида энг машҳурлари “Шўройи Исломи” ва “Уламо” эди. Мутаасиб руҳонийлар Шерали Лапиннинг “Уламо” си атрофида уюшган бўлсалар, тараққийпарвар зиёлилар Мунаввар қори раҳбарлик қилган “Шўройи ислом”да тўпланганлар. Мунаввар қорининг фаолияти мазкур ташкилотлар билан чегараланиб қолган эмас, албатта. Унинг шўро матбуотида кенг муҳокама қилинган “Нашри маориф” (1923-1926) даги ишлари, Анвар Пошшодан Мусо Беғиевгача, Афғон амири Омонуллохондан Заки Валидий, Қози Абдурашидгача бўлган шахсий алоқалари бунга мисол бўла олади.

Мунаввар қори ва бошқа жадидчиларимиз, жадидчиликнинг моҳиятини Миллат ва Ватанни англашдан улар манфаати учун курашишгача бўлган қизгин ва ҳаяжонли жараёнли жараённи ташкил қилади. Айни пайтда, бу ҳаракат миллатни ҳам тарбиялаб борган. Уни ўз бошига ёғилган ҳар бир офатни тақдир деб таъбир этишдан таҳлил қилиб, чорасини излай олиш даражасигача кўтарган. Хусусан, жадидларимиз миллатнинг яшамоғи, тараққий топтоғи учун, биринчи навбатда, озод, мустақил бўлмоғи лозимлигини англаб етганлар ва кенг халқни уйғотишга алоҳида эътибор берганлар.

¹³⁵ Беғали Қосимов “Миллий уйғониш”Т. “Маънавият” 2002. 241-бет

МИЛЛИЙ МАКТАБ АСОСЧИСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз нутқларида ўтмиш маданий меросимизни ўрганиш, истиқлолимиз йўлида жонларини қурбон қилган буюк сиймолар хотирасини эъзозлаш, улар яратган асарларни қайта-қайта нашр этиш ва мутолаа қилиш зарурлигини таъкидлаб келади. Шундай буюк сиймолардан бири атоқли журналист, педагог, жамоат арбоби, истиқлол учун толмас курашчи Мунаввар қори Абдурашидхоновдир.

Мунаввар қори халқимиз тарихининг ғоят мураккаб бир даврида яшади. У дунёга келган пайтда Туркистон истибдод исканжасида азоб чекарди. Мустамлакачилар маҳаллий халқни энг оддий ҳуқуқлардан ҳам маҳрум қилиб, жаҳолатда тутиб келишга интиларди. Вояга етиб, оқ-қорани таний бошлаганда у бу фожeanнинг сабаби халқнинг саводсизлиги, маърифатсизлигида деб билди. Зиёли оилада туғилган, акалари Аъзамхон ва Муслимхонлар халқни саводли қилиш учун жон куйдирадиган кишилардан бўлганликлари сабаб у ҳам ана шу йўлни танлади.

“Мунаввар қори илм-фан, маърифат ва маданиятимизнинг турли соҳаларида фаолият юритди. Унинг қаламига оид талайгина асарлар ҳали газета ва журнал саҳифаларида сочилиб, ноширларини кутиб ётибди”¹³⁶, деб ёзади Наим Каримов. Дарҳақиқат, мустақиллик шарофати билан халқ ва миллат келажаги, озодлиги йўлида жонларини фидо қилган асил фарзандлар хотиралари тикланди, улар қолдирган илмий, адабий, маърифий мерос халққа қайтарилди, асарлари қайта-қайта нашр этила бошланди. Истиқлол фидойиларининг ҳаёти ва ижодига бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Аммо ҳали бу борада бажарилган ишлар тўлақонли эмас. Хусусан, Мунаввар қори Абдурашидхонов ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ниҳоятда сермазмун ва жўшқин кечганки, фаолиятининг ҳар бир қирраси ҳали янада чуқур тадқиқ этишни талаб этади. Айниқса, унинг педагогик фаолияти ўзбек миллий педагогикаси тарихида алоҳида саҳифани ташкил этади ва

¹³⁶ Наим Каримов, Мухаррирдан, Мунавварқори Абдурашидхонов, Танланган асарлар, Тошкент, “Маънавият”, 2003 й. Б6.

уни ўрганиш, тадқиқ этиш замонавий илғор миллий педагогика ривожига муҳим аҳамиятга эгадир.

Мустамлакачилар маҳаллий аҳоли орасидан саводли кишилар етишиб чиқишини истамаганлар. Чунки халқ қанча саводсиз, дунёқарашни тор бўлса, уни асоратда сақлаб туриш осон бўлишини билганлар. Шунинг учун жадид маърифатпарварларининг ҳар қандай илғор қарашларига тиш-тирноқлари билан қарши турган. Бу эса маърифатпарварларни курашнинг турли усулларидан фойдаланишга, ҳатто баъзи ўринларда ён беришга, мустамлакачилик сиёсатининг талабларига бўйсунушга мажбур этган. То 1917 йил воқеаларига қадар жадид маърифатпарварлари ана шундай шароитда фаолият олиб боришиб, миллий мактаблар ташкил этиш, ёшларни илм-фанни эгаллашга қизиқтиришда кўпгина эзгу ишларни амалга оширишга муваффақ бўлишди. Уларнинг олдинги сафида Мунавварқори борди ва унинг шу йилларда олиб борган педагогик фаолиятини чинакам қаҳрамонлик деса бўлади.

Унинг педагогик фаолиятини ўрганишда мазмун-моҳиятига кўра шартли равишда икки қисмга ажратиш мумкин. Булар:

1. Ижтимоий ҳаётдаги нохушликлар, миллатнинг оғир ҳаёт кечиришига илмсизлик, маърифатсизлик сабаб бўлаётганлигини англаб етган миллат фидойисининг усули савтия мактабларини ташкил этиш йўлида олиб борган амалий ҳаракатлари.

2. Илмий педагогик фаолият. Мунаввар қори янги усулдаги мактабларда диний билимлар билан бирга ижтимоий фанлар ўқитилишини замон талаби деб билди ва бунинг учун ўзи дарсликлар ва қўлланмалар яратди.

Зиёли оилада тарбия топган, Тошкент ва Бухоро мадрасаларида узоқ вақт ўқиб, Қуръони каримни хатм қилиб, қери унвонига сазовор бўлган Мунаввар қори фақат диний билимлар билан киши маърифатли бўлолмаслигини, миллатни зулмат бағридан ёруғликка олиб чиқиш учун дунёвий илмларни ўрганиш зарурлигини теран англаб етди. Мадрасаларда дарсларнинг асосан араб тилида олиб борилиши, диний билимлар бериш билангина кифояланиш маърифатсизликни келтириб чиқараётганлигини ҳис этди ва янги усул мактабларини ташкил этиш, уларда дарсларни она тилида олиб бориш, диний билимлар билан бирга ижтимоий фанларни ҳам ўқитиш зарурлиги масаласини кун тартибига чиқарди. Ҳақиқатан ҳам у яшаган давр халқ, миллат тақдири учун ана шундай

фидойи шахсларни талаб қилганди. Чунки “онгда, фикрлашда, маорифда ўзгариш қилмай туриб, сиёсатда ўзгариш қилиб бўлмасди. Виждонни уйғотмай туриб, гафлатдан қутилиб бўлмасди. Душманни енгиш, ўзини ҳар жиҳатдан ҳимоя қилишнинг энг асосий қуроли маърифатли одамлардан ташкил топган янги жамиятни ташкил қилиш эди. Бунга эса мактаб ва мадраса тизимида инқилоб ясамай туриб эришиш мумкин эмасди”¹³⁷.

Буни чуқур англаган Мунавварқори 1901 йилда Тошкентда янги усули савтия мактабини очди. Ўша пайтда бундай мактабда ишлайдиган ўқитувчилар етишмаслиги туфайли уларга татарлар ва кримлик муаллимлар жалб этилган. Мактаб йштини йслоҳ қилишга жиддий киришиб, ўзи ташкил қилган мактабда ҳуснихат, жуғрофия, турк қавмлари тарихи дарсларини ўқитади.

“Мунаввар қори ва унинг мактаби юксак нуфузга эга эди. Масалан, шундай бир далилни келтириш мумкин. “Ойна” журнаlining 1914 йил сонларидан бирида муштарийларнинг Туркистонда олий миллий таълим истикболи ҳақида берган саволига Бехбудийнинг жавоби босилган. Бехбудий унда Тошкентдаги Мунаввар қори мактаби мана шундай олий таҳсилга замин бўла олиши мумкинлигини айтган эди. Дарҳақиқат, унинг мактабида 1901-1904 йилларда Эшонхўжа ва Ҳасанхўжа Хонийлар, Абдусамий қори, сўнғроқ Шоқиржон ва Собиржон Раҳимийлар дарс берганлар, Салимхон Тиллахонов, Фузайл Жонбоев, Қаюм Рамазонлар шу ерда ўқиганлар. Шайхонтохурда очган “Рушдия” (ўрта) мактаби “Намуна” аталиб, исмига мос эди”¹³⁸, деб ёзади профессор Б.Қосимов.

Бу билан ҳам кифояланмасдан у Халқ ўқув юртлари директориға ўзи ишлаётган Тошкентнинг Шайхонтохур даҳаси Тарновбоши маҳалласидаги мактаб муаллими сифатида талабнома билан чиқади. Унда у ўқувчиларға рус тилини ўқитишға руҳсат берилишини сўрайди. Бунда у душманни енғмоқчи бўлсанг, уни ўрган, ақидасиға амал қилади. Аммо ўлкани руслаштириш сиёсатини олиб бораётганларға бу ёқмайди. Чунки уларға маҳаллий аҳоли орасидан рус тилини чала-чулпа билладиганлар бўлса кифоя

¹³⁷ Сирожиддин Аҳмад, Йўлбошчи(сўзбоши), Мунаввар қори Абдурашимдхонов, Танланган асарлар. Тошкент, “Маънавият”, 2003 й. Б.15.

¹³⁸ Бегали Қосимов, Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик, Тошкент, “Маънавият”, 2002 й. Б.237.

эди. Шунинг учун Мунаввар қорининг талабини рад этишади ва унга мантиқсиз жавоб беришади. Бироқ жавобдан қаноатланмаган Мунаввар қори бўш келмайди ва мактабида рус тилини ўқитишга ниҳоят руҳсат олади. У педагогик фаолияти давомида том маънода миллий мактаб яратиш ниятидан асло қайтмайди. Тошкент шаҳар думасига аъзо этиб сайлангач, бу ниятини амалга оширишга яна ҳам қаттиқ киришади. У шу масалада шаҳар маъмурулари билан жикқамушт бўлади. Куропаткин хузурига болаларни бошлаб бориб, усули жаҳид мактабларига кенг йўл берилишини талаб этади. Бундай ҳаракатлар уни мактаб ишининг чинакам жонкуяри сифатида эл орасига танитди. Унинг астойдил ҳаракатлари натижасида 1917 йил 10 сентябрда дума мажлисида рус-тузем мактаблари ўрнида 6 синфлик миллий мусулмонлар мактаби ташкил этиш муҳокама этилади. Бу мажлисда Мунавварқори маъруза қилади. Бу воқеалар ҳақида хотиралар ёзган Н.Остроумов Мунаввар қорининг амалий педагогик фаолиятига катта баҳо беради. Уни маҳаллий аҳоли Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги мактабларнинг ягона директори деб ҳисоблашлари, Мунаввар қори 6 синфлик янги миллий мусулмонлар мактаблари учун ўқув дастури тақдим этганлигини, унинг халқни маърифатли қилиш учун олиб бораётган фаолияти самарали бўлаётганлигини қайд этади. Чунки Дума мажлисидаги муҳокамадан сўнг 1917/1918 ўқув йилида очилажак миллий мактаб учун кредит очишга ҳам руҳсат берилади. Бу ҳаракатлари билан Мунаввар қори миллий мактабга асос солди.

Янги усулдаги мактаблар фаолиятини йўлга қўйиш учун унда ўқитиладиган дарсларнинг қандай фанлардан бўлишини, шу мақсадга мос дарсликлар зарур эди. Буни яхши англаган Мунаввар қори мадрасада олиб борилаётган фақат диний мазмундаги дарслардан мутлақо қониқмайди ва усули жаҳид мактаблари ташкил этиб, уларда кўпроқ ижтимоий фанларни ўқитишга эътиборни қаратиш лозимлиги мақсадини илгари сурди ва бунинг учун қатъий кураш олиб борди. Мустамлакачи маъмурулар мактаблар фаолиятини қаттиқ назоратга оладилар, уларда ўқитиладиган дарслар улар қўйган талабларга жавоб бериши лозим эди. Усули жаҳид мактабларида рус тилини ўқитиш, ўқув дастури ва дарсликлар номларини тақдим этиш шарт қилиб қўйилади. Шу каби чеклашлар бўлишига қарамай Мунаввар қори 1907 йилда “Адиби аввал” дарслигини яратди ва бу дарслик С.Азизийнинг

“Устоди аввал” китоби билан бир вақтда рус-тузем мактабларида ўқитилган. Ўша йилнинг охирида “Адибус-соний” деб номланган иккинчи дарслигини нашр этиради. Бу дарслик-мажмуалар унинг адиб сифатида ҳам катта истеъдод эгаси эканлигини кўрсатади. Улардан кўплаб шеърий ва насрий ихчам ҳикоялари ўрин олган. Ҳикоялар сўнгида “ҳисса” – хулоса берилади ва бу хулосалар тарбиявий-маърифий аҳамияти жиҳатидан беқиёсдир. Ҳикоялар мавзу жиҳатдан ҳам ранг-баранг бўлиб, кўпчилиги тарихий мавзудалиги билан ҳам диққатни тортади. Профессор Б.Қосимов шундай дейди: “Йўл-йўналишига кўра ибратомуз пандлардан ташкил топган, тили содда, ўқилиши кизиқарли. Ҳикоялари орасида XX аср бошидаги тарихий воқеалар, ижтимоий-маиший турмуш манзаралари ҳақида ёзилганлари ҳам анчагина”.¹³⁹

1910-1911 йилларда Тошкент, Кўқон, Фарғона, Наманганда кўплаб усули жадид мактаблари фаолият олиб борган. Бу мактабларни Мунаввар қорининг акалари Аъзамхон ва Муслимхон, шунингдек, Ҳасан қори Хоний, Эшонхўжа Хоний, Низомиддин Хусаинов, Рустамбек Юсуфбеков, Саъдулла қори Абдуллаевлар ташкил этишган. Бу мактабларда А.Ибодов ва А.Шукуров яратган китоблардан фойдаланилган. Мунаввар қорининг яратган иккита дарслиги ҳам мактабларни ўқув манбалари билан кўпроқ таъминлашга ёрдам берган. Ҳатто Мунаввар қори 1-4 синфлар учун ўқув дастури тузиб, мактаблар фаолиятига жорий этилган. Дастлабки усули жадид мактабларида ўқитиш қуйидаги дарслардан иборат бўлган:

Мактабларнинг 1-синфида “Адибус-соний”, “Ҳавойижи диния” ҳисоб (юздан юқори сон ва барча амаллар), 3-синфда Сўфи Оллоёр китоби, ўқиш ва ёзиш, Куръон(тажвид билан танишиш), “Ҳавойижи диния”(II қисм), “Тарихи анбиё”, Шапочников ва Вольцовнинг “Арифметика”си, “Насихати атфол”, “Тажвид”, 4-синфда Куръон, “Тарихи анбиё”, “Дахр ун-нажот”(Мунавварқори асари), Р.Фахриддиновнинг “Насихат”, “Ҳисоб масаласи”, араб тили, “Дур-ул-шифоҳия”, Абдушукуровнинг “Форс тили” китоблари ўқитилган. Мунаввар қори педагогик фаолиятида мактабларнинг дунёвийлигини ошириб бориш, уларда ижтимоий фанларни кўпроқ ўқитилишига эришишга ҳаракат қилди. Унинг илмий

¹³⁹ Бегали Қосимов, Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик, Тошкент, “Маънавият”, 2002 й. Б.239.

педагогик фаолияти серқирра истеъдодининг алоҳида саҳифаларини ташкил этади. Матбуотдаги чиқишларида, театр ишларини ташкил этишда кўрсатган ёрдамларида ҳам у ўзининг тарбия ҳақидаги қарашларини илгари сурди, мактаблар фаолиятини намунали йўлга қўйиш миллатнинг уйғониши ва тараққиётнинг тўғри ва нурли йўлига тушиб олишида муҳим аҳамиятга эга бўлишини қатъийлик билан уқтиришга ҳаракат қилди. Тарихнинг ғоят мураккаб, халқ ва миллат учун ниҳоятда қийин бўлган долғали бир даврда, фожеалар гирдобида яшаган буюк маърифатпарвар Мунаввар қори Абдурашидхонов бугунги кунда том маънода миллий мактаб асосчиси деган шарафга лойиқ сиймодир.

Абдуавли ЙЎЛДАШЕВ

кичик илмий ходими

Эркин РАЖАПОВ

воиз –экскурсоводлар раҳбари

МУНАВВАР ҚОРИ АБДУРАШИДХОНОВ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

XX асрнинг 30-йилларигача бўлган Туркистон маърифатпарварлиги тараққиёти ўлка тарихининг муҳим даврларидан бири ҳисобланади. Бу даврда Туркистонда кўплаб сиёсий арбоблар, маданият ва санъат намоёндалари, матбуот ва маориф етакчилари етишиб чиқди. Афсуслар бўлсинки, совет ҳокимиятининг ўтган аср 30-йилларидаги қатагон сиёсати маърифатпарвар зиёлиларнинг катта қисмини турли айбловлар билан жисмонан маҳв этди. Улар амалга оширган ишлар ва яратган моддий, маънавий бойликларини халқ истеъмолидан чиқариш ишларини амалга оширди. Номларини тарих саҳифаларидан ўчиришга уриндилар. Мунаввар қори Абдурашидхонов ҳам 30-йиллар қатағони исканжасига сохта айбловлар билан тушган ўзбек миллий зиёлиларининг йирик вакили ҳисобланади.

Мунаввар қори Туркистондан етишиб чиққан буюк ислохотчилардан бири эди. У Туркистоннинг миллий озодликка эришиш йўлида фаолият кўрсатган педагог, матбуотчи ва жамоат арбоби. Мунаввар қори “усули жадид” мактабларини очди, ўқи-

тувчилик қилди, дарсликлар яратди, дастлабки миллий газеталарни нашр эттирди.

XX асрнинг 30-йилларигача бўлган фаолияти давомида Туркистонда бошланғич таълимдан токи олий таълимнинг шаклланиши ва ривожланишигача иштирок этди. Матбуот ва миллий театр санъатининг тараққий этиши, ўлкада турли жамиятлар тузиш ҳамда унинг фаолиятини олиб бориш, қолаверса, Туркистонни ижтимоий-иқтисодий, маданий жиҳатдан тараққий этиши, миллий кадрлар билан таъминлаш мақсадида хорижда ёшларни ўқитиш ишларига бош-қош бўлди. “Адиби аввал”, “Адиби соний”, “Ўзбекча тил сзбоқлиги”, “Ер юзи”, “Ҳавойижи диния”, китобларини, кўплаб публицистик мақолаларни¹⁴⁰ яратди-ки, бугунги кунда унинг асарлари миллий маънавий меросимизнинг бир қисмига айланди.

XX асрнинг 20-йиллари охирига келиб, Мунаввар қори фаолияти таъқиб остига олинди. Ҳукмрон мафқуранинг сиёсати Туркистонда мавжуд бўлган “Миллий иттиҳод” ташкилоти ва унинг аъзоларини аксилинқилобчилик ҳаракатида айблади. “Мунаввар қори Абдурашидхонов ва Салимхон Тиллахоновлар иши” номли иш очилиб, 1929 йилда гумон қилинган шахслар ҳибсга олиниб, терговга тортилди. ОГПУнинг қарори билан 1931 йил апрелида 15 киши отувга, 19 киши 10 йил, 19 киши 5 йил, 14 киши 3 йил қамокқа, 1 киши бир йилга Омскка сургунга, 3 киши юртидан бадарға қилинди¹⁴¹.

Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг тақдири 1931 йил 23 майда Москвада бўлиб ўтган суд хулосасига кўра, отувга ҳукм этилди. Лекин жамиятнинг Мунаввар қори фаолияти ва шахсига бўлган қизиқиш уни тарих саҳнасидан бутунлай ўчириб ташлай олмади. Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг шахси, фаолияти, ижоди ва унга алоқадор масалалар унинг замондошлари ҳам кейинги авлодлар томонидан хорижда ўрганилди, у ҳақида туркум мақо-

¹⁴⁰ Абдурашидхонов М. Никоҳ тўғрисида. // Ўрта Азиянинг умргузаронлиги Тараққий .1906 йил 3,9 февраль, 7 март.; Бизни жаҳолат – жаҳли мураккаб. // Тараққий. 1906 йил 14 июнь.; Тошкент Мусулмон жамияти. // Самарқанд. 1913 йил 20 август.; Жамият қандай очилур. // Саодий Туркистон. 1914 йил 27 июнь.; Хужумми мунозарам. // Қизил ўзбекистон. 1922 йил 2 феврал, 7 март. Ўзбекистонда вақф. // Қизил Ўзбекистон. 1924 йил 11 декабрь.

¹⁴¹ Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидоийлик. – Т., Маънавият, 2002. – Б.235.

лалар эълон қилинди. Филология фанлари доктори, профессор Бегали Қосимовнинг ёзишича, Мустафо Чўкай ўгли мухаррирлигида 1934 йилда Парижда фаолият олиб бораётган “Ёш Туркистон” журналида Мунаввар қорига бағишланган илк ҳорижий мақола чоп этилади.

“Миллий Туркистон” журналининг 1952 йил 76-сонида Боймирза Ҳайит томонидан “Мунаввар қори – ватанпарвар ва ислохотчи”¹⁴² номли мақола эълон қилинди. Мақолада Мунаввар қорининг Туркистондаги педагогик ва ижтимоий фаолиятига катта эътибор қаратилган.

Мунаввар қорининг “Намуна” мактабини тамомлаб (1913-1915 й.й.), 1921-1922 йилларда Туркистон Давлат Университетининг муҳандислик факультетини, 1922-1923 йилда Москвадаги кишлок-хўжалиги академиясини ўқиган, кейинги илмий фаолиятини Германияда давом эттириб, зироат профессори даражасига эришган Иброҳим Ёрқиннинг “Турк култури араштирмалари” тўпламида Мунаввар қори фаолиятига аталган мақола¹⁴³си чоп этилган. Мақолада муаллиф Туркистонда XX аср бошларида рўй берган миллий уйғониш, маънавий-маърифий жараёнлардаги ўзгаришлар ҳақида маълумот беради. Туркистонда ташкил этилган янги усул мактаблари, уларнинг фаолиятида Мунаввар қорининг ўрни, мактабларнинг моддий таъминоти ҳамда Тошкентда ташкил этилган “Жамияти имдодия” жамияти ёрдамида четга чиқиб таълим олишга муваффақ бўлган туркистонлик ёшлар ҳақида маълумот беради. Муаллиф мақолада шунингдек, Туркистон жадидчилик ҳаракатида Мунаввар қорининг ўрни бекиёс эканлигини кўрсатиб берди.

Совет ҳокимиятининг ҳукмрон мафқураси Ўзбекистонда Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг на фаолиятини, на унинг асарларини тилга олишга йўл қўйиб берди. Шу боис ҳам мустақиллик йилларигача бўлган даврда Мунаввар қори фаолияти ёки унинг асарлари ҳеч бир манбада кўзга ташланмади.

1989 йил 16 январда СССР Министрлар Олий Совети томонидан 30-40 ва 50-йиллар бошларидаги қатағонлар иштини ўрганиб чиқиш қайта очилади ва Мунаввар қорининг иши ҳам киритилди.

¹⁴² Boymırza Hayit. Munavvar kori bir vatansever ve reformcu // Milli Türkistan. 1952. № 76(8). – S. 14-17.

² Yarkin İbrahim. Türkistan’da uyanış-Millî hareketler ve Münevver Kari, Türk Kültürü, sayı 1946. – S.78-86.

Россия матбуотининг “Вечерняя Москва” газетаси 1990 йил 6 декабрдан бошлаб 1930-40 йилларда отилиб, махфий дафн этилган Сталин қатагон қурбонлари рўйхатини эълон қила бошлади. Газета Вагоньково қабристонига кўмилган 600 дан ортиқ, Донской қабристонига кўмилган 250 дан ортиқ қатагон қурбонларининг рўйхатини эълон қилди. Газетанинг 1992 йилдаги май сониди 9 та қатагон қурбонининг суратлари ва қисқача маълумот келтирилган ҳолда мақола чоп этилди. Келтирилган тўққиз киши орасида 5 нафари – Саид Аҳрорий, Мунаввар қори, Салимхон Тиллахонов, Мақсуд Тангриқулхожи ва Нажмиддин Шермухаммедовлар эди¹⁴⁴.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан Мунаввар қори ҳақидаги мақолалар ва уларнинг асарларидан намуналар ўзбек матбуот саҳифаларида эълон қилина бошланди. “Шарқ юлдузи” журналининг 1992 йилги сониди Сирожиддин Аҳмаднинг “Мунаввар қори”¹⁴⁵ мақоласи чоп этилди. Мақола муаллифи шу пайтгача номи тилга олинмаган Мунаввар қори шахсияти ва фаолияти, асарлари ҳақида ишончли илмий манбалар асосида маълумот беради. Буни албаттда тарих фанида янги бир илмий истеъмол неъматидея дейиш мумкин. Мақола қатагон қурбонларидан бўлган Тўлаган Хўжамёров (Тавалло)нинг Мунаввар қорига бағишланган шеъри билан бошланган.

Нормурод Авазов томонидан Мунаввар қорига бағишланган “Миллат фаҳри” номли мақолада адиб фаолиятига қисқача дебеча қилиниб, бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган “Шўройи Исломия” ташкилотининг қарорномасини китобхонга ҳавола этади¹⁴⁶. Муаллиф яна бир “Тараққийпарвар”¹⁴⁷ сарлавҳали мақоласида XX аср бошларидаги Туркистон маърифатпарварлик ҳаракатига мурожаат қилиб, Мунаввар қори шахси орқали жадиличлик ҳаракати аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилган. “Машхур маърифатпарвар”¹⁴⁸ номи билан “Бошланғич таълим” журналида чоп этилган Йўлдош Абдуллаевнинг мақоласида Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг таълим тизимидаги амалга оширган ишларига тўхталиб ўтилган. Мақолада муаллиф М.Абдурашидхонов

¹⁴⁴ Вечерняя Москва. 1992 йил 25 май.

¹⁴⁵ Аҳмедов С. Мунаввар қори. // Шарқ юлдузи. 1992 йил. № 5. –Б.105-119.

¹⁴⁶ Авазов Н. Миллат фаҳри. // Гулистон. 1992 йил № 5-6. –Б.11.

¹⁴⁷ Авазов Н. Тараққийпарвар. // Маърифат. 1995 йил. 23 август.

¹⁴⁸ Абдуллаев Й. Машхур маърифатпарвар. // Бошланғич таълим. 1992 йил. №11-12. –Б.52.

хаёт йўлининг маълум даврини “ёзувчи Ойбекнинг “Улуғ йўл” романидаги Умарали тимсолининг хаётий мукобили прототипи бўлган”, – дея таъкидлайди. Шунингдек журналнинг муқоваси ички қисмида Мунаввар қори Абдурашидхоннинг рассом Қахрамон Қурбонов томонидан чизилган портрети акс этган.

Профессор Иброҳим Алимов “Эски мактаб ислоҳоти ташаббускори”¹⁴⁹ номли мақоласида Туркистонда 1920 йил июнь ойида Туркистон жумҳурияти халқ маорифи бўлими мудирларининг курултойида биринчи марта диний мактаблар, мадрасалар, эски усулдаги мактаблар масаласи кўтарилгани ва бу жараёнда М.Абдурашидхоннинг фаолиятига тўхталиб ўтилган. Шунингдек мақолада Туркистондаги янги усул мактабларига тўхталиб, “1917 йил Февраль инкилобидан аввал Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги 11 та янги усул мактабининг энг каттаси Мунаввар қори Абдурашидхоннинг мактаби эди. Унда 160 нафар бола ўқиб 3 нафар домла болаларга дарс берган”¹⁵⁰ – деган маълумотни келтириб ўтади.

Мунаввар қори Абдурашидхон ва “Миллий истиқлол” ташкилоти аъзоларининг ҳибсга олиниши ва бу иш бўйича олиб борилган тергов жараёни юзасидан ёзувчи Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг “Бир сотқин ва унинг чақувларида жўмардларнинг тарифлари”¹⁵¹ номли мақоласи кенг камровни ўз ичига олади. Мақолада Мунаввар қори ва “Миллий истиқлол” ташкилотига аъзо бўлган бир қатор зиёлиларнинг қўлга олиниши, уларни тергов қилиш жараёнида ГПУ хуфиялари етказган маълумотлар, ҳамда миллий зиёлиларимиз Мунаввар қори, Эшон Хўжа Хоний, Ҳасан Хўжа Хоний, Муродхўжа домла, Юсуф Иноғомов каби бир қанча шахслар устидан амалга оширилган чақув баёни акс этган.

Жадидчилик ҳаракатида Мунаввар қорининг педагогик фаолияти масаласини Нурхон Иргашеванинг мақоласида ҳам кўришимиз мумкин. У “Жадидчилик ҳаракати ва Мунаввар қори”¹⁵² ва

¹⁴⁹ Алимов И. Эски мактаб ислоҳоти ташаббускори. // Халқ таълими. 1993 йил. 10-сон. – Б.5-8.

¹⁵⁰ Алимов И. –Б.б.

¹⁵¹ Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон. Бир сотқин ва унинг чақувларида жўмардларнинг тарифлари // <http://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/tarix/munavvar-qori-ustidan-chaquv-yozgan-sotqin.html>.

¹⁵² Иргашева Н.А. Жадидчилик ҳаракати ва Мунаввар қори. // Халқ таълими. 1996 йил №5. – Б. 67-71.

“Буюк тараққийпарвар”¹⁵³ номли мақолаларида М.Абдурашидхоновнинг Туркистон ўлкасини тараққий этишдаги хизматлари, педагогик фаолияти тарихий материаллар ва ўзининг мулоҳазалари асосида очиб берган. Нурхон Иргашева адибнинг педагогик қарашларини тадқиқ қилиб, 1997 йилда “Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг маърифий-педагогик қарашлари (1878-1931)”¹⁵⁴ мавзусида педагогика фанлари номзоди илмий даражасини ёқлади. Тадқиқот ишида Туркистон жадидларининг ижтимоий-маърифий фаолиятида Мунаввар қорининг етакчилиқ ўрни ва М.Абдурашидхоновнинг янги усул мактабларида таълим-тарбиянинг такомиллашувидаги педагогик ғояларига алоҳида эътибор қаратилган.

Тарихчи Сотимжон Холбоевнинг “Мунаввар қори”¹⁵⁵, “Фидойи”¹⁵⁶, каби мақолалари маърифатпарварнинг фаолияти ва асарлари таҳлилига мурожат қилинган ҳолда чоп этилган. Хусусан, “Фидойи” мақоласида муаллиф Мунаввар қорини маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ташкилот ва уюшмалар асосчиси сифатида кўрсатиб, адиб иштироки, етакчилигидаги ташкилот ва уюшмалар рўйхатини келтиради. Мунаввар қорини ўзбек миллий матбуотининг асосчиси дея у иштирокидаги газета ва журналлар номини санаб ўтади. Туркистонда олий таълим асосчиларидан бири сифатида кўрсатиб муаллиф “Ўлкамиз тарихида унинг раҳбарлигида 1918 йили Туркистон мусулмон дорулфунуни ташкил топди”¹⁵⁷ – деб ёзади. Мақола давоми сифатида журналда Мунаввар қорининг “Хотираларимдан” асаридан парча ҳавола этилади¹⁵⁸. 2001 йилда шу муаллиф томонидан нашрга тайёрланган “Хотираларимдан”¹⁵⁹ китоби “Шарқ” нашриёти томонидан чоп этилди. Дастлаб ушбу

¹⁵³ Иргашева Н.А. Буюк тараққийпарвар // Ёшлик. 1996 йил 4-сон. – Б.22-23.

¹⁵⁴ Иргашева Н.А. Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг маърифий-педагогик қарашлари (1978-1931). Педагогика фанлари номзодини олиш учун ёзилган диссертация. –Тошкент, 1997. 169 бет.

¹⁵⁵ Холбоев С. Мунаввар қори. // Мулоқот. 1997 йил №1. –Б.24-25.

¹⁵⁶ Холбоев С. Фидойи // Жамият ва бошқарув журнали. 1998 йил. №2. –Б.64-66.

¹⁵⁷ Холбоев С. – Б. 65.

¹⁵⁸ Холбоев С. – Б. 67-68.

¹⁵⁹ Абдурашидхонов Мунаввар қори. Хотираларимдан. Нашрга тайёрловчи Холбоев С. – Тошкент, Шарқ. 2001. 128 бет.

асар муаллиф томонидан “Турон тарихи” номли журналнинг 1993 ва 1994 йиллардаги сонларида эълон қилинган эди¹⁶⁰.

Маърифатпарвар адибнинг фожиали тақдири ҳақидаги маълумотларга эга яна бир мақола 1997 йил “Шарқ юлдузи” журналыда чоп этилди. Унда Алиназар Эгамназаров муаллифлигида “Истиклолчилар қатл этилган жой”¹⁶¹ номли мақола эълон қилинади. Мақолада Саид Аҳрорий, Мунаввар қори, Салимхон Тиллахонов авлодлари хотиралари ҳам жой олган. Мунаввар қорининг жияни Муҳаммадхон Абдурашидхонов хотирасида уни қизил аскарларга қарши ташвиқот олиб борганлиқда айблаб, 10 йилга қамашгани, аслида эса Мунаввар қори тарбиясида катта бўлгани учун қамалганлигини келтиради. Муҳаммадхон Абдурашидхонов Мунаввар қоридан қолган ягона суратга тўхталиб, уни Тошкент шаҳридаги “Ёш гвардия” театри рўпарасида кўчанинг ўнг томонида озарбайжонлик суратчи дўқонида олинганлигини ҳикоя қилади.

Олимларнинг илмий тадқиқотлари натижасида Мунаввар қорининг XIX аср охири – XX аср бошларидаги маориф, матбуот соҳасидаги хизматлари, ижтимоий-сиёсий жараёнларидаги фаолиятига оид ҳужжатлар, материаллар ва матбуот манбалари жамланди. Ушбу маълумотлар 2000 йилда чоп этилган “Ўзбекистоннинг янги тарихи” номли томлик китобнинг биринчи ва иккинчи жилдларига ҳам киритилди.

“Қадрият” газетасининг 2001 йил сентябрь сонида ““Миллий иттиҳод” тақдири” номли мақола чоп этилди. Мақолада Мунаввар қорининг ташкилотдаги фаолиятига тўхталиниб “Икки чопарнинг ГПУ томонидан қамокқа олиниши “Миллий иттиҳод”га катта зарар келтирди. Шунга карамай Мунаввар қори Абдурашидхонов 1922-1923 йилларда ташкилотни қайта оёққа турғиза олди”¹⁶² – деб ёзади муаллиф.

Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи – санъатшунослик фанлари номзоди Сирожиддин Аҳмедов Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг фаолияти устида узоқ йиллар изланишлари натижасида 2003 йилда адибнинг бадиий асарлари, рисолалари,

¹⁶⁰ Абдурашидхонов Мунаввар қори. Хотираларимдан // Турон тарихи журнали. 1994 йил август. – Б.13-14.

¹⁶¹ Эгамназаров А. Истиклолчилар қатл этилган жой // Шарқ юлдузи. 1997 йил. 1-сон. – Б.193-211.

¹⁶² Каримов Н. “Миллий иттиҳод” тақдири. // Қадрият. 2001 йил 1 сентябрь.

нутқлари ва мақолалари, ҳамда хотираларини ўзида жамлаган истиқлол қахрамонлари туркуми остида “Мунаввар қори Абдурашидхонов”¹⁶³ номли танланган асарлар тўплами чоп этилди.

Яқин йилларда Мунаввар қори Абдурашидхонов шахси хориж олимлари тадқиқотларида ҳам тадқиқ этила бошланди. Жумладан: Америкалик тарихчи Эдвард Олворт ўзининг “Замонавий ўзбеклар”¹⁶⁴ (Modern uzbeks) номли китобида Мунаввар қори ва унинг мактабдорлик фаолияти, у томонидан янги усул мактаблари учун нашр этилган дарсликлар борасида батафсил маълумотлар беради. Адиб Холиднинг “Munavvar qori’s “Memories”: An Uzbek Confession-Testimony from the Files of the Secret Police”¹⁶⁵ (Мунаввар Корининг “Хотиралари”: Ўзбек махфий полиция ҳужжатларидаги тасдиқи – гувоҳликлар) номли иши ҳам бевосита Мунаввар қорига оид маълумотлар, фактлар ва манбалардан фойдаланилган ҳолда инглиз тилида баён этилган.

Мухтасар қилиб айтганда Мунаввар қори Абдурашидхонов фаолияти ва илмий меросини ўрганиш Ўзбекистон тарихининг XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий, маданий маърифий жараёнларидаги воқеа ҳодисотлар билан чамбарчас боғлиқлиги билан аҳамиятлидир. Қолаверса унинг илмий мероси келажак авлод қалбида миллат, ватан таушунчаларини англашда, ахлоқан ва маънан тарбияли, ватанпарвар шахс бўлиб камол топишлари учун зарур манба бўлиб хизмат қилади.

Абдували ЙЎЛДАШЕВ
Қатагон қурбонлари хотираси
давлат музейи кичик илмий ходими

МУНАВВАР ҚОРИ АБДУРАШИДХОНОВ ЗАМОНДОШЛАРИ НИГОҲИДА

ХІХ аср охири – ХХ аср бошларида Туркистон ўлкасида вужудга келган жадидчилик ҳаракати ўзининг олдига биринчи

¹⁶³ Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. Таҳрир ҳайъати: О.Шарафиддинов, Н.Аминов, Н.Каримов ва бошқалар. –Т., Маънавият 2003 й. – 304 б.

¹⁶⁴ Edward Allworth. The modern Uzbeks: from the fourteenth century to the present : a cultural history Hoover Institution. 1990.

¹⁶⁵ Adeeb Khalid. Munavvar qori’s “Memories”: An Uzbek Confession-Testimony from the Files of the Secret Police vol. 47, Presses de l’Inalco, 2016. S.195-213.

навбатда миллатнинг ўзлигини танитиш, бидъатлардан қутулиш, Миллат ва Ватан истиқлолини қўлга киритишни асосий мақсад қилиб қўйди. Бу йўлни ўлка зиёлилари маориф, илм-фан, матбуот ва маданият соҳаларини ривожлантиришда деб билдилар ҳамда шу соҳаларга катта эътибор қаратдилар. Улар матбуот билан халқни ғафлатдан уйғотиш, маорифни тараққий эттириш йўли билан буюк мақсадларини амалга оширишга умид боғладилар. Бунинг учун тараққий этган миллатлар билан ҳамқадам авлодни тарбиялаб етиштириш керак эди.

Туркистон ўлкасининг ўша даврдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётини ўз ғами деб билувчи кишилар ҳаммаслақлигида, ана шу ғояларни амалга оширишга катта эътибор қаратди. Уларнинг орасида Мунаввар қори Абдурашидхоновдек маърифатпарвар ҳам бўлиб, у кенг қамровли фаолияти, амалга оширган хайрли ишлари билан миллат тарихида ўзига хос ўринга эга.

У Туркистондан етишиб чиққан буюк ислохотчилардан бири эди. Мунаввар қори “усули жаид” мактабларини очди, ўқитувчилик қилди, дарсликлар яратди. Янги усулдаги мактаблар учун кадрлар тайёрлади. Бола тарбиясига жиддий эътибор қаратди. “Тарбияли бола улуғларни иззат ва хурмат қилур. Ўзи баробариға яхши муомала қилур. Ва ўзидан кичикларға шафқат ва марҳамат қилур. Ҳар кимнинг қадрини билур. Ўзидан рози қилмоқға ҳаракат қилур. Қўлидан келганича бошқа инсонларға ёрдам берур. Инсонликға ярашган ишлардан ўзини тортмас.... Қўлидан келмаган ишни устиға олмас. Устиға олган хизматини қилмай қолдирмас. “Миллат” деган сўзни жонидан ортиқ суяр¹⁶⁶”, – деб ёзади “Адибус-соний”¹⁶⁷ китобида Мунаввар қори Абдурашидхонов.

Замонасининг кўп илм эгалари уни ўзларига устоз сифатида билишган. Ўзбек адабиётида Тошқин таҳаллуси билан ижод қилган ёзувчи Мўминжон Муҳаммаджоновнинг Мунаввар қорига хурмати баланд бўлган. У ўзининг “Турмуш уринишлари” китобида Мунаввар қори билан учрашувлари ва унинг фаолиятига доир маълумотларни келтириб ўтади. Мунаввар қори кўмагидан фойдалан-

¹⁶⁶ Адибус-соний. Ахлоқ дарслари: тарбияли бола. Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлари.–Т.: Маънавият, 2003. –Б.50

¹⁶⁷ Адибус-соний- Мунаввар қорининг бу асари 1907 йилда чоп этилган. Боймирза Хайитнинг ёзишича бу асар 1965 йилда Туркистонля муҳожир Мавлоно Аъзам Ҳошнимий томонидан Карочи (Покистон)да қайта нашр этилган.

ган, маслаҳат олиб турганлигини баён қилади. Тошқин Мунаввар қори билан танишиш шарафини қуйидагича тасвирлайди. “Миробод маҳалласининг имоми Мунаввар қори деган бир шоир билан танишиб қолдим. Бурун неча кишидан бу одамнинг таърифи ва тавсифини эшитиб юрган бўлсам ҳам суҳбатини кўрмаган эдим. Унинг юмшоқ табиат ва сўзга усталиги, бир-икки соатнинг ичида Навоий, Умархон¹⁶⁸, Фазлий¹⁶⁹ каби шоирларнинг шеърларидек шеърларни ёзиб ташлаши билан бошқа муллабаччалардан кўбкина айирмаси (фарқи) бор эди¹⁷⁰”. М.Муҳаммаджонов учрашувларида Мунаввар қори фаолиятини кузатиб бориб “Ул “Таржимон” деган мен тушунмайдирган бир газет ўқиб юрганини кўб кўраман. Бироқ менинг олдимда янгиликдан сира оғиз очқони йўқ. Қавмларининг орасида бир оз фикрлироғи Фозил Абзи дейдирган бир нўғай бўлиб, Мунаввар қори билан “Таржумон”да ёзилгон мақолалари устида фикр юргизишар эдилар¹⁷¹”, – деб ёзади. Мунаввар қори ҳар жиҳатдан эҳтиёт чораларини эътиборга олиб юрган. Чунки ўша пайтдаги империя охранкалари учун мустамлакадаги бундай зиёлилар фаолияти ҳавфли ҳисобланган. Ҳар хил айбловлар учун баҳона излашгани табиийдир.

Мунаввар қори ўз фаолиятида ёшларга замонавий таълим ва дунё илмини ўргатиш, янги авлодни тарбиялаш масаласига ўта долзарб масала сифатида қараган. У Тошкентда 1901 йилда усули савтия мактабини очади ва бундай мактабларни очиш ва уни оммалаштириш йўлида ўзи тузган ўқув дастурлари асосида жамоат олдида очик имтиҳонлар ташкил қилади. “Ҳар миллатнинг мактаб ва мадрасаси ўлдиғи каби, бизни ҳам мактаб-мадрасаларимиз гарчи бенизом ва беусул ўлса ҳам, йўқ демак даражада оз эмас. Ҳар миллат авлодини тарбиялаш ва таълими улумда кўрсатган ҳиммат ва ғайрати каби бизларда ҳам ўз маъсум авлодларини жаҳолат ва ғафлат зулматида қолмоқиға ҳеч бир ризолари ўлмай, қўлларидан келганча таълим ва тарбияти авлодда кусурлик кўрсатмакчи зотлар

¹⁶⁸ Умархон – Қўқон хони (1810-1822) “Амирий” таҳаллуси билан ижод қилган.

¹⁶⁹ Фазлий Намангоний – асл исми Абдукарим. XVIII асрнинг 2-ярми XIX асрнинг 1 – ярмида яшаган. Умархон ҳукмронлиги йилларида Қўқонга келади. Шеъринг истеъдоди туфайли сарой шоирларининг бошлиғи - “Малик шуаро” номини олган. У 1921 йилда “Мажмуаи шоирён” (Шоирлар мажмуаси) тазкирасини тузган.

¹⁷⁰ Муҳаммаджонов М. Турмуш уринишлари. (Бир муллабаччанинг хотира дафтари). Т. 2015. –Б. 92.

¹⁷¹ Ўша китоб. 94 бет.

мавжуддирлар¹⁷²», – деб ёзади “Бизни жаҳолат – жаҳли мураккаб” номли мақоласида.

XX аср бошларида Тошкентда кўплаб янги усул мактаблари ташкил этилиб, улардаги жиҳозлар ва ўқув қуроллари янги тусга кирди. “Бу янги тартиб мактабларнинг Тошкент шаҳрида жорий бўлиб кетишига биринчи сабаб Мунаввар қори бўлиб, барчасининг прўграммини шул тузиб берган бўлса ҳам ўқитувчиларнинг кўшлари ўқитиш тартиби – йўли (усули таълим) қандай эканини билмаганларидан ва прўграмдаги фанларнинг отини энди эшитганларидан хозирга анча қийналур эмишлар¹⁷³” – деб ёзади замондошларидан бири.

Мунаввар қори мактабини ўқиб XX аср бошларида турли соҳаларда анчагина унинг шогирдлари етишиб чикди. Унинг йўлини тутган шогирдлари Мунаввар қори мактаби андозасида мактаблар ташкил этиб ёшларга сабоқ бера бошладилар. Ўзи ва шогирдлари томонидан ташкил қилинган янги усул мактабларида таълим жараёнида вужудга келаётган муаммоларни ҳа-л этиш учун зарурий чора тадбирларни таҳлил этиб, “Маориф ва маданият боғчасининг биринчи дарвозаси мактабдир. Ер юзиндаги маорифли миллатларнинг ҳар бирлари маданият боғчасина шул дарвозадангина кирмишлар, яъни маориф ва маданият йўлига сафар проғроми ясалганда, биринчи моддасини шул “Мактаб очмак” масаласини қўймишлар. Ишларини шул “мактаб”дангина бошлайлар. Мактаб очуб, билфеъл иш бошлагонларидин сўнгра ҳар тарафдин турли-турли нуксонлар ва эҳтиёжлар кўрила бошламишдир” – деган хулосага келади¹⁷⁴.

Ташкил этилган мактаблар, ундаги дарс жараёнини таркибини тузиб чиқиш, янгиликлар киритиш масалаларига ҳам катта эътибор берган. Хадранинг юкорисидаги бир маҳаллада Мунаввар қорининг шогирдларидан бўлган Низом қори деган домланинг имтиҳонида иштирок этган Мунаввар қори бошчилигидаги бир гуруҳ зиёлилар имтиҳон якунида ўз фикрларини билдиришгач, Девонабўрк самоварида тўпланиб, “Мунаввар қорининг кенгаши билан бурунғи прўграмларини бошқа қилмок, ўзгартирмак бўлди-

¹⁷² Мунаввар қори. Бизни жаҳолат – жаҳли мураккаб. // Тараққий. 1906 йил 14 июн.

¹⁷³ Муҳаммаджонов М. Турмуш уринишлари. (Бир муллабаччанинг хотира дафтари). – Т. 2015. –Б. 205.

¹⁷⁴ Мунаввар қори. Жамиятлар қандай очилур? // Садойи Туркистон. 1914 йил, 14 июн.

лар. Бошлангич мактабларнинг 3-синфида ўқуладирган “Фавзул нажот” китобини прўграмдан чиқариш-чиқармаслиқ тўғрисида анчагина тортишув бўлди. Мен (яъни Мўминжон Муҳаммаджонов - муаллиф) уни чиқариб, ўрнига Сўфи Оллоҳёр тўранинг “Саботу-л-ожизийн”¹⁷⁵ китобини киргизиш ёғида бўлдим. Чунки “Фавзул нажот”нинг байтларининг ўлчов (вазн)лари бузук бўлиши ила бирга хурофот ҳам ўқувчиларнинг қилиқларини бузувчи сўзлари кўб эди. “Саботу-л-ожизийн” сўфиёна бўлса ҳам ўлчовлари келишган ҳам қилиқ (ҳулқ) бузувчи гаплари оз эди¹⁷⁶.”

М. Абдурашидхонов таълим тараққиётида узоқни кўзлаб иш кўрар эди. Болалар ўқишлари, илмий дунёқараши ўсишлиги учун дарслик ва ўқув қўлланмаларни дастлабки йилларда Истанбул, Қозон ва Қримдан диний ва дунёвий ўқув рисолалар, алифбо ва ўқиш китоблари олади. У 5 синфли илк усули жаҳид мактаби қошида икки синфли “Рушдия” (юқори синф) синфини очади. “Намуна мактаби”ни биринчи бўлиб битирган собиқ шогирдларидан Афандизода унинг бу фаолияти ҳақида қуйидагиларни ёзди: “Мунаввар қори Туркистонни истило этганларга қарши курашнинг ягона йўли таълим деб билди. Халқни исёнга чорламади. “Бизнинг ғалабамизнинг биринчи шарти ва асоси билим ва техникадир”, - деган фикрлари билан биз ёшларга таҳсилни Истанбулда давом эттириш кераклигини таъкидлар эди”¹⁷⁷.

Доктор Иброҳим Ёрқиннинг “Хур Туркистон учун”* газетасининг 3-4 сонисида “Эшон хўжа” номли мақоласи чоп этилади. Унда Эшонхўжа Хонийнинг шахси ҳақида сўз битилиб, бу киши маърифатпарвар Мунаввар қори билан ҳаммаслақ киши эканлигини қайд этади. Мунаввар қори мактаби каби Эшонхўжа Хоний ҳам жаҳид мактаби очганлигини, Эшонхўжанинг Қуйи Девонбеги-

¹⁷⁵ Сўфи Оллоҳёр – 1630-1650 йиллар оралиғида Самарқанддаги Каттакўрғон беклигига қарашли Минглар қишлоғида таваллуд топган. Унинг “Саботу-л-ожизийн” асари сўзларининг қисқа ва лўндалиги ҳамда кўплаб маъноларга далолат қилиши билан ажралиб туради. Асарда аҳли сунна ваг жамоанинг эътиқодий қарашлари ўзбек тилида назмий услубда баён этилган. Шу сабабли далиллар келтирилмасдан улардан келиб чиққан хулосалар назмга терилган.

¹⁷⁶ Муҳаммаджонов М. Турмуш уринишлари. (Бир муллабаччанинг хотира дафтари). –Т. 2015. –Б. 206-207.

¹⁷⁷ Долимов У. Жаҳид педагогикаси. – Тошкент. 2007. – Б.47. Манбавий асоси: //Ёш Туркистон. 1934 й. январь.

* Хур Туркистон учун газетаси – 1975-1977 йилларда Истанбулда чиқарилган. Ташкилотчиси Зиёвуддин Бобоқурбон.

даги мактабида ўқиб, икки йиллик рушдий таълимини Мунаввар қорининг “Намуна мактаби”да ўқиганлигини ёзади¹⁷⁸. Ватан миллат озодлик ва хурлик тушунчаларини унинг мактабида ўрганганлигини такидлайди.

Мунаввар қори етиштирган шогирдлар таълимини олган янги усул мактабида олти йиллик таълимни олган Абдулвахоб Ўктой (Исҳоқ ўғли) ва Тоҳир Чигатой (Шоқирзода) ўрта маълумотни эгаллаш учун 1917 йилда Озарбойжонга боради. Ёзда қайтган Тоҳир Чигатой “Туркистон Миллий бирлиги”га аъзо бўлади. 1921 йил Тоҳир Чигатой, 1922 йилда эса Абдулвахоб Ўктой Озарбойжондан Туркистонга қайтиб олий таълим олиш учун Германияга йўл олади¹⁷⁹. Мунаввар қори бошлаб берган йўлдан етишиб чиқаётган авлодларнинг фаолиятини мана шу маълумотлардан ҳам хулоса қилиш мумкин. Лекин совет хокимиятининг ерли халқлар зиёлиларига муносабати салбий эди. Уларни ҳам жисмонан, ҳам маънан маҳв этиш учун таъқиб этди. Ва нихоят “Миллий иттиҳод” ташкилотининг фаолиятида айблаб дастлаб Мунаввар қори ва у билан бирга 37 киши ҳибсга олинди. Кейинчалик ташкилотга алоқадор яна 41 киши қамокқа олинди, жами 87 киши “Миллий иттиҳод” ташкилоти доирасида айбланди. Уларни “Халқ душмани”га айлантириш учун ОГПУ идораси турли йўллардан фойдаландилар.

Хужжатларда “студент” деб қайд қилинган 19 ёшлик Мадҳиддин Солиҳович Муҳаммедовнинг ана шу иш юзасидан берган гувоҳлик Мунаввар қори, унинг сафдошлари ва шогирдларини айбдорга айлантиришдаги Ички Ишлар Халқ Комиссарлигининг бир йўли эди.

Мадҳиддин Муҳаммедов берган гувоҳлик хужжатига кўра: “Мунаввар қори, Мурод Хўжа Домулла, Шорасул Зуннун ва Эсон Афанди бошчилигидаги кишилар эски нуқтаи назарда турардилар. Эшон Хўжа Хоний, Ҳасан Қори, Салимхон, Мир Гейди ва Ваҳоб Муродий бошчилигидаги бошқалари эса ўз ғоя-мақсадларини

¹⁷⁸ Тоҳир Қаҳҳор Хур Туркистон учун. –Т. 1992. –Б.20.

¹⁷⁹ Ryosuke Ono. Muhacerattaki bir o'zbek Turku'nun mektuplarina gore Turk dunyasi – Abdulvahap Oktay ve mektuplari. Ankara Universitesi Dil ve Tarih-Coğrafya Fakultesi Dergisi. 53, 2 (2013) - Б.565

совет ҳукуматидан фойдаланиб амалга ошириш йўлига ўтдилар”¹⁸⁰
– дейилади.

У Эшон Хўжа Хонийни шахсига тўхталиб, собик жадид, Туркистонда жадидлик ҳаракатида фаол иштирок этган, мафкура жихатидан ёт унсур. Совет ҳокимиятининг пахтачилик соҳасини кенгайтириш кампаниясидан ва буғдой етишмовчилиги каби тадбирларидан норози бўлган. У менга дердики, Ўзбекистонда ун тақчиллиги каттик сезилиб турган бир маҳалда Масков деҳқонларни пахта экишга мажбур қиляпти, боз устига, Масковнинг ўзи ваъдасига хилоф равишда Ўрта Осиёга буғдой етказиб бермаяпти, натижада деҳқонларни ун билан таъминашда мана шунақа қийинчиликлар юзага келмоқда. Бир сўз билан айтганда, пахтачилик тармоғини кенгайтириш аҳолининг бошига битган бало, бундан фақат деҳқонлар зарар кўрадилар. Бундан ташқари, биз Масковни пахта билан таъминляяпмиз-у, ўзимиз етарли миқдорда саноат молларини, жумладан, мануфактура олмаяпмиз...

У жадид мактабларида сабоқ берарди, инқилобдан кейин 1926 йилгача совет мактабларида ўқитувчилик қилди, мактабларнинг мудирини бўлиб ишлади. Эшон Хўжа Хоний мудирлик қилган “Ҳаёт” номли мактаб ўқувчиларининг менга айтишларича, у ўқувчиларга миллий ғояларини ўқитган, мактаб жамоат ташкилотлари ва комсомол ишларига тўсқинлик қилган. “Ўқувчилар мактабда фақат ўқиш билан банд бўлсинлар, ҳар хил жамоат ишлари, таълим-тарбия ишларига ҳалақит беради”, дерди.

Ҳасан кори Хоний ҳақида маълумот бериб, уни мафкура жихатдан Эшон Хўжа Хонга яқин. Узоқ йиллар жадидларнинг китоб дўконига мудирлик қилган. 1926-1927 йиллари ўзбек давлат нашриётининг дўқонида ишлаган. Ўздавнашрда ишлаган чоғи ўрислар билан чиқишмаган ва шунинг учун ҳам уни ишдан ҳайдашган.

Наримонов техникумида ўқиган Ғулум Қодир Ҳикмат ва Ғулум Қодир Каримий Мунаввар кори ва Шорасул Зуннуннинг таъсирида бўлган. Ғулум Қодир Ҳикмат адабиётга қизиқади, ўзининг асарлари ҳам бор. Бир куни бир расм чизган, унда думли куёш бўлиб, у илонга ўхшаб бўғаетгани тасвирланган. Ўзининг тушунтиришича, куёш – Октябрь инқилоби, илон бошли дум эса –

¹⁸⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Қатағон қурбонлари хотираси” давлат музейи жорий архиви

руслар. Расмда: “Миллат, эҳ, менинг миллатим”, деган ёзув битилган. Бу ҳодиса муҳокама қилинганда, у ўз ўқитувчилари Мунаввар Қори билан Шорасулнинг таъсирида бўлгани учун шунақа расмлар чизганини айтган.

Гулом Қодир Каримий ҳақида маълумот бериб, у Шариф Носир Хўжаевнинг (Каримийнинг курсдоши) альбомига икки дарахтнинг расмини чизган. Биттаси катта, иккинчиси кичик. Каттаси кичигидан қуёш нурларини тўсиб турибди. Ўзининг тушунтиришича, катта дарахт – руслар, кичиги эса – ўзбеклар. Бу фикрларни миллатчилк сифатида баҳолаб кўрсатма берган гувоҳ 1929 йил 15 ноябрдаги ёзилган ҳужжатда^{181*}.

Мунаввар қори Абдурашидхонов миллат тараққиёти йўлида ношир ва маорифчи, серкирра олим, адабиётшунос шоир, узоқни кўра олган сиёсатчи, миллатпарвар сиймо сифатида ўз миллати учун кўплаб ишларни амалга оширди. У аслида миллатчи ҳам, исломпараст ҳам, туркпараст ҳам эмасди. Ўз халқининг озод миллат сифатида шаклланишини, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан баркамол бўлиши истагида ҳаракат қилди. Шунинг учун ҳам хайрли амаллари билан замондошлари эътиборини қозона олди ҳамда миллатпарварлик фаолияти сабаб ҳукмрон синф учун хавфли шахсга айланди. Шўро ҳукумати унинг бу эзгу истагига тузоқ ташлаб, мана шунинг учун ҳам қурбон қилишди.

¹⁸¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Қатағон қурбонлари хотираси” давлат музейи жорий архиви

* Мунаввар қори ва “Миллий истиқлол” ташкилоти аъзолари устидан амалга оширилган Мадҳиддин Муҳаммедовнинг чақув ишини Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон муаллифлигида 1993 йилда матбуотда “Бир сотқин ва унинг чақувларида жўмардларнинг тарифлари” номи билан эълон қилинган. Мақола худди шу ном остида <http://kh-davron.uz/kutubxonasi/uzbek/tarix/munavvar-qori-ustidan-chaquv-yozgan-sotqin.html> сайтида ҳам мавжуд.

МУНДАРИЖА

<i>Наим Каримов.</i> Мунаввар қори Абдурашидхонов миллий мустақиллик учун кураш йўлбошчиси сифатида.....	3
<i>Бахтиёр Ҳасанов.</i> Мунаввар қорининг сиёсий фаолиятига доир... 15	15
<i>Дилором Алимова.</i> “Чин экан айтган сўзи” – Мунаввар қорининг тарихий башорати.....	24
<i>Саидакбар Агзамходжаев.</i> Мунаввар қорининг ёшлиги ўтган маҳалла.....	29
<i>Нурбой Жабборов.</i> Мунаввар қори ва миллий маърифат.....	35
<i>Сирожиддин Аҳмад.</i> Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг Ўрта Осиё маданиятидаги тутган ўрни ва роли.....	44
<i>Нодира Мустафаева.</i> Туркистон жамиятининг маданий.....	52
<i>Сотимжон Холбоев.</i> Миллат фидойиси ва раҳнамози тараққиётида Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг тутган ўрни.....	62
<i>Абдуҳамид Холмуродов.</i> Миллатнинг буюк фидойиси.....	75
<i>Баҳром Ирзаев.</i> Мунаввар қори Абдурашидхонов ва унинг педагогик мактаби тарихидан.....	83
<i>Бахтиёр Эгамов.</i> Мунавварқори Абдурашидхонов – замонавий география дарсликлари муаллифи ва моҳир педагог.....	110
<i>Дилноза Жамолова.</i> Мунаввар қори Абдурашидхонов: вақф мулклари ҳақида.....	122
<i>И.Қулдҷонов, Д.Саибов.</i> Нурли инсоннинг порлоқ хотираси мангу қалбимизда яшайди.....	131
<i>Насиба Турсунова.</i> Миллий мактаб асосчиси.....	136
<i>А.Йўлдошев, Э.Раджапов.</i> Мунаввар қори Абдурашидхонов фаолиятининг ўрганилиши.....	141
<i>Абдували Йўлдошев.</i> Мунаввар қори Абдурашидхонов замондошлари нигоҳида.....	148

«MUMTOZ SOʻZ»
масъулияти чекланган жамиятининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Манзил: Тошкент. Навоий кўчаси, 69.
Тел.: 241-81-20

Илмий-бадиий нашр

**МУНАВВАР ҚОРИ АБДУРАШИДХОНОВ ТУРКИСТОН
ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАРИНИНГ САРДОРИ**

*“Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг илмий-педагогик мероси
ҳамда Ўзбекистонда таълим тизимини янгилаш ва
ривожлантириш муаммолари” мавзuidaги Республика илмий-
амалий анжумани материаллари,
2018 йил 26 апрель*

Нашриёт муҳаррири: Маҳкам Махмудов
Мусаҳҳих: Хилола Болтабоева
Техник муҳаррир: Бехзод Болтабоев

«MUMTOZ SO‘Z»
масъулияти чекланган жамияти
нашриёти

Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел.: (998 71) 241-60-33 E-mail: mumtoz_soz@mail.ru

Нашриёт лицензияси АІ № 103. 15.07.2008
Босишга рухсат этилди 09.10.2018
Қоғоз бичими 60x84 1/16. Офсет қоғози
Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт табоғи 8,0
Шартли босма табоғи 8,75. Адади 50
Баҳоси келишилган нарҳда